

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИД
Наим КАРИМОВ
Абдуқодир ТОШҚУЛОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Шўҳрат РИЗАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Баҳодир КАРИМОВ
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Олимжон ДАВЛАТОВ
Мухиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Журнал

«1997 йил июндан»
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Аҳмаджон
МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Мухиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Баданға келмади... (Д.Юсупова шарҳи, инглиз тилига Қ.Маъмуров тарж.).	3
---	---

ЭССЕ

А.ВОЗНЕСЕНСКИЙ. Хандақ. (Рус тилидан С.САЙИДИД тарж.)	8
А.КЎЧИМОВ. Орол – одам.	160

НАСР

Исажон СУЛТОН. Алишер Навоий. Роман.	27
А.ДЮМА. Жаллод чангалидаги ошиқлар. Роман. (Рус тилидан Р.Умматов тарж.).	109

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

М.Ж.РУМИЙ. “Маънавий маснавий” дан ҳикоятлар. (Форс тилидан О.Икром тарж.).	90
---	----

АСР ҲИКОЯЛАРИ

Х.Л.БОРХЕС. Боқий одам. Ҳикоя. (Рус тилидан М.Маҳмудов тарж.).	153
--	-----

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

О.ОЛТИНБЕК. Рауф Парфи ва жаҳон адабиёти.	194
---	-----

ЖАҲОН КУЛАДИ

А.НЕСИН. Ҳажвий ҳикоялар. (Рус тилидан Ҳ.Сиддиқ тарж.).	200
Муқоламизда.	204
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.	206





Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

БАДАНГА КЕЛМАДИ...

*Баданга келмади то азми кўюнг айлади руҳ
Ки, руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.*

*Ҳаётбахш эса ул ҳур аксидин бода,
Маҳалли ҳайрат эмас, ҳур аксидиндур руҳ.*

*Қизарди лолаву саргарди субҳ хижлатдин,
Бу лолаларки, узорингда очти жсоми сабуҳ.*

*Вафога ваъда қилиптур деб ўтма, эй қосид,
Худой учун манга кайфиятин дегил маируҳ.*

*Ҳаёт ёр висолидур, эй кўнгул, йўқ эса,
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Руҳ.*

*Буюрма тавба яна, носихоки, мугбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида насуҳ.*

*Фигонки, тийра кўнгул кунжсида ниҳон розим
Пиёла шаъшаъсидин эл ичра топти вузӯҳ.*

*Басо кишики, иши масҷид ичра банд ўлди,
Чу очти дайри фано эшигин етишти футуҳ.*

*Навоиё, недин ул ғамза тийг тортибдур,
Гар истамаски, кўнгул сайдин айлағай мазбуҳ.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 102-ғазал)

ЛУҒАТ:

Азм – қарор қилиш, киришиш
Мажруҳ – жароҳатланган

Ғамза – ноз, карашма; бу ўринда ишора
Бода – шароб
Хижлат – хижолат
Сабуҳ – тонг вақти
Узор – юз
Қосид – интилувчи, қасд қилувчи
Машруҳ – шарҳланган, маълум
Носих – насихат қилувчи
Тавбаи насуҳ – қатъий, чин дилдан қилинган тавба
Муғбача – май ташувчи, оташпараст бола
Тийра – қора, қоронғи
Кунж – бурчак
Шаъшаъа – шуъла, нур, порлаш
Вузуҳ – ошкор, очиқлик, изох
Футуҳ – очилиш, кушойиш
Мазбуҳ – бўғизланган, сўйилган, қурбон қилинган

Байтларнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. То сен хоҳламагунингча инсон танасига руҳ келмади. Руҳни Сенинг бир ишоранг мажруҳ қилди.
2. Бода (шароб) ул ҳурнинг аксидан ҳаёт бахш этадиган даражада бўлса, бу ҳайратланарли эмас, чунки аслида руҳ ул ҳурнинг аксидир.
3. Хижолатдан лола қизарди, субҳ – тонг сарғайди, бу шундай лолаларки, Сенинг узоринг – жамолингдан тонг – сабуҳ жомини очди.
4. Сен ёрни вафо қилишга ваъда қилган демагин, эй талабгор инсон! Худо учун, ҳеч бўлмаса, кайфияти менга маълум – шарҳланган (машруҳ) дегин.
5. Ҳаёт ёрнинг висолдир, эй кўнгил, агар шундай бўлмаса, Сен фироқда бўлсанг ҳам, Руҳ бўлдинг.
6. Мени яна тавба қилишга буюрма, эй насихатгўй, муғбачаларнинг – май ташувчи болаларнинг чиройи мени тавба қилишдан тавба қилдирди.
7. Фиғон бўлсинки, қоронғу кўнглимнинг бир четида яширин бўлган розим – сирим, изҳорим пиёланнинг шуъласидан эл ичида овоза бўлиб кетди.
8. Масжид ичида банд бўлиб, ибодат қилиб ўтирган киши футуҳ – очиш ҳикмати етишгандан сўнггина дайри фано – бутхона эшигини очди.
9. Навоий, агар ёр кўнгил овини бўғизламокчи эмас экан, у ҳолда нима учун ғамза – ноз-карашма тигини тортди?

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Ушбу ғазал ҳамд мавзусида бўлиб, унга Ҳижр сурасининг 28–29-оятлари асос қилиб олинган: “Сен Роббингнинг фаришталарга: “Албатта, мен куруқ лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан башар яратувчидирман.

Бас, қачонки, уни тўғрилаб бўлганимда ва ичига Ўз руҳимдан пуфлаганимда (таъкид бизники) унга сажда қилган ҳолда йиқилингиз”, деганини эсла”.

*Баданга келмади то азми кўюнг айлади руҳ
Ки, руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.*

Алишер Навоий ғазалнинг биринчи мисрасида Аллоҳга мурожаат этиб, “Сенинг хоҳишинг бўлмаса, инсонга жон – руҳ ато этилмасди” дер экан, иккинчи мисрада инсонга Аллоҳ Ўз руҳидан пуфлаган, демак, у ўз Роббисига етишиш йўлида кўп риёзат чекиши, ошиқлик шартларини бажариши лозимлигини таъкидлаяпти.

*Ҳаётбахш эса ул ҳур аксидин бода,
Маҳалли ҳайрат эмас, ҳур аксидиндур руҳ.*

Тасаввуф таълимотига кўра, бода, яъни майда Аллоҳнинг жамоли жилва қилади, бу майни ичган инсон соликка – Ҳақ йўлидаги ошиққа айланади. Ошиқнинг кўнгли Аллоҳнинг назари тушганда тирилади (уйғонади). Иккинчи мисрада бунинг ҳайратланидиган жойи йўқлиги айтиляпти, чунки аслида инсон руҳи Ҳур аксидир – унга Аллоҳ Ўз руҳидан пуфлаган. Бунда Навоий сўз ўйини воситасида “руҳ” сўзи ёзилишда “хур”нинг тескарисини эканлигига ҳам ишора қияпти.

*Қизарди лолаву сарғарди субҳ хижлатдин,
Бу лолаларки, узорингда очти жоми сабуҳ.*

Шоир бу ўринда “лола” дея қон бўлган кўнгилни, “сарғарган субҳ” дея ошиқнинг чеҳрасини назарда тутди. Иккинчи мисрадаги “қизарган лолалар”нинг ёр жамолидан тонг жомига айланиши – нурафшон бўлиши мазкур фикрни тасдиқлайди. Чунки ошиқ кўнгли Ҳақ нури тушгач, ёришади, юзи эса айрилиқ ғамидан сарғаяди.

*Вафога ваъда қилиптур деб ўтма, эй қосид,
Худой учун манга кайфиятин дегил маируҳ.*

Тасаввуфда ориф маърифатга эришган инсон ҳисобланиб, у Ҳақни англаб бораётган киёфада намоён бўлади. Навоий бу ўринда шу ҳолатга ишора қияпти: солиқ ошиқ экан, демак, Ҳақ – маъшукдир. Ошиқ тарафдан фақат вафо шарт, маъшукда ҳеч қандай мажбурият, тобелик йўқ. Байтда ёр васлини мақсад қилган қосидга ушбу вазиятнинг “маъшук менга вафо ваъда қилган, демагин, балки унинг кайфияти – маъшукнинг ҳеч нарсасига тобе эмаслиги менга шарҳланган, дегин” тарзида уқтирилиши ҳақиқий ошиқ ўзлигидан мутлақо воз кечиши лозимлигини англатади.

*Ҳаёт ёр висолидур, эй кўнгул, йўқ эса,
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Руҳ.*

Шоир мазкур байтда ҳаётни ёр висоли, дея таърифлаяпти. Бу бир қарашда мантиққа тўғри келмайдигандек туюлади, яъни тасаввуфда Ҳаққа етишиш учун инсон бир умр интилиши, ўзини поклаши керак, тириклик-

да Ҳақ васлига етишиш мумкин эмас. Бу ўринда Навоӣ ўз фикрини яна “Аллоҳ Ўз руҳидан инсоннинг ичига пуфлагани” билан боғлиқ равишда исботлайди, яъни инсон фироқда – айрилиқда бўлса-да, унда Аллоҳнинг зарраси мавжуд (“вахдатул вужуд” – борлиқнинг ягоналиги ҳақидаги таълимот), демак, инсон мавжуд экан, у Ёрни ҳис эта олиши мумкин, фақат бунинг учун қалбни, ботинни поклаши керак, демак, ҳақиқий ишққа эришиши зарур.

*Буюрма тавба яна, носихоки, муғбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида насух.*

Ҳақ ишқида маст бўлган ошиқнинг аҳволини насихатгўй – носих англамайди: у зоҳирга қараб хулоса чиқариш билан банд. Шунинг учун у ошиқдан тавба қилишини талаб қилади. Лекин ошиқни муғбачалар ҳаёли шундай банд айлаганки, у қайта тавба қилмаслик учун тавба қилган. Му-сулмон Шарқи мумтоз адабиётидаги рамзий тимсол ҳисобланган муғбача Ҳақ ишқидан сабоқ берувчи, покланиш йўлини ўргатувчи муршид ҳамда ишқда юқори мақомга етган солиқ маъносида қўлланади. Демак, шоир бу ўринда ўз устозидан ёки камолот соҳибларидан ишқ сабоғини олганлигини айтиб, риёкорона тавбадан воз кечганлигини ифодаламакда.

*Фигонки, тийра кўнгул кунжида ниҳон розим
Пиёла шаъшаъсидин эл ичра топти вузух.*

Қоронғу кўнгилнинг бир бурчагида Ҳаққа бўлган ишқ изҳори пинҳон эди, бу сирни ошкор қилиш мумкин эмас, чунки ошиқ ўз ишқини изҳор қилиб, кўз-кўз қилса, бу ҳақиқий ишқ ҳисобланмайди. Афсуски, бу ишқ бутун элга ошқору овоза бўлди. Чунки пиёла шуъласини пинҳон тутиш мумкин бўлмади. Пиёла деганда шоир Ҳақ ишқи жилва қилган кўнгилни назарда тутди. Демак, Ҳақ ишқи порлаган қалбнинг нури унинг ишқини элга маълум қилиб қўйди, бундан ўз муҳаббатини пинҳон бўлишини ис-таган ошиқ изтироб чекади.

*Басо кишики, иши масжид ичра банд ўлди,
Чу очти дайри фано эшигин етишти футух.*

Масжидда тоату ибодатда банд бўлган инсон дайр эшигини футухга эришгандагина очади, чунки дайр (бутхона) деганда шоир Ҳаққа ошиқ бўлганлар тарбия этиладиган масканни назарда тутди. Масжидда ҳиссиз ибодат билан банд бўлгандан кўра Ҳақни ҳис этиб, Унга юзланиб итоатда бўлиш фақат Аллоҳдан футух келгандагина юз бериши таъкидланаяпти.

*Навоӣё, недин ул ғамза тийғ тортибдур,
Гар истамаски, кўнгул сайдин айлагай мазбуҳ.*

Ёр деганда Ҳақ назарда тутилар экан, “ёرنинг ғамзаси” Аллоҳнинг борлиқда акс этган қудрати ва нурини ифодалайди. Навоӣ мақтаъда Ёрнинг ғамзаси тиг тортиб, кўнгилни қурбон қилиши сабабини таҳлил

қилишга ҳаракат қилади. Бу ўринда тасаввуфдаги “ўзликдан кечиб, Ўзликка етишиш”, яъни ўзни маҳв қилиб Ҳақ билан бирлашиш ғояси акс этмоқда. Чунки ошиқ ўз хоҳишларидан, нафсидан, ўзлигидан, кибридан воз кечмагунча, Ҳаққа чинакам ошиқ бўла олмайди, шунинг учун “Ёр ғамза тиғини тортиб, кўнгилни қурбон қилади”, натижада ошиқ фақат маъшукнинг ёди ва Унинг сифатлари билан яшай бошлайди. Масаланинг савол шаклида берилиши бежиз бўлмай, бу мумтоз адабиётда тажохули ориф санъати ҳисобланади, унинг моҳиятида маълум воқеликни сўроққа олиш воситасида тасвир ва ифодадаги бадий таъсирчанликка эришилади. Бундай бадий таъсирчанликни бутун ғазал давомида ҳис қилишимиз мумкин.

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

...IN BODY WOULDN'T BE SPIRIT

*Unless you wanted, in body wouldn't be spirit,
Your hint once done caused injury to the spirit.*

*Due to Angel's reflection, the wine endows life,
It is not surprise as the angel's reflection is spirit.*

*From shame the tulips turned red, the dawn - yellow,
That tulip opened on your face is dawn's goblet spirit.*

*Don't say he kept his word, hey loyal lover,
For God sake, say I was noticed of her spirit.*

*Life is beloved's tryst, hey soul, otherwise,
Though you're in separation, you are a spirit.*

*Don't order me to sorry, hey adviser, the beauty
Of wine-pourers had me sorry for sorry, spirit.*

*Alas, in my soul's dark corner there's my hidden secret,
From cup's ray it became known among people, spirit.*

*A man, who has finished ritual prayers in a masque,
Opened the idol-house gate as ordered by the spirit.*

*Hey Navoi, see no hint to hit the dagger at a hunting soul,
Then why did the beloved throw the charm's razor, spirit!*

Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ

(1933–2010)

*Рус тилидан
Сирожиддин САЙИД
таржимаси*

ХАНДАҚ*Маънавий суд жараёни*

СЎНГСЎЗ

1986 йилнинг 7 апрель куни биз ёру биродарларимиз билан уч-тўрт киши бўлиб Симферополь шаҳридан чиқиб Феодосия шоссеси бўйлаб кетмокда эдик. Таксидаги соат эрталабки ўнни кўрсатар, хайдовчи Василий Фёдорович Лесних, олтмиш ёшлар атрофидаги қизил юзли, бошидан кўп азоб-укубатларни кечирганиданми, мовий кўзлари хира тортган оғир-босиқ киши ўзининг мудҳиш қиссасини қайта-қайта сўйлаб борарди. Худди шу ерда, шаҳар остонасида, 10-чакиримда уруш пайти 12 минг киши отиб ўлдирилган эди.

“Биз болалар, мен ўшанда ўн ёшда эдим, томоша қилишга югуриб боргандик. Уларни усти ёпиқ машиналарда олиб келишди. Ҳаммаларини кип-яланғоч қилиб ечинтиришди. Шоссе ёнидан танкка қарши хандақ қазилган эди. Хуллас, ана шу хандақ ёқасида уларни пулемётда кириб ташлашди. Даҳшатли доду фарёд, нола-ю фиғон кўкни тутган, само ҳам инграётгандек эди. Декабрь ойи. Ҳаммаси калишини ечган, неча минглаб калишлар қалашиб ётарди. Шосседан ўтаётган аравалардаги кайфи тароқ фашистларда уят бормиди дейсиз! Улар бизни илғаб қаторасига ўқ узишди. Дарвоқе ёдимдан кўтарилибди – кичкина стол бўларди, шу ерда маҳбусларнинг паспортларини олишди. Бутун саҳро паспортларга тўлиб кетганди. Кўпларини чалажон кўмиб юборишди. Тупроқ гўё хансирарди. Кейин биз саҳрода этикмойи кутичасини топиб олдик. Оғирдек туюлди, очиб кўрсак, ичида олтин занжир билан бир жуфт танга бор экан. Демак, бир оиланинг бор жамғармаси. Одамлар энг қимматбаҳо нарсаларини ўзлари билан ола келишган. Кейин эшитишимча, кимлардир бу мазоротни очиб, олтин “қазиб” олибди. Ўтган йили уларни суд қилишди. Бу ёғи энди ўзингизга маълум!..”

Менга маълумгина бўлиб қолмай, бу ҳақда мен “Ҳирс” деган дoston ҳам ёзгандим. Иккинчи томондан сарлавҳа учун “Хандақ” сўзи ҳам тинч-

лик бермай келарди. Мен гувоҳларни сўраб-суриштирдим. Бор танишлар архив хужжатларини кўрсатишди. Достон ниҳоясига етган бўлса-да, барибир тинчлик бермасди. Қирғин рўй берган жой ҳеч кўз олдимдан кетмас, қайта-қайта боргим келарди. Ҳолбуки, саҳронинг ястаниб ётган алафзорларидан бошқа у ерда кўрадиган нима ҳам бор?

“Менинг қўшним бор, Валя Переходник деган. Шунча одамдан ёлғиз ўшагина кутулган бўлса ажабмас. Уни йўлда онаси амал-тақал қилиб машинадан тушириб қолдирган”.

Тушамиз. Василий Фёдорович хаяжонланади.

Босқинчилар дастидан қурбон бўлганлар ҳақидаги ёзув битилган, қачонлардир сувалган, айна пайтда ҳаммаёғи дарз кетган, чўккан ғариб устун хотирадан кўра кўпроқ унутиш, лоқайдликни билдиради.

“Суратга тушамизми?” дея шеригимиз фотоаппаратини олди. Ёнимиздан шоссе бўйлаб “МАЗ” ва “Жигули”лар оқими ўтди. Буғдойзорнинг зумрад тўлқинлари уфққа бош уради. Чапда, тепаликнинг хилват гўшасида кўримсизгина қишлоқ қабристони жойлашган. Хандақ аллақачонлар текислаб ташланган, ўт-ўланлар кўкариб ётибди, бироқ шосседан бир ярим чақиримча ён томонга кетган хандақ тархини ҳозир ҳам илғаш мумкин эди. Гуллай бошлаган тоғолчанинг новдалари хижолат чеккандай оқариб турибди. У ер-бу ерда акас дарахтлари қорайиб кўринади.

Биз қуёш иссиғида лоҳасланиб, шоссе бўйлаб секин-аста юриб борардик.

Ва бирдан! Ие, бу нима?! Йўлда, ям-яшил дашт ўртасида янги қазилган ўра қорайиб кўринади: тупроқ намлигича турибди ҳали. Ана, шунга ўхшаш яна бир ўра. Теварак-атрофда қорайган суяклар, чириган кийимлар уюми. Дудлангандай қоп-қора каллалар. “Лаънатилар, яна қазишяпти экан!” – Василий Фёдорович бутунлай чўкиб қолди.

Буларни – кинохроникада эмас, гувоҳларнинг ҳикоялари ёки ваҳм тушда эмас – худди шу ерда, шундоқ ўз кўзимиз билан кўраётган эдик. Ҳаммаси яқиндагина қазилган. Ана, бош чаноғи. Яна, яна. Иккитаси кичкина, болаларники. Ана, яна бирови – катта одамники. Майдалаб ташланган. “Бу – ўшалар, қоплама олтин тишларни омбур билан суғуриб оладиган ўша лаънатиларнинг иши”.

Аёллар киядиган бужур этикча. Сочлар, сочлари билан калладан шилиниб қолган бош териси, ўрилган ҳолда сақланган қизалоқнинг сарғиш кокиллари, ё Худо, Худойим, Художоним, бу нима, булар нима ахир?! Кокилчалар шу қадар маҳкам ўрилган эдики, ўша мудҳиш саҳарда отишлардан олдин нимадандир умидвор-илҳақ бўлгани, кўз тиккани шубҳасиз эди!..

Лаънатилар! Йўқ, бу бадий тўқима эмас, ўйлаб топилган қаҳрамонлар ёки жиноий хрониканинг саҳифалари эмасди бу. Бизнинг катта йўл бўйида, одамларнинг бош чаноклари уюми қошида турганимиз рўй-рост ҳақиқат эди. Қадимги ваҳшийлар эмас, йўқ, ҳозирги замонда яшаётган кимсалар қилишган бу ишни. Даҳшат, нақадар даҳшат!

Лаънатилар шу ўтган тунда кавлашган. Ерда филтрли синиқ сигарет ётибди. Ҳатто нам тортиб улгурмаган ҳам. Унинг ёнида автомат ўқининг кўкаринқираган мис гильзаси. “Немисларники”, дейди Василий Фёдорович.

Кимдир уни қўлига олади, бироқ юқумли касаллик хавфини ўйлабми – дарров қайтиб ташлайди.

Каллалар уюми – оламнинг бу мунгли жумбоқлари узоқ вақт ер қаърида ётганидан дудланган йирик кўзикоринлардек тўқ малла тусга кирган эди.

Маҳорат билан қазилган шахта-ўраларнинг чуқурлиги – икки одам бўйича келади, бировининг тубида ичкарига қараб лаҳим-йўлак кетган. Иккинчисида – тупроққа кўмиб яшириб қўйилган сопи калта белкурак – демак, бугун қазिशмани давом эттириш учун яна келишади!

Даҳшату ваҳшат ила, гўё булар ҳаммаси кўрқинчли тушда бўлаётгандек, ишонмай бир-биримизга қараймиз.

Катта серҳаракат йўл ёқасида одамзод суяк-скелетларини кавлаб ўтириш, фаралар ёруғида каллани майдалаб, олтин қопламаларни омбурлар билан суғуриб олиш учун одам боласи нақадар пасткаш, маънавий жихатдан нақадар тубан ва бузук бўлиши керак. Айниқса, ҳеч кимдан яширинмай, изларини ҳам йўқотмасдан очиқ-ойдин қолдирганлари, бу ишни ҳеч нарсадан тап тортмай намойишкорона қилганлари ажаблантиради кишини. Шосседан машиналарида бамайлихотир ўтаётган одамлар бўлса эҳтимол кулгига олишгандир: “Яна кимдир у ерда тилло қазияптими?..” Ҳамма ақлдан озганми, нима бало?!

Ёнгинамизда ерга қоқилган қозикқа сукиб қўйилган тунука лавҳада эса ёзув: “Қазиш мумкин эмас, кабель ўтган”. Одамларни қазиса майли! Кабель одамлардан азиз бўлдимиз, нима? Бундан чиқдики, ҳатто суд жараёни ҳам бу лаънатиларга заррача таъсир ўтказмаган ва, қолаверса, кейинчалик менга айтиб беришларича, судда марҳумларнинг тақдири ҳақида эмас, фақат жиноятчилар хусусидагина гап борган. Эпидстанциячи, қаёққа қараяпти? Бу ўралардан ҳар қандай юқумли касаллик чиқиб тарқалиши, эпидемия ўлкага зиён етказиши мумкин-ку, ахир! Даштда болалар юрибди. Маънавий эпидемия – тубанлик ўлати тарқалса нима бўлади?

Қабрларни эмас, йўқ, бу ерда гап жирканч металлнинг арзимас мисқолларида ҳам эмас, руҳ ва маънавиятни, ўлганларнинг хотираси, ўзларининг, сизнинг маънавий бойликларингизни ўғирламоқда улар!

Милиция шоссе бўйлаб ҳамён илинжида ҳайдовчиларнинг ортидан қувгани-қувган, бу ёққа бўлса қиё ҳам боқмайди. Ҳеч бўлмаганда пост қўйишса бўлармиди. 12 минг марҳумга битта пост нима деган гап! Инсон хотираси муқаддас. Нега энди бу табаррук мазоротни юридик жихатдан ҳимоя қилиш билан бирга маънавий муҳофазасини ҳам ўйламаслик керак? Бир ишорат айланг, кўрасиз, энг яхши ҳайкалтарошлар муносиб ёдгорликни ўрнатишади. Токи бу муқаддаслик одамларга таъсир қилсин, ўйлатсин.

12 минг марҳум шунга муносиб. Биз, тўрт киши, ўзининг чақиримда турибмиз. Бу шармандалиқдан хижолат тортяпмиз, нима қилмоқ керак, дея тинимсиз савол беряпмиз. Балки дахлсиз кўкаламзор барпо қилиш лозимдир ёки мрамор кошнлар билан қоплаб атрофини чегаралаб қўйиш керакдир? Номлар ҳам ёдга олинса ёмон бўлмасди. Айнан нималигини билмаймиз, бироқ ҳаялламасдан зудлик билан нимадир қилиш керак.

Шундай қилиб мен қайта кўтарилган ўтган йилги 1586-иш билан яна тўқнаш келдим.

Қайга, қаёнга элтяпсан, хандақ?..

МУҚАДДИМА

*Минглаб каллаларга қараб айтаман:
Наҳот ақлимизни едик батамом?
Биз чўлда турибмиз жим.
Шосседа кетар Қрим.
Миямгача зирқиради ногаҳон менинг бошим.*

*Ёнимда дудланган қўзиқориндай
Бош чаногини турар эди – қорайган аъзо.
Калла эмас гўё муштдай истеҳзо.
Мен англадим
Аллақандай махфий бирликни –
Бу гаройиб ҳолатни биз шунда билдикми –
Бош чаногин апарати билан биз аро
Симсиз телефонлар сингари
Қандайдир сўзлашув кетарди гўё.
– ...Марья Львовна, алло!
– Она, бу қандай бало?..
– Яна бўрон, космик мавжлар айлар галаён..
– Александр, тинчидингми? – Фёдор Кузмич,
ёмон..
– Бу қандайин жараён?..
Каллалар. Каллалар.
Амир Темур, жаҳонгир мақбараси.
Очмангиз қабрларни!
Янги жаҳон уруши бошланмасин ногаҳон.
Чопманг белкурак билан
маънавий томирларни!
Бир офат тарқалгайки ўлатдан ҳам у ёмон.
Симферополь воқеаси ҳали тугагани йўқ.
Замонларнинг кўприги бўлиндими бедарак?
Дўхтирларни чақиринг!
Мен “ҳирс” деб атаганим маънавий тубанликни
қандай қилиб олдини олмоқ керак?!*

*Қандайин шоирсан сен, эл дардини билмасанг?
Анграйиб қолдинг нечун, топсанг-чи бирор тадбир?
Ўн икки минг жуфт кўзнинг шундоқ рўпарасида
Чорасини топ ахир, сафсата сотма ахир!*

Старшина, фалокат!
Сен қарагин, мамлакат –
Окоплардан ўғлин таниб онаси чақирадир.
Атроф-муҳит тўзонида бугун яшамоқ даҳшат,
Маънавий нопок муҳит ундан даҳшатлироқдир.

Мен қаерда бўлмайин,
неки ўқимайин мен –
Симферополь хандагига элтгайдир доим йўлим.
Қорайиб бошчаноқлари ўтаверар, ўтаверар,
Ёруғ ақлу идрокларнинг қаро қисмати бўлиб.

Ва мен шеърлар айтганимда заллар, стадионларда,
Бундан кейин сезиб ўтгай энди ҳар гал нигоҳим:
Қароғларин менга қадаб умидвор, тўрт томондан
ўн икки минг жуфт кўз қараб мўлтираб турар доим.

ХАНДАҚ

Мени судрама тақдир,
ўшал хандаққа ахир.
Саҳро. Ўн икки минг жуфт нигоҳ.
Арзанда неваралар
қўлида белкураклар.

Қанча тонглар шом бўлган,
Бунда қатли ом бўлган.
Мудҳиш қиргин шу ерда
Олтину кумуш кўмган.

– Қазишга йўл қўймангиз!
– Бизлар ҳам одам эдик.
– Бриллиантни сенга асраб келдим. Ма, олгин!
– Отахон, шарқиллатма
суякларингни, секин.
Атаганинг бергину яна жойингга ётгин.

Одамларга биринчи бўлиб қувонч бахш этмоқ
создир, яхшидир доим.
Бош чаноғи очилган бу қабрларни биринчи
бўлиб кўрмоқни сизга
кўрсатмасин Худойим!
Валя! Бу сенинг онанг эди, сенинг илинжсинг.

Бу – ҳақиқат, бу – ҳақиқат,
Ҳақиқат бу, ҳақиқат,
олтину сўнгакларнинг губоридир бу фақат.

*Қоқсуякдан ечиб олди билагузукни, махлуқ,
иккинчиси машинада уни шоширди, муртад.*

*Бу – ястанган чўлу саҳр –
Олисликлар қаърида
олислик бўлгай гумдон.
Бош чаноғи. Қоронғу тун. Ва – гуллаётган бодом.
Устомон бу газанда
марҳумларни қазганда
белкуракни хотиржам
босгандайин сўнг беғам
босди машинасин ҳам.
Белкуракнинг товуши янгради мисоли бонг.
Ўз калласин чопдими ёки кимдир ноаён.
Танимади ўз калласин бироқ бу нодон.*

*Темиркосовдай ориқ
Гамлет каллаларни тупроқдан олиб
Олтин қопламаларни суғуради, тинмайди,
Қуртдан фарқ қилар одам.
Қуртлар олтин емайди.
На хотира, на ҳасрат,
Қайга элтасан, хандақ?
Бу – руҳлар қабристонни, увол жонлар уйими?
Сахро бўйлаб ёприлар паспортларнинг қуюни.
Ҳеч ким гул келтирмади бироқ бунга қуюниб.*

АФСОНА

*“Қўрқинчли тарвақай тошойна каби
Азроил келади жонни олгани”.
Мен унинг вужуди – юзи, танини
ададсиз кўзлардан тузилганини
эски китобларда ўқиган эдим.
Мана энди – ойналар
жумбоғи узра хаёл
суриб файласуф
бу ҳолга очмоқда фол.
Агар адашган бўлса
(Азроил қайтиб кетар
жонингиз олмай) – Сизга
бошқа бир жон баҳиш этар.
Ҳайрон бўлганга қайта
бир жуфт кўз қилар ҳадя.
Достоевский шундай
руҳ эди деб айтишар.*

*Сен тириксан, юрибсан,
Валентин, Валентин!
Волиданг фариштаси сақлаб қолди ҳаётинг.
Шунинг-чун қабрларда қаро тупроққа тўлган
ўн икки минг жуфт кўзнинг нури, зиёси бугун
кўзингга кўчмиш бутун.*

*Сен кезасан заминда бошқа бир кўз гамингда.
Бошқа бир кўз, бошқа бир кўз, ў, қандай оғир!
Кўксингда нишонларнинг жилоси эмас, озор –
Кўксингда қорачиқлар яралар янглиғ оғрир.
Кўйлакларинг – киприкзор!
Сен тунлар чинқирасан,
Сабаблар томирини кўрасан, тикиласан.
Тонг чоғи тошойнага қарайсан мотамсаро.
Бироқ, бошқа тошойна –
Азроил жонинг сўраб
келганида шом аро,
сен унга кўзларингни бермагайдурсан асло.*

*Бу афсонамас, билинг,
кўрдим – тош қотди тилим,
идроким ҳам лол қолди узилгандай сарришта.
Симферополь хандаги...
Мени бошлагай сассиз
Валя Переходник – хомуш фаришта.*

ЖИНОЙ ИШ

Қайга элтяпсан, хандақ?

Уларни 1941 йилнинг декабрида отиб ўлдиришди. Симферополь акцияси рейхнинг ўзи бевосита режалаштирган ва амалга оширган қирғинлардан бири эди. Қайга элтяпсан хандақ, қайга?

1586-сонли жиноий ишга элтяпсан.

“...ўнинчи чакиримдаги мозоротдан мунтазам равишда заргарлик буюмларини ўғирлашган. 1984 йилнинг 21 июнига ўтар кечаси, ахлоқ нормаларини оёқ ости қилиб, кўрсатиб ўтилган мозоротдан бир мисқоли 27 сўму 30 тийинга тўғри келадиган вазни 35,02 граммли чўнтак соатининг олтин қопқоғини, баҳоси 810 сўмга тўғри келадиган 30 граммли олтин билагузукни – ҳаммаси бўлиб 3325 сўму 68 тийинлик буюмларни ўмаришган. 13 июлда умумий баҳоси 21925 сўмлик олтин қопламалар ва тишлар, 314 сўму 14 тийинлик асл олтиндан тайёрланган бриллиант кўзли узук, 1360 сўмлик тўртта занжир, 609 сўму 65 тийинлик чет элда зарб қилинган олтин дукатлар, ҳар биттаси 400 сўмга баҳоланадиган 89 та подшойи тангаларни ўғирлашган... (2-жилд, жиноий ишнинг 65–70-саҳифалари).

Бу ишда кимлар бор эди? Фанлар академиясининг Москвадаги институти врач, “Межколхозстрой” хайдовчиси, ишчи, ёрдамчи ишчи, кинотеатр хизматчиси. Руслар, озарбайжонлар, украин, армани. Ёшлари ҳар хил – 28 дан тортиб 50 ёшгача. Суд саволларига олтин тишларини яркиратиб жавоб беришди. Иккитасининг оғзи тўла “асл олтин” – ловуллаиди. Уларга берилган камоқ муддатлари унчалик катта эмас, аксинча, олтинларни пуллаганлар кўпроқ жабр кўришди. Улар кам деганда 68 минг сўмлик даромад олгани тасдиқланди. “Қазийётган пайтда ўзингизни қандай ҳис этдингиз?” дея бировидан сўрашганида, у пинагини ҳам бузмай шундай жавоб берди: “Сиз-чи, сиз ўқ тегиб шикаст топган олтин тишларни суғураётганда ёки ичида суяк қолдиқлари қолган болалар ботинкачасини чиқариб олаётганда ўзингизни қандай ҳис қилган бўлардингиз?” Лаънатилар, “шикаст топган” бу тишларни харид дўкони қабул қилиб олишига зўрға эришдилар.

МАРЬЯ ЯНОВНА

*Гагарин кўчасида яшар Марья Яновна,
Бизга овқат келтирар, яша, Марья Яновна!
Сунбуллар ўстирасан. Қизинг Даша ўн ёшда
эди уруш пайтида. Сўнг тугатди филфакни.
Шадрод эди. Юзида – ҳуснбузарлар. Кейин
дўхтир йигитни севиб, унга тегар. Уларнинг
тўнғичлари – Александр, кўркам, келишган йигит,
шоир бўлди. Яқинда ёзиб чиқди. “Литгазит”:
“Биз кутгандик. Ниҳоят тугилмиш янги Пушкин!
Тўғри, шеъри мураккаб. Бироқ унинг ижодий
кечасига кирмоқ ҳам шундай мураккаб, мушкул”.
Бошқа ўғилларининг ҳаёти ҳали мавҳум,
Кунлари унинг турфа нағмалар билан гавжум.
Анастасия – гўзал эвараси момонинг.
...Шип-шийдам дала бўйлаб елиб борар, қарагин,
Марья Яновнанинг бош чаноғи, ҳориган,
Ўн яшар Дашенканинг бош чаноғи – ортидан.*

ХИРС

АВВАЛГИ МУҚАДДИМА

*Сени чақираман, ибтидоий ҳирс!
Гарчи бу даврда дуч келмас Хирс.
Одам фарқ қилар молдан.
Ҳирсни яратмиш одам.
Одамга ҳакам эмас,
Малҳам керак, биродар.
Тунда ким увлар ёлғиз?*

Бу – ҳаромлар ҳароси, демак яна ўша ҳирс.
 Тўқликларга шўхликлар,
 Ўсаётган камомад.
 “Кулба” майхонасида
 Қийқирав маст жамоат.
 Баднафслик ўлат каби
 адо қилар дўстларни.

Менга юқтирма қаро қонинг,
 тутмагил шприц –
 севги-ла олишгувчи чиркин эҳтирос –
 эй, ҳирс!..

– Бу – ҳирс, бу ҳирс, азалдан
 мавжуд ҳирс эрур бу ҳирс.
 Одамзод аъзосига сафродай зарур бу ҳирс,
 каллалардан қасрлар қурган ҳам мен бўламан,
 Канберра ва Керчларни қурган ҳам мен бўламан.
 Кўзғолсам борми, у пайт
 дунёни босгай зулмат,
 Адабиёт мулкида ҳам бошланар тун-сукунат.

Мендан зўр бормикин ҳеч?
 Ожиз компьютер, қилич.
 Мени нима билан ҳам йўқота олардинг, айт?
 – Фақат Сўз, фақат Сўз, сендан зўрроқ Сўз фақат,
 оддий ғариб сўз сабаб йўқолгайдир қабоҳат.

– Фақат Ҳирс. Фақат ҳирс,
 фақат беҳад бедард ҳирс.
 Фақат “Ҳи”, фақат “р!..”, фақат “с”.

– Фақат Сўз, фақат Сўз, фақат энг азалий Сўз.
 Дарё сингари равон оқиб тозалайди Сўз.

Жиноятга “қўл уриш ёки урмаслик” масаласи бу аблахлар учун йўқ эди. Бу қилмишларини Гелла ва Бегемотнинг¹ шунчаки эрмак ва ё ҳавойи шўхликларидан деб ҳам бўлмади. Ҳаммаси пухта-пишиқ ўйлаб амалга оширилган. Тўғри, бу ишни енгил-елпи деб бўлмасди, чунки хандакда ётган марҳумларнинг аксарияти камбағаллар эканлиги сабабли олтин қопламаларни кавлаб, титкилаб қийинчилик билан топишга тўғри келди. Олтиннинг сифати паст экан деб сўқинишди ҳам. Жасадлар уюмининг айқаш-уйқаш бетартиб кўмиб ташланганидан ишлаш қийин кечаётганини ҳам тоза вайсашди. Бирови ўрада ишлади, икки киши те-

¹ М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романи қаҳрамонлари.

пада у узатиб турган каллаларни мажақлаб, омбурларда олтин тишлар, қопламаларни суғуриб олиш билан машғул бўлди. Олтинларни “тупрок ва жағ қолдиқларидан тозалаб” Симферополдаги “Коралл” ҳамда Севастополдаги “Янтарь” харид дўконларига элтишди. “Қопламалар ва тишлар узоқ вақт тупрокда ётган экан-да”, дея пичинг қилган нархловчи Гайда билан ҳам дилгирларча савдолашишга тўғри келди. Маразлар, бирор мараз касаллик юқишидан хавфсираб резина қўлқопларда ишлашни эса унутишмади.

Бу жамоа аҳил якдил оила эди, уни янада мустаҳкамлашди. “Тувоҳ Нюхалова эрининг ҳар замон-ҳар замонда уйга келмаслиги, бунинг сабабини баланд иморатларда сувоқчилик қилаётибман, деб тушунтиргани, уйга мунтазам маош олиб келганини айтиб берди”.

Илмий-техник асрнинг маънавий жараёнлари “янги роман”, “янги кино” тушунчаларини, шунингдек, “янги ўғри” психологиясини вужудга келтирди.

Бугунги кунда ҳирсни оммавий “поп-арт” деб декадентлик руҳидаги “арт-нуово”га ўхшатган ҳолда икки гуруҳ “поп-ҳирс” ҳамда “ҳирс-нуово” (яъни, баднафсликнинг энг янги кўриниши)га ажратиш мумкин. Биринчиси ибтидоийроқ, у гўё азалий инстинкт билан ишлайди, фирромлик қилади, таксопаркда такси ҳайдовчисидан уч сўм ундирмагунча қўймайди, бировнинг ҳақидан тап тортмайди. Иккинчиси – мураккаброқ, бунисининг ўз фалсафаси бор. Шухратпарастлик ҳамда ҳокимликка интилиш сезгиси бунисида бир бутунликни ташкил этади. Бироқ гўрларни кавлаб, марҳумларни талаш эвазига бойлик орттираётган бу бадкирдорлар қилмиши қайси ўлчовга, қайси мудҳиш жанрга тўғри келади?

Айтишларича, суд жараёнининг дастлабки кунида зал марҳумлар кўмилган жойни атай билиб олиш учун келган синчков ва шубҳали шахслар билан лиқ тўла экан! Иккинчи куни суд зали деярли ҳувиллаб қолган – “синчков кузатувчилар” олган маълумотларини зудлик билан амалга ошириш учун жўнаворишган-да...

Калта, узун белкуракларни шу яқин ўртадаги қишлоқ кабристонига беркитишди.

Лаънатилар машиналарнинг фаралари ёруғида қазишди. Ёзнинг сокин осмонида эса, гўё уфқ ортида худди шу илинж-мақсадда ишлаётганларнинг белкуракларидан сачраган учқунлар сингари юлдузлар, юлдузчалар учарди. Қайга элтаяпсан, хандақ?

ИТР (ИЛМИЙ-ТЕХНИК ИНҚИЛОБ)ИНИНГ ХАСИС РИЦАРИ

*Ким тунлар қаро ерга
қўмар номус, ихлосин,
Бу қавм-чи, кечалар
қўмар танга-тиллосин,
Ҳовлисининг ярмига
бойлик экар, қўймайди.*

Обрўйини кўмар у,
Ўз бурчини кўмади.
У “қабр” да – “Волга” лар,
дангиллама ҳовли-жой,
Кўтурган нафсинг, ўтган
олтин дамларинг, э, вой!
Кўксида магнитофон,
сендан жирканар қизинг.
Ташқарида қандай тун!
рицарь, чиққин, изгигин.
“Дарахтлар – жавоҳирот,
Далалар – жавоҳирот,
Ҳаволар – жавоҳирот,
Самолар – жавоҳирот”,
Ўғлинг ақлдан озар
поп-арт деган назмадан.
Хотининг ақл эмас,

Латта-путта жамғарар.
Ҳайдовчинг ҳам гуноҳкор –
нафси унинг тўймайди.
Янгича ҳирс сени ҳам
кемиради, қўймайди.
Тонгда туриб кўрасан –
Атрофингда машғум бог,
ўсиб борар тобора,
“видео” лардан бағри доғ.
Наҳот пок орзуларнинг
ўти сўнмиш кўпларда?
Вертолётлар юк эмас,
олтин элтар кўкларда.
“Жавоҳирлар йўлларда,
Яйловларда жавоҳир.
Мен янглишдим – дарахтларда,
Самоларда жавоҳир”.

Симферополь жиноятининг инсоний Хотира, замонлар узвийлиги, эрк ва ахлоқ тушунчалари билан боғлиқ таъсир занжирлари қаёққа олиб боряпти, қайга элтяпти? Такрорлайман, жиноий иш бўйича суд жараёни эмас, бу – маънавий жараён. Гап қабр кавлаган одам шаклидаги олти нафар манфур курт-кумурсқада ҳам эмас. Нега, нима учун буларнинг уруғи кўпайиб боряпти? Бу маънавий тубанликнинг, муқаддас манбалардан узилишнинг сабаби нимада, нима учун бугунги кунда ўғил ўз онасини уйдан кувиб чиқаради? Ёки манфаатпарастлик йўлида қондош-жондош азалий меҳру оқибат ва муносабатларнинг узилишими бу? Нима учун ҳар йили, Гуржистондагидек, ҳалок бўлганларнинг Хотира кунини нишонламаймиз? Хотирани кўмиб йўқотиб бўлмайди. “10-чакиримда немис-фашист босқинчилари томонидан асосан яҳудий миллатидаги кишилар, крим-татарлар, руслар отиб ўлдирилган” – ўқиймиз биз архив материлларида. Кейинчалик партизанларни ҳам худди шу хандакда қатл қилишди. Булар – муқаддас – тарихий теранликлар. Мўътабар мархумлар руҳини таҳқирлаб, ўтмиш ҳисобидан бойлик орттиришни нима деса бўлади?

Боян, Сковорода, Шевченколари беғаразликка ўргатишган. Жиноятга бошлаган очлик, муҳтожлик эмас эди. Нима учун Ленинград камалининг туганмас, даҳшатли ва муқаддас кунларида айнан очлик билан изтироб одамларга беминнат чидам ва матонат бахш этди, уларнинг маънавий жиҳатдан неларга қодир эканликларини кўрсатди? Нима учун бугунги кунда морг деб аталмиш ўликхона хизматчиси бошига мусибат тушган оилага буви ва она жасадини берар экан, пинагини бузмай: “Мархуманинг олтин тишларини санаб олинглар” дейди-ю, айтган сўзларининг даҳшатидан ўзи хижолат тортмайди?

“Психология ўзгармокда, – дейди менга зукко адвокат чеховчасига тикилиб қараркан. – Илгарилари шунчаки жазава тутганда болта билан чопиб ўлдиришар эди. Яқинда шундай бир воқеа бўй берди: она ва бола золим отани ўлдиришга қасд қилишади. Удабуро ўғил отанинг каравотига

электр манбаига тиқиладиган симчилвирни улаб қўяди. Ота одатдагидек маст-аласт ҳолда каравотга ётиб пайпаслаб розеткани излаётганда шарақ этиб ток уради. Техника қуввати камлик қилгани сабабли уни ўзлари уриб ўлдиришади”.

Қаҳрамонларимиздан икки нафаригина, у ҳам бўлса бировни майиб қилгани учун, илгари судланган эди. Демак, уларнинг ҳеч кимдан фарқи йўқ экан-да? Ресторанларда улар еган-ичганига тилла тўлаган, демак, атрофдагилар ҳам билган-да буни? Айбдор ким бу ерда?

Бу олтинлар – ярқираган бу тангалар, ичи кавак бу узуклару фусункор зебу зийнатлар – бари қаердан чиқди, асрлар зулматиданми ёки бизнинг ҳаётимиздан, мафтункор Ўрта Ер денгизиданми ёки ҳирсу ҳаросат қаъриданми – қаердан чиқди булар? Йўлдан оздиргувчи бу жетонлар кимга – Микен заргаригами ёки сахро қаърига ва ё бўлажак дўкончи хотингами – кимга тааллуқли? Жабрланган ким? Ерости жавоҳирлари-чи, кимга тегишли, кимники улар?

Биз 10-чақиримда турибмиз. Теварақда ҳеч кимники бўлмаган ўтлар яшнаб ётибди. Қаердадир узоқларда шимолга қараб ҳеч ким-ҳеч кимники бўлмаган яйловлар чўзилиб кетган, ҳеч кимники бўлмаган дарёлар ва кўлларни бўлмағур исқирт одамчалар таҳқирламоқдами? Улар кимга тегишли? Биз билан сиз-чи, бизлар кимники, кимга тегишлимиз бизлар?

КЎЛ

*Тунда уйғондим мен. Кимдир бемаҳал
Айтди: “Ўлик уммон – муқаддас Байкал”.*

*Бир кўз боқар эди куйдириб этим,
Гўё мен у кўлнинг қотили эдим.*

*Кўраман – Распутин ухлолмай чиқар,
Аждоди тирилиб келар. У чекар.*

*Сен бетоб бўлсанг гар бизлар ҳам гариб,
Байкал – мамлакатнинг биллур жигари!*

*Кимдир нидо берди ўртаб жонини:
“Байкал – мамлакатнинг қўриқ виждони”.*

*Қайиқда суздим мен Байкал бўйлаб жим,
Сувда шом нурларин ноласин кўрдим.*

*Ястанган кўзига боқиб Байкалнинг
Наҳотки илму фан уни алдади?*

*Наҳотки биз бир кун тарихга (ўлиб)
Киргаймиз Байкалнинг қотили бўлиб?*

*Балиқ, тюленларнинг соғлиги ҳақда
Хабар бериш керак ҳар куни халққа.*

*Сув соф бўлсин учун, аввал ишонинг,
Тоза бўлмоғи шарт элнинг имони.*

*Мана, нима учун ёниб қалблари
Курашар камолот прораблари.*

*Токи қўриқхона бўлсин кўл, инсон.
Токи булганмасин суви ҳеч қачон.*

*Токи гапирмасин ҳеч ким ҳеч маҳал:
“Ўлик уммон – муқаддас Байкал”.*

ҚАРЗ

*Бу тарих асли надир?
Қарзларнинг хандагидир.*

*Кулин кўкка совурганинг Москвамни сен қачон
қайтаргунг, Наполеон?..*

*Уч юз йиллар аввал бино бўлмаган БАМни қачон
қайтарасан, Чингизхон?!*

*Давом этамиз, қани,
Ҳали ўқимаганим
шоир номи олдида бўйнимда қарз бор маним.*

*Мен қарздорман
туғилажак авлод олдида
газ ва сув учун ҳамда
нобуд бўлган шимол балиги учун
(у менга “Раҳмат” айтар).*

*Гуллар келтиргайми биров илкида
илмий-техник инқилобнинг юз йиллигига?*

ИНСОН

*Кечир, мен инсонни кечиргил, инсон –
Россия, Европа, тарих қошида, –
Сўқир офатларнинг ваҳшати бу он
юртим ва асримнинг тушими бошига.*

*Кечиргил, мен фақат инсонман ожиз,
Нобель тожи билан сийланган умид,
Чернобиль кулфатин қайтариб, куйиб
кетганлар, Сиз мени кечиринг холис.*

*Айбдор фан ё одамзодми – қандай иўриш бу?
Бугун нима бўлди, эрта не бўлар?
Недин огоҳ этди бизни Чернобиль?
Наҳот назоратсиз қолган уруш бу?*

*Алвидо, алдамчи илинжлар, хайр.
Ҳали ҳам кеч эмас, эсинг йиғ, дунё!
Ў, Худо! Мен бугун Худо бўлсам гар,
Ночор қолганинг-чун кечиргил, Худо!*

*Худодир ўтларга ўзни ташилаган –
Реакторни тўсиб, ўзи ёнган жон –
Киев, Одессларни қақшаб асраган.
Инсондай йўл тутди, чунки у инсон.*

*Мўътабар куйларда Худо ниҳондир.
Нажотга зор эрур ўзи нажоткор.
Хиросима даҳшатининг тенгдоши доктор
Гейл Россияга етиб келган инсондир.*

КАСАЛХОНА

*Айбдорларнинг кимлигин
биз аниқлаймиз кейин.
Идрокнинг заҳарланган маҳсули қаердадир?
Вена Карпатдан яқин.
Офат гуллар олчадай,
Бошқа бир кўз очилгай.*

*Нима учун у беҳол мўлтирар палатада?
Могу мулк деб яшамоқ минг карра осон эди.
Чунки фарзандларини ўзи билан тўсди у,
Чунки у инсон эди.*

*Офатни қайтармоққа ночор қолганда робот,
заҳар балққан туйнукка ташиланган шу жон эди.
Мену сен тирик қолдик, мену сен қолдик ҳаёт –
чунки у инсон эди.*

*Мусаввирдай қарайди кўзга йиғиб бор кучин,
Махсус кийимлар кийиб биз турибмиз ёнида,
ўзимиз бирлан уни заҳарламаслик учун,
чунки у инсон эди.*

Менга, сенга қарайди, қарар мамлакатга у,
Тепасида тун бўйи дўхтирлар посбон эди,
дўхтир илик ўтқазар – ҳаётини сақлар у, –
чунки у инсон эди.

Донор ҳам ахир одам,
Ҳаётин мисли Ҳотам
улашмас, Ҳаёт ахир туганмас бир конмиди?

Нима учун бу одам
илигин берди у дам?
Чунки у инсон эди.

Отган тонг, уни қутқар,
Саккиз жон уйда кутар.

Дарёларни туш кўрар – сувлари гирён эди,
Ишонгум, бу ўлмагай,
халқ бусиз халқ бўлмагай,
чунки у инсон эди.

НУҚТА

Митти, бўм-бўш бош чаноқлар – сайёраларнинг
орасида биттасининг вужудида жон.
Миллиён йиллар жилмаяди, фикрлайди, тайёрланади,
Моцарт куйин ёд этади, излайди имкон.
Бу – ям-яшил боши эрур Заминнинг, инсон.

Тугмача босилади. Қолмагай ному нишон.

ВИСОЦСКИЙ

Маънавий жараёнда ё ҳаёт, ё мамот, деб
яшаш шартми, Володя?..
“Энергосбит” Худо бунда, наҳотки
тушунмас ҳеч балога?

Туёқлар билан олгир
бош чаногингни ёриб,
Калланга тикса омбур
шундоқ кўзинг олдида,
бу ҳолга гувоҳ бўлиб
яшаш шартми, Володя!

У ёқда нима гап, айт?
Пардалар йўқ. У ёқдан
бу ҳаёт кўзларингга
кўринур қай ҳолатда?
Хабар бормас бу ёқдан,
унда кадр ортида
нималар бор, Володя?

Ё ҳаёт ва ё мамот –
Жумбоқми бу ё сабот?
Қандай гапинг бор эди,
ўртаганди қай савол?
Балки илгаригидай
репетициядан кейин
бизнинг уйда кўнглингнинг
ёзгинг келди чигилин?
Бугун “ҳаёт” дегани:
демак, “мамот” дегани.
Ва лекин қабоҳатни
кимдир йўқотмоғи шарт!
Қорайган, таланган бош
чаноғида шу даъват,
Бечора Володя!

Олти йилким куйлайсан,
Куйлайсану ўзинг йўқ,
Унутмаганлари-чун
бадавлатсан, кўнглинг тўқ.
“Ё ҳаёт, ё мамот” деб
у ёқдан куйлайдурсан.
унутмаганлари-чун
бадавлат Ватан узра.
Мухлислар қолди, Гамлет!
Начора, Володя.

Паришон рўзгор ичра хўрсинар ёлғиз аёл:
“Бечора Володя...”
Ҳаёту мамот аро
кетар мангу можаро.
“Мамот” чоҳ қазир “ҳаёт” гумдон бўлсин деб, бироқ
Сен эски гап-сўзларни енгдинг,
Сен – ҳаёт энди.
Афсусларким йироқсан, Мозамбикдан ҳам йироқ.

Қайга элтасан, хандақ?
Симёгочларда қандоқ
гап-сўз борар йўлларда?
Гўёки биздан олис бош чаноқлари тўп-тўп
Чинни бошчалар бўлиб ўлтиришар уларда.

КЎЗЛАР ВА ХАНДАҚ ЖАВОҲИРЛАРИ

– Кулранг шахло чакноқ мўлтираган маъсум интизор мунис узоқни кўра олмайдиган феруза беайб ошуфта фаришта қоп-қора кулонғич қора куйдирадиган эҳтиросли ажойиб зийрак кечирмаган қутурган муқаддас кўк чидаб бўлмайдиган бахтиёр илоҳий мовий –

(олтин совуқ дўконбоп ёкутий тарашланган юнонча туркона дабдабали йирик сохта зумрад тўйолди тақиладиган жунжиктирадиган совға қилинган ақлдан оздиргувчи тақилган илиққина қадрдон тақиладиган сийқаси чиққан)

– кўркқан тутқун уринган умидсиз аянчли итоаткор қувғинга дучор қилинган –

(беркитилган асрайдиган яширинган қадрдон илиқ)

– йиғлоқи даҳшатли тушунмайдиган кўрмайдиган тушуниб етган ғазабнок илтижоли – сўник –

(кўмиб ташланган муздай унутилган)

– кулранг шахло беҳаё синчков –

(тозаланган олтин магазиндагидай ярқироқ расмийлаштирилган юз сўмлик)

– самовий мўлтираган абадий.

ДИСПЛЕЙБОЙ ТАВБАСИ

Ҳеч кимга ҳеч нарса қарз эмасман мен!

Чириб кетсинми ё пуллар қаро ерда!

Верешчагин тўрхалтада

каллаларни бўш

ишшлардек топишгани олиб боради.

Ҳа, мен гўрлар очдим.

Сизнинг ахлоқ покми?

очмадим буюк-буюк мазоратларни?!

Қонга қўлларимни булғамадим мен –

ўлдирмадим бунда ётган марҳум зотларни.

Менинг исмим надир? –

не дерлар мени? –

ҳар қандай давранинг буқаламуни,

фоҳишабозманми, ғамим йўқ магар?

фаҳишу ҳисоб-китоб балки комимдир?

Ўзим айтсам агар –

дисплейбой менинг номимдир.

Кийимлари антиқа, боди,

кезар дисплейбойлар авлоди.

Тинч бўлсин десангиз оилангиз гар
дисплейбойни чақиринг уйга.
Дисплейбой, йўл йўқми ортиқ,
ўтираверамизми тамаки тортиб?

Пул йўқ, кимни шиламиз энди?
Ҳамма ишни қиламиз энди.
“2-17-40 Люба...
олтинларни чақамиз пулга...”

Дўхтир, бирор чорасини топ,
Дисплейбой тамом бўлди, чоп!

Чап кўкраги зирқирар – азоб.

Сен тун бўйи ухлай олмайсан
Ухласанг ҳам унутолмайсан:
Туш кўрасан шокилаларни –
қизалоқнинг кокилаларини.

Валянинг онаси, бадбахт,
режсаларни айлади барбод.

* * *

Хандақ –
танкларнинг эски маскани,
булбулларинг қани санинг?
Бўрибосар аср танго
тинглар, танго маъқул анго:
“Севги бўлмаса сен мени
чорламагил очиб бағир,
ҳеч қачон қайтмасман ахир...”
Муҳаббатнинг бугунги аҳволидан тутақиб –
кўп безовта ўйлар берди менга у –
тирноқ билан сигаретнинг кулини қоқиб
Венада ўз қиссасини сўйлаб берди менга у.

ВЕНА ҚИССАСИ

Ўша тун атайлаб шошилмас эдим,
Тун гўзал, кўнглим ҳеч очилмас эди.
Машина титрарди кўппак сингари,
Жувонлик фаслининг барча ҳислари
вужуд вужудимни ёндирди, куйдим –
ҳаво етишмайин терлаб, бўғилиб
чап ойнани тушириб қўйдим.

*Шу он пайдо бўлди икки олифта –
гўё тушгандайин бир хил қолипдан.
“Кўнгилхушлик учун вақт борми, хоним?
Беш юз оқшом учун, бир кечага – минг...”*

*Мен ловуллаб кетдим. Улар фоҳиша
деб ўйлашди мени, Жимирлади этим:
сен гўзал, сен дилбар, сени хоҳлашди!
Мен норизо эдим. Мен “Майли” дедим.*

*Шериги қўшилди мовий, безубор
кўзларни обқочиб: “Балки, кўрайман,
дугонангиз бордир, ўзингиздай – пулдор!
Мен ҳам бир кечага минг сўм сўрайман”.*

*Ў, сотқин махлуқлар! Ў, лаънатилар!
Тутунлар бурқситиб ҳайдаб кетдим мен.
Дил эса майлу бахт шавқида ёнди!
“Беш юз оқшом учун, бир кечага – минг”.*

Ишбилармонлар ўзларини хушторларсиз тасаввур қила олмасдилар.
“...23 сентябрь куни соат 20 да квартирада... – гр. Ш. га қиймати 10 сўмлик подшойи олтин тангани 500 сўмга сотиб олишни таклиф этди. Зеро, бундан унга 140 сўм фойда қоларди ва у тангани айtilган баҳодан камига сотмаслигини ҳам уктириб ўтди. Бироқ жиноий ниятини ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ниҳоясига еткизолмади, чунки Ш. тангани сотиб олишга унамади...”

“...25 сентябрь куни соат 17 да ширакайф ҳолатда гр. Фасонованинг квартирасида ҳеч қандай асос-сабабсиз, безорилик ниятида беадаблик билан шовқин кўтариб, Фасоновани ҳақорат қилди. Бундан ташқари, дағаллик билан уни елкаларидан чангаллаб, юзига тупурди, сўнгра ошхонада тутиб олиб калтаклади, баданига, шунингдек, танасининг бошқа аъзоларига мушт туширди. Суд-медицина экспертизаси хулосасига биноан, унинг соғлиғига зиён етказмаган, майда тан жароҳатларига дучор қилган. Ярим соатча безорилик қилиб, бу билан атрофдагиларнинг оромига, хотиржам дам олишларига халал берган.” (1-жилд, ишнинг 201–203-саҳифалари.)

Қайга элтяпсан, хандак?

(Давоми келгуси сонда)

Исажон СУЛТОН

АЛИШЕР НАВОИЙ

Роман¹

ФИТНА

Хусайн Мирзо тажрибали ва ақлли лашкарбоши бўлиб, ғалабаларининг барчаси унинг зукколиги ва донолиги боис эди. Урушга кирмасидан аввал ёвни пухта ўрганар, кўшиннинг нима еб, нима ичишидан то аслаҳасининг турларигача, қанча баҳодиру қанча сарбози борлигигача билиб олар, шунингдек, урушга кириладиган ернинг паст-баланди, суви қай томонда эканигача тафтиш қилиб, уни ўз ғалабаси йўлида ишлатарди. Бу муаззам салтанат кенгликларида фақат Астробод билан Ҳисор нотинч бўлиб, шу икки навоҳийда гоҳ-гоҳ ғалаён оловлари ёлқинланиб турарди.

Астробод эскидан Гургон деб аталиб, темурийлардан аввалроқ – Султон Маҳмуд Ғазнавий замонасида “Астаробод”, яъни мулкнинг астари, чети деб номланган эди. Бу муаззам навоҳий Ёқуббек бошлиқ Ироқ салтанатига чегарадош бўлгани учун, вазият у ерга тажрибали, донишманд бир кишини тайинлашни тақозо этарди. Аввалига Астрободга Мажидиддинни юборишга кенгашилди, аммо Мажидиддин турли баҳоналар билан Астробод сафаридан қутулиб қолди.

Бир куни у хазина тушумларини ҳисоб-китоб қилиб ўтирар экан, аъёнлар ва бекларнинг мулкларига эътибор қаратди. Бу мулкларнинг кўпи султон Хусайннинг жўмардлиги боис ҳадя қилинган, улардан келадиган бойлик мислсиз эди. “Сут ҳовузлари, мураббо-ю тотлиқ ҳовузчалари, олтину кумушдан куйилган қандлару ҳалволар шулардан экан-да”, деб ўйлади у хаёлига келган фикрдан шодланиб.

Ҳисоблаб кўриб, ўзининг бойлиги-ю мартабаси янада ошишига амин бўлгач, султонга арз билан киришни тилади. Хусайн Мирзо ҳузурига киргач эса, мулоҳазаларини бир-бир баён этди.

– Уруш беклари ила уламо мулкига тегинилмас, ясоқдир! – деди Султон Хусайн.

– Албатта тегинилмас, у мулклар ўзларида қолгай, – деб жавоб қилди Мажидиддин. – Фақат солиқ солингай.

Ҳақиқатан ҳам, агар солиқ солинса, хазина даромади деярли икки хисса кўпаяр эди. Вазир султонга ўз ҳисоб-китобларини кўрсатди. Султон ўйлана-ўйлана розилик бергач, енг шимариб ишга киришди.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Яғмочилару навкарлар мулкларни бирма-бир кезишарди. Бу – Мажидиддиннинг барча устидан ғалабаси эди. Баъзи беклар совға-саломлар юбориб, мулкларига тегинилмаслигини ўтинишар, кибор вазир эса совғаларни қабул қилмасдан қайтариб юборарди. Таноб-таноб ерлар, боғу роғлар, қишлоқлар эгаси бўлмиш кишилар бу фармондан довдираб қолишди. Солиқ? Суюрғолга ҳам, тархонга ҳам-а? Ахир, хонавайрон бўламиз-ку?

Мулклар ўлчаниб баҳоланар, ҳосил чамаланиб нисоб чиқарилар, тўлов учун муддат белгиланиб, хат имзолатиб кетиларди. Аввал қора халқ елкасида бўлган солиқ машаққати энди ўртаҳоллар ва юксак мартабали кишилар зиммасига тушиб, ҳаммани эсанкиратиб қўйди.

– Хазина шу тарз тўлдирилар эканми?

– Удумга кўра, уруш бекларининг мол-мулкига тегинилмас. Чунки жонини гаровга қўйиб, чопишиб-санчишиб қозонгандир. Кимдан чиқибди бу иш?

– Мажидиддиндан, дейдилар...

Умаро наздида, бу – адолатсизлик эди. Ҳақиқатан ҳам, уруш бекларига савашу сўқишлардаги жасорати ва қаҳрамонлиги боис жулду, яъни совға сифатида берилган ер-сувлар дахлсиз эса, уламнинг илми боис берилган мулклар ундан ҳам дахлсизроқ ҳисобланарди. Бу гап юмшоқроқ шаклда Мажидиддинга ҳам етиб борди. Мажидиддиннинг қаҳри келди, кенг юзига ғазаб булути инди.

– Султон Абусаид замонида гавҳардан кўра тош яхши деб навҳа уриб юрмасмидингиз? – деди хурпайиб. – Бу кун маошингиз соз, даромадингиз созвор, аммо кўзингиз тўймайдир! Салтанат боиси рўзгорингиз бой, хазинадан уч-тўрт ақчангизними қизғонурсиз?

– Саййидларнинг мулкларини не қилгаймиз?

– Саййидми-маййидми, барчасига солиқ солингай! – деди Мажидиддин. – Пайғамбар ҳазратлари оламдан кетганларига саккиз юз йил бўлди. У ёғини сўрасангиз, мен ҳам пайғамбар авлодиданман! – Бу гапни эшитиб, барча унга ҳайрат билан қараб қолди.

– Кўзингизни мунча ола-кула қиласиз? Одам Атони айтяпман! – деб тиржайди Мажидиддин. – Кўрдингизми, ҳам ота, ҳам она тарафдан бирмиз. Барча тенг бўлмоғи жоиз эмасми?

Унинг қўпол гапларидан мажлис аҳли ёқа ушлаб қолди. Мажидиддин гап тамом дегандай қилиб девондан чикди. Чиқишда Қора Мўғулга дуч келди. Қора Мўғул хожаси отининг жиловини тутиб, сўл томонини рўпара қилиб турар эди.

– Сен, – деди Мажидиддин, отга мингач. – Оқшом чоғи қошимга кел. Бир-икки юмуш бергайман.

Қора Мўғул боши ерга теккудай бўлиб таъзим қилди. То Мажидиддин олислашгунча шундай турди, кейин қаддини кўтариб, теградаги сарбозлар олдидан кеккайиб ўтиб, ташқарига йўналди.

* * *

Оқшом чоғи ювиниб-тараниб, соқолига мушк сепиб, ўзича ясан-тусан қилиб Мажидиддин боғига кириб борганида, хизматчи хабарим бор

дегандай бош лиқиллатиб ички ҳовлига кириб кетди. Қора Мўғул анча вақт оёқда туриб қолди. Ўтган-кетган қоп-қора бу кишининг ғалати ясан-тусанига ҳайратланар эди. Бироздан сўнг хизматчи қайтиб чиқди-да, ортимдан кел деб, орқа ҳовлига олиб ўтди. У ерда оғочга бойлаб қўйилган иккита қўй турар эди.

– Муни сўйиб, саранжомлагайсан, – деди у киши, Қора Мўғулга катта пичоқ бериб.

Қора Мўғул ҳафсаласи пир бўлиб қўйларга қараб турарди. Шундай бўлса-да, хизматчидан бир бўлак мато сўраб олиб, эгнига бойлади-да, қўйларни сўйди. Беҳи шохига осиб бўлган эди ҳамки, лапанглаб Мажидиддиннинг ўзи келиб қолди.

– Бу ишни сен уддалайсан деб хато қилмабман, – деди сўйилган қўйларга разм солиб. – Чингиз усулида эт пиширмоқни билурмисан?

– Қайдан билай, Чингизхон дунёдан ўтиб кетган бўлса? – деб жавоб қилди Қора Мўғул пўнғиллаб. Унинг дағаллиги Мажидиддинга ёқди.

– Сен бошингни қотирма, муни ошчилар пиширишсин. Бу ёққа кел!

Ичкари кирилиб, Мажидиддин қават-қават ёстикларга ёнбошлади, Қора Мўғул пойгакка чўқди.

– Умаро, фузало, уламо... – деди Мажидиддин пўнғиллаб. – Ҳаммасининг мулкларига солиқ солинди. Сен ўша солиқларга қарагайсан. Муиниддин сарбоз, яна бир-икки содиқ навкар ила боргайсан. Кими олтин-кумуш ила, кими мол ила тўлагайдир. Сандиқларга солгайсан... – деб маънодор тикилган эди, Қора Мўғул бирданига унинг муддаосини англади. Ҳаяжонини зўрға босиб:

– Қуллук, хожам, қуллук, – деди.

– Ҳеч кимса пайкамасин! – деди Мажидиддин. – Бу ишдан бир Муиниддин сарбознинг хабари бўлмай. Хатолик чиқарсанг, ҳазина молига кўз тикди деб каллангни ўзим олдирайман. Жон керак бўлса, ишингни хушёр қилгайсан. Боравер, эрта сахар Муиниддин қошига кел!

Қора Мўғул хожаси ёнидан юриб эмас, чопиб чиқди. Айтишга осонми? Сарвати осмон қадар қанчадан-қанча беклару амирларнинг мулкидан оламжаҳон солиқ келмай. Бу орада ерга тушиб қолган бир-икки лаъл-жавоҳирга биров қарармиди? Ана энди фақирнинг елкасига ҳам офтоб тегадиган бўлди. Қора Мўғул шуларни ўйлаб, илжайиб қушдай учиб борарди.

* * *

Қора Мўғул хожасининг айтганини ортиғи билан ўринлатди. Бу орада ўзини ҳам унутмади, албатта. Мажидиддин унинг садоқатли эканини, ўтрук сўзламаслигини билар эди. Чақчайган кўзларини қаттиқ тикиб сўраса, Қора Мўғул:

– Келурда бир-икки синиқ тошча оёқ остига тушиб эди, жаноблари сандиғини ифлос қилмасин дея бир четга отиб юбора қолдим, – дея ростини сўзларди. Мажидиддин бу баҳонасига қовоқ солиб, таҳдид қилиб қўярди.

– Шоири даврон ҳазратларини-чи? – деб сўради Мажидиддин, ғолибона илжайиб. – Тафтиш қилдингизми?

– Қилишга қилдигу... – Қора Мўғул тараддудланиб қолди. – Аммо солиқ солишга имкон қолдирмабдилар.

– Нечук?

– Ихтиёрларидаги бор мулкни мадрасаларга ҳадя қилибдилар. Бир ота боғи қолибди, холос, – деди Қора Мўғул. – Таноб-таноб ерлару боғларни вақфга бериб юборибдилар.

– Ҳошо! – дея ўрнидан туриб кетди Мажидиддин. – Маккорликни кўрдингми? Бул замоне вақфга бергайдир, эрта бир кун султонга айтиб қайтариб олгайдир. Бу сафар ҳам молини кутқарибди! Ё... – деб шубҳаланиб тикилди Қора Мўғулга. – Бир маҳаллар дўстинг бўлган эмиш, аввалдан бир нима дедингми?

– Аллоҳ сакласин! – деди Қора Мўғул. – Хожам, мен ҳеч кимга хиёнат қилмайман. Бу ишни айтиш хаёлимга ҳам келмади.

– Дўстинг бўлса ҳам-а?

– У ҳолда... – Қора Мўғул ўйланиб, шарбатни такаллуфсиз олди-да, кулқиллатиб ичиб олгач, кафти билан дудоғини артиб, бепарво жавоб қилди: – Сиздан маслаҳат сўрагайман. Аммо сизга ҳам, унга ҳам хиёнат қилмагайман.

– Бўпти, боравер, – деди Мажидиддин, қаноат ҳосил қилиб. – Сен менинг ишончимдаги дуруст йигитсан. Аммо бир гапни айтиб қўяй. Бу ишлар шундоқ қолмагай. Бунча мол-мулк йиққан киши албатта шубҳага гирифтор бўлгайдир. Ҳушёр бўлиб, у ёқ-бу ёқни кўзлаб тургайсан. Вақти келса, Шероз кетгаймиз.

Қора Мўғул “Хўб” деди, шу билан суҳбат ниҳоя топди. Мажидиддин бугун жуда чарчаган, мияси зўриқиб, ғовлаб кетган эди. Оқшомга рам-мол, яъни фолчи чорлатган эди, у келганини айтишганида қўл силтаб “Бошқа бир кун келсин” деди-да, ишратхонага йўл олди. Бироз истироҳат қилмоқни, мусиқа ва айш оғушида онгидаги ўйлардан ором олмоқни тиларди. Гурсиллаб-ҳансираб келаётган гавдани кўрган хизматчилар чопиб қолишди, “Хожа келмоқдалар” дея, ҳар ким ўз ишига югурди.

Қора Мўғул эса кўчага чикқач, “Оббо! Шом бўлиб қолибди-ку? Масжидга борсамми ё чоғирхонагами?” дея иккиланиб турди-да, “Ҳай, вақти келса қазосини ўқирман” деб, чоғирхонага йўл олди.

ТҶРТИНЧИ ҚИСМ

ФАВОЙИДУ-Л-КИБАР

ҲАЙРАТ

“Кечаларнинг бирида коинотни қоронғилик босиб, қуёш обиҳаёт булоғидек яширинган эди. Гарчи у булоқ кўзга кўринмаса ҳам, Хизр кўк узра ундан қатралар сочарди. Тун чанглариани анбарга айлантирган, уларни жаннат шабадалари ер узра тарқатарди. Ер юмалоқ шаклдаги хушбўй идишга айланиб, тун қоронғилигидан унда анбар тайёрланаётгандек эди. Ер идиши остида қуёш ўт ёқаётган, идишни эса осмон ўз этаги билан ёпиб тургандек кўринарди. Ором ва тинчлик ёмғири ёғиб, юз бераётган ҳодисалар тўзонини пасайтиришга шошарди.

Шу кеча дўстлик гулистонининг сарви дўстлик хонасининг шамини янада равшанроқ қилди. Учрашув хаёли билан кўнгли хурсанд бўлиб, денгиздек жўш уриб ҳайқирди. Шу пайт олий мақомли сайёҳ етишиб, кўлида эса қушдек учадиган отнинг жировини ушлаб турарди. Бу от кўкда сайр этишдан ором олиб, унга ердан осмонгача чиқиш бир қадам бўлди. Аллоҳнинг пок хабарчиси унга салом қилиб, Аллоҳ номидан унга маълумот бериб деди: “Эй шавқли сирларнинг хазинаси! Аллоҳ сени кўришга ўз шавқу истагини билдирмоқда. Чунки пайғамбар жонон хабарини топган экан, унинг жонон хабарини топгани янгидан жон топганидир”. Хабарчи унга ёрдам бериб, отга миндириб, отни ўзи келган томонга қайтариб олиб кетди.

Шу равишда бу олижаноб, очик юзли отлик сайр қилар, толеи баланд оти қушдек учар эди. Бу тез чопишга ўрганган от чанг кўтариб, ақл кўзини кўрмайдиган ҳолатга соларди. Бу от кўтарилиб кўк токига етганида, ой ўтиш учун унга туйнук вазифасини ўтади. Қалам эгаси Аторуд бунда ҳурмат қозонган, буқаламунлиг – иккиюзламачиликка йўл қўймаётган эди. Зухра хурсандчилик барбатини сошлаб, уни замзама билан қўллаб бошлади. Қуёш ўз сояси билан унинг жамолини тўсиб турар, ҳилол эса шуъла остида беркингандек эди. Меҳрида Миррих Бахроми бирсўз бўлиб, шараф тиги юзига кўзгу каби эди. Унга яқин юришдан Муштарий янада мартабаси ортиб, йўлидаги бир зина унга минбар бўлди. Зухал шамъи қоронғиликни ёритиб, у минган зангдек қора отни оқ қилиб кўрсатди. Унга Ҳамал ҳам, Савр ҳам жонларини бераётгандек, тўғрироғи, иккиси ҳам жонини қурбон этишга тайёр эдилар. Ҳам олдида Жавзо камарини тортиб боғлаган, ҳам Саратон ўзини тик тутиб, жилва қилар эди. Асад шери йўлидан бир гўшани эгаллаб, Сунбула унинг отига йўл озиғи бўлди. Палла йўли гардини қимматбаҳо иксирдай ўлчар, Ақраб орасида ичкизиш, даволаш, уқалаш ишлари олиб боришмоқда. Қавс эса чиллага ўтириб, дуо қилиш пайида. Тоғ эчкиси Жадй унга етиши учун озиқ бўладиган биринчи сутини келтиради. Далвга Юсуф каби назар солмай, Ҳутда Юнус каби тўхтаб ўтирмади. У елдек ҳамма буржларни кесиб ўтди ва осмоннинг Арш қисмига кўтарила бошлади. Унга пояндоз Арш ҳамда Лавҳу Қалам бўлиб, унинг оти нақ ўшаларга қадам босиши керак эди. У энди Рафрафга миниб, ҳамроҳи ва йўловчи билан хайрлашди. Энди бораётган йўлида ҳеч қандай макон қолмади. У йўқлик даштини ўзига макон этди. Бунда у олти жиҳат¹ бандидан ташқарига чиқиб, тўрт гавҳарни² тарк этиш унга тож кийишдек бўлди. Йўқлик оёғи билан қадам босар экан, аслида йўл ҳам йўқ эди, қадамнинг ўзи ҳам. Ўзлигидан на нақш қолган эди, на бир кўриниш, ҳатто бу айтилган нарсалардан бирон асар ҳам. Шу йўл билан у ўзини-ўзидан халос қилиб, шу равишда ўзини иззат пардасига хос, лойиқ деб топди. У ерга етиб қараса, рўпарасида ҳеч нарса йўқ эди. Қанча қарамасин, боқийлик кўзгусини кўрар эди. Кўзгуга бокқанда унда суратга ўхшаш бир нарсалар кўринар эди, холос. Нима ўткинчи-фано бўлса, ташқарида қолган эди. Унинг юлдузи шунча баланд кўтарилганида, марҳамат денгизида мавж пайдо бўлди. У Аллоҳ тилидан умматларининг ҳаммасини истаб бошлади ва Аллоҳдан барча мурод-

¹ Олти жиҳат – олти тараф: шимол, жануб, ғарб, шарқ, қуйи ва юқори.

² Тўрт гавҳар – тўрт унсур: ер, сув, ҳаво ва олов.

мақсадига эришди. Аллоҳга тупроқдан бўлган тана ҳамроҳлик қилди. Агар: “Шундай бўлди!” дейилса, шундай, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чиндан ҳам унинг тани бошидан-охирига қадар жон эди. Лекин унинг жони Жононга етишган эди. У икки дунё раҳматини қўлга киритган бўлиб, нимага эришган бўлса, ҳаммасини ўзи билан бирга қайтариб олиб келган эди. Унинг юзидан у – Илоҳий даргоҳ қандай ёруғ бўлган бўлса, оёғидаги чанглари бу дунё ҳам ўзига сурма қилди. У Аршга ғунча бўлиб борган бўлса, ерга тоза гулистон бўлиб қайтди; зарра бўлиб борган бўлса, порлаган қуёш бўлиб қайтди. Унинг Меърожга чиққани ва қайтиб келгани бир онда юз берган бўлиб, ақл бундай тадбирдан ҳайронликда! Қайда ажойиботлар ва мўъжизалар кўп бўлса, уларни идрок этишда ақл ожиз бўлади. Унинг чиқиши ва қайтишига кетган вақт кичикнинг кичиги бўлиб, бу фурсат таҳлилга арзимайди.

Бу бахтли сафар шундай тугаб, қутлуғ йўлбошчи рухсат олди. Олам подшоҳи тахтида ўлтириб, олам ишини интизомга солишда давом этди. Шариат тили кўчирилган дафтарни ўкиб, тириклик суви эса куфр қоралигини ювар эди”¹.

ОЛАМ АҲЛИ, БИЛИНГИЗ...

Бир замонлар жилд-жилд китоблару мударрислар суҳбатлари аро бўй кўрсатган ҳақиқат ва маърифат оламлари мудом ўзига чорлар эди. Кўнгил энди ёру аҳбоб давраларидан олислашишни, билим диёрларига етишмоқ учун тафаккур меърожига чиқиб, у ерда қалбларни покловчи ибодат ила машғул бўлмоқни тиларди. Худдики, туннинг қоқ ярмида зако Жаброили фикр Буроқини етаклаб келишига бир баҳя қолгандай туюларди. Оламда неки бор, барчаси маънидан дарак берар, сўзлар қичқирар, нола-ю фарёд урар, сўзламайдиган ҳеч нима йўқ эди. Даввора олимлари ва фозиллари яратган сон-саноксиз асарлар онгга шарбат каби қуйилган, шоирнинг бетакрор истеъдод зиёсида жилваланиб ва янги мазмунлар касб этиб, қайта намоён бўлмоқни тиларди.

Кўп йиллардан буён ният ва орзуларда, ҳаёл кенгликларида бўй кўрсатган ғўзал асарни яратиш учун барча ҳозирликлар кўриб бўлинган эди ғўё.

Ҳаёт гулзор кабидир. Бир асалари баҳор чоғи сон-саноксиз чечаклар узра учиб, зарра-зарра гулчанг тўплаб болга айлантирганидай, бир инсон ҳам ҳаёт гул-чечакларидан баҳра олиб, уни неъмату шифо саналмиш билим ва санъатга айлантирур. Қўриқчи асаларилар номақбул гул чангини олиб келган қавмдошини ҳалок қилгани каби, имон қўриқчилари ҳам фикр уйи олдида ўшандоқ тургайлар. Ул муаззам даргоҳга пок, ҳалол ризқина киргайдир.

Мана шу тўлғин аснода йигитлик чоғидан буён муддао қилинган шох асарга – “Хамса”га қўл уриш ният қилинган эди.

Лекин бу улуг ишнинг ибтидосида Алишер Навоий ҳаётига юксаклик муждасини олиб келган яна бир ҳодиса рўй берди. Ўша тун кўзга уйку келмай, бинафшазорни айланаркан, тунги самодаги сон-саноксиз юлдузлар орасида ҳаракатланаётган бир ёруғ юлдуз кўринди. У само

¹ “Ҳайрату-л-аброр”дан.

токидан қибла сари шитоб билан учиб, қуйруқ пайдо қилди. Кўкдаги бу мўъжизанинг думи супурги мисол хурпайиб, юқорига қараб ўрлаган эди!

Бу манзара болалик чоғи Қумда кўрилган манзарани эсга солди. Софдил тағойи Мирсаид Кобулийнинг “Ироқликларнинг айтишига кўра, ким думли юлдузни уч марта кўрса, фирдавсга кирармиш...” деган шодон хитоби яна янграгандай бўлди.

“Хамса” Навоийнинг жонажон она тилида яратилмоғи лозим эди. Туркий сўзлар гулистонида ҳалигача мисли кўрилмаган беш мезанали, садаф мармарли саждагоҳ бино этилмоғи орзуланарди. Фалакнинг бу ходисаси қўл урилмоғи кўзланган улуғ бир меҳнатнинг хайру марҳаматли бўлиб якунланишидан дарак каби бўлди.

Инсонга ато этилган ёруғ дунёнинг сон-саноксиз неъматлари аро сўз – ўзга оламнинг, мангулик диёрининг вакилидир. Шунча жон эгалари орасидан угина мангуликка учгайдир. Тоғлару уммонлар, сахро-ю кўллар, мулклару салтанатлар – барининг кули кўкка совурилиб кетар экан, фақат угина қиймат топгайдир. Фозиллар айтадиларки, инсон боласи шунчалар мукаррамки, ёруғ дунё унинг биргина нафасига арзимади! У ҳолда, ўша нафас не? Қай сўзни айтиши учун ато этилмиш?

“Унсия”га яшил қабо кийган нозанин баҳор келинчаги оралаган маҳал шу қутлуғ ишга қўл урилди. Бу, худди араб тилида бир сўздан турли калималар потрагани каби, айни дostonлар, айни йўллару манзиллар узра, барчасидан юксакда яна бир қуёш яратмоқдай мушкул, бениҳоя қувватли билим, фасоҳат ва фикр талаб этадиган юмуш эди.

Шу он эътибори ила дунё тамомила ўзгариб кетди. Хаёл юксаклигидан қаралса, наинки Ҳирий, балки бутун ер юзи кичик қасаба каби бўлиб қолди. Навоийнинг тафаккур қуши замонлар оша учди, адам саҳросида мўлжалини йўқотган киши каби, йўл излаб самога назар солди. Оламда Муҳаммад алайҳиссалом тўлин ойдай балққани он, муқаддас Каъба-ю Мадинадан то Машҳадга қадар узун йўллар самосида юлдузлардай сочилиб кетган алломалар даврасига етиб бориб, пойгакда туриб уларга таъзим қилди.

Самовий ул мажлисда пайғамбар даврининг шоирлари Кааб ибн Зухайр, Ҳасан ибн Собит, ал-Жадий ва халифа Умайяд замонининг ал-Ахтал, ал-Фароз, Жарир сиймолари нур сочарди. Рубоийда Умар ибн Абу Робиъа ва Ал-Ахвос, улардан сўнг Жамл ва Бусайна, Лайли ва Мажнун, Қайс ва Лубна юлдузлари тизилган эди.

Бу само токининг яна бир гавҳари – Сурайёдай чакнаган Абу Нувос бўлиб, сўнгра ал-Мутанаббий, унинг ёнида эса ал-Маарий юлдузи нур сочарди. Бу кавкабистонда Фирдавсий, Дехлавий, Ганжавий ва Жомий юлдузи ақлу ҳушни олиб порларди.

Булар – инсоният закосининг пайғамбар алайҳиссалом давридан то шу замонгача чакнаган сўнмас юлдузлари эдилар.

Кеча-кундузнинг алмашиши, қуёш чиқиб ботиши, ойнинг ҳилолдан бадрга қадар ўзгаришлари сезилмасди. Маънолар олами унинг руҳини ўзига тўла бўйсундириб олди. Бу олам инсонликнинг энг олий чўққилари сари чорларди. Унинг қаршисида Тангри таоло ҳукми ила мамлакатларни забт этишга ва ҳар ерда Тангрининг мутлақ адолатини жорий қилишга

азм айлаган Искандари жўмард намоён бўлди. У “Нафсу ҳориса мах-
луқлари имон қалъасини бузмаслиги учун ҳар кимнинг бир Садди
Искандари бўлмоғи шарт”, деди ва оламга ундан Искандар девори мерос
бўлиб қолди. “Фарҳод ва Ширин” ҳикоятига эса ёри талабида тоғдан сув
чиқармоқ истаган содда санғойи йигит асос бўлди. “Хамса”нинг Баҳрому
Дилороми, Фарҳоду Ширини, Лайли-ю Мажнуни – барчаси у истагани
каби, бутун оламга турк тилида хитоб қила бошлади. Шундай бўлдики,
қат-қат маъноларни мужассам этди. Худди баҳор каби яшнади. Тангри
таоло баҳорни кишининг табиби қилиб юборади. Кунлар илиб, қушлар
сайраб, гул-чечаклар очилади, буларнинг баридан мурод – ёзда етиладиган
ва кузда тўплаб олинадиган ҳосилдир. Гўё билим ва ҳикмат баҳори бу
зотлар умри узра барқ урди, Навоий тасаввуридаги оламларда улар нозик
ҳиссиётлар, теран ўйлар, адолатли тутумлар ва олий фазилатлар ила
намоён бўлди.

Буларнинг бари бир инсон зеҳнида бунёд бўлмоғи ажаб! Буни нечук
қилдинг, Парвардигорим? Онгдаги “Мантиқут-тайр” қушлари қанот
қоқмоққа шай турарди. Ул қушлар турк тилининг латофати-ю гўзаллигини
кўз-кўзламоққа бел боғлаган, Тангрига элтувчи йўллару унинг васфини
бениҳоя азиз ва жонажон она тилда мадҳ этишга ошиқар эди.

Ёдга Самарқанддаги қора кунларда, карвонсаройнинг қақшатқич
совуғида титраб-титраб ёзилган, Саййид Ҳасан Ардашерга юборилган
изтиробли маснавий ҳам келди:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур.*

*Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире.*

*Не назме дер эрсам мени дарднок,
Ки, ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри пок.*

*Етар Тангридин онча қувват манга,
Ки, бўлмас битирига фурсат манга.*

*Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,
Ки, гар келса Рустам жавобин берур.*

*Рақам қилди фархунда “Шаҳнома”е,
Ки, синди жавобида ҳар хомае.*

*...Ани дерга бўлса қачон рағбатим,
Эрур онча ҳақ лутфидин қувватим,*

*Ки, ҳар неча нутқ ўлса қоҳилсарой,
Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.*

*Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

*Вале айт деб, ким манга тутти юз,
Ки, мен юз учун демадим икки юз,*

*Не юз, не ики юзки, бу килки тез,
Аторуд била қилса зоҳир ситез,*

*Анинг сайри бир давр охир бўла,
Фалакни латойифдин этгай тўла...*

Ҳа, истейдод барча томирларда жўшиб, Навоий гўё фалак осмонини латофатга тўлдирувчи Аторуд каби кўкка сайр этмоққа кўтарилди.

Элнинг турли кентларида, ёзлогу қишлоқларида, улусларида яширинган, намоён бўлишни истаган беҳисоб сўзлари бирин-кетин тизилишиб, арабу форс калималари ила қавму қариндошлар каби, саф-саф, елкама-елка, гоҳ қучоқлашиб, гоҳ ўртишиб, гоҳ тизилишиб арузий байт шаклида маъноларни ҳосил қилишарди. Гоҳида бир байт онг қатларидан сизилиб-ситилиб чиқади, гоҳида эса шалолодай оқади. Навбат “Лайли ва Мажнун”га келганида, бу шалола шоён қувватланди, Аторуду Зухал ҳам остда қолиб кетди. Ҳадсиз-ҳудудсиз маъволарда арабнинг икки қабиласи аро икки жон дунёга келди ва Тангри таолога нола қила-қила, қуш каби чирқиради. Оламлар Парвардигори инсонларни бир-бирисиз мавжуд бўла олмайдиган қилиб яратганига не дейин? “Мен йўқман, сен борсан!” дер эди бири. “Йўқ-йўқ! Асли мен йўқман, фақат сен борсан!” дер эди бошқаси. Буларнинг бир-бирига интизорликлари, бир-бирисиз мавжуд бўла олмасликлари шундай тарзда қоғозга тўкилди.

Мажнун Тангри таоло ризоси учун ҳажга борди, тилидан бундай сўзлар учди:

*Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рангимда қон қил!*

*Дардини нажотим эт, Илоҳий!
Ёдини ҳаётим эт, Илоҳий!*

*...Дардимга ҳаёлини табиб эт,
Жонимга висолини насиб эт.*

*Жаннат сари чекса сарнавиштим,
Васли ҳарамини қил беҳиштим.*

*Онсиз мени бир дам этма мавжуд,
Будумни қил онсиз ўлса нобуд!*

Оламлар Мураббийси унинг фарёдини эшитди, ўтинчларини мустажоб айлади. Мажнун Лайли ила дийдорлашди. Бир-бирларини кўришгач, иккаласининг кўнглига изтироб тушди. Лайли ўз севгилисини унинг

ноласидан англаб таниган бўлса, Мажнунга дилбари насими эсиб, фироқ хавфидан қутулди. Бир-бирлари томон югуришиб етишдилар. Хайхот, бундай висолни ким кўрди экан? Бир-бирларини таниган чоғданок руҳлари бадан уйидан жой олди, яъни баданлари зору мажруҳ бўлса, маълумки, ўша баданга руҳ бўлади.

*Икки гуҳар ўрни бўлди бир дурж,
Икки қуёш авжи бўлди бир бурж.*

*Бир соғар аро тушуб ики мул,
Бир ғунча аро бутуб ики гул.*

*Бир жисмда икки руҳ ўлуб гум,
Бир кўз аросида икки мардум.*

*...Бу қанд эди, ул зулол монанд,
Жазб айлади ул зулолни қанд...*

Яъни, бир дуржга икки гавҳар ўрнашди. Икки қуёш кўтарилиб, бир буржда бирлашди. Бир ғунчада икки гул битди. Бир жисмга икки руҳ жо бўлди. Бир кўздан икки қорачиғ бокди. Бири суву бири қанд эди, қанд сувга тушиб эриб кетди...

Бу ғаройиб қиссадаги Мажнун ҳам, Лайли ҳам аввал кўрилмаган маъноларни кўз-кўзлаб турмоқда эди. Бўз йигитлар Тангри иродаси ила қизларга эс-хушини йўқотар даражада ошиқ бўладилар. Камон қошлар, қора кўзлар, ақиқ дудоклар ва яна Аллоҳ махфий тутган турфа жилвалар эс-хушини ўғирлагай. Бу ҳолда уларга нафақат теграсидагилар, балки бутун олам халал бера бошлагай. Ошиққа наинки дўсту аҳбоб, ёр-биродар, балки коинот ҳам зарар бергай. Аслида, уни махлиё қилган – Лайли мавжудиятидаги Тангри санъатидир. Озод икки руҳнинг бир-бирига интилноғидай ажаб ҳайрат борми оламда? Жон ўз жононига интилар экан, унга ҳам жумла жаҳон халал бергай. Шу сабаб нола қилгайки:

*Сен бўлсангу мен бўлсам мавжуд,
Бўлса яна Коинот нобуд...*

Лайли ила Мажнун ўлимини тасвирлашда Навоий маъни денгизига ғарқ бўлиб кетди. Мажнун ҳам, Лайли ҳам, теварақдаги оломон ҳам унинг ўзи эди гўё:

*Кирди икки жисм бир кафанга,
Йўқ-йўқ, икки руҳ бир баданга.*

*Бир наъш ила ул икки дилором,
Андоқ эдиким, ду дона бодом...*

Кеча қоронғисида – шам шуъласига ғарқ хона – гўё беҳад кенгайиб кетгандай, бу ерда турфа воқеалар рўй берарди. Кушлар инсон тилида

сўзлар, кўк узра сузган куёш ўз тақдиридан ҳикоя қилар, Кўҳи Қоф ортидан мўралаган яъжуж-маъжужлару уларга қарши бораётган имон лашкари ўз мазмунидан сўзлар, гўё ер остидан оппоқ патли мулойим махлуқ чиқиб келиб¹, ушбу мамлакат кишиларининг юзларини силар, кимларнингдир юзи қорайиб, яна кимлардир нурга чулғаниб, мангулик диёрларига йўл олишарди. Ижод руҳи – дунёда тенги йўқ, инсон ақлу камолотининг энг олий чўққиси, Тангри таоло яратган ўн саккиз минг оламнинг барча назокатини ўзида жамлаган руҳ ул кенгликлар узра гоҳ ғамга ботиб, гоҳ шодон қичқариб учар, мунғайган вужуд аллақачон ёруғ дунё аталмиш буғзу адоватлар, урушлару фитналар оламида қолиб кетган, инсон руҳи эришиши мумкин бўлган музайян оламларнинг бепоён маъволари узра озод парвоз қиларди. Унинг бир истаги ила чаманлар бунёд бўлар, у эса умр чаманзорларининг бошидан охирига қараб он шиддати ила ўтиб кетмоқда эди. Бу қувватли илҳом гўё Нуҳ тўфони каби бўлиб, инсон руҳи унинг тўлқинлари узра еларди. Сўзи Довуд кироати каби янграр, самода учиб бораётган қушлар бу кироатдан тўхтаб қолар эдилар.

Мажнун ҳаёт саҳросида ўз Лайлиси иштиёқида кезар экан, олис-олисларда нуридийдасига кўз тика-тика, “Болам” дея дунёдан интизор ўтган ота-она изтироби юракни селдай оқизиб юборди. Шу аснода Навоийнинг изтироблари Мажнунга кўчиб ўтди, давру даврон ранжу озорлари ва ул нурли сиймолар соғинчи силқиб-силқиб, байтларга айланди.

Хатто йигитлик даврида Самарқандда кўрилган ўша кўрқинч туш ҳам дostonга кириб келди. Бу ғам базмида дардга тўлган кўнгил ўз дарду изтиробидан шу тарз фарёд урди:

“...Кунлардан бир куни унинг қайғуси жуда ошиб, кўзига бир нафас уйку кирган эди. Кўзлар уйкуга ботиб, роҳатлангач, қизик бир туш кўрди: қараса, икки каптар бир уйда бола очган. Каптар боласининг қанотлари ўсгач, замона уни изтиробга солди. Паришонхотир бўлиб, бу каптар бир муддат ҳавойи бўлиб қолди. Ота-онасидан тамом ажралиб, саҳродаги жониворларга кўшилди. Ота-онаси, яъни нар ва мода каптарлар уни келтириш учун ҳавога парвоз этдилар; уни топсалар ҳам, бола рози бўлмади, ўз уйига қайтмади. Улар иккови ноумид бўлиб қайтганида, абадий бир балoга учраб қолдилар. Юқоридан икки бургут учиб келиб, бу икки каптарни бир лукма қилди...”

Ёш Алишер кўрган ўша туш энди Мажнун тушига айланиб абадиёт сари парвоз қиларди:

“Бу тушни кўрган Мажнун кўзини очиб, қонли ёшлар тўкди. Тушининг таъбирини билмоқчи бўлар экан, бу аҳволни ўз ҳолига ўхшатди. Ота-онаси ўлиб, ҳаётининг куёши қорайганини билди. Тоғдан сапчиб пастга қараб югурди, селдек кўзёшлар тўкди. Қабиласининг қабристонига оҳзор тортиб йиғлаб борди. Қабрларни кўриб юрганида, икки қабрга кўзи тушди: улар янги ясалган, юзи ғам лойидан сувалган эди. Қабрларнинг устини кулфат чанглари босиб, унинг атрофида меҳнат тиканлари ўсган. Кулфат тиканларидан қизил гуллар, машаққат райҳонлари ва дард гуллари очилган. Қабрнинг лоласида эса ҳасрат, фироқ қонлари ва ғам доғлари кўринар эди. Тошлари шодлик пиёласини ушатиб, чанглари

¹ Қиёмат олдидан ер тубидан чиқадиган “Даббатул-арз” деган махлуқ.

хуррамлик чироғини ўчирган эди. Ғам шамоли икки шамни йиқитиб, ўчирганга ўхшарди. Бу қабрда ётганлар худди шам орасидаги пиликдек ғам билан синишган. Буларни ўчган икки шам дема, ошиқ калимасидаги алифлардир...”

У ота мазорига бош урди, бу тошлар эса унинг бошини янчиб юборди. Шундай жон ачитувчи фиғонлар билан яширин сирларини айта бошлади:

“Эй сахро аҳлининг азизи! Ҳимматининг каманди осмон учигача етган! Сахрогина эмас, Маккадан то Шомгача бўлган бутун дашт аҳли сенинг неъматинг дастурхонидан баҳраманд эдилар. Араблар ичида ҳурматли кишилар ҳам фармонингда эдилар, сенинг бутун бахтсизликларинг мендан бўлди. Кўнглинг ҳам менинг ғамимда ношод бўлди, умринг ҳам менинг ишим орқасида барбод бўлди. Роҳат топаман деб мени истаган эдинг-у, лекин ёруғ чироғинг мен туфайли ўчди. Фарзанд деб кўп пуллар садақа қилдинг, лекин мени кўриб, аламдан бошқа нарса топмадинг. Гавҳар билан бошингни зийнатламоқчи бўлдинг, у гавҳар бошингга тош бўлиб тегди. Яраларингга қўймоқчи бўлган малҳаминг уни куйдиришга сабаб бўлди. Покидек ўтқир тиг тиладинг, лекин ундан баданларинг тилим-тилим бўлди. Уйингни равшан қилмоқ учун шам тиладинг, лекин у шамдан бутун хонумонинг куйиб кетди. Яъни, мендек мубтало ва икки юзи қорани истадинг. У юзи қора сенинг ором ва қарорингни йўқотди. Ҳаётинг қора кунларга қолди. Эй вох, бу ғамларга қандай чидаш берайин, қай тил билан тавба қилайин?! Чунки амринг билан йўл тутмадим. Руҳингни қандай қилиб рози этайин?! Ногоҳ мендан шундай тўйиб, ғам тоғини устимга қўйдинг-да, суяқларимни бир-бир ушатиб, танимни тупроққа кўмдинг. Ҳар қанча бадбахт ва толесиз бўлсам ҳам, қарам билан гуноҳимни кечиргин, руҳингни узроҳим қилгин...”

У ота эҳтиромини қилиб, қошида юм-юм йиғлагач, она қабри бошига ўтди.

Онаизор қабрига келиб тўхтагач, фарёд-фиғонлари оламга сиғмай кетди. Ёқа ўрнига кўксини чок қилиб, юрагига раҳмсиз тиглар урди. Кўзёшининг селидан ерлар денгизга айланиб, қабрлари балиқлар каби кўринди. Оҳининг шиддатидан кум устида тани қовурилган балиққа айланди. Тани қизиган кумда кўкси чок бўлган буғдой донасига ўхшаб кетди. Дард билан тўлган ҳолда, балки жисми чок бўлган ҳолда, баҳор булутидек ўкириб, сол каби юзига шапалоқ урди. Юз изтироб билан йиғлаб, онасига бундай марсия ўқиди:

“Эй жонимнинг қибласи, қибламнинг нури! Қора сочларинг менинг берган азобларимда оқарди. Жонимнинг севинчи, кўзимнинг чироғи, кўнглим хуши, хотирамга роҳат бергувчиси! Каъбам эдинг-у, мен бутхонани тиладим, атрофингда ҳеч зиёрат қилмадим. Ҳар вақт сени изтиробларга солиб, Каъбамни хароб этдим. Каъбам хароб бўлгач, Тангрига нима деб жавоб бераман?! Ўзбошимча фалак жисмингдаги садаф ичига инжу деб тош солибди. Туғилган вақтимдаёқ ўлсам бўлмасми эди? Кошки туғилмаганлар билан тенг бўлсам эди... Мен бахтсиз, қора кунларда қолган, тирик қолиб сенинг жонингга бало бўлдим. Сен менга меҳр қўйиб, қўлинг доим билагимда бўлди. Ҳар кун мени деб қайғу ютдинг, тунларда уйку кўзингга харом бўлди. Кечалари тинмасдан зор-

зор йиғлаб, уйқунгни қочирган эдим. Кеча-кундуз менинг азобимда тинчлигингни йўқотиб, ичмоқ-емоқни ҳам унутган эдинг. Бир бурда еган нонинг ҳам менга сут бўлсин учун эди. Умидинг шундай эди-ю, чарх золи сенга ўчакишиб, азоблар юки билан қаддингни букди, ажинлар тушириб, юзингни тарам-тарам қилиб юборди. Бошинг ёстикқа етиб, бошинга суянчиқ керак бўлганида мен ҳам букилиб қошингда турсам, осмондек бошингдан ўргилсам, қулдек ўғиллигингни, ўғил бўлиб қуллигингни қилсам! Фалакнинг ҳар хил тузоқларига тушганингда мен билан кўнглинг хурсанд бўлса.

Ҳақиқатан шундай ишлар бўлдики, сен кучдан кетдинг, мен бўлсам улғайдим. Хаста жонинг борган сари қариликка юз тутди, мен ўсиб вояга етдим. Лекин мен бахти қора лаънати бир нафас ҳам қошингда ҳозир бўлолмадим. Шафқат билан кўлингни ҳам тутмадим, кўзим билан йўлларингни супурмадим. Тортган азобларингга ҳамдардлик кўрсатолмай ва айтганларингни ҳам жон билан бажаролмай, балки хизматингни қилишгина эмас, кўп ношукурликлар қилдим. Туну кун сендан жудо бўлиб, хабар олмасдан бевафолик қилдим. Ўзимни телбаликка солгандек бўлиб, кўнглингни ололмадим. Ўзим дардингга даво қилолмадим, не ажабки, мендан сенга ҳар нафасда турли-туман балолар етди. Аламларимни тортиб, жондан ажралдинг. Гўё сен менинг бундай бепоён ранжларимни тортиб, ғам ва дард билан жаҳондан чиқдинг. Мен даштма-дашт, беҳуда наъралар тортиб, оёқ яланг мажнун бўлиб юрдим. Руҳингнинг жилвагоҳи жаннат боғларидир, макони – жаннатдир. Ўша боғда ҳам мендан шод эмаслигингни билсам, шу зулм мен учун етарлидир. Бечораман, бошқа нима қила олар эдим, дардимга қандай чора ҳам топардим”.

У шундай ғарибона куйлар билан аза тутиб йиғлади. Шундай сўзларни айтгач, шикаст топган бошини ерга урди. Яна кучсизланиб, охири ҳушсиз ҳолда йиқилди. Шу даражада ўзидан кетдики, гўё ота-онасига етишгандек эди.

“Эй дўст, бир нафас бошимга келиб, мен мотамзадага бир боқиб, раҳм эт! Бу кимсасиз факиринг ҳажр доғлари ичида етиминг ва асиринг бўлиб қолди...”

Бу шундай бир ҳаёт ва ишқ қиссаси бўлдики, сири икки хил қилиб айтилди. Аввалгиси рамзий ишқдир. Кимки дард, эриш, куйишдан юзи шуъла билан ёруғланиб, поклик васфига эга бўлса, шундагина бировга ошиқ бўлади. Унинг ишқи ичида тортган фироқ ва дардлари уни ўзлигидан тамом ажратиб, танҳо қилиб қўяди. Сўнгги ишқни ҳақиқий деб билгинки, давлат унга рафиқдир.

*Ҳар сатр келиб ясоли анда,
Пархош элидин мисоли анда.*

*Йўқким, бори меҳнату ғам аҳли,
Ғам дашти ичинда мотам аҳли.*

*Мажнун ғамидин бори азолиқ,
Лайли ўлуми учун қаролиқ.*

*Яъни бу сифат фироқнома,
Бўлди манга қатрарез хома.*

*Сўгин нечаким узоттим охир,
Йиғлай-йиғлай тугаттим охир...*

...Бир дoston битиб-битмас, унга сиғмай қолган дарду аламлар бош-қасига кўчиб ўтар, инсон умрининг ранжу озорлари, севинчу шодликлари каби абадият бойликларининг қийматларидан сўзларди. Бу боғда хазон олтин қийматини олар, олтинлар тошчалик қадрга эга эмас. Ушбу гулистонда жаҳолат тоғини тешиб сув чиқарган, Ширин учун “Баҳрун-нажот”, яъни нажот ҳовузини курган Фарҳод ҳам Навоийнинг ўзи эди. Яшаб ўтилган умрнинг афсуслари ва пушаймонликлари бу ўринда ҳам байтларга сиғмай, тўлиб-тошиб оқарди.

Фарҳоднинг Тангри таоло хизматкор қилиб бўйсундирган жон эгаларига билиб-билмай озор етказганларидан ташқари, тақдирларни ўзгартирувчи ва ҳар бир тутумдан ҳисоб сўралгувчи даҳшатли Маҳшар куни томон кетар чоғида яна бошқа кўзғалмас хизматкорлардан – тоғу тошдан, сабза-ю оғочдан, ҳатто ўз метини-ю тешасидан ҳам узр сўраши инсон камолотининг энг ёруғ, энг олижаноб тимсоли бўлиб муҳрлана қолди.

Язд чўлида онаизорининг этакларига ўралаша-ўралаша, юзидан пардаси учиб, “Кўзим!” дея йиғлаб чопиб келганларини қалам қисмат қоғозига бундай нақшлади:

“...Сўнг ажал ўз ўқини Фарҳоднинг жонига урди. У ўз умрининг тугаб бораётганини тушуниб, отасини ёдлади ва бир совуқ оҳ тортиб қўйди.

Онаси кўз олдига келар экан, кўзидан иккита қонли ирмоқ очилгандай бўлди. Гўё фалак унинг бошига ўткир бир шамширни урди-ю кўксини икки бўлакка бўлиб ташлади. У деди:

“Менинг тўғримдаги хабарни эшитиб онам изтиробга тушиб, менинг қайғумдан тошларга бош уриб, ғавғоси дунёга ўт солгудай оҳу вовайлоси ҳар томонга етгудай бўлиб, мен ёввойига хитобан “Кўзим!” деб, ҳеч кими йўқни “Ёлғизим” деб соғинса, ғам ва ташвишлари ошиб, юзига тутган пардаси юзидан учиб кетса, ғам билан парвариш топган ўғлини эслаб, тўққиз қават парданинг ичидан югуриб чиқса, “Жоним ипига бойланганим” деб юзларини тилим-тилим қилса, юла-юла сочларидан айрилса, бундан Чин ўлкасига қора мушк ўрнига ҳидли кофур сочилгандай бўлса, шунда сен, эй тонг ели, менинг нафасимни тутун қилиб бориб, халойиқ кўзидан уни яшир. Унга менинг номимдан бундай дегин: “Эй, юзинг жонимнинг қуввати, изининг гарди кўзимга тўтиё бўлган она! Тангри менинг вужудимни йўқликдан бор қилган экан, менга бу дард ва ҳасратлар ўзи етарли эди. Сен орқамдан эргашиб юрсин деб ажойиб бир фарзанд кўришни жуда ҳам қаттиқ орзу қилдинг. Мендай бир фарзанднинг ташвиши билан бўлиб, бир нафас ҳам кўнглинг севинмади. Ҳамиша интизорликда ва доғда бўлдинг. Бошқа болалар майсазору боғларда ўйнаб юрса, менга кичик ёшимданоқ дарду доғ насиб бўлди. Озгин танинг менинг доғимни тортгани тортган, сен эса менинг доғимда

ўртанишни ўзингга шиор қилиб олган эдинг. Ёкут тилаган эдинг, бир парча тош топдинг. Қуёш сўраган эдинг, бир парча ўтга эга бўлдинг. Мен қанча улғайсам, шунча бечора бўлдим, диёримдан, мулкимдан ажралиб овора бўлдим. Менга бу овораликни фалак ўти берган экан, сенинг ишинг фироқимдан ўртаниш бўлди. Сенга бир умр куйишнинг ўзи етмагандек, ташвишимдан куя-куя хасга айландинг, кул бўлдинг. Менинг сенга келтирган шунча азобларим етмагандай, кўзёшларим сели билан ўз Каъбамни буздим. Мен кимман? Менга ўлим ҳам хайф! Мен халқнинг менга куйиши, куйинишига ҳам арзимаيمان...”

* * *

Гўё пиллага кирган курт каби, емоқ-ичмоқни бас қилиб, дунё ишларидан чекинди-ю ипак яратди. Яъни жондан кечиб, ипак бўлди.

Гўё ерга кирган уруғ каби униб, лола бўлиб очилди: чечак бўлди.

Сўз савоб ҳосил қилмоғи шарт! Бу мукаррам оламда инсон боласигина савоб қилмоққа қодир! Тангри таоло малакларига, ҳатто энг қудратли фаришталарига ҳам у ҳадяни иноят этмагандир.

Ёруғ дунё яратиклари инсон даражотларини ифодалаб турмоқдадир. Эй пок киши, кўрмаяпсанми, ер тубидаги кўзсиз бир куртнинг ҳолини? Ҳой яхшилар, самоларда учган ваҳший бургут сизга неларни билдирмоқда? Юлдузлар яралишининг ҳикмати не? Сайёралар нечун фалак тоқида сузгайдирлар? Фасллар нечун алмашгайдир? Буларнинг бари ҳаётнинг жон томирида, қоқ марказида турган инсонга қарата, “Эй Тангримнинг мукаррам яратиғи, тафаккур қилмайсанми?” дея, “Ақл юритмайсанми?” дея қичқирар, йиғлар, ялинар, ёлворар эди.

Шуларнинг бари – фасллардан само ёритқичларигача, тоғу тошлардан уммонларгача, ердан кўккача ораликда яшашга ҳукм этилган сон-саноксиз жон эгалари бир куни еру кўкларни титратиб янграйдиган олий бир ҳайкирик қаршисида ҳавасланиб, мўлтираб, илинж билан тизилиб туришарди.

Ул ҳайкирик не?

“Эй хотиржам-сокин нафс, рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг ҳузурига қайт!”

Шундай ҳайкирикки, жон эгасини Тангри таоло қаршисида нолавор йиғлаб-сиқтамоғига, ёруғ олам жавру ситамларидан Тангрисига арз қилмоғига ва “Эй воҳ, бениҳоя азиз шу умримни неларга сарф айлаб юбордим?” дея афсус-надоматлар гирдобида қонли кўзёшларини тўка-ётгани маҳал янграгувчи бахт-нажот ва олий саодат қичқирғидир.

Ана шу энг олий мукофотга элтувчи йўллар не?

“Унсия” шу тариқа Коинот марказига айланиб кетди. Ҳирийда нақадар улуғ ходиса рўй берганини ҳеч ким билмас эди. Ваҳоланки, мангулик яралмоқда, бошқа барча инсон болалари каби, бир маҳаллар она қорнидан йиғлай-йиғлай туғилган бир жон, турк улусининг бир ўғлони гўё Ёфас каби, назм Абут-Турки бўлиб, ўзига билимларни ва хулосаларни сингдира-сингдира, кўрган-кечирганларидану тўплаган жавҳарларидан шу тарз дарак берди. Дафина эди, хазина бўлиб ер бетига чикди. Йўқ-йўқ, чикди дема, балки юксак оламлардан замин юзига тушди.

Олам бу нодир хазинанинг қадрини билармикин? Мана-ман деган шоҳлар саройини безайдиган шу буюк хазинанинг қийматини англаувчилар бормикин? Унинг қанчалар шоҳона эканини олимгина билгай, шоҳлар эса уни ўз хазинасига қўшиб олиш учун минглаб аскарини фидо қилгай. Ҳа, оламда тенги йўқ хазина юрак тубларидаги илмлар, хулосалар ва имон ёғдусида яраклаб яратилди. Фалакда қуёш бўлиб нур сочди. Бу – жоҳилият бадавийларининг “Бизлар йўлда келар эканмиз, самода икки ой кўрдик” деганлари каби бўлди. Сен самодаги ойга эмас, унинг бўлиниши сабабчисига қарасанг-чи? Ахир, тоғлар ҳам ерни ёра-ёра келиб, унинг қаршисида шаҳодат келтиришди. Унинг оламида шаҳодат келтирмаган бирон мавжудот қолмади. У оламда жонли-ю жонсиз – бари сўз айтди ва оламлар гултожи бўлмиш инсонга таъзим айлади. Бир иблисгина бундан четда қолди ва унинг чиркин васфу таърифи мазкур хазинадан ўрин олмади, чунки у ноумидлардан эди. Одам Ато яратилганидан буён бутун тарих бўйича жамланган мукамал илмларни ўзида жам айлади. Гавҳар қийматини билмоқ учун заргарликдан хабаринг бўлмоғи даркор, йўқса, сен учун тош нима-ю дур нима?

Бунча ишлар Хуросоннинг Ҳирийсидаги бир инсон боласи қалбида яралди. Эгаллаган билимлари истеъдоди боис шундай нур сочди. Теварак-атрофдаги минглаб кишилар бу илмларга эга бўлишсаиди, балки юзлаб хазиналар яралмиш бўлгай эди. Афсуски, ул иш рўй бермади.

“ХАМСА” ҚУВОНЧИ

890 йилнинг¹ баҳори келди.

Ҳирий яшилга бурканди.

Кўхсордан сарсари еллар эсиб, боғларнинг бултурги хазонларини супурди. Ўт-ўланлар узра мажлис қурди. Само мовийси янада тозариб-тўклашди. Ҳомила булутлар баҳорий ёмғирларини аямай тўкди.

Ҳирий олиму фузалоси орасида шов-шувлар авжда эди.

– Ҳазрат Навоий “Хамса” яратибдилар! Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийга жавоб тариқасида битибдилар, аммо шундай жавоб бўлибдики, савол бергувчи ожиз қолмиш!

– Тангри таолога ҳамду санолар бўлсин!

Жума намозларида воизлар хитоб қилар эдилар:

– Ҳой халқ, қўлингни очиб дуо қил! Тангрига ҳамду санолар айт!

– Нима гап?

– Ҳазрат Навоий туркчада “Хамса” битибдилар!

– Туркчада битса не?

– Султонлар қилолмайдиган ишни қилибдилар, туркчанинг шон-шухратини оламга ёйибдилар. Онча айтибдурларким, Ганжавий Деҳлавий “Хамса”сидин ортиқ бўлса ортиқ, асло кам эмасдир!

– Шоирликда “Хамса” энг улуғ даражот саналур. Деҳлавий ўттиз йилда ёзган “Хамса”ни Навоий икки йилда тамомлабдилар. Ўз қўллари билан ёзган нусхани султон Ҳусайнга тортиқ қилибдилар.

– Султон не дебди?

– Алишербекка, “Бундан буён сиз пир, мен эса муридингизман”, дебди.

¹ Милодий 1485 йил.

“Бир можаро сиз билан бизнинг орамизда кўпдан бери ҳал бўлмай келади, шуни бугун бир ёқлик қилайлик”, дебди. Алишер Навоийдан “Пир ким-у, мурид ким?” деб сўрабди. Навоий донолик билан, “Пирнинг тилаги – муриднинг тилаги бўлиши керак”, деб жавоб берибди. Шунда Султон Ҳусайн ўзининг Ақзаб лақабли оқ отини олиб келишларини буюриб, айтибди:

– Сиз пир, мен мурид бўладиган бўлсам, сиз шу отга минасиз, мен уни етаклайман.

“Пирнинг тилаги муриднинг тилаги бўлиши керак”, деган сўзга жавобан айтилган. “У ҳолда, муриднинг тилаги ҳам пир тилаги бўлмоғи лозим”, деган мазмунни билдирган ушбу хитобдан сўнг Навоий ноилож отга минишга мажбур бўлибди. От ғоят асов бўлиб, шохдан бошқани ўзига яқинлаштирмас экан. Навоий оёғини узангига кўйиши билан от типирчилай бошлабди, Султон Ҳусайн отига ўшқирибди, от итоат қилиб, Навоийнинг минишини кутибди. Навоий эгарга ўтириши билан Султон Ҳусайн отининг жиловидан ушлаб етаклай бошлабди. Навоий хушидан кетибди. Уни эгардан кўтариб олишибди. Тарихда бундай ҳол сира кўрилган эмас. Ҳеч бир замонда шох шоирга жиловдорлик қилмас эди. Каримут-тарафайн ғозий Султон Ҳусайн шундай қилибдилар.

– Вожаб! Султон Ҳусайн Алишербек ҳазратларидан ёшда ҳам, насабда ҳам улуг эмасми?

– Ана бу авомнинг сўзи бўлдиким, кесак каби ё тош каби. Тавба.

– Уламо у зотни “Низомиддин” деб ҳурматлабди. Нега денг? Диннинг низомини маҳкам тутганлари учун!

Карвончи кула-кула айтиб берди:

– У кишининг шуҳрати султон шуҳратидан кам эмас. Мовароуннаҳрдан Хуросонгача доврुक тутубдурлар ва бу иш қилич эмас, қалам туфайли юзага чиқмиш. Бир куни ул ҳазратнинг тишлари оғриб, мовий бир матони олиб қиялатиб боғлабдурлар. Муни кўрган Ҳирий хотинлари, “Ҳазрат бежиз мундоқ қилмаслар”, дея барчаси юзларини ўшандоқ мато ила боғлабдилар. Уни “Нози Алишерий” деб номлашибди.

– Лекин мен султон Ҳусайнга қойил бўлмадим. Нечук султон бир шоир отининг жиловини тутибди?

– Англамайсизми? Туркчада дедик! Султон Ҳусайн Алишербекнинг ёшликдан дўсти эди, аммо ҳеч бир вақт мундай қилмамиш эди. Туркийда “Хамса” битганларидан сўнг ўз отига миндуриб, жиловини тутмоқ недир?

– Туркча нуфузини оламга кўз-кўз қилғони учун! Сиз соҳибжамол маъносини англадингизми?

– Англамасмидим?

– Оламда араб соҳибжамоли фусунда устун эди. Сўнг форсий гўзали чиқди, осмонда қуёш иккита бўлди. Алишер Навоий эса турк соҳибжамолининг гўзаллигини мадҳ этдилар.

– Хотинлар гўзаллигини-я?

– Ҳай, ақлингга балли! Турк тилининг гўзаллигини айтмоқдамиз, биродар!

– Мен султон бўлсам ҳам, хизматингиз олдида менинг қийматим андоқким, фақат жиловдорликка ярайдурман, демоқчи бўлибдилар.

– Ана, англаганнынг садағаси кетай!

– Тангрига минг шукр, ундай зот турк элида дунёга келди. Агар Фаранг ё Румда таваллуд топса эди, у ҳолда бизлар уларга ҳавас ва пушаймонлик билан бокқай эдик. Энди кўксимизни кера-кера юргаймиз. Яна андоқким, эъжоз мақоми ила битмишлар. Ҳар дostonнинг икки, балки уч маъноси бормиш!

Бу ажойиб янгилик то Рум элигача бўлган барча мамлакатларга яшин тезлигида етиб борди. Тангри таолонинг турк миллатига ато этган ноёб ҳадяси – Алишер Навоий битган “Хамса”ни ҳар ерда аҳли дониш тезроқ ўқигиси келиб сабрсизланарди.

“Хамса” бу пайтга келиб бирлашиб кетган оққуюнлилару қорақуюнлилар салтанати учун ҳам мисли кўрилмаган байрам бўлди, бу салтанат Алишер Навоийни азалдан ўз шоири деб ҳисобларди. Хушхабар қаноти Шомдан ўтиб Румгача етиб борди. Рум олимлари ҳам бу гўзал ижодни байрам қилдилар. Жанубда у ўз қанотларини Ҳинд диёри узра қоқиб, олтин ва жавоҳирларини сочиб юборди.

Олам шоҳлари қўлида икки ҳазина бор эди, улардан ҳам гўзалроқ, батафсилроқ ва маҳоратда устунроқ бўлиб учинчи ҳазина яратилдики, аввалгиларининг барча қийматини ўзида мужассам этиб, янги-янги дур-жавоҳирлар қўшилди. Шоҳлар бу асарнинг Хуросонда яратилганига ҳавасланишар ва, “Кошки Амир Алишер бизнинг мамлакатимизда дунёга келиб, бизнинг тилда сўз айтсайдир”, деб қизганишар эди.

Бу хабар Дашти Қипчоқ ҳукмдори Муҳаммад Шайбонийхон қулоғига ҳам етиб борди. Чўлу даштларнинг ушбу бўйиси “Хамса”нинг бир нусхасини олгач, хурсанд бўлиб кулди ва қўй-туя сўйиб, элга тарқатишни буюрди. Тоғу тош, дала-ю даштга ёйилиб кетган бошқа кўчманчи беклар ҳам бу хабарни шодланиб қаршилашди, улар наздида ҳам Алишер Навоий беҳад улуғ қаҳрамон, етиб бўлмас қуёшдай эди.

Бу Хамса бир уммон каби яралди, дер эдилар. Уммонни кўрганмисиз? Ғоятда теран, долғаланувчи бепоён сувлари бағрида наҳанглари-ю илонлари ҳам бордир. Чукур шўнғигувчи ғаввосларгина ундан ер юзида тенги йўқ жавоҳирларни олиб чиқа олурлар. Саёз ерларнинг ғаввослари эса гоҳо чиғаноқлари бўш чиққани учун ўзларини айбласинлар!

Бу шундай уммонки, уч елканли кема ила сузгайсиз. Бир ёки икки елканли кемалар суза олмай бағри тешилиб, чўкиб кетгусидир. Шу уммонда сузсангиз, Арабистон саҳролари олдидан чиққайсизу, Лайли ва Мажнун мамлакатига дуч келгайсиз. Яна сузаберсангиз, фалакиёт сари йўл олгайсиз, олам ажойиботларидан баҳраманд бўла-бўла, етти сайёра қошида Шоҳ Баҳром ила қаршилашгайсиз, у билан суҳбат қургайсиз. Яна сузаберсангиз, Искандар деворига дуч келгайсиз, ўшал мустаҳкам девор ортидаги жаннатмонанд маъволарга назар ташлагайсиз. Дашту саҳродан ўтиб келган Фарҳоддан ва тоғу тошлар орасидаги Арманистон диёрининг маликаси Шириндан хабар топгайсиз...

Шундай дейишарди кишилар шодланиб. Содда, ўқиш-ёзишни билмайдиган кишиларнинг севинчи ҳайратланарли эди. Асар маъноларига уларнинг етиб бориши ғоятда мушкул, бироқ Навоий “Хамса” яратганининг ўзиёқ уларни тўлқинлантирар, Тангри таолога шукр ила ҳамду сано айтишга ундарди.

* * *

“Халосия” мадрасаси толиблари навбатдаги дарсга йиғилиб, мударрисни кутишарди. Мавлоно Қутбиддин Тоёбодий Алишер Навоийнинг яқин кишиларида бўлиб, бу ҳурматли ва илмли киши ҳазрат илтимосига кўра Ироқдан Хирийга таклиф қилинган эди.

“Хамса” ҳақидаги гап-сўзлар “Халосия”да ҳам давом этарди. Шошганидан терлаб-пишиб кириб келган мавлоно Тоёбодий:

– Ҳой яхшилар, қувончимни сиз билан баҳам кўргим келди, – деди севинчидан юз-кўзи кулиб. – Кеча Мир ҳазратлари ҳузурида эдим. Йиғилганларга “Хамса”ни келтирдилар, мажлис сўнггида мен ёлвора-ёлвора, бир парчани кўчириб олишга рухсат сўрадим. Рухсат берганларидан сўнг, мавлоно Имомиддин иккимиз то тонггача қолиб, ажойиб бир қисмини кўчириб олдик.

Толиблар орасида ғала-ғовур кўтарилди. Барча ўша мақталган асардан баҳра олишни истарди.

Мавлоно Тоёбодийнинг бу ишини бошқа мударрислар ҳам эшитган экан, улар ҳам бирин-кетин кириб тўшакларга ўтиришгач, Тоёбодий кўлидаги бир неча варақни лавҳ устига қўйиб, баралла ўқиди:

“Менга подшоҳ қўли етакчи бўлиб, бу панжа билан мени зўр имтиҳон қилди. Уни панжа эмас, қаттиқ тош де, тош ҳам эмас, яхлит пўлат дегин. Панжа кучини синаш учун панжа солдим, у панжага тенг келолмай азобу ранж чекдим. У – донолар, “Панж ганж” деб ном қўйган “Хамса”и ганжсанж эди. У ноёб дурлар хазинаси, офтоб панжаси бўлган “Хамса” эди, кимки унга зўрлигини кўрсатган бўлса, кучи етмай, қўли шикаст топди.

Менинг қўлим ҳам беҳад заиф бўлиб, у панжага тенг келолмасди. Қўлимдаги қувват ҳам, панжамдаги куч ҳам панжалар беллашувига имкон бермасди. Бошлаган бу ишдан воз кечишга ҳимматим йўл бермас, кучаниб ишлай десам, қувватим етмасди. Панжамга ҳасрат билан боқиб, бу панжамни у панжамга уриб, ақлу хушимни йўқотиб, хаёл сураар эканман, суруш – бахтиёр фариштаннинг тўсатдан нидоси қулоғимга чалинди:

“Эй ожизлик ва ёлбориш денгизига ғарқ бўлган, дардига бир чора қилувчи топилмаган инсон! Ўрнингдан тургин-да, пир даргоҳига етиб боргин, юзингни унинг огоҳ жонига қарат ва унинг қўнғлидан дўстлик, буюк ҳимматида мададкорлик тилагин. Чунки очилиши қийин бўлган ҳар бир кулфга буюк донишмандлар дуоси калит бўла олади”.

– Подшоҳ деб султон Ҳусайнни назарда тутганлари аён. Пир деб мавлоно Абдурахмон Жомийни айтмоқдалар! – ишораларни дарҳол илғаб олишди толиблар.

– “Бу сўзни эшитгач, пир остонаси томон йўл олдим. У жаннатий маконга етиб бориб, сажда қилганимда, остонаси тупроғидан кўзим ҳам, қўнғлим ҳам ёришди. Эшикка қўлимни уришга журъат қилолмай турар эканман, у ўзидан-ўзи очилиб, “Ниёз аҳли кирсин!” деган овозни эшитдим-да, таъзим билан ичкари кирдим. Пирга дардимни қай тарзда баён қилишни била олмай, гунгу лол бўлиб турар эканман, қўнғлимдаги

дардларимни пирнинг ўзи сўзлай бошлади, мен унинг айтганларини тасдиқ қилгач, у аввало ишимнинг битиши учун дуога қўл очди-да, сўнг барча ҳожатимни раво қилди.

*Дедиким: “Бу бир иш эди қилгулуқ,
Бу айтилмагон нукта айтилгулуқ.*

*Бу соатга мавқуф эрди экин,
Бу дам Тенгри тавфиқ берди экин.*

*Агарчи етишти малолат санга,
Вале охир ўлди ҳаволат санга.*

*Ким ул ганжлар бошига етгасен,
Тилисмотини доғи фатҳ етгасен.*

Оламга назар солиб кўрдикки, турклар орасида бу каби улуғ ишга қўл уриш учун зарур бўлган кишини топиш қийин. Турклар ҳам, ажамликлар ҳам бундай ишга ҳайрат билан қарайдилар. Олам аҳли ўн кун тинмай меҳнат қилганларида ҳам беш байтли бир ғазални ёзиб тугатолмайдилар. Маснавийгўйлар эса ўн йилда минг байт шеър битишнинг уддасидан чиқолмайдилар.

Бу ўрмонда иккита шер бўлиб, бу денгизда иккитагина шижоатли, жасур наҳанг бордир. Ўрмонга кириш учун шерлар жанг қилиши, денгизда эса кўркмас наҳанглар олишуви керак. Бу кунларда тез ва нозик фикрловчи фақат сенсан. Мусаллам сўзинг равон, сўз ичра гўё бир паҳлавонсан. Равон қаламинга шунчалик ишонч борки, сўз айтганда шунчалик обиҳаёт яратадики, унинг Хизрваш сувидан бутун коинот тўяди. Бу ишни бажариш сенга насиб этган экан, сен унинг уддасидан чиқа олишингга умид қиламиз. Тур энди, ишинг ҳақида ўйлагин-у, ҳаёл аҳли зеби жамоли ҳақида фикр сур. Сен бу ишингда хушёрликни унутмаслигинг керак, биз эса дуо билан сенга мадакорлик қилғумиздир”.

Мен нотавон бу сўзларни эшитгач, ўлик жисмимга жон киргандек бўлди. Ер ўптим-да, уйим томон йўлга тушдим. Кўнглимда ўйлаган дostonларни яратишга жазм қилдим. Хонамга келгач, қаламим учини созлаб, сўз хазиналарини бирин-кетин тера бошладим. “Ҳайрат”га кўнглим қизиқиб, унга эл-улус ҳайратини уйғотдим. “Фарҳод” ҳақида ўй суриб, тешавор уста бўлиб, тоғ текисладим, “Мажнун” афсонасини қаламга олиб, барча халқни жунун шайдосига айлантирдим, “Сабаъ”га таъбим яқин бўлиб, етти чархдан офарин эшитдим, тилимга Искандар номини олиб, дoston отини “Садди Искандарий” деб атадим.

Бу маҳвашлар жамолларини сарв ниҳоли каби безатгач, латофатда юз аъло жаннат, ҳар бирининг ичида минг гўзал ҳур ўз аксини топди. Бу беш хазинани очгач, уларни қоғозга туширдим, кейин ёзганларимни жузвдонимга солиб, ҳиммат билан менга мадакорлик қилган улуғ пирим олдига олиб бориб кўрсатишни кўнглим орзу қилди. Ҳузурига бориб таъзим бажо келтириш ва ишим тугагани ҳақида ул зотга хабар

етказиш тўғрисида хаёл суриб борар эканман, “Хамса” яратган қалам сохибларининг меҳнатларини эслардим.

Бу асарни ёзишга бел боғлаган улуғлар уни тугаллаш учун узоқ умрларини сарф этдилар. Назм аҳлининг устоди бўлган Низомий ўз хазиналарини, хазина эмас, ихтироларини элдан узоқроқда яшаб, ярим умрини заҳмат чекиб, қон ютиб яратди. Беш хазина калидини қўлга киритгач ҳам, бу асарларни таҳрир қилиш учун яна анча вақт сарфлади. Кўп умрини бағишлаб, бу ажойиб ёқимли китобини тугаллади. Неча подшоҳларнинг ғамхўрлиги билан бу давр ичида у халқ хизмати билан шуғулланмай, фақат шу асарни ёзишдан бошқа нарсани хаёлига келтирмай, фақат орада қирқта арбаин битиб, шу беш хазинанинг соҳиби бўлди.

Ҳиндча таҳаллус олган, асли ўзи турк бўлган Хусрав Деҳлавий ҳам Ажамдан Арабгача бўлган мамлакатларни сўз билан қўлга киритди. Бу мустаҳкам қўрғонлар эшигини очгунча, анча афсоналарни қисқароқ баён қилган бўлса ҳам, кўпгина вақтини фақат шу дostonларни ёзиш билан ўтказди. Уларга ўз ҳаётининг ўн беш, камида ўн йилини бахшида этди.

Яна кимлар шу соҳада қалам юритган бўлсалар, улар сарфлаган вақтни юқорида айтилганларга қиёс қилиб, билиб олса бўлади...”

Мавлоно Тоёбодий шу ерга келганида ўқишдан тўхтади-да, бошини чайқаб:

– Ҳақиқатан ҳам, Амир ҳазратлари элга хизмат қилишдан бўшамас эдилар. Тонгдан оқшомгача халқ дардини тинглаш, кишиларга ёрдам бериш билан банд бўлардилар, баъзида одамлардан малол келувчи сўзлар эшитардилар. Халқ ғавғосидан тинмас, қулоғи халойиқ шовқин-суронидан тинчимасди. Шундай қийинчиликларга қарамай, икки йилдан кўпроқ вақтда “Хамса”ни ниҳоясига етказдилар. Эътибор қилинг, уста бир ҳисобчи ғайрат қилиб, беш дostonни ёзиш учун кетган муддатни ҳисобласа, жами олти ой ҳам бўлмайди. Энди қолганини тингланг, инсонликнинг юксак ўрнакларига шохид бўлинг! – деб давом этди:

“Бу китобни аввал айтган улуғларнинг юзига ажал аллақачон ўз никобини ёпган. Улардан ҳар бирининг руҳи жаннат боғида шод бўляпти, деб умид қиламан. Доно пирим булардан ҳам хабар топиб, мени ҳам бохабар қилармикан? Шундай хаёллар билан пирим манзилига етиб бордим, оstonасини ўпиб, жузвдонимдан “Хамса”ни чиқардим-да, ёзганларимни кўрсатиб, барчасини унинг оёғига нисор қилдим! Кемам дарёда борар экан, пирим қўлини улардан бирига узатди-ю, ҳар бир варағини очиб, назар ташлар экан, юзига табассум ёйиларди.

Бирон сўз ҳақида савол берса, жавобини айтганимдан сўнг завқланар, гоҳ таҳсину гоҳ дуо қилар экан, ҳар бир сўзидан шодликка тўлиб, муродим ҳосил бўларди. Ёзганларим ҳақида фикрини айтар экан, мен икки кўзимни ерга тикиб турардим. Сўзимни эшитар экан, юзи бўстондек очиқлиб, меҳрибонларча енгини эгнимга ташлади, қўлини елкамга қўйди.

Шунда ўзимдан кетгандек бўлдим, кизиқ бир ҳолат юз берди: тўсатдан ўзимни ажойиб бир бўстон ичида кўрдим, боғу гулистон аро айланиб юрган эмишман. Боғи Эрамда сайр қилган ҳар бир одам ҳам ушбу жаннатмонанд боққа орзуманд эмиш. Эл Байтул-ҳарамни тавоф қилган каби, мен ҳам чамандан-чаманга ўтиб шодланар эмишман. Боғ ичида кўпгина

кишилар ҳалқа қуриб, ширин суҳбат қилишар экан. Улардан бири чаманда мен кезиб юрган жойга қараб юриб олдимга келди. Шоирона қиёфали дилкаш ва соҳибжамол бу киши салом бериб, мен билан сўрашгач, “Бу бахтиёр ва қувноқ одамлар сенинг ҳам суҳбатимизга қўшилишингни истамоқдалар”, деди. Унинг таклифини қабул қилиб, ўша томон юрдим. Йўлда борарканмиз, ҳамроҳимга ўзимни таништириб, суҳбатдошларнинг кимлар эканини сўрадим. У дедики:

“Улар маснавий назм қилган шоирлар гуруҳидир. Хусусан, улардан бир нечталари “Хамса” яратган, “Хамса”даги қонлар хазинасини очган донолардир. Уларнинг барчалари шу ерда, сенга мушток бўлиб турибдилар. Сен менинг кимлигимни сўрадинг. Каминанинг оти Ҳасан бўлиб, халқ Деҳлавий деб атайди”.

Бу сўзни эшитгач, жисмимга иситма тушди, кўнглимни ҳам изтироб эгаллади. Узр сўраб, ҳамроҳим билан қучоқлашиб кўришдим. Йўлда борар эканмиз, Ҳасан тўдадаги шоирлар номини бирма-бир айтиб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида талқин қилиб берди. Уч киши мажлис раисларини экан, ҳамроҳим уларнинг ишларини ҳам шарҳлаб берди. Дедики: “Ўртадаги ёқимли чехрали нуроний пир ҳазрати Шайх бўладилар, огоҳ бўл, ҳурматини эъзозлаб, оёғига бошингни қўй. Ўнг томонидаги доғнишманд унга пайравлик қилиб “Хамса” ёзган Амир Хусравдирлар. Яна бир ёнларидаги эса сенинг пирингдирлар. Уларнинг икки ёнларидагилар қавмларидир. Барчалари билан ҳурмат сақлаб кўришгил, сўзлаганингда ҳам одоб сақлашни унутмагил!”

Ҳамроҳимнинг барча айтганларини қабул қилдим. Мажлис кетаётган жойга юз қаричча масофа қолганда, базм аҳли ўринларидан турдилар ва мени кутиб олиш учун кела бошладилар. Мен ҳам қадамимни тезлаштириб, уларга рўпара бўлдим. Ҳамроҳим бирма-бир ул тўдадагиларнинг отларини айтиб, кўришаётганимда ҳам ёнимда турди. Саъдий, Фирдавсий, Унсурий, Санойй, Хоқоний, Анварий... Барча кўришганларим номларини батафсил тилга олсам, сўз узайиб кетади.

Ҳаммаларининг қўлларидан ўпиб эъзозлагач, улар мени ёнларига олиб, келган тарафларига қараб юрдилар. Супада Шайх ва унинг пайрави, яъни Низомий билан Хусрав, шунингдек, бизнинг пири маҳдумимиз ўтиришарди. Биз яқинлашганимизда, улар ҳам ўринларидан туриб, биз томон қадам ташладилар. Хусрав ва пирим Шайхдан бурунроқ юриб келишарди. Мен ҳам улар томон югурдим. Пир ўз ихтиёри билан қўлимни тутиб, ҳамроҳи билан кўриштирди. Мен кўзларимдан ёш тўкиб, қўлларини ўпдим. Жомий билан Хусрав икки қўлимдан ушлаб, Низомий сари бошладилар. Мен, ҳам асири, қўлимга олам тушганидан кўзёш тўкардим. Икки қўлимга икки жаҳон кирган эди. Муборак Шайх билан кўришиб, оёқларига бошимни қўйдим, тупроғини ўпиб кўзёш селини тўқдим, буни кўриб турган тўққиз фалак менга рашк қиларди. Шайх меҳрибонлик билан бошимни ердан кўтариб, қайтиб бориб ўз жойига ўтирди. Мени эса қутилмаган бахт беҳуд қилиб қўйган эди. Шайх иккала дўсти билан ўринлашди, мен эса хижолатлик билан қаддимни букиб турардим. Барча гуруҳ аҳли ўз ўринларини эгаллашгач, менга ҳам ўтиришга ишора бўлди.

Шайх мулоимлик билан сўз бошлаб, аввал аҳволимни шафқат билан сўради, мен жавоб берарканман, ҳурматини қилиб ер ўпдим. Кейин яна

деди: “Эй олам аҳлининг ягонаси, фалак сени эл ичра нодир айлаб, жаҳон назми соҳасида қодир қилди. Ғазал йўлида шундай юришлар қилдингки, шеър аҳлига сўз айтиш ҳаром бўлди. Назминг жаҳондаги мамлакатларни, жаҳон эмас, жон мамлакатларини тутиб кетган эди, маснавийга шитоб қилиб, қаламингдан соф дурлар тўка бошладинг. Шунда ажойиб иш юз бериб, назминг эл назмига шикаст бера бошлади. Сўзда менга татаббуъ қиларкансан, неча бор илтижолар айладинг. Чунки мен “Хамса”да: “Ҳар кимки, мен билан беллашишга умид қилса, сўзим ўроғидан кескир тиг ясаб, у тиг олмоси билан бошига урай!” деб огоҳлантирган эдим. Кўп одамлар бу сўзларимга даъво қилмоқ учун курашишди. Шу даъво йўлида бошларини фидо қилмоқчи ҳам бўлишди. Фарзандим Хусрав Аллоҳга илтижо қилгач, у ганжлар сирини топа олди. Яна бир, икки, уч одам қийналиб меҳнат қилиб, ўз насибаларига эришдилар.

Сен бу йўлга қадам қўйгач, ўзингни унутиб, бор ҳаёлингни шу ишга бердинг. Баланд мартабанг тоғча бўлса-да, мақсадинг олдида туфроғча ҳам бўлмади. Фарзона Жомий каби пир танлаб, Низомий сингари мададкор топиб, поклик билан бу ишга қўл урган чоғингда поклар руҳи олдинг-да йўл очиб берди.

Саҳар вақтларида руҳимни дуо билан ёд этмай туриб, ёзувингни бошламасдинг, фақат мени эмас, балки барча назм аҳлини пок дуо билан тилингга олиб, ҳурматинг бизларга беҳисоб бўлиб, биз ҳам сенга ададсиз мадад қилиб турдик. Бўлмаса, икки йилда бир “Хамса” тугатмоқ хомхаёлдан бошқа нарса эмас эди.

“Хамса”ндаги бешта хазинага тўлдирилган гавҳарларни адо қилиб бўлмайди. Улардаги дуру лаъллар барча кўздан яширин бўлиб, дуридаги ипларни ҳам, лаълларидаги тешикларини ҳам кўрмоқ иложсиз. Ҳақ таборак сенга бу дурларни берган экан, умид шулки, улар муборак бўлғай.

Ҳар бир киши сен каби киришса, эвазига шундай натижага эришиши мумкин. Лекин шунча маънолар хазинасини Ҳақ яширинча сенга берган экан, қаерда шундай ҳолатга дуч келсанг, билгилки, унинг сабаби икки ишдир: бири шуки, сен ҳам илтижо қилишга эътибор бердинг, сирлар аҳли сени қабул айладилар ва рағбатлантириб туришга ҳаракат қилдилар, барчалари ҳиммат билан сенга мадад кўрсатдилар. Яна бири шуки, илму ҳунар аҳли ҳар нима қилса, лоф уради-ю, ишни мураббий қилади. Ҳунарпарвар иш буюрувчи бўлса, ҳунарманд лоф ургувчидир. Сенинг шохинг соҳибкамол бўлиб, олдида мулку мол қадрсиз эди. Унга мен айтган икки иш насиб этган эди. Унинг ажойиб замонида ажойиб ишларнинг юз бериши ажабланарли эмас. Халққа чорасоз, меҳрибон шох халойиқ фозили Шох Ғозийдур. Тангри унинг давлатини барқарор, мартабасини етти осмондан ҳам юқори, буюк қилсин. Зеро, унинг замонида сендек киши дунёга келди. Сенинг ишинг эса одамзод қила оладиган иш эмасдир”.

Сўз шу ерга етганда, мен беихтиёр ўрнимдан турдим-да, “Шохга ҳамду сано айтдингиз, энди давлатига ҳам дуо қилсангиз”, деб илтимос қилдим.

Сирлар доноси Мир Хусравга қараб: “Сен Шох Ғозийга мадҳ айтувчисан. Сўзингдан баъзи байтлар ёдидадир, асарларинг муборак хислатидадир. Сўзларингдан кўнгли таъсирланиб, нафасингдан дуо ҳам унга асар

қилади. Дуо қилгинким, олимлару донишмандлар “омин” десунлар, биз ҳам “омин” дейлик”, деди. Даврадаги шеър аҳлига мурожаат қилиб, яна бундай деди: “Сизлар шоирсизлар, у эса хуштаб шоҳдир. Фарзанд Хусрав дуо айласа, унинг тилақларини Ҳақ раво қилади. Барчангиз дилу жон билан “омин” денгиз. Кўздан оққан ёшларимиз билан дуо қилайлик”.

Бу сўзларни эшитганлар маъқуллагач, ҳамма ҳиммат билан шоҳга қилинган дуога “омин” дедилар. Сўз устаси Хусрав ўрнидан туриб, дуосини бундай бошлади: “Ё, Раб, то олам бор экан, одам зоти ҳам бўлади. Тахти ҳукмига олам кириб, жинси одамнинг барчаси бандаси бўлсин. Қиёматгача давлати барқарор бўлиб, кунлари ҳамиша шоду хурсандлик билан ўтсин. Адолатидан жаҳон аҳли, хусусан, фазлу камол аҳли тинч-омон яшасин”. Шундай дуо тугаллангач, барча илм аҳли кўлларини юзларига суртдилар. Аҳли савоб қилган дуони, ажаб йўқки, Ҳақ мустажоб қилгайдир.

Дуо тугагач, қўйнимдан “Хамса”ни чиқариб, қора тупроққа ўзимни ташлаб, йиғлаб, бундай илтижо қилдим:

*Бу зодаи хотири хастани,
Кўнгулдин такаллумга пайвастанни.*

*Ки ҳиммат тутуб эҳтимом эттингиз,
Демасменки, мен, сиз тамом эттингиз.*

*Карам бирла туфроғдин ҳам олинг,
Иноят қилиб бир назар ҳам солинг.*

*Ки эл хотирига нузул айласин,
Улус кўнгли они қабул айласин.*

Бу сўзларимни эшитган Шайх туфроғ устида ётган асаримни кўлига олди-да, Мавлавий томонга боқиб: “Сен астойдил дуо қилгин. Сўнгги фарзандимиз, билим мазраъидан ҳосилимиз сўзга моҳирдир. Булар унинг зод пайвандлари, бариси фарзандларимизнинг фарзандларидир. Сенга ҳам шогирддир, ҳам мурид. Сенинг дуо қилишингга умидворимиз”.

Маҳдум дуосини бошлагач, барча яна оминга кўл очдилар. Дуоси кўнглимга ёқимли, қалбимга қувончли эди. Давра аҳли “омин” дейишиб, мен маҳзунни шод айладилар. Менга бундай олқиш насиб бўлгач, бу мўътабар зотларга сажда қилдим. Улар: “Шоҳингга дуо дегайсен”, деб жавоб қилдилар. Бу сўздан аҳволим ўзгариб, ўзимга келдим.

Қарасам, мен борган хужрада пирим аҳволимга ҳайрон бўлиб турарди. Гўё бу лаҳзада у эгнимдан кўлини олган ва ҳаёлимни шу ерга йўллаган эди. Олдида бош эгиб, кўзларимдан ёш оқизиб турардим. Пир меҳрибонлик билан: “Не аҳвол юз берди?” деб сўради. Бошимни қуйи солганча: “Менда шундай бир ҳол юз бердики, уни шарҳлаш учун тилим лолдир”, деб жавоб қилдим. У дедики: “Бу дам ҳеч кимга берилмаган саодат сенга насиб бўлди. Ўрнингдан тургин-да, Тангрининг эҳсонига, беҳисоб яхшиликларига шукр қил!” деди. Мен ерни ўптим-да, ташқарига қадам қўйдим. Худди бутун олам тамоман меники эди. Мен учун “Хамса”ни тугаллаш бир томон бўлса, бу мақсад ҳосили яна бир томон эди. Охирида бу мақсудимга

етказган Тангримга шукримни қайси йўл билан айтай? Аллоҳ муродимга етказган бу кунда базм тузиб, бир дам хурсандлик қилсам арзийди.

Эй соқий, шодлик қадаҳини тўлдир, негаки кўп фикрлашдан димоғим куруқшаб кетди. Кўзимни шуъласи билан мунаввар қилай, димоғимни исидан муаттар қилай...”¹

...Парча ўқиб бўлинганида тиллар сўзга келмас, барчанинг аҳволи руҳияси ўзгариб қолган, бу гўзал сўзлар қатидаги юксак фазилатлар ўтирганлар қалбига ҳам кўчиб кирган эди.

– Сиз бунинг бир жихатига эътибор қилинг! – деди мавлоно Тоёбодий. – Амир Алишер бу асарни битиш билан шеър қаҳқашонида ҳам ўзларининг, ҳам мавлоно Абдурахмон Жомийнинг, ҳам Шоҳ Ғозийнинг ўринларини кўрсатибдилар. Тангрига шукрки, сизу биз ушбу мўъжизадан биринчилар қаторида баҳраманд бўлдик! Иншооллоҳ, яқин кунларда унинг бир нусхаси кутубхонамизга етиб келгайдир, истаганингизча баҳра олгайдирсиз. У гўё нури сира тугамайдиган чирокдир, қанча кўп киши ўқиса, ёғдуси шунча қувватлангайдир.

– Иншооллоҳ! – деб сидкидилдан дуо қилди қолганлар ҳам.

* * *

Мўъжиза кекса мударрис Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ҳаётида ҳам рўй берди.

Саксон ёшни қоралаб қолган бу қария мадраса сабоқларини бас қилганидан сўнг ўзининг Назаргоҳ мавзесидаги эски ҳовлисида ёлғиз ўғли ва набиралари билан истиқомат қиларди. Йиллар ўта-ўта иморат хароб аҳволга келди, сувоқлари тўкилиб, ёғочлари тоб ташлади. Ўғли Хожа Афсариддиннинг мактабда мударрислик қилиб топган маблағи ҳовлини таъмирлашга етмасди. Бироқ табиатан хоксор, бутун умрини илм олмоқ ва ўргатмоқ билан ўтказган бу қария ҳаётдан сира нолимади, бориға шукр қилиб кун кечирди. Алқисса, кексалик кузи ҳам етиб келди, унинг изғиринлари заифлаша бошлаган сўнгақларини зир қақшатди. Шу сабабли, Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ёзда ҳам юнг камзулини ташламасди.

Куз офтобидида исиниб ўтирар экан, пахса девор ортидан от дупури эшитилди. Сўнг кимдир қамчи билан дарвозани қаттиқ урди.

– Келаберинг! – деди Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ўтирган жойида, келган ким экан деб бўйинини чўзиб қараб.

Дарвоза тавақаси очилиб, бир неча киши кириб келди.

Абу Абдуллоҳ Кулоҳийнинг хиралашган нигоҳи уларнинг ким эканини илғаёлмай, бурушиқ қўлини кўзига соябон қилиб, келгувчиларга қийналиб термилиб турарди.

Меҳмонлардан илғордагиси – ўрта бўйли, оқ тўн кийган киши тез-тез юриб келиб, Абу Абдуллоҳ Кулоҳийга кучоқ очди:

– Ассалому алайкум, устоз!

Абу Абдуллоҳ Кулоҳий у билан кўришаркан, сарой киборлари киядиган либосдаги бу кишини таниб, каловланиб қолди:

– Ё, Аллоҳ! Алишер? Алишермисиз?

Бағир очиш навбати энди чолга келди. У шогирдининг бағрига сингиб кетгандек эди гўё. Ундан ажралишни истамас, икки қўли билан елкаларини сийпаларди.

¹ “Садди Искандарий”дан (Иброҳимжон Сайдуллаев таъдили).

Мўйсафиднинг заиф ва шогирднинг навқирон гавдаси бир-биридан ажраганида ҳам талабасининг қўлларини қўйиб юбормас, тўйиб-тўйиб қараб:

– Кўзларимга ишонмайман! Алишермисиз? – дерди.

– Ҳа-ҳа, Алишерман, ўша! – дер эди Навоий ҳам.

– Афсариддин, ўғлим!

– Лаббай, ота!

– Хурматли меҳмонларга ичкаридан палос-намаат олиб чиқинглар, супага болиш қўйинглар. Ҳой, шарбат-егуликка қаранглар!

Навоий табассум билан:

– Шошманг, шошманг! – деди уни тўхтатиб. Сўнг ҳамроҳига қараб:

– Олиб кираверинг! – деди.

Бек Ёдгор очик дарвоза олдидаги хизматкорларга ишора қилган эди, улар матоларга ўроғлиқ бир нималарни ҳовлига таший бошлашди. Бири узун гилам олиб кириб, дарҳол супага тўшади. Яна бири патнисдаги ҳалво-ю ширинликларни курсига қўйиб, устини очиб қўйди. Бек Ёдгор эса қўлидаги икки совғанинг бирини супага қўйиб, иккинчисини Алишер Навоийга тутқазди-да, ўзи ортига қайтиб, супадаги табақ бетини очган эди, ундаги олтин динарлар ялтираб кетди.

– Ё, Аллоҳ! Бу не каромат?

Алишер Навоий қўярда-қўймай устозини супага ўтқазиб, ўзи ҳам ёнига ўтириб, қўлидаги совғани очди.

– Устоз! – деди эгилиб. – Бу менга берган таълимларингизнинг кичик бир мевасидир. Қабул қилинг!

Абу Абдулоҳ Кулоҳийнинг мадорсиз қўллари китоб залворидан титраб турарди. Шу ҳолида кўзига яқинлаштириб:

– Хамса? – деди овози титраб. – Хамса?!

– Ҳа, устоз! Шогирдингиз битган Хамсадир.

Абу Абдуллоҳ кўзларига ишонмасди. Шодлиги осмонга сиғмасди. Шу тобда кексалик унинг вужудидан сийрилиб чиқиб кетди, ўзи эса қушдай енгил бўлиб қолди. Гўё икки елкасидан канот ўсиб чиқди, эгик қадди ростланиб, китоб устидаги ипак қоғозда катта ҳарфлар билан ёзилган байтни ўкиди:

*Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Кекса муаллим шунда йиғлаб юборди.

– Муяссар қилганингга шукр, – деб йиғларди қарияларга хос қалтироқ овоз ила, “Хамса”ни пешанасига текизиб.

Бу фақатгина шодлик йиғиси эмас эди. Умр паллаларининг маҳсули, ўксинишу изтиробларнинг, кўз нури харжлаб олинган таҳсилларнинг, ўқилган китобларининг мазмунини ўзига сингдира-сингдира, юзлаб болаларга эътиқод ва камолот таълимини берган, қаноти остидан ўнлаб баҳодирлару амирлар етишиб чиққан бу киши ҳозир ўз умридан рози бўлиб йиғларди.

– Илоё дунё тургунча туринг! – дерди. – Мен хоксорни шундай иззат қилибсиз, Тангри таоло сизни янада улуғ иззатларга еткурсин!

Бу шундай ажойиб манзара эдики, барчанинг қалби чароғон бўлиб кетди. Хожа Афсариддин ёш боладай қувониб куларди.

– Ота! – деди қаттиқ овоз билан у, отасига эгилиб. – Амир Алишер бизга Султон Ҳусайн номидан бир ҳовли инъом қилдилар. Юринг, бориб кўринг!

Бек Ёдгор дўриллаб гапга қўшилди:

– Амир ҳазратлари кексалик айёмида қандай кун кечиряпти эканлар деб, ҳолингизни сўраб-суриштиришни буюрган эдилар. Ўғлингизни топиб, биргалашиб келиб қарасак, ҳовлингиз эскириб, таъмирталаб бўлибди. Сизга совға бўлсин дея ўзингизга билдирмасдан, яхши ҳовлиларни излай бошладик. Лекин олийжаноб Амир сизнинг шу мавзегга ўрганиб қолганингизни айтиб, ҳовлини шу тарафдан топишимиз кераклигини айтдилар. Бир қанча ҳовлиларни кўриб, Хожа Афсариддинга маъқул бўлганини сотиб олдик ва ҳамма ишни битиргач, сизга суюнчилашга келдик.

Кекса мударрис ҳаётида мўъжиза шундай рўй берди.

Навоийнинг бу иши тилларда дoston бўлдигина эмас, мураббийларни совға-салом билан қутлашни одат тусига киритди. Абу Абдуллоҳ Кулоҳий шаънига битилган байт шунчалар машҳур бўлиб кетдики, Хуросоннинг барча мактаб ва мадрасаларининг кираверишига осиб қўйилди:

*Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила¹.*

АСТРОБОД

Фалаклар султони буюрган махфий ишларни бағрига олиб, 892 йил келди².

Жанубда Ёқуббек туркман бошлиқ сафавийлар тобора кучга тўлмоқда эди. У Астробод жанубидаги бир нечта қишлоқни сурбетларча эгаллаб олди. Мозандарон беклари ўз ихтиёрлари билан Ёқуббек изну ихтиёрига ўтгач, амирларининг сурбетлиги янада зиёда бўлиб, бошқа қишлоқларни ҳам босиб-талаб кетди. Улар шу тариқа уруш ўчоғига олов ёқишни ва мамлакатни жангу жадал гирдобига тортишни кўзларди. Султон Ҳусайн аъёнлар билан кенгашиб, саховату хулқда беназир Алишер Навоийни Астрободга ҳоким қилиб тайинлашдан бошқа чора қолмади, йўқса совутлар кийилиб, қиличлар қинидан чиқиб, қон тўкилади, деган қарорга келди.

Султон Ҳусайн кўнглидаги махфий ниятларини соҳибтадбир Амир Алишер билан маслаҳатлашганида, у хоқонлик ишларининг кафолатини олишга майли йўқлиги ва ибодатга иштиёқи зўрлиги туфайли розилик лафзини сўзламади. Бироқ ўтинч ва ҳаддан зиёд тилакдан сўнг розилик бошини қимирлатиб, йўналиш юзини ўша томонга қаратди ва зулқаъда ойининг биринчи чоршанбасида икки хожа ва бир қанча мулозим ҳамроҳлигида Астрободга йўл олди.

Нозанин Ҳирӣй яна тарк этилди.

¹ Алишер Навоий бу байтни кейинчалик “Маҳбубу-л-қулуб” асарига киритган.

² Милодий 1487.

Навоийни йўлга кузатиб қўйганлар орасида Мажидиддин ва Музаффар ҳам бор эди. Карвон жўнаб кетгач, саройга қайтишда Музаффар барлос Мажиддидиндан фурсатини топиб сўради:

– Юз офарин! Бироқ бун у кишига, – кўзлари билан юқорига ишора қилиб, – қандай қилиб айтдингиз?

– Йўқ, ўзларидан чиқди, – деб жавоб қилди Мажидиддин, этли юзига мамнун илжайиш ёйилиб. – Энди сен Амир Ҳайдар Сабухийни топ. Қай бир чоғирхонада думалаб ётган чиқар. Ишқилиб, Амир Алишер уни ҳам Астрободга чорлаб қолмасин. Ишингни аста-секин, билиб қилавер. Бу ёғига Тангри мададкор бўлсин!

* * *

Астрободга Тоёбод, Машҳад ва Нишопур йўли орқали Сабзавордан ўтиб бориларди. Юрилгани сайин бўзқирлар ва пасттоғлар аро табиат ўзгара борди, иқлим алмашиб, намлик ортди. Кўп навоҳийларда кишилар чорвасини ёйиб, эчкиларига қўшиб ўтлатиб юришарди. Катта-катта экинзорлар, мош, тарик, ловия, жўхори далалари кўзга ташланарди. Уйлар тобора баландлашиб, тошлардан тикланган иморатлар кўрина бошлади. Бундай уйлар қурилишининг сабаби ёгин-сочин кўплигидан бўлиб, тошдан қурилган уйларгина рутубатга дош бера олар экан.

Халқ Астрободни Гургон деб атар, бу “бўрилар” маъносини берарди. Марвликлар уни Табаристон деб атарди. Астробод шойи-ипаги, гавҳару марваридлари, от терисидан ишланган анжомлари билан ҳам шуҳрат топган. Тоғларида дунёдаги энг тезучар, қорни-ю бўйни қизил лочинлари бўлиб, улардан бирон қуш қочиб қутула олмас эмиш.

Яна, бу юртнинг сигирлари ғаройиб – баҳайбат ва қордай оқ экан. Юнги калта, силлиқ, бу Астробод жазирамалари туфайли бўлиб, калта шохлари йўғон, бироқ ўтмас эмиш. Кураги орасида икки кафт миқдори букриси бўлармиш. Улар шу қадар кўркем эдики, гўё ўликни тирилтириш учун энг сара сигирни сўйиб, бир бўлаги билан майитни урган қадимги кишилар ўзи хоҳлаган жониворни шу ердан топгандай эди.

Йўлдагилар Астробод жазирамасини ҳам гапириб беришди. Мамлакат иқлими кишига ёмон таъсир қилар, ҳавоси нотоза, рутубат дардчиллик келтириб чиқарар экан. Шу сабабли аҳоли кўпинча ёз маҳаллари Биржанд тарафларга кўчар, Астрободда киши қолмас эмиш.

Кишилари ёзда қай маҳал неча марта кум бўрони кўтарилишини билишаркан. Бу бўрон одамни ҳалок қилармиш. Ўша маҳаллар боғларга кетиб, сувга кириб, жон сақлар эканлар.

Тарик, бугдой, сулини куз охирида экиб, баҳор бошида йиғиштириб олишармиш. Чунки ёзнинг кучли жазирамаси ҳамма нарсани қуришиб юборармиш.

Астрободга кўп бора келган Носириддин Мирий деган бек бу навоҳийда туз дарахти ҳам ўсишини айтди. У катта ва қалин, япроқларининг бир тарафи оқиш, бошқа тарафи яшил, меваларининг ичи бўш, танаси сарик ва қаттиқ бўлармиш. Йўл мобайнида ундан бошқа дарахт учрамас экан. Янаям нарига борилса, туз тоғига рост келингаймиш, ул жонибда ҳар тараф тузмиш. Шунчалар кўпмишки, дунё тугагунча тугамасмиш.

Кичик тоғларда жайра кўп бўлиб, овчилар уни кучуклар билан овлар экан. Аммо жайралар кучукларга игна отишгани ажаб. Тоғларда йўлбарслар ҳам бўлиб, кейинги пайтларда одамларга хужум қила бошлабди, сабаби яна ўша жайралар экан. Баъзи йўлбарсларнинг терисига ўнлаб игна санчилганини кўришибди, жимжилоқ қалинлигидаги бир-бир ярим қаричлик бу игналар санчилгач, қайтиб чиқмас экан. Оғрикқа чидаёлмаган ваҳшийлар алам ичида инсонларга ташланар эмиш.

Шу тариқа, иқлим ўзгаришлари кўрила-кўрила, Астробод иқлими ҳақидаги ҳикоятлар эшитила-эшитила, шаҳарга етиб келинди.

Сарой Амир Темур жорий қилган Самарқанд услубида қурилган бўлиб, Шохрух Мирзо пайтида қад кўтарган мақбаралар ҳам Самарқандни эслатарди. Ажабки, шаҳар кўчаларининг бари кўшкка бориб туташар экан. Кираверишдаги олти қиррали ҳовузда оққушлар сузар, боғда эса товуслар узун думларини ёйиб айланиб юрарди.

Саройга келиб, умаро билан кўришилгач, Алишер Навоий дарҳол Ёқуббекка мактуб битиб, чопар юборишга қарор қилди. Баҳорнинг латиф тонгларида бирида учкур от минган икки бек ўн чоғли мулозим билан мактубни ва совға-саломларни олиб, Шероз сари елди. Султон Ҳусайн ёрлигининг бир нусхаси Ёқуббек туркманга ҳам юборилдики, Астробод ҳокимлигига Амир Алишер тайин этилгани барчага маълум бўлсин, дея.

Олтин-ёқутлар билан безатилган серҳашам Шероз тахтида ўтирган Ёқуббек туркман мактубни ўқиғач, узоқ ўйга толди. Ҳусайн Мирзо сиёсатнинг шатранж тахтасида зўр юриш қилганини англади, чунки Астрободда Алишер Навоий амирлик қилса, унга қарши қўшин тортишга ҳадди сиғадиган киши топилмасди. Шунингдек, Навоийдек мухтарам зотнинг унга мактуб битганидан кайфияти чоғ бўлди.

Навоий мактуби туфайли аъёнлар машваратга йиғилдилар. Йиғин босиси навкарлар қишлоқларни тарк этиши эмас, балки Алишер Навоийдек арбобга унинг даражасида жавоб ёзмак эди.

Навоий бундай деб битган эди:

“Диёнат қуёши, ғозий султон Ёқуббек жаноби олийларига маълум бўлғайким, у кишининг қудратлари ва муборак хотирлари қаршисида ҳар қандай мулк оёқ остида бўлмоқдан саодат туйғайдир. Қадамлари етган ерда гул унғай, боғу бўстон бўлғайдир. Фақир Ёқуббек жаноблари шаънига мактов дурларини қуллуқ ипига шундай тизар. Бироқ адолатли султонлар изнидаги мен каби амирлар ўз навоҳийсидаги ҳар тош, ҳар ўланга масъулдирлар, жанобларининг салтанатларидаги низом ҳам худди шундоқдир. Бир қанча навкар сарҳаддаги қишлоқларга кириб-чиққай эмиш. Албатта бу ишлар амирлар назоратининг ўқсиклигидан эмас, балки олий зотларининг навкарларига халойиқ эҳтиромидан деб билинмоқдадир. Қуллуқ арзимиз шулким, навкар низомида қатъий турилса, ҳар не истак бўлса бизга мурожаат қилинса. Ушбу ила фақирнинг Абулғозий Султон Ҳусайн қошидаги бурчини ўринлатмоғига кўмак берган бўлардингиз. Вассалом”.

Бу ажойиб мактубга қандай жавоб берилсин? Ўйлай-ўйлай, машваратга шоирлар ҳам чақирилди. Ниҳоят, бундай деб битилди:

“Сўз мулкининг амири, фасоҳат мулкининг зиёси Амир Алишер жанобларигаким, мактуб ипига тизилган сўз дурлари хазинамизни бойитди.

Сизнинг Машҳадда Имом Ризо мақбарасини таъмирлаганингиз маълум ва иззатга сазовордир. Ғозий султон Ҳусайн Мирзо ҳукмидаги вилоятларга навкаримиз халойиқ ила муомила учун, қон-қариндошлик важҳидан кирмишдир ва ул иш айбга олинмаслиги ўтинилгайдир”.

Нома билан бирга, ҳурмат ва эҳтиром рамзи ўлароқ Алишер Навоийга бир табақ Шероз ширинликлари, иккинчи табақда худди ўша ширинликларга ўхшатиб ишланган олтин ва кумуш қандлар юборилди.

Қиличлар қиндан чиқмоғи тиланган иш шу тариқа, қалам ила ҳал бўлди. Аъёнлар бу фитна урушсиз ҳал қилингани учун Навоийни кутлашарди. Бироқ Навоий бу ишдан қоникмади. Ёқуббек кишилари ҳали шу ерда экан, “Мен хоксорнинг номи Султон Ҳусайн номидан аввал зикр этилиши сира мақбул эмас ва фақирни уят ва хижолатга қўйгайдир”, деб битди у. “Сиз тилга олган ва шоҳона диққатингизни қаратган у ишлар албатта Султон Ҳусайн Мирзонинг саъй-ҳаракатлари ила рўёбга чиқмишдир. Фақир ул ишларда кичик бир ижрочи, холос. Шул сабаб хосиятли мактубингизда фақирни эъзозлаганингиз кўнгилга ғоят хуш, бироқ майса унмоғининг боиси қуёш ва ер-сув бўлгани каби, бундай эҳтиромларда султоннинг исми аввал келгайдир ва фақирнинг номи энг оstdа бўлгайдир, магар бўлмаса, дағи мақбулдир. Тангри бардавом айласин. Омин!” деб ёзилган нома Ёқуббекка йўлланди.

Бу нома ила бирга, Астрободда машҳур табиб – ибн Синонинг усто-зи Малҳий мақбарасини таъмирлаш нияти баён этилган мактуб Султон Ҳусайнга ва Ёқуббекка юборилгач, Ёқуббек бу ишни эҳтиром деб қабул қилди ва таъсирланиб, “Кошки шундай бир дўст менинг саройимда ҳам бўлса!” деди. Навоийга миннатдорлик билдириб, зотдор бир тўбчоқ юборди. Шу билан салтанатлар вазияти ўнгланишга юз тутди. Шероз беклари ўзларича эгаллаб олган қишлоқларни тарк этди.

Бу иш хайрли хотима топгач, Мозандарон амирига ҳам мактуб битилди. Мактуб гина-кудуратсиз, ўта самимий ёзилган бўлиб, унда муҳокама учун кўришиш истаги баён қилинган эди. Чунки вазият аён, Мажидиддин солиқчилари Астробод амирларини ҳам безор қилган, зулмдан тўйган амирларга Ёқуббек ихтиёрига ўтиш мақбул кўринган эди. Қовоқ уйиб олган амирлар ҳибсдан хавфсираб, саройга навкарлари билан келарди.

Астробод шоирни хушнудлик билан кутиб олди. Унинг салтанат ишларига ғоят диққат билан қараши, ҳар ишни синчковлик билан пухта тафтиш қилиб, адолат билан ҳал қилиши халқ орасида, “Астробод бошига бахт қуши қўнди”, деган гап-сўзларга сабаб бўлди. Бу ишлар тубандагича рўй берди.

Астрободда девон ишлари тартибсиз ва низомсиз, амрлар сўзда берилар ва кўпинча эсдан чиқар, буйруқларнинг бажарилишида ҳам тартиб йўқ экан. Умаро девонга ўзи истаган маҳал келар, гоҳида девон бир неча кунлаб ёпиқ турар экан. Навоий бу ишларни дарҳол тартибламoққа қарор қилди. Девон мунтазам очик туришини, фуқаро арзи мудом тингланишини маълум қилди.

Авваллари девонга яқинлашишга истиҳола қиладиган ёки, “Салтанатдан бир иш чиқмоғи маҳол, ўз кунингни ўзинг кўрабер”, дейдиган оддий кишилар бу гап ростлигини ўз кўзи билан кўриш учун саройга ёпирилиб

келарди. Махсус хоналардаги муншийлар уларнинг арз-додини тинглаб, катъий тартиб-низом асосида хатга оларди.

– Ортиқча хат-қоғозга не ҳожат?

– Котибул-киромлар не эканини билсангиз керак?

– Албатта. Ҳар инсоннинг икки елкасида туриб, айтган сўзидан қилмишигача ёзиб боргувчи малаклардир. Бирининг исми Роқиб, иккинчисининг...

– Исмларини кўятуринг. Аллоҳ ўз қудрати ила қалблардаги ниятларни ҳам билиб тургувчи эса, инсоннинг икки елкасидаги у фаришталарга не ҳожат бор эди? – деб жавоб қилди Алишер Навоий. – Салтанат Тангри таоло низомининг ёруғ оламдаги аксидир. Шу ваҳхдан султон муслимларга бош бўлди, Тангрининг ердаги сояси деб улуғланди. Қолдики, салтанат ишлари албатта низом ила, хат-қоғоз ила юрсин, ҳар иш номаи аъмол каби, инсталган онда келтирилсин. Йўқса, инсон боласининг ёдига қандок келур?

Алишер Навоий бу ишга қаттиқ киришди. Шу орада Астрободда халқ исёнига сабаб бўлган Хожа Ҳасан Баттол иши ҳал этилмаган эди, уни келтиришларини буюрди. Хожа Ҳасан баланд бўйли, қоп-қора киши экан. Бечора қўрқиб кетган, тинмай калима қайтарар, оёқ-қўллари титраб турарди.

– Зулм Тангри наздидаги энг катта гуноҳлардан биридир, – деди Алишер Навоий. – Миср фиръавни зулми боис сувга чўктириб, ҳалок қилинди. Шу сабабли золимни диндан чиққан деб ҳукм қилдилар. Хўш, сиз не учун кишилар бошига фалокат келтирдингиз? Хирож тўлашга қурби етмаганларни шип-шийдам қилганингиз етмай, жазоладингиз?

– Султон буйруқларини кулоқ қоқмай адо этдим! – деди Ҳасан Баттол. – Қай йўл билан бўлмасин, ўлпон хазинага ўз вақтида тугал етиб бориши учун қилдим.

– Ўлпон имкон хорижи солинмагайдир, – деб жавоб қилди Навоий. – Шу сабабдан нисоб жорий қилинди. Қолдики, мулкнинг танобини ўлчагайсиз, нисобини чиқаргайсиз. Ҳосил мислини ўлчашда ҳам шундай қилингайдир. Қачондан буён салтанат ҳукми шариат аҳкомидан устун бўлиб қолди?

– Амир жаноблари, кекса онам, болам-чақам бор, – деб ўтинди Ҳасан Баттол. – Бир қошиқ қонимдан кечсалар...

Алишер Навоий кулиб юборди:

– Нечук қонингиз ғамидадирсизки, уни оқизишга мос гуноҳ қилмаган эсангиз?

– Ростданми? – ҳайрон бўлиб довдираб қолди Ҳасан Баттол. – Амир ҳазратлари сенинг жонингни олмоқчилар, дейишди-ку?

– Жонингизми? – ўйланиб қолди Навоий, сўнг кулимсиради: – Бутун бу ишлар Астробод солиқларини нисобдан кўп ҳисоблаттирган кишиларнинг инсофсизлиги боис содир бўлибтур. Тезда барчаси қайтадан ҳисобкитоб қилинмай, ортиқча олинган ҳақ ўз эгаларига қайтарилмай. Буйруққа итоат қилганингиз учун сиз айбли саналмагайсиз. Уйингизга боринг, волидангизга биздан дуои салом денг, у киши ҳам бизни дуо айлаласинлар. Ундан сўнг эса, ғазаб қилинган кишилар қошига бориб, узр-маъзурингизни

қилинг. Бундан сўнг давлат ишига яқинлашманг, ер-сувингиз бор экан, ризқингизни тупроқдан чиқариб яшайберинг! Хукмимиз шу!

“Бошим танимдан жудо қилингайдир”, деб йиғи-сиғи ила аҳли оила-си билан видолашиб келган Ҳасан Баттолдай киши тўсатдан тиз чўкиб, тўлқинланиб:

– Илоҳо дунё тургунча тургайсиз! – деди кўзида ёш билан. – Мундай жўмардликни ҳеч кутмаган эдим! Фақирнинг чибиндек жонини қайта ўзига бағишладингиз. Не хизматингиз бўлса, ўлгунча қилгайман.

– У ҳолда ўлмаслигингизни тилаймиз! – деди Алишер Навоий. – Хукмингизда ҳаддан ошганингиз учун эл ўзини мубаттал, яъни ярамасликка гирифтор санаб, сизга Ҳасан Баттол деган лақаб берибди. Энди шундай қилинги, кишилар мубаддаллигингиз туфайли сизни Ҳасан Баддол¹ деб атасин!

Бу ишлар шундай давом этарди. Кимдир ерини эгаллаб олган қўшнисидан, яна кимдир қарзини қайтармаган биродаридан, отини майиб қилган шеригидан, сўзга кирмаган ўғлидан ёки бадахлоқ мулозимлардан шикоят қилиб келар, бундай ҳолатларнинг барчасини кескин ва мутлақ адолат ила ҳукм қилиш лозим бўлиб, аслида улар депара-ю қасабаларнинг қозилари қошида тамомланмоғи лозим бўлган ишлар эди. Золимлар шиддатидан ҳайиқиб қолган кишилар қозиларга ишонмай, саройга арзга келарди. Айниқса, ер ҳисобларида ва нисоб ўлчовларида қозиларнинг илми етарсиз бўлиб, Навоий улардан бир қанчасини Машҳадга ва Самарқандга ҳандаса ўрганишга йўллашни ихтиёр қилди. Ки, ер тақсимотларида, мулк ва мерос ҳисобларида бировнинг ҳақи бировга ўтмасин, адолат жорий бўлсин дея, шаклларни ҳисоблашда Қозизода Румий ва Шамсиддин Самарқандий ҳисоб усуллариини ўрганмоқни тавсия қилди.

Астрободда чоғир кўп ичилар экан. Кишилар Биржанд ва Кошда етишадиган узумдан бир нав чоғир солиб, “Мусулмон гуноҳ қилгай, аммо тавба ҳам қилгай”, дея ичаверар эканлар. Бу ишда табибларнинг ҳам анча-мунча қусури бўлиб, улар “Тангри таоло ҳаром яратмагай, фақат инсонни синамоқ учун айримларини ҳаром қилгандир” ва “Мараз ғалаба қилган чоғда ҳаром жинсидан фойдаланмоқ жоиз”, деган фикрдан келиб чиқиб, баъзи дардларни даволашда мусалласу чоғир қўллашга изн бергани ҳам сабаб бўлибди. Авом эса, “Менинг бир дардим бор, юрагим сиқилиб, кайфиятим бузилади”, дея буни одат қилиб олибди. Шу масалада Навоий шайхулисом билан маслаҳатлашди.

– Киши олдига бир табақда узум, бир кўзада май қўйиб, узум ҳалолмидир деб сўрашибди, – деди Шайхулисом. – Албатта ҳалолдир деган жавоб бўлибди. “У ҳолда ҳалолдан бўлган май нечук ҳаром бўлсин”, дея ичабергайлар.

Навоий бу ишнинг маъсиятини халққа муттасил тушунтириб боришни илтимос қилиб, бошқа мавзуларга ўтди.

Астрободда раммоллик, яъни ромчилик ҳам авж олган, бу куфр ишга дарҳол барҳам берилмоғи лозим эди. Донғи кетган раммоллару фолбинлар бир жойга чорланди. Чорланганлар курси устида бир табақ тўла анор турганини кўришди. Барча йиғилгач, Алишер Навоий кириб келди ва йиғилганлардан:

¹ Навоий сўз ўйини қилмоқда: “баттол” – ярамас, ҳаддан ошувчи, “баддол” – қилмишларининг бадалини тўловчи.

– Сизлар бўлғуси ҳодисаларни айтиб беришни иддао қилибсизлар? – деб сўради.

Паст бўйли, кичкина кўзлари ўйнаб турадиган, серҳаракат бир киши деди:

– Мен бу кеча устурлоб олиб, фалак ишларига назар солдим. Бошингизга саодат қуши кўнибди. Тез орада Ҳирийга қайтмоғингиз тақдир қилинибди.

– Илмингиз бормидир? – деб сўради Навоӣ.

– Имкон борида илм олгандурмиз, – деб жавоб қилди мунажжим.

– У ҳолда “Фала уксиму би мавоқиъ-ун-нужум” оятини шарҳлаб беринг-чи.

– Мавқеъ... Юлдуз... Минг бор узр, – деди мунажжим. – Бундай илмимиз йўқ ҳисоби.

– Илм бўлмагач, тафсир қайдан бўлсин? Дилингизни оғритмоқ ниятим йўқ, аммо қаттиқ сўзлагайман. Ғофилдурсизким, ул асбоб ила ҳангома тутибсиз, Ҳақ таоло қазо-ю қадарини унутибсиз, – шундай деб, табакдаги анорлардан бирини олиб, деди: – Қўлингизда шу анор бўлса, билмассизки, нечта хонаси-ю неча пардаси бор ва ҳар хонасида неча донаси бор ва у дона аччиқмидир ё чучук? Асли шуки, ўн сўзингиздан бири ҳам рост келмагач, бунинг қабоҳатини ё билмассиз, ё билиб кўзга илмассиз. “Кизб ал-мунажжимун” қавли ила сўзингиз ёлғондур ва ростлик ҳудудидан четда қолгандир ва басират кўзингизга ғафлат пардаси тутилгандир. Арзингиз тингланмайдир, тинглаувчи топилмагандир ва бориб тавба қилгайдирсизки, шояд қабул бўлгач. Салтанат номидан айтадиган сўзимиз шудир: тавба қилмасангиз, ҳад урилгайдир, то тавба қилгунингизга қадар!

Мунажжимлар қизариб-бўзариб ташқарига чиқишган эди, Бобо Али сўради:

– Амирим, аммо Самарқандда Мирзо Улуғбек ила мавлоно Али Қушчи ҳам илми нужум ила машғул эдилар-ку?

– Инсон боласи фалак ва юлдузларнинг мавжудлигини зарарли ёки фойдали деб ҳукм қила оладиган билимларга эга эмас, – деб жавоб қилди Алишер Навоӣ. – Сиз айтган зотлар Тангри яратган само ёритқичларининг хусусиятларига боқиб, ҳаракат жадвалларини тузди-лар ва бундан фойдалар ҳосил қилдилар, масалан, қуёш ёхуд ойнинг ботиб-чиқишига қараб вақт тузугини тузган каби. Уларни бунга ундаган ҳол “Куллун фи фалаки ясбахун” ва “Фала уксиму би мавоқиъ-ун-нужум” калималари бўлди. Минг тавбаким, “Фала уксиму” юлдузларнинг ҳам қазоси етиб ботиб кетишини, коинотнинг маълум бир жойларига дафн этилишини билдирмоқда, – дея, Самарқандда фалакиёт олимлари билан қилган суҳбатларини айтиб берди. – Фақирнинг ҳулосаси шуки, инсонлар ҳам умр самосида юлдузлардай сузиб, ўз мавқеларида ботгайлар. Ҳар инсон бир юлдуз каби, моҳиятан эса юлдуздан ҳам юксакдир, буни унутманг.

ҲИБС

Бу орада Хуросонда кўп воқеалар бўлиб ўтди. Шулардан бири – Чин ҳокони элчиларининг Ҳиротга келмоғи эди. Кичик жуссали, шойи-

ҳашамга бурканган юздан ортиқ киши ғалати асбоб-анжомларни, куй чалувчи соат, қушдай сайровчи фаввора каби ғаройиб совғаларни келтиришган эди.

Шунингдек, таҳликали ва мудҳиш ишлар ҳам рўй берди, булар – Балхда Дарвишалининг исён кўтариши ва вазири аъзам Мажидиддиннинг ҳибсга олиниши бўлди.

Мажидиддиннинг қўпол феъли ва у жорий қилган солиқлар барчанинг тоқатини тоқ қилган эди. Дарвишали Ҳирийда Мажидиддин Алишер Навоий сўзларини писанд қилмас даражага етганини, ҳатто султон ҳазратларининг энг яқин кишиси қайбир ишни амалга оширса, қаршилик ва туғён эшикларини очишини эшитгач, аҳвол шундай давом этаверса, Амир Алишернинг қуёши қуйи иниб, бу иш менинг ҳаётимга ҳам таъсир кўрсатади, деган ҳаёлга борди. Бунинг устига “Салтанатдаги баъзи фитначи кишилар Султон Ҳусайнни Алишер Навоийни Астрободга сургун қилишга ундаган эмиш, фурсати топилганида таомига заҳар солиб беришни режалаштирганмиш” деган гап-сўзлар тарқалди. Буни ўз жияни Ҳайдар Сабухий оғзидан эшитган Дарвишали шоён ғазабга миниб, ақл ва фаросат тулпори жоловини қўлдан чиқарди ва ҳаётидаги энг бўлмағур ишга қўл урди. Шоир айтгани каби “Мен буни қилмас эдим, аммо шайтон мендан кучлилик қилди”.

Агар иш шу зайлда кетадиган бўлса, исён кўтариши мумкинлигини билдириб қўйиш ниятида, ўша пайт Балхда ҳукмдор бўлиб ўтирган Иброҳим Ҳусайн Мирзони шаҳардан чиқариб юбориш учун бундай ҳийла ишлатди: ҳоконнинг қалбаки муҳрини ясашиб, Муҳаммад Иброҳим Ҳирийга чорлангани ҳақидаги сохта фармонга ўша ясама муҳрни урдирди ва фармонни Иброҳим Муҳаммад Мирзога жўнатди.

Иброҳим Муҳаммад Мирзо ўша заҳоти Ҳирийга қараб йўлга чиқди. Дарвишали эса Султон Маҳмуд Мирзога нома юбориб, лозим бўлгани тақдирда унинг томонига ўтишини билдирди.

Иброҳим Муҳаммад Мирзо султон саройига етганидан сўнг, Дарвишалининг макри барчага аён бўлди.

Султон Ҳусайн бундай беадабгарчиликдан ҳайратда эди:

– Қизиқ, шунчалик тарбият ва иноятимизга қарамай, ҳали зиммасидаги бирон яхшилигимиз ҳақини қайтармай туриб, бу Дарвишали деганлари ҳийлакорлик ва нонкўрлик йўлига кирганига ҳайронман!

Фитначилардан айримлари ўша заҳоти, “Бу ишни у оғойиси Амир Алишерсиз қила олиши мумкин эмас”, деб валдирашди.

Шунда замонанинг донолик, фаҳму идрок, ақлу фаросатда тенгсиз кишиси бўлган Хожа Ғиёсиддин Дехдор султоннинг ҳали-ҳануз тараддудда эканини кўриб, вазиятни юмшатишга уриниб:

– Дарвишали бир китобдор бўлса, унда исён қилмоққа не ҳад? – деди юмшоқлик билан. – Қолдики, кимлардир бир нималарни қулоғига шивирлаган чиқар? Ёки ёшлигига бориб, Амир Алишернинг Астрободга йўлланишидан норизо бўлса ҳам ажаб эмас.

– Алишербекнинг Астрободга йўлланишидан нега норизо бўлсин?

– Мен буни демадим. Айрим кишилар Султон Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийни Астрободга атай сургун қилди, ҳатто заҳарлаб ўлдирмоқчи де-

ган гап тарқатибди. Шундай гап-сўзлар унинг ҳам кулоғига етиб борган бўлса не ажаб.

– Ким тарқатибди?

– Амирнинг ўз жияни Ҳайдар Сабуҳий. Бу гапни Астрободдан Ҳиротга келганида айрим кишилардан эшитган эмиш.

Султоннинг тараддудда эканидан фойдаланиб, ўша заҳоти қўшимча қилди:

– Муҳтарам султоним, бу қулвачча китобдорнинг беадаблиги учун му-борак кўнглингизни шунчалик ҳам қайғуга ботирасизми? Мен ҳозирок Балхга бориб, тез фурсатда уни кишанланган ҳолда қошингизга олиб келаман!

Султон Ҳусайн бу сўзларни эшитгач, хафалиги тарқаб, Хожа Ғиёсиддин Деҳдорга Балхга элчи бўлиб бориш учун рухсат берди. Хожа ўша куниёқ Балхга қараб йўлга чиқди. Орадан кўп ўтмай, султоннинг ўзи ҳам Балх сари отланди.

Хожа Ғиёсиддин Деҳдор Балхга етиб бориб, Дарвишалини роса маломат қилди ва ширин сўзлар билан ҳоқон иноятига умид уйғотиб, уни султон Ҳусайн қошига тавба ва афв учун бош уриб боришга кўндирди. Деҳдор ва мулозимлар Дарвишали билан бирга ўрдугоҳга қараб йўл олишди. Ўрдугоҳга етмасларидан аввал Деҳдор улардан ўзиб, ҳоқон ҳузурига аввалроқ етиб борди, султон қўлини ўпиб, оқиллик ва тадбир-лилик фазилатларини намоён қилиб бундай деди:

– Қулвачча китобдорни тахт яқинигача олиб келдим. Аммо, афсуски, йўлда кишан ва занжир ясай оладиган бирон темирчи йўлиқмади. Энди рухсат берсангиз, ўрду бозоридан бир темирчи олиб борсаму, амир-ни кишанга солган ва қўл-оёғидаги занжирлари шиқирлаган ҳолида ҳузурингизга етказсам!

Султон бу ишни яхшилаб мулоҳаза қилиб кўриб, исённинг сабаби бошқа эканини англаб етган эди. Деҳдорнинг топқирлигига қулиб юбо-риб:

– Дарвишалининг гуноҳлари узра афв чизигини тортдик, – деди му-руватпешалик билан. – Энди ҳеч бир кўркув ва ҳадиксиз ҳузуримизга келавериши мумкин.

Дарвишалининг тавбалари тинглангач, Ҳайдар Сабуҳийни ҳам оёғини ерга текизмасдан султон ҳузурига етказиб келишди. Ҳайдар Сабуҳий заҳарланиш билан боғлиқ гап-сўзни мастлик чоғи Абдуллоҳ Ноий деган кишидан эшитганига иқроп бўлди. Бу бемулоҳаза йигитга ҳад уриш жазоси белгиланди ва бир умрга салтанат ишларидан четлаштирилди. Абдуллоҳ Ноийни истаб борганлар эса уни кимлардир икки кун аввал уйида ўлдириб кетишганидан хабар топишди. У Мажидиддин эшигида хизматчи бўлган экан. Шу тариқа ип учлари Мажидиддинга бориб тақалди.

Султон Ҳусайн бўлиб ўтган барча ишларни ипидан-игнасиғача тафтиш қилдирди. Бу орада салтанатда эътибори ортиб бораётган Хожа Низомул-мулк пайтдан фойдаланиб, султон кулоғига Мажидиддин қилмишлари ҳақидаги қўшиб-чатилган ғийбат сўзларини етказди. Шундан сўнг сул-тон Ҳусайн Амир Муҳаммад Али Аткага уни ҳибсга олиб, мол-мулкани хатлашга буйруқ берди.

* * *

Оқшом чоғи Мажидиддин нима қиларини билмай боши қотиб ўтирарди. Султон билан орасини ислоҳ қилиш учун ҳатто мавлоно Абдурахмон Жомий ҳам уриниб кўрди, лекин султон у зотнинг сўзларини қабул қилгандай кўринса-да, барибир, Мажидиддиннинг бошидан ҳатар булутлари аримади. Вазир минг турли гумон ичра вазиятдан чиқиш йўлини излар экан, хизматчилардан бири келиб, шоша-пиша хабар берди:

– Жаноби хожа! Бир тўп сарбоз ила ясовулбеги бу ён келмоқдалар!

Мажидиддин:

– Ясовулбеги?! – деди-ю, оёқ-қўли бўшашиб кетди.

Ташқи боғ гуллаб-яшнаган, олти бурчакли мармар ҳовузларда ғозлар сузар, оқ нилуфаргуллар тароват таратар, теварак муҳташам эди. Лекин бу олий иморатлар, гул-гул саҳнлар, тим остидаги ажаб сулув аргумоклар келгувчиларнинг эътиборини тортмади. Улар қуюндай шиддатли, булутдай тунд эдилар.

Уларнинг вазири аъзам боғига келмоғи Мажидиддиннинг салтанат осмонидаги куёши ботганидан, юлдузи қуйига шўнғиганидан, обрў-эътибор дарёси қуриганидан ва у ерлардан энди чақиртиқанлар ўсиб чиқиб, ваҳший ҳайвонлар ин қуриши-ю умр харобаларида бойқушлар учишидан дарак эди.

Мажидиддинни тутқун қилиб, Боғи Жаҳонорога келтиришди. Низомулмулк ва унинг ўғиллари, шунингдек, Султон Аҳмад Мирзо, Амир Носириддин Ферузшоҳ, Аҳмад Барлос ва бошқа амиру вазирлар девонхонадан жой олдилар. Амир Муҳаммад Али Атка Мажидиддинни қўл-оёғига оғир кишан урилган ҳолда уларнинг ҳузурига олиб кирди. Айрим баднафс кишилар бу мажлисда тухматга тил чоғлаб, Хожага Мажидиддиннинг айбларини кўпиртира кетишди. Мажидиддин эса уларнинг айбловларига шундай жавоб бердики, ҳеч бир айб ўз исботини топмади.

Низомулмулк бирор айб топишдан ожиз қолгач, Мажидиддин ишдан бўшатган аламзада амалдор Муҳаммад Амруободийни даъвогар сифатида унинг қаршисига келтирди. Мажидиддин Низомулмулкка юзланиб:

– Даъвогар сифатида менинг обрўйимга тенг келадиган бир одамни топсангиз яхши бўларди, токи бирон кўполроқ сўз айтса, кўтара олай, – деди.

Шунда Муҳаммад Амруободий:

– Эй Мажидиддин! Мен сендан кам эмасман, балки аслзодалиқда сендан устунроқ ҳам тураман. Чунки мен хурр-ал-наслман, яъни наслдан-наслга озод кишиман, қулвачча эмасман. Сенинг онанг эса отанг Хожа Пир Аҳмаднинг мамлукаси, яъни канизаги эди!

Мажидиддин бу ҳақоратни эшитгач, қаршисидаги адоватли кишиларга қараб:

– Нима иддаонгиз бўлса, барини бўйнимга оламан. Фақат мени мана бу беадаб Муҳаммад Амруободийдан қутқарсангиз бас! – деди.

Сўнг душманлари айтгани бўйича қуйидаги мазмунда бир неча сатр иқдорнома ёзиб берди: “Мансабда пайтим мендан ёмон ишлар содир бўлди ва мен ўз гуноҳимга иқрорман”.

Низомулмулк тантана қиларди. Аъёнлар Мажидиддин икромномасини олиб, уни ўша заҳоти султонга етказишди ва мол-мулкани тафтиш қилишга рухсат олишгач, шундай бойликка дуч келишдики, Қорун хазинасидан кам эмас эди. Сандиқ-сандиқ жавоҳирлар, нафис матолару гиламлар, олтин-кумуш, жавоҳирларнинг адоғи кўринмасди.

– Ана сенга тархону, мана сенга суюрғол! – дерди Муҳаммад Али Атка ханг-манг бўлиб.

Мажидиддин хазинаси уч кун ташилди. Ароба-ароба нафис матолар, зебу зийнатлар, гиламлар, анвойи анжомлар бош айлантирар даражада кўп эди. Мажидиддиннинг сарватларини тақсимлаш борасида сўз чиққанида, Музаффар барлос:

– Бир-иккиси менга ҳам бўлса, – деган эди, Четин баҳодир:

– Кўзинг тўймас экан-да, – деди хўмрайиб. – Ҳой Музаффар, Қорун қадар сарватинг бўлса ҳам, уч маҳал ош егайсан. Етти ё етмиш маҳал емайсан.

– Сен нени англардинг? – деб жавоб қилди Музаффар барлос. – У бойликлар менга ҳаётимнинг воқеаларини сўзлаб тургай. Уларга қараб ўтган умримни эслагайман.

Султон Ҳусайн уларнинг сўзини эшитиб, бундай деди:

– Бас, сўзимни тингланг! Хазинага кўз олайтирмоқнинг ҳукми шуки, давлатнинг моли – халқнинг молидир. Закоту ўлпондан қатра-қатра тўпланиб келган хазина гарчи тоғ-тоғ уйилиб ётса ҳам, жумла мўминнинг, минглаб фақир уфқаронинг давлатга берган ҳақидир. Шу сабаб, уни еган киши Хуросонда қанча халқ бўлса, шунча кишининг ҳақини еган ҳисоблангай. Қолдики, у давлат олдида, балки шунча киши олдида ҳақни қайтариб бермоғи дурустдир. Барча мол-мулки, олтин-кумуши, чорваси, асбоб-анжоми хазинага олинсин!

Бу адолатли ҳукми ҳамма бир овоздан маъқуллади.

– У бадбахтнинг ўзи не дермиш?

– Жонини бағишлашингизни истармиш, – деб жавоб қилди Чопу барлос. Бу пайтга келиб у анча кексайган ва султон маслаҳатчиси лавозимига ўтказилган эди. – Ҳажга бормоғимга изн берсалар, умримни тавба-ю ибодат ила тамомласам, дейди.

Султон Ҳусайннинг юзида бир маҳаллар Муҳаммад Ёдгор тутуқланган пайтдаги каби кескин қаҳр акс этди. Қарчиғайдай нигоҳи ясовулбегига қадалди-да:

– Ҳамтовоқлари қатл қилинсин! – деди. – Ўзи эса... тўғри йўлни танлабди. Умрини тамомламоғига ёрдам бергаймиз!

Кутилмаган бу марҳаматдан ҳамманинг эти жимирлаб кетди. Чунки ундан ажалнинг совуқ иси келиб турарди. Мажидиддиннинг ҳаж сафарини ҳеч ким хушнуд қаршиламади. Ҳатто зиндондан чиқарилган собиқ вазирнинг ўзи ҳам бу хабарни эшитгач, юзига хомушлик булутлари инди, Султон Ҳусайн билан видолашиб, рози-ризолик сўрашга рухсат истади. Ҳусайн Мирзо уни кўришни истамаганини билгач, юм-юм кўзёш тўқди ва куз кунларидан бирида ҳажга жўнаб кетди.

* * *

Сабзавордан ўтиб, Табриз йўлидан борилад экан, Мажидиддин султон қахридан қутулиб қолганига ишонгиси келмасди.

Бутун молу мулк, ер-сувлар мусодара қилинди, ёру аҳбоб ўзини тортди. Яхшики, Майманадан эски бир дўст йўл харжи учун яширинча кўмак берди. Ҳажга боровчилар карвони аста-секин илгарилаб борарди. Аламу пушаймонликдан собиқ вазирнинг кўзи очилгандек эди. Мулклар етмасмиди, ер-сувлару иззат-эътибор каммиди?! Амрига ҳар ким қўл қовуштириб турмасмиди?! Эй воҳ, не кунларга қолди?!

Лекин бу одам шум қисматида ўзини эмас, Алишер Навоий ва Низомулмулкни айбларди. Шулар бўлмасайди, шох беҳабар, айшимни суриб юрардим, деб ҳаёл қиларди. Навоий Низомулмулк билан тил бириктириб фитна ўчоғини қуриб, султон қахру ғзаби тўфонини Мажидиддин томон бурганини нодон ҳам англайди. Ҳатто ҳаж ниятидан қайтиб, оққуюнлилар салтанатига бош уриб боришни, улар билан бирга Хуросонни эгаллаб, душманларидан бешафқат ўч олишни ҳаёл қиларди.

Аммо бунинг учун сарват керак. Бир чақаси йўқ собиқ вазир шу ҳолида гадодан ҳам қашшоқ, уни ким ҳам мулозимат ила қарши оларди?

Табризга етар-етмас, шом кўнар-кўнмас шовқин чикди. Қоронғилик қаъридан чиқиб келган, юз-кўзларига мато ўралган номаълум отликлар карвонни қуршаб олди.

– Карвон дахлсиздир, султон Хусайн Мирзо изни ила ҳажга бормоқдамиз, – деди карвонбоши султон ёрлиғини кўрсатиб. – Тегинсангиз жазолангайсиз!

– Карвонинг ўзингга буюрсин! – деди бири. – Мажидиддин деган киши қаерда?

– Ана у!

Мажидиддин карвоннинг ортроғида, эндигина туядан тушиб, увишган оёқ-қўлини ростлаб турган эди. Бояги суворий яқинлашиб келди-да:

– Мажидиддин сенмисан? – деб сўради.

– Ҳа, менман.

– Дўзахга равона бўл! – деди суворий илжайиб. Сўнг кўз илғамас тезлик билан елкасидаги узун сопли болтасини чиқариб, Мажидиддиннинг бўйнига урди. Ихраб йиқилган собиқ вазирнинг белига келиб тушган иккинчи зарба унинг умуртқасини чўрт узиб юборди, шу билан Мажидиддин ҳаёти ниҳоя топди.

Қароқчилар бошқа ҳеч кимга тегмади ва тун қоронғисида кўздан ғойиб бўлди. Карвонбоши инсофли киши эди, хизматчиларга айтиб, ўша ердан бир гўр қаздирди, номига жаноза ўқиб, дафн қилдирди.

Шундан сўнг карвон ҳаж сафарида давом этди.

Бу ишлар сўнггида биргина Қора Мўғулнинг жони омон қолди. Бу дағал, кўрс навкарнинг бор бисоти тафтиш қилинса-да, ҳеч нима топилмади. Мўғул ҳақиқатан ҳам бир нима тўпламаган, уйда тўшаги-ю қиличидан бўлак бисоти йўқ экан. Тафтишлар сўнггида ўйлана-ўйлана, “Бор-йўғи бир навкар-ку, унда айб не қилсин”, дея ҳибсдан бўшатиб, Пули Нав ўрдугоҳига қора черикка юбора қолишди.

САДДИ ИСКАНДАРИЙ

Астрободдаги ҳаёт бир оз тартибга тушди, бироқ, Навоӣнинг кўнгли шод эмас эди.

Бир куни дўстлари Бобо Али, Хожа Абдулло, Хожа Давлатободӣ ва яна бир қанча кишилар билан Астробод четидаги Искандар Зулқарнайн курдирган Садди Искандарӣ деворини кўргани отланди.

Қизғиш созтупроқдан кўтарилган девор ўз ҳайбатини йўқотмаган, аммо кўп жойлари нураб кетган экан. Қачонлардир, ҳақ йўлидаги зафарлар асносида, диёнатсиз кофирлар гала-гала бўлиб ёпирилиб келмаслиги, гуллаб-яшнаган масканларни харобага айлантирмаслиги учун қурилган бу иншоотнинг қалинлиги икки от бўйи, ҳар ер-ҳар ерида ўқчи мезаналари қад ростлаган бўлиб, муаззамлиги ва олис ўтмиш воқеаларидан хабар бериши билан ҳайратли эди.

– Амиримиз султон ҳазратлари билан маслаҳатлашиб, ушбу деворни таъмирлашга жазм қилсалар, улуғ иш бўлур эди, – деди Хожа Давлатободӣ.

– Камида ўн йил тикланган бўлғайдир... – деди Навоӣ ҳаёлчан. – Хийла узун чиқар?

– Ўттиз йиғоч экан, отда уч кун юрилгай эмиш.

– Хайр, – деди Алишер Навоӣ. – Искандар буйруғи ила тикланмиш эса, шундоқ қолаберсин. Кейинги авлодларга у зотнинг улуғлигидан далолат бериб турсин. Қолаверса, бундан ҳам мустаҳкам девор мўминларнинг қалбида бўлмоғи энг дурустидир.

Алишер Навоӣ бу сўзларни “Хамса”даги “Садди Искандарӣ”га ишора қилиб айтганини барча тушуниб турарди. Шундан сўнг улуғ Амир Астробод халқининг тилларида дoston бўлган сўзини айтди:

– Хуросонда энди Искандар деворига сира ҳожат йўқ. Бундан бу ёғига замонанинг Искандари султон Хусайн Мирзонинг ўзларидирлар!

Кишилар бу сўзни маъқуллади, бироқ Навоӣнинг чехраси яна очилмади.

Бунинг сабаби Астробод иқлими унинг сиҳатига ёмон таъсир қилганида эди. Оёқ бўғимларидаги оғриқлар энди бошқа бўғимларга ҳам ўтди, бунинг устига меъда ва бош оғриқлари ҳам бошланди. Астробод табибларининг даволари эса, ҳар қанча уринишларга қарамай, қор қилмасди.

Бу орада куз келди. Дим ва иссиқ бўлишига қарамай, самода қушлар гала-гала бўлиб жанубга йўл оларди. Бу қушларнинг таври ажаб эди. Бир-икки кун чуғур-чуғур қилиб, бир-бирига парвоз дарагини берар, тўда-тўда бўлиб учиб қўнарди-ю, бироқ сафар бошлана қолмасди. Сўнг худди уларгагина аён бир ҳукми илоҳий ила, кўзга кўринмас бир қудрат чорлагани каби, тўсатдан қанот қоқиб, қичқира-қичқира ёппасига учиб кетарди. Айтишларича, денгиз махлуқлари ҳам шу сингари тўп-тўп бўлиб қайларгадир йўл олар эмиш. Соҳилга яқин жойлардаги кишилар буни мароқ билан сўзлаб берар, кўч даври бошланганидаги бемисл овлардан ҳикоя қиларди.

Астробод кузида дафна, норинж оғочлари ям-яшил тураверар, аммо хурмолар сарғаяр, анор, нок ва олмалар бири қизил, бири сариқ етилиб,

олтинга бурканар, қизил, сориғ, яшил тўфони шу масканларда ҳам жўш урарди. Хатто бир куни денгиз қизғиш тусга кирганини кўришибди, бу қизиллик анча вақтгача кетмабди. Сабаби сув тубида ўсадиган ғоят майда ўтлар экан. Улар бу фаслда ўзидан кўзга зўрға кўринадиган уруғларини шу қадар кўп сочармишки, уммон қизил тус олармиш.

Фалакнинг бу ажойиботлари Навоийнинг қалбини юпатмас, қалби жонажон Ҳирийни қўмсарди.

Бир куни тонг чоғида шамол эсиб, ёмғир шаррос куйди, кўчалар сувга тўлиб-тошди. Бир-икки соат ўтиб-ўтмай булутлар тарқалиб, қуёш чараклади. Шунча сувнинг қайга кетгани ажаб эди. Бирпасда теварак исиб, ерлар қуриди. Пешиндан сўнг эса Қум тарафдан совуқ шамол эсди, изғирин шунчалар эдики, тўн киймай илож қолмади. Шу кун девон мажлиси тайин қилинган эди. Кимдир табиатнинг бундай ўйинларидан гапириб:

– Бизнинг Астробод шундоқ, бир кунида тўрт фаслни кўра оласиз, – деган эди, Алишер Навоий:

– Шу сабабдан ҳам бу ерда бир кун бир йилдек ўтар экан-да? – деди ўткир тил билан. Бунга барча кулиб юборди. Зукко ва ҳозиржавоб амирнинг юз-кўзи кулиб турса ҳам, юрагида бошқа ғалаёнлар содир бўлаётгани шундоқ сезилиб турарди.

Бошқа бир кун истироҳат учун денгиз ёқасига боришга қарор қилинди.

Денгиз Астрободдан етти фарсах масофада эди. Кета-кетгунча харсанг уйлар, тош ётқизилган кўчалардан, узумзор ва хурмозорлардан ўтиб борилди.

Яна бир оз юрилгач, қаршидан келаётган нам шамол кучайиб, шўр исини димоққа урди.

Қумли соҳилда бир қанча киши оёқларига тош бойлаётган экан. Хожа Давлатободий:

– Булар садаф ва марварид овчиларидирлар, – деб изоҳ берди. – Ўн беш-йигирма кулоч чуқурликда марварид чиғаноқлари не сабабдандир шу ерга ўрмалаб келурлар. Марварид овчилари қўлтиқларига кичик мешда ҳаво олиб, оёқларига тош бойлаб шўнғиб, чиғаноқларни олиб чиқурлар.

Сўнг тошлоқ ерда ётган бир чиғаноқ парчасини олиб, ичини очиб кўрсатди-да, садаф қайтарз бино бўлишини сўзлаб берди:

– Қаранг, эгаси йўқтур. Аллақачон уйини ташлаб чиқиб кетибдир. Чиғаноқнинг эти юмшоқ, сезувчан бўлгай. Денгиз тубида умр кечирар экан, эт орасига бир қум донаси кириб қолиб, озор бергай. Шунда чиғаноқ уни ўз вужудидан ажралиб чиқадиған суюқлик билан қоплагай, у суюқлик қотиб, садафга ёхуд марваридга айлангай. Қоплагани сайин озори ортавергай. Тавридан фарқлаб бўлмаса-да, Тангрининг қудрати ила бирида марварид, бирида садаф пайдо бўлгай.

Навоий кулимсиради:

– Инсон ҳам шундайдир, – деди у. – Бир зарраи дард қалбига киргай, ранжу озор чеккай, вақти келиб у қалб ичига қарасангиз ё садаф, ё дур кўргайсиз.

Шундан сўнг Хожа Давлатободий кемаларни шарҳлаб берди.

– Балиқчи кемаси бир елканли, олисга сузолмайдиган, япаски бўлур. Юк кемаси уч елканли, икки қават ёғочдан ясалгай. Ёғочларни бирик-

тиришда темир қўлланмагайлар. Сабаби, тўфонларда сийрилиб чиқиб кетмасин дея. Ҳинд ёнғоғи оғочининг илдизини ура-ура арқон ўрилгай, у шўр сувда намланмагай. Ана ўша арқон билан боғлангай. Кема сиртига балиқ ёғи сурилгай, токи уммон ваҳшийлари уни улкан балиқ деб ўйласинлар...

Сокин тўлкинланиб турган денгиз унда ҳаёт кечирмоғи ирода қилинган сон-саноксиз жонзотлари ила тимсолий маъноларга айланмоқда эди. Шўр шамол тўнларни, салла печларини юлқилаб, сувларни тўлкинлантириб, кемаларни суриб борар экан, оқ чағалайларнинг чағиллаб учишлари неларнидир ёдга солар, уммон гўё “Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун сувни ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз. Шоядки, шукр қилсангиз!” деб шовулларди.

Бир қанча вақт соҳилда қолдилар. Сўнг кентга қайтилгач, ҳар ким хайрлашиб, ўз масканига кетди.

Бу кўрилганлар Алишер Навоийга ушбу мисраларни ҳадя этди.

*Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлиг дарё каби ошуфта кўнглим қўзғолур.*

Буни ўқиган ёки эшитган ҳар ким диққат қулоғини шу ғазалга жамлар эди:

*Йиғлама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб,
Ким ёшинг дарёсидур ҳар сориким эл кўз солур.*

*Титрабон сиймобдек кўнглим, етар жон оғзима,
Тунд ел таҳриқидин ҳар дамки дарё чайқолур.*

*Сабр кўнгулда, кўнгил ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки бориб, термулиб кўз, мунграйиб жоним қолур.*

*Дам тутилгандин ўлар элдек етибман ўлғали,
Сурмасин деб кемасин, баским, нафаслар асролур.*

*Кирма савдо баҳрига оламдан истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғолур.*

*Ғарқ етар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илгига чунким Навоий бода киштисин олур.*

Форслар дарё, араблар баҳр деб атайдиган бу денгиз унинг умр ва маъни мулкида абётга шу тарз кўчиб, мангуликка муҳрланиб қолди. Эй биродар, бу олам уммонида сен ҳам ўзингни йўқ деб билақол, ахир, фано денгизи ғам-алам кемасини аёвсиз ғарқ қилиб юборади. Шу сабабли барча оқиллар қилган ишни қил, қўлингга бода киштисини ол, чунки оддий денгизни ҳам, шодлик ва дард-алам уммонини ҳам, нажот кемасини ҳам У яратгандир!

* * *

Астрободнинг нафасларни сиқадиган, вужуд намини сўриб оладиган
жазирама ёзи тугаб, ғаройиб дарахтлари кизара бошлаганида Алишер
Навоий султон марҳаматини ўтиниб мактуб битди.

Мактуб, одобга кўра байт ила бошланган эди:

*Ваҳки, ҳажринг ўти жисми нотавоним ўртади,
Нотавон жисмимга тушган шуъла жоним ўртади.*

Кўпдин-кўп дуо ва саломдин сўнгра арзим шуки, бу фақир Хуросонда
эканимда ҳам сиздин айру эдим, эндиким, Астрободдамен. Фироқ
жиҳатидан иккаласи бирдур, нечунким:

*Бировки ёрдин айру эрур: асири фироқ,
Арода хоҳ яқин тут йўлини, хоҳ йироқ.*

Токи бу ерда эканман, баданимга фироқ ўтининг ҳарорати ва кўнгилда
иштиёқ суҳбатининг изтироби кўпроқ бўладир. Сабаб шуки, у ерда
эканимда васлингиз давлатига етишмоқ ва сиз билан мулоқотда бўлиб
турмоқ саодати мумкинроқ эди. Аммо бундай ҳисоб узоқни кўра олувчи
ва чуқур мушоҳада қилувчи ақл тарозусига мос эмас.

*Яна бир ҳисоби дағи бордур,
Ки ақлу хирад анда нокордур.*

*Эрур сирридин ақли кулл беҳабар,
Ким отини дерлар қазоу қадар.*

*Не иш бўлса беҳадду имкон баса,
Эрур ул ҳисоб ичра осон баса.*

Умид шуки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло кўнгулга келмаган восита ва
хаёлдан кечмаган сабаб билан мулоқот ҳузурини ва васл сурурини насиб
қилғай.

Юборган номангизда битибсизки, “Биз томонга бирон киши
юбормадингиз”, деб. Бунинг сабаби шу бўлдиким, юборган кишимиз
ҳануз қайтиб келмайди ва олиб борган хатига ҳануз жавоб келтирмайди.

Яна илтимос шуки, ўз соғлигингизга эътиборни яхши қилингизким,
сиҳат неъматига ҳеч нимани тенглаштириб бўлмас ва ишингизда
эҳтиёткорликни унутмангки, нохуш иш воқеъ бўлса, кейинги
пушаймонликдан фойда йўқ. Ҳеч вақт кўнгулни Тангри таоло ёдидин
холи қилманг ва мусулмонлар арзу додидан ғофил қолманг.

Дўстлар фикридину душманлар макридин бепарволиғ жоиз эмас ва бу
иш афсус-надоматдан ўзга натижа бермас.

Подшоҳ давлат ишларини барча ишлардан юқори тутмоғи вожибдир.
Тангри таоло амрини ундин ҳам юқори кўрмоқ фарздир.

Сизга бу сўзларни айтмоққа эҳтиёж эрмас, аммо айтмоқдан нуқсон ҳам йўқлиги сабабли шунча сўзга мусаддеъ бўлулди.

*Улким, фироқ мулкида қилмиш мени ғариб,
Ҳам ул висол давлатини айлагай насиб.*

Шундан сўнг мактубга ниҳоятда гўзал ва маънос бир ғазал илова қилинган эди:

*То муҳаббат дашти бепоёнида оворамен,
Ҳар балият келса ишқ ошубидин бечорамен,*

*Эл нетиб топқай мениким мен ўзумни топманом,
Буйлаким ишқу жунун саҳросида оворамен.*

*Қайси захмимга қилурсен чора чун мен, эй рафиқ,
Тийр борони балиятдин саросар ёрамен.*

*Оҳ дуди ичра бир учқун кеби кўрган мени,
Билдиким ҳижрон тунига кавкаби сайёрамен.*

*Кеча ўртансам, саҳар фарёд қилсам, не ажаб,
Ишқ аро парвонаву булбулга чун ҳамкорамен.*

*Эй харобот аҳли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,
Айб эмас, невчунки сиз майхора, мен хунхорамен.*

*Эй Навоий, борди деб аҳбоб таъжил этма кўп,
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен...*

* * *

Султон Ҳусайн Форёбдан жуда чарчаб қайтди. Навоий мактуби шу маҳалда қўлига етди.

Икки дўст – шеъриятга ошно султон ва султонга ошно шоир... Соғинч ва садоқат, донолик ва бадиият уфуриб турган бу битикларни Султон Ҳусайн юраги эзилиб-эзилиб ўкиди. Соф қалбли, нур юзли дўстини бениҳоя соғинганини ҳис қилди. То Навоий бор экан, Астробод тинч-фаровон тургай деган фикридан қайтиб, унинг Ҳирийга қайтишига изн берди.

Зеро, султоннинг ҳам умр куёши пешин кутбидан ўтиб шом сари юмалаган, ҳар икки дўст умрнинг донишмандлик палласига қадам қўйган эди.

Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтишига рухсат берилгач, бу ҳақда Султон Ёқуббекка мактуб битилди, ундан шоирнинг миннатдорлик сўzlари ўрин олди. Ёқуббек мактубни ўқигач, хомуш тортди. Хаёлида яна Хуросон орзуси мавж ураркан, Навоий мактубини зарҳалга ўраб хазинага элтишларини буюрди. Шу тарз, ушбу қийматли мактуб унинг номига

Рум, Фаранг, Ускуф қироллари битган мактублар сақланадиган махсус бўлмага – султоннинг хос хазинасига авайлаб жойлаб қўйилди.

Хуросонда ҳам унинг мактублари хазинада эҳтиётлаб сақланарди. Сўнгги ғазални эса Султон Ҳусайн хазинага топширмади, балки ашрафхона деворига осишларини буюрди. Юксак бадиият тимсоли бўлмиш у ғазал яна анча вақт султон кўзи олдида турди.

АСР ИЗТИРОБИ, ШОМ ҚАЙҒУСИ

Алишер Навоий Астробод уламози, фузалоси ва умароси ила видолашиб, Ҳирий сари юзланди.

– Шунча ҳурмат, обрў-эътиборни рад қилиб, нечун Ҳиротга қайтишни ихтиёр қилибдилар? – дейишарди Астробод фозиллари. – Ахир, у зотни ҳирийликлардан зиёда иззат қилмадикми? Девонга ҳам, у кишининг боғу боғчаларига ҳам атай яхчоллар қазилмадими, ҳар кадамларига фавворалар қурилмадими? Астрободнинг энг ҳурматли кишилари хизматига етти букилиб турмадими? Минг афсус...

– Астробод иқлими у кишидаги хилт маразини зиёда қилибди. Саломатликлари ёмонлашиб, ўзлари айтганларидек, ўргимчак ипига оёғи илашса, йиқиладиган ҳолга келибдилар.

– Сўзларингиз тўғри, лекин Ҳирий азиматининг сабаби мутлақо бошқа, – деди аъёнлардан Хожа Давлатободий. Навоийнинг Ҳиротга қайтишидан айниқса шу киши кўп ғамгин эди. – Астрободда у зот билан ҳамсухбат бўла оладиган биронта киши йўқ! Ҳазрат ўзларининг олий хулқлари боис бошқаларга билдирмасалар ҳам, бундан қаттиқ изтироб чекардилар. Хайҳот, шаҳримиз ўз дур-жавоҳирлари билан эмас, олимлари билан шуҳрат қозонса эди! Афсуски, Астробод бу борада Машҳаду Ҳиротдан анча ортдадир.

Навоий қарвони Ҳирийга қайтар экан, яна Нишопур ва Машҳад йўлидан юрилди. Йўл узра Фаридиддин Аттор, Имом Ризо ва унинг шогирдлари Қози Мурод, Қози Робий, Қози Абусалт қабрлари зиёрат қилинди.

Босиб ўтилган йўл узра дов-дарахт, ўт-ўланлар куз маҳсулини кўз-кўзлаб турарди. Боши эгилиб уруғларини сочиб юборган майсалар, полапонларини учирма қилган кушлар, болалаган ҳайвонлар – барчаси ҳали етиб келмаган, аммо келмоғи муқаррар қишга тайёргарлик кўрмоқда эди. Оламлар Парвардигори фаслларни алмаштириш билан, баҳор чоғи яна бир кун қайта тирилмоқ ҳикматига ишора қилмоқда, неъматларини тупроққа қайтадан киритиб юбориши билан ўз қудратини билдирмоқда, тоғу тошлар, дарё-ю денгизлар барчаси чанг зарраси каби қадр-қиймат касб этмаслигини кўрсатиб, шу билан тириклик оламидаги инсон болаларига гўё “Эй дунё аҳли! Ўлиш учун туғилдингиз, сизлар тиклаган иморатлар хароб бўлди. Барчангиз Роббингиз ҳузурида ҳисоб-китоб қилингайсиз!” деб хитоб қилмоқда эди гўё.

Ҳирийга етиб келишгач, ҳазратни кутиб олишга чиққан мулозимлар қуршовида Боғи Жаҳоноро томон йўл олдилар. Султон Ҳусайн Навоийнинг келишига гиламлар солдириб, ҳар тарафни гуллар билан безаттирган эди. Дўстини у остонада кутиб олди. Астрободнинг рутубатли ҳавоси

Навоийнинг силласини курутган, вужуд кувватини сўриб, соғлигини ёмонлаштиргани учун асо тутиб юришга мажбур бўлиб қолган эди. Султон Ҳусайн унинг заиф гавдасини ва қўлидаги асони кўриб, деди:

– Пирим, бир замонлар қўлингизга қилич тутқазган, бироқ уни қаламга алмаштиришингизга рози бўлган эдик? Бу не ҳол?

Алишер Навоий жавоб қилди:

– Кўрингки, кексалик яқин келиб, фақирнинг ҳолига қараб кемшик оғзини очиб кулди ва қаламни олиб, ўрнига асо тутқазиб қўйди.

Султон Ҳусайн Навоий билан дийдорлашувдан беҳад шод эди. Навоий бу шодлик ортида султон ажойиб бир ишни кўзлаганини сезиб турар, бироқ ўша ишнинг не эканини билмасди. Улар анча вақт Астробод ишларидан сўзлашиб ўтиришди. Султон Ҳусайн Астрободга Бадиуззамон Мирзони юборишни кўзлаган экан, дўстидан шахзода билан сўзлашиб, бу ўлкадаги сиёсат нозикликларини бирма-бир аён қилишини сўради.

Шундан сўнг бу икки дўст орасида шундай ғаройиб бир суҳбат бўлиб ўтдики, давр фозиллари бу суҳбат мазмунидан орадан икки йил ўтгачгина хабар топишди.

– Сизга бир арзимиз бор, – деди Султон Ҳусайн ва эшик ортида турган эшикбонларга қарата: – Қопқаларни ёпингиз! – деган эди, эшик олдида турган икки кул ўша заҳоти тавақаларни шовқин чиқармасдан ташқаридан беркитишди.

Орадан ярим соатча вақт ўтгач, султоннинг ўзи эшикни очганида, Алишер Навоийнинг ҳам юз-кўзи кулар эди.

Султон Ҳусайн унинг Ҳирийга қайтиши шарафига тўрт хил шоҳона пўстин ва бўрк ҳозирлатган, бир амир ва уч мулозим уларни қўлларида тутиб туришарди.

– Буларнинг ҳар бири бир мамлакатни тимсол қилса, не ажаб? – деб жилмайди Султон Ҳусайн. – Яъни, Мовароуннаҳру Хуросон, Ироқ ва Рум. Ўшал иш битса, буларнинг ҳар бирининг бағри тоба-тоба олтин-кумуш, дур-жавоҳир ила тўлдирилиб, барчаси қаламингиз пойига сочилгайдир. Аллоҳ муваффақ айласин!

– Тангри таоло Сулаймон алайҳиссаломга ғалаба ато этгач, унинг салтанатидаги кумурсқа ҳам саодатга эришди, – деб жавоб қилди Алишер Навоий унга. Сўнг, “Аллоҳ осмондан сув тушириб, у ила ерни ўлимидан кейин тирилтирди”, оятини ўқиди. Бу – ҳижратда қақраган кўнгил тупроғига Султон Ҳусайн марҳаматининг ёмғир бўлиб ёғиб, қайта тирилтиргандек бўлганига ишора эди.

Дўстлар хайрлашишди. Кузги Ҳирий осмони тўқ нилий тусда, оғочларнинг япроқлари бири қизғиш, бири сариқ тус олибди. Баъзиларининг эса ҳали яшиллиги кетмаган, куз бўёқчиси теваракни моҳир рассом каби турли ранглар билан анвойи қилиб безаб қўйибди. Бироқ бу гўзалликка яна бир нохуш ҳолат – ота каби қадрдон ва бузрук пир Абдурахмон Жомийнинг дардга чалиниб, тўшакка ётиб қолгани соя солиб турарди. Саройдан чикқач, Навоий “Унсия” га эмас, Жомий боғига йўл олди.

Ҳирий фозиллари орасида шундай одат бўлиб, киши кексайгач, ўзи қалбига яқин тутган пир ёки шайх дафн қилинган жой атрофига кўчиб

бориб, сўнгги нафасга қадар ўша ерда умр кечирарди. Маликул-калом Абдурахмон Жомий ҳам улуг шайх Саъдиддин Кошғарий мазори ёнида курдирган боғида истиқомат қиларди. Унинг хасталиги дарагини эшитган тумонат одам ҳар куни ҳол сўрмоққа келар, ҳозир ҳам кишилар Жомий боғининг дарбозаси ёнида тўпланиб туришарди.

Навоийни кўришгани заҳоти унга йўл очдилар. Навоий асосига таян-таяна, Жомий ётган меҳмонхонага кирди.

Зотурриё¹ кўкқис зўрайиб, кекса шоирни тўшакка йикитган, ҳозир у аранг нафас олар, лаблари ва кўз-қабоқ ости қорайган, бурни ғалати тарзда тиккайиб, қулоқ солинчоқлари осилиб қолган эди.

– Зотурриё шиддатли келди, – деди табиб Абдулхай. – Худо кўрсатмасин, ишқилиб, олиб кетмасин.

Навоий унга жавоб қилмай, устоз бошига эгилди.

Пир шу ҳолатида устига кимдир келганини сезди, қабоқларини аранг очиб, бир муддат таниб-таниёлмай турди-да, сўнг юзига хиёл табассум югурди.

– Алишербек... – қонсиз лаблардан шу сўзлар учди.

– Пирим! – деди Алишер Навоий унинг елкасига кўлини қўйиб.

Жомийнинг дудоқлари титрар, буришиқ бармоқлари Алишернинг кўлини мажолсиз изларди. Ниҳоят топиб, заифона тутиб тураркан, шивирлади:

– Фақирдан... рози бўлгайсиз! Ҳақингизни... ҳалол айлагайсиз!

Улуг шеър куёши сўнмоқда эди.

– Минг бора розиман! – деди Алишер Навоий, устозини бағрига босиб, тириш юзини, қош-кўзларини авайлаб сийпаб. – Иншооллох, Тангрим шифо берсин...

Сўнг устоз хануз кўлини қўйиб юбормай турганидан муддаосини англаб:

– Сиз ҳам ҳақингизни ҳалол айланг, устоз! – деди овози титраб.

– Ҳалол.... бўлгай... – деб шивирлади мавлоно, бошини ўғли томонга хиёл буриб. Зиёвуддин тоқчадаги ўрам қоғозни олиб, Навоийга тутди:

– Қиблагаҳ бу номани сиз сафарда чоғингиз ёзиб эдилар. Сизни кўп йўқладилар, муштоқ бўлиб йўлингизга кўп кўз тикдилар.

Жомийнинг бармоқлари шогирди кўлини қўйиб юборди, ўзи бир текис нафас ола бошлади. Табиб яқинроқ келиб:

– Бир оз тин олсинлар, – деди. – Икки оғиз сўз айтиш ҳам ҳолдан тойдиргайдир.

Навоий яна бир оз ўтирди-да, сўнг:

– Мен тонг саҳар яна келгайман, – деб дуо қилиб, ташқарига чиқди ва қоғозни очди.

Улуг донишманд унинг шаънига меҳру муҳаббат билан бундай сўзларни битган эди:

“Сен, эй Жомий, умр бўйи машаққат тортиб, кўнглингдан шу беш ганжни дунёга чиқардинг. Сенинг бу “Беш”нинг шундай кучли панжа бўлдики, дарёкафлар қўли буралиб кетди... Бироқ ҳар хазина ўлчови қаламидан бу ўтар дунё “Беш хазина” билан бойигандир. У “Беш”ликларга сенинг “Беш”нинг қачон тенглашади? Уларнинг бир хазинаси сенинг

¹ Зотурриё – зотилжам, ўпканинг яллиғланиш касаллиги.

юз хазинангдан яхшидир. Хусусан, у панжаки, ганжадан сарпанжа урганга шер каби ўз сарпанжасини урди, туркийда бир ажойиб қўшиқ куйладики, жодунафаслилар оғзи мухрланди. Бу қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгаларига, форсча назм дурларини тузувчиларга раҳм қилди: у ҳам форсий тилда ёзганида, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий киму, Хисрав ким бўлди?”

Афсуски, меҳр куёши Абдурахмон Жомий билан қайта кўришиш насиб бўлмади. Субҳ маҳали мурувват ва футувват кутби мавлоно Жомий Ҳақ раҳматига қовушгани хабари келди. Фасллар Азроили жонларни бирин-кетин суғурар экан, унга навбат келганида гўё, “Эй хотиржам-сокин жон! Сен рози бўлган ва рози бўлинган ҳолингда жаннатга кир”, дея хитоб қилди. Умрининг азиз онлари ўтган Ҳирий узра унинг жонини кўкларга олиб учди.

Жомий жанозасида Навоий кўзёшларини тия олмасди. Яқинлар бирин-кетин абадий манзилгоҳларига жўнамоқда эдилар. Умр ҳам гўё бир сафар, қиш изғирини вужудларни қақшатгани каби, ўлим совуғи ҳам жонларни қақшатар, тириклар вужудини озорлар, яқинлару устозлар бошига келган бу тақдир аро барибир ёлғиз қолгувчи эканингни яна бир карра уқтирмоқда эди. Бир қанча йил аввал Мовароуннаҳрнинг энг улуғ олими Хўжа Аҳрор валийнинг, ортидан кетма-кет Фазлуллоҳ Абулайс ўлимининг хабари келган, фалак чархининг бу таври ҳайбат ва қўрқинч уйғотар экан, тирикларга, “Шошилинг, қилар ишингизни қилиб, айтар сўзингизни айтиб қолинг!” деяётгандай эди.

Бу оғир мусибат бўлди, зеро, олимнинг вафоти айрилиқларнинг энг ёмонидир. Жаҳонга унинг каби донишманд яна келгайми экан? Олтину кумушлар тупроқ кабидир, уларни ер юзининг исталган жойидан супуриб-тўплаб келса бўлур, бироқ бундай бетакрор зотлар сира қайтиб келмаслар. Буни ҳар ким яхши англади. Султон Ҳусайн ҳам Навоийнинг изтиробини кўриб-билиб турарди. У Ҳирий тепасида мавлоно ҳақи-хурматига улуғ бир макбара қуришни буюрди ва мисли кўрилмаган фармон имзолади – Ҳиротда бир йил мотам эълон қилди.

ХАЗОЙИНУ-Л-МАОНИЙ

Орадан икки йил ўтди. Ҳирий дейилган шўрпешана нозанин бошига яна қора булутлар тўплана бошлади.

Султон Ҳусайн салтанат ишларини вазирлару амирларга топшириб, ўзи ором истаб узлатга чекинар экан, дунё ҳирсига ружу қўйган кимсалар салтанатни ҳар қўйга солмоққа бошладилар. Ҳар қайси салтанатда шундай хавф бўлгай. Ҳо-ю ҳавас, бойлигу мартаба илинжидаги каслар зебу зийнатларга бурканиш орзусида салтанат теграсида уймалашурлар. Тоза юракли, садоқатли кишиларни султон эътиборидан олислаштирурларки, виждон саси қулоғига етмасин дея. Алишер Навоий султоннинг виждони эса, ул виждон овозини мангу ўчирмоқ ва султондан абадиян жудо айламоқ лозим.

Абдурахмон Жомийнинг мангуликка рихлати, салтанатдаги низо ва фитналар шоир юрагини ўртаб юборган эди. Ҳирӣ мамоликида мисли кўрилмаган бойлик таназзули бошланган, бир қарашда салтанатда фаровонлик ҳукм сураётгандай кўринса-да, аслида, жаҳолат шомӣ кўнмоқда эди. Нафис йиғинлар барҳам топди. Ҳусайн Мирзонинг кўнгли энди ҳеч нимани тиламас, баъзи ҳолларда ёлғиз Алишер Навоӣга суянади, холос. Лекин Навоӣ ҳам узлатга чекинди, шоҳ саройидаги машварату муҳокамаларга кўшилмай кўйди. Ҳар нарсани назардан қочирмайдиган кишилар яна, “Юксак мажлисларда қатнашмаётганига қараганда, султоннинг Навоӣдан кўнгли қолганга ўхшайди”, деб башоратлар қила бошлади. Бироқ, бу ишнинг ҳақиқати ёлғиз Навоӣга-ю султон Ҳусайннинг ўзига аён эди.

Тоғ бошига қор кўнгани каби, бошлар оппоқ қиш чаманзорларига бурканар экан, тақдир гўё, “Идрок қил! Ҳатто сочинг ҳам ўзини ўзгартирмоқда”, деб ҳайқирарди. Бир пайтлар қалин ва қайсар бўлган сочлар сийраклашди. Сочлар не экан, қошлар ҳам айни қисматга дучор бўлди. Ҳа, вужуд батамом ўзгарди! Ҳирсу ҳавас маразлари пок имон уйида қай тарз бузғунчиликлар қилишини кўрсатар каби, тақдир ҳукмдори вужудга ҳам беморлик маразларини сочиб юборди:

*Менки эллик йил чекиб зам, топмадим ҳушвақтлиг,
Топгаменму умрнинг эмдики ўтмиш ҳушироғи...*

Мавлоно Соҳиб Доро имкон топди дегунча “Унсӣ”га чопар, Навоӣ ҳолидан тез-тез хабар олар эди. Боиси, кексалик чоғида юзлашган беморлик ипдай нозик бўлиб қолган танага печакдай чирмашган, на тонгдан окшомгача бир туз тотар, на окшомдан тонггача бир дам кўз юмар, гоҳ иситма оловида ёнар, гоҳ дард совуғида музлаб титтарди. Табиб мавлоно Абдулҳай билан мавлоно Риёзий ҳазрат қошида парвона эдилар. Султон Ҳусайннинг буйруғи билан Чинга қатнайдиган қарвонлардан бирига турли маъжунлар олиб келиш тайинланган эди, бироқ у маъжунлар ҳам қор қилмади. Навоӣнинг хаста эканидан хабар топган Ҳирот уламоси ва фузалоси ҳол-аҳвол сўраб келар ва хомушланиб, ҳақиқа дуолар қилиб қайтиб кетарди.

* * *

Орадан икки йил ўтди.

Икки йилдан сўнг, бир ажойиб кунда саройга келган аъёнлар шоҳ қабулхонасига настаълиқда гўзал хат ила дарж этилган битик осиб қўйилганига шоҳид бўлишди. Султон Ҳусайн шод, юз-кўзи қулар, барчага ўша битикни ўқишни буюрарди. Кишилар тўп-тўп бўлиб, ёзув бағридаги маънолар мағзини чақишга уринади. Бу – Алишер Навоӣнинг султон Ҳусайн шаънига битган миннатдорлик сўзлари бўлиб, унда Тангри таолога ҳамду санодан сўнг, бундай дейилган эди.

“Аммо баъд сўз байт ул-ҳарамининг саҳро кезувчиси ва назм шохбайтининг зеб берувчиси, фақирларнинг ҳақири Алишер, лақаби Навоӣ, – Тангри унинг гуноҳларини кечирсин ва айбларини беркитсин, –

андоқ арз қилурким, бу хоксори паришонҳол кичик ёшимдан ўзумни шеърнинг паришон савдосига гирифтор бўлганимни-ю болалик замонидин бери кўнглимни назмнинг пароканда васвасига ошуфта бўлганини ва аввалги шоирларнинг маликул-каломлари дастури билан жамлаб, тартибга келтиришга киришиб, ҳар навъ шеърга зебу зийнат ва оройишу тартиб берганимнинг кайфиятини аввалги девоним мундарижасида, “Бадойиъ ул-бидоя”да шарҳ билан арз қилиб эдим. Ундан кейин, яна у жамъу тартибдан сўнг бошқа бир тахмин билан бошқа шеърлар айтилиб, ҳар хил ғазаллар йиғилиб қолган эди, ҳаёл кечасининг порлоқ юлдузларини-ю кўнгил хазинасининг ёрқин гавҳарларини иккинчи девонимга киритиб, номини “Наводиру-н-нихоя” деб атадим, эл аро машҳурдир.

...Бу янглиғ осмондек зийнатланган даргоҳдан ва бу янглиғ аршсурат саройдан таъсирли хитобу ҳайратли ҳукм етишди. Мазмуни шуки, эй қадимий хос мулозимимиз ва синашта хос биродаримиз, аввалги икки девонким, бизнинг ҳукмимиз билан тартибга келтирдинг ва барча қисмларини бизнинг маслаҳатимиз ва таълимимиз билан тузатдинг... Ундан кейин йиғилган шеърларнинг назм ипига тортилган йирик дурларни адади аввалги девонлардан ортиқдир ва бу латофатсифат яхшилар ва малоҳатли маҳбублар билан яна икки девон тартиб берса бўлиши маълум бўлди. Шундай дилга ёқимли ишни нима қилиб бўлса ҳам уддалагин ва бу машғулотдан фойдалироқ иш йўқдир.

Энди аълоси шулки, бу ажойиб ишга кўнгил боғлайсан ва балки ҳукм шу эрурким, бу ажойиб ҳукмга қалам сургайсану тафаккур хилватхонасида ҳаёлингни шўху раънолари билан базм тузгайсан ва токи осмон айланиб турар экан, инсон жинсининг ҳаёлига келмаган ажойиб нарсаларни ёзасан ва элга кўргузасан.

Ўзинг биласанки, назм саройининг хослари-ю шеър денгизининг ғаввослариким, руҳларга ором берувчи наволиғ нафасларидан замона базми тўлибди ва ҳаёл дарёсидан чиқарган қимматли гавҳарларидан даврон либоси жавоҳирлар билан безанибди. Ҳеч қайсиси сўз оламининг тўрт иқлимини ололмайди ва тўрт унсурдан пайдо бўлган инсон гуруҳини ҳеч қайсинисидан тўрт девон қолмагандир. Ўз асрида маънолар хазиначиси Амир Хусрав Дехлавий Султон Маликшоҳ Алп Арслон ўғлининг номига тўрт девон тартиб қилган дейдилар ва хотимасини унинг оти билан якунлаган эмиш ва бу иши ўша замонни яхши-ю ёмонининг қулоғига етгандир ва бу сўзлар зикр қилинган бўлса ҳам, у тўрт девон номаълумдир ва исмлари бор бўлса ҳам, у девонларнинг ўзи йўқдир. Ҳаёлга келтириб, қоғозга туширмаганмикин ёки тилига кўчириб, тартибга келтирмаганмикин? “Хамса”си-ю барча манзумалари ва китобу рисоалари ўз ҳолича мавжуддир, тўрт девони эса замон аҳлидан кетган меҳру вафо ва инсофу мурувват каби ғойиб бўлган.

Чун Аллоҳ сенга тавфиқ ва мадад берибди, бу мақсаднинг ҳеч кимга ато этмаган негизи йиғилибди. Хоҳлаймизки, фурсатни ғанимат билиб, бу муддао ҳосилига рағбат қилгайсан!

Бу ҳукм қулоғимга етишганидан кейин ожизлик ва хорлик ўтининг тутуни кўнглимдан димоғимга етишди, ҳукм қувватли эди-ю бажарувчи заиф ва амр бағоят катта эди-ю тобелик қилувчи ниҳоятда озғин, ва

титроқ баданимни ларзага солди ва ҳиссу ҳаёлим лашкари бир-биридан қўзғалди.

На узр айтишга журъатим бор ва қабул қилишга ҳафсала-ю қувватим, агарчи узр айтиш ҳам ёқимли эмас, аммо ўз ожиз ҳолимни айтмасликнинг ҳам иложи йўқ эди.

*Дедимки, бу ишдаким, бўлурмен маъмур,
Ҳар нечаким тутмасам ўзумни маъзур,
Лек иштаки, аждаҳога келтургай зўр,
Зўр эткай ўзига, истаса қилмоқ мўр.*

Ул кутлуғ зотнинг дунёни кўрсатувчи кўнгил ойнасида равшан кўринур ва у покиза кўнгилни жаҳонни безовчи қадаҳида равшану ошкорадурким, бу бандаи фақирга не ожизликлар шикаст берди-ю бу заррайи ҳақирга не саргардонликлар рўпара келди. Агарчи дардимга тузалиш умиди пайдо бўлибдир, таом билан шарбат ичилади ва ейилади, мисқол тарозуси билан тортилади ва тонгдан оқшомгача соат шишасига кўз тикиб ўтираман ва дардимга қувват имкони бўлса ҳам, аммо хануз хароба кошонамдан ташқари чиқишни хоҳласам, осилган ўргимчак иплари дастгирим бўлиб мадад бермагунча, тебранмоққа тобу тоқат ва ҳаракатга кудрат, балки имкон йўқдир. Юз фил тортолмаган юкни пашша қандай торта олсин? Батаҳқиқ, ўзи мажруҳ бўлиб қолади. Чумоли минг шер қила олмаган ишни қандай қила олсин? Хусусан беморлигу саломатлик тариқидан айрилади.

*Аввал икки девонга чу қилдим рағбат,
Ҳам эрди йигитлик мададим, ҳам сиҳҳат,
Бўлдум чу қарию хаста, йўқ ул қувват
Кўргузгали андоқ нималарга журъат.*

...Сенинг заиф ҳолингдан хабаримиз бор, шафқат ва бечорапарварлик билан қаерда қолсанг ёрдам қилинур ва шикаста ҳолинг бизга аёндир, марҳамату ғамхўрликлар билан ҳар қандай мушкулинг бўлса ҳал қилурмиз.

*Шаҳдин чу бу навъ лутфу эҳсон топтим,
Умид дағи беҳаду поён топтим,
Зулмат аро эрдим, оби ҳайвон топтим,
Йўқ-йўқки, ўлуб эрдим, янги жон топтим.*

Шундан сўнг кўнглимга ўзгача қувват кирди ва табъим яхшилик ва дадилликка мойил бўлдики, қаламимнинг тезлиги ва равонлиги ортиб, ҳаёлим булутидан чакмоқ чакқанида, ёмғир ўрнига гавҳарлар ёға бошлади.

Шоҳнинг қабул бармоғини кўзимга суртдим ва мактовлар кўлини кўксимга-ю жонпарвар сўзимга қўйдим ва кўнгил хилватгоҳини хавотир ғавғосидан халос қилдим ва васвасалар ҳужумидан покладим. Қаламим учини ўткир қилдиму табъим оби ҳаётини оташсимон қилдим. Ва ўтган вақтларда айтилган матлаълар тонгини мактаълар ниҳоясига пайваста

килиб, хаёлда кечган паришон шеър гавҳарларини мукамаллик ипига тортмоқ билан зийнатлай бошладим.

*Кун бор эрдиким бир газалу икки газал,
Бал уч газалу тўрт газал баъзи маҳал.
Маҳвашилардек бори латофатда масал,
Боглаб кийибон юзга ҳила тўнға ҳулал.*

...Ва бу ожиз фақир бу таълимларни ўзимга дастур қилиб, у тартибни ишғол қилишга киришар эдим. Бундан бошқа яна у ҳазратнинг махсус маънолари хаёлотини-ю ажойиб мазмунли сўзлари ва дилга ёқимли ўхшатишлари назокатини ва беназир танбеҳлари мустаҳкамлигини аввалги икки девоним дебочасида шарҳ билан батафсил баён қилган эдим. Бу девонларда ҳам яна ўша кўрсатма билан маънолар жавоҳири аълосидан ва сўзлар нақшу нигоридан ва равонлиги-ю латофатидан ва ширин ҳолату ҳароратидан ҳеч бир бўлак бир парчасидан йўқдирки, ул ҳазратнинг муборақ таъбининг дахли бўлмасин. Балки асли хаёл ул ҳазратники бўлиб, бу банда ҳам ул ҳазратнинг буйруғи ва таълими билан бир озгина дахлим бордир. Шу сабабли бу девонлар ул ҳазратнинг нозик таъбидек беназиру ҳар шоҳбайти ўз бахтли зотидек оламгир бўлгандир. Бу маъно гавҳарлари барчаси ул ҳазратнинг таъби денгизидану зеҳнининг конидан ҳосил бўлди ва лафзлару ибратлар ҳазинаси шу маънолар гавҳари билан тўлди, шунинг учун унинг номи “Хазойину-л-маоний”, яъни “Маънолар ҳазинаси” деб қўйилди.

*Ё Раб, бу хазойинки, мен эттим маъмур,
Ким, хозини жаннат анга ҳуштур ганжур.
Чун келди футурлуқ кўнгулларга сурур,
Берма андин кўнгул сурурига футур.*

*Бу баҳрки, ганжи ломаконий дедилар,
Ҳар қатрасин оби зиндагоний дедилар.
Шаҳ маҳзани таъбидин нишони дедилар
Ким, ани “Хазойин ул-маоний” дедилар.*

Агарки оламини ёритувчи қуёшнинг ўз йўлида оламини бир айланиб чиқишини бир йил деб атадилар ва бир йил тўрт фаслдан иборатдир. Ҳар фаслга ҳам от қўйибдилар. Бу порлоқ қуёш осмонни бир айланиб чиқиши шунга ўхшайдики, денгизу кону ўсимлигу ҳайвонлар – барчасининг натижаси унда зоҳир бўлади ва ундан ўша тўрт натижадан нишона топса бўлади.

Тўрт фаслнинг муқобилига тўрт девон пайдо бўлиб, ҳар бирига бир муносиб от қўйиш лозим бўлди. Шу сабабдан биринчи девонни болалик баҳори ғунчасининг ажойиб гуллари ва ёшлик гулзори боғчасининг ғаройиб чечаклари билан ораста бўлиб эди, “Ғаройибу-с-сиғар” деб аталди.

Ва иккинчи девонни, йигитлигу шайдолик ёзининг даштидаги воқеалар билан зийнатлаган эди, “Наводир-у-ш-шабоб” аталди.

Ва учинчи девонни ўрта ёшда ҳаёт майхонасида ишқ билан шавқ қадаҳидан пайдо бўлган ширин кайфиятлари ёзилиб эди, “Бадоеъу-л-васат” деб от қўйилди.

Ва тўртинчи девон умр охирларида юзланган ишқ дарду машаққати фойдалариким, жонни куйдирувчи оҳлару жонни топширмоқким, унда қайд этилибди, “Фавойиду-л-кибар” деб лақаб берилди.

Умид улким, шу тўрт девон Султон Соҳибқирон номи билан зийнатланган экан, лақаби билан ҳамда унинг оти билан ер юзида тўлсин ҳамда унинг лақабидек, доврўғи ҳам тўртинчи осмонгача кўтарилсин.

Шукрлар бўлсинким, бу бобда назм сабабини шеър воситаси билан бутун умримни ул ҳазратнинг мадҳи билан кечирдим ва барча ҳаётимни унинг дуоси билан ўтказдим. Болалик чоғлариким, етти-саккиз ёшдан йигирма ёшгача ҳисобласа бўлади. Умр фаслларининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг чечаклар гулзоридир, унинг мадҳини “Ғаройибу-с-сиғар” китобида баён қилдим.

Йигитлик замониким, йигирма ёшдан ўттиз беш ёшгача деса бўлади ва бу фаслларнинг ёзидир. Йигитлик даврининг ҳаётбахшлигининг бошидир ва унинг васфида “Наводиру-ш-шабоб” билан тамомланди.

Ва ўрта ёш вақтиким, ўттиз билан қирқ бешгача деса бўлади, бу фаслларнинг кузидир, тириклик боғининг ҳазонрезги вақтидир. Унинг таърифини “Бадоеъу-л-васат” билан баён қилдим.

Ва қирқ бешдан олтмиш ёшни яқинигача ва бу фаслларни киш деса бўлади ва инсонни букилган қомат билан алам йўлига кириб, замон аҳли билан хайрлашадиган вақти келганидир, ва унинг дуосида “Фавойиду-л-кибар” номи билан охирига етказдим.

*Сарф эттим анга умр баҳорин дағи,
Бўстони ҳаёту лаазорин дағи,
Оллида хазони зарнисорин дағи,
Кофурфишон қиш била қорин дағи.*

Ва бу вақт мобайнида бир миқдор фурсат топсам, хоҳ “Хамса” назмига, хоҳ “Назму-л-жавоҳир” ва “Мажолису-н-нафоис” ёки “Зубдату-т-таворих” ва бошқа битиклар билан шуғулландим ва ул ҳазратнинг давлати дуосига вақтимни сарф қилдим. Тангрига ҳамд бўлсин, шундай натижаларга эришдимки, бу ишлар тенгдошларимнинг юздан бирига ҳам насиб этмаган ва шундай мақсадларга эришдимки, мен каби юз, балки минг куллари бор, биронтасининг орзу қадаҳи менга шодлик келтирган май билан тўлмайди. Аллоҳга мақтовлар бўлсинки, бу вақтларда умр водийсининг кўпроғини унинг давлатидан муродларим ҳосил бўлган ҳолда ўтказдим ва ҳаётимнинг охирига орзуларимга эришиб, бахтиёр бўлган ҳолда етиб келдим.

Кўнгилда ҳеч армон қолмади-ю, ҳеч бир орзу кўнглимда қолганини эслолмайман. Ҳар қанча дунё орзу-хаваслари бор, барчасига эришдим ва сўзимнинг садосини унинг мадҳида етти осмонга етказдим. Шунча орзулар сабабидан армон жинси қолмабди, охират йўлининг енгиллик ва осонлиги ва ботин мулкининг бахтиёрлигидир. Ва бу ишлар Ҳақ субҳанаху ва таолонинг тавфиқи билан бўлди ва Расулulloҳ жанобларининг шариатларига бўйсуниб билан охирига етди.

Умидим шулки, ул ҳазратнинг давлати иқболи баланд бўлсину бу саодатдан янада баҳраманд бўлайин.

Бу хусусда арзу ҳолимдан бир неча сўз айтаман ва изҳор қиламанки, у шодлик гули очилса, мен ҳам шодликдан ғунчадек очиламан ва шу аризамнинг қораламасини шу дебочага киргиздим, хаттотларга арзим шуки, бу мундарижадан шу аризамни айирмасликларини васият қиламан, токи сўнгги кунгача бу дебочани ўқиганларга шу аризам билан ўз муддаомга етганим маълум бўлсин ва ошкор далил бўлиб кўриниб турсин.

Шу сабабли то қиёматгача Султон Соҳибқироннинг давлатига дуо қилсинлар ва шафқату одамшавандалигига сано айтсинлар...”¹

* * *

Аъёнлар Султон Ҳусайн ушбу битикларни ўқигач, саройда туришга тоқати қолмай, ўша заҳоти Навоий қошига отланганини, дийдорлашгач, уни бағрига босиб йиғлаганини ва бутун Хуросон мулкини Навоийнинг сихҳати учун нисор қилишини айтганини сўзлашарди.

Навоийнинг шоҳ қабулхонасидаги битиклари ёнида эса Султон Ҳусайннинг беқиёс ҳурмат ва эҳтиром ила ёзилган ушбу сўзлари турарди:

“Не девон, Аллоҳ-Аллоҳ, жунгеким², софий алфоздин тўла гавҳар бўлғай ва сипеҳр авроқиким, пок маонийдин мамлу ахтар³ бўлғай... Назм иқлимида қайси берк қўрғонга куч келтурдиким, эшиги анинг юзига очилмади ва қайси азим кишварга таъъ черики била турктоз солдиким, фатҳ қилмади. Турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ нафаси билан руҳ киритди ва ул руҳ топқонларға туркий ойин ва ҳунар кийдирди...”

Бу кун назм аркониинг рубъи маскунида қаҳрамон ул турур ва мамолик фатҳига соҳибқирон ани десалар бўлур.

*Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон, хисрав нишони.
Дема хисрав нишонким, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг, соҳибқирони”.*

Бир пайтлар, йигитлик маҳали бир-бирига доимо садоқатли бўлишга онт ичган икки дўст киборлик палласига шу тарз етиб келишди.

Оламнинг мана-ман деган шоҳлари хазинасини безовчи “Ҳазойину-л-маоний” яратилганидан Ҳирӣй шундай хабар топди.

902 ЙИЛ. ҲАРАМ

Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳарамсаройи кўшкнинг орқа тарафида, ҳам ичкаридан, ҳам икки ёндан ўтган йўлдан кирилса бўладиган кенг саҳнда бўлиб, ўнгда худди девондаги каби саломхона, маслаҳатхона, ашрафхона, ундан сўнгра Хадича бегимнинг, ундан ҳам нарида султоннинг бошқа хотинларининг оромгоҳлари бўлиб, “Маҳди улё” деб шарафланувчи Хадича бегимнинг ҳарами энг каттаси, ўнлаб жория ва қуллардан таркиб топган эди.

¹ “Ғаройибу-с-сиғар”дан (Иброҳимжон Сайдуллаев таъдбири).

² Жунге – кема.

³ Мамлу – тўла, ахтар – юлдуз.

Куллар асосан шомликлар ва дамашқликлар бўлиб, улар қавму қариндоши йўқ ўғлонлардан сайлаб олинар ва гўдаклигидан пухта тарбия бериларди. Жориялар ҳам шундай эдилар, ғунчачилар уларни бирма-бир танлаб, олиймақом зотлар қошида ўзини қандай тутишни ўргатиб боришарди. Ёш канизларга ташқи ҳовлига чиқишга изн берилмас, ҳоқон хизматига фақат ёши улуг, тажрибали жориялар юбориларди. Ҳарам ортида эса аввал кўрикчилар, сўнг куллар, жория ва каниз хужралари, шунингдек, таомхона ва анжомхоналар тизилиб кетган эди.

Султон ҳарамга кириш истагида эканининг хабари келгач, ҳамма шошиб қолди. Жориялар маликаи киромга либос танлашда ва зийнатланишда ёрдамлашар эканлар, шахзодаларни ҳам ясантиришга буйруқ бўлди. Икки-уч жория уларнинг бўлмасига чопишди. Ташқи ҳовлига қирмизи гиламлар тўшалди, икки кул султон йўлакчасига гул суви сепиб, атиргул барглари сочишди, кираверишга эса Ҳинддан келтирилган хуш исли тутатқиларни тутатишди. Султон кўнглига нима ёқишини маликаи киром жуда яхши биларди. Меҳмонхонадаги катта хонтахтага ширинликлар, султон ёқтирадиган балх тути шинниси, Кобул қуробиялари ва ҳалволари тартиблаб қўйилди.

Бир соатча вақт ўтгач, куллар ҳарам ташқи эшигининг тавақаларини кенг очишди. Султон Ҳусайн тез-тез юриб кириб келди. Зийнатланган куллар султонга қарамасликка уриниб, таъзимда тек қотиб туришарди.

Гуллар барқ урган ва Румнинг хушбўй шамдонлари терилган улкан даҳлизда уни Хадича бегим эгилиб кутиб олди. Бу нозиктаъб малика аслида Султон Абусаид Мирзога ҳадя қилинган канизлардан бири эди. Абусаид Мирзо Ироқда ҳалок бўлгач, бениҳоя гўзаллиги ва ўтқир ишваси боис уни Ҳусайн Мирзо ёқтириб қолиб, ўз никоҳига олган, Хадича бегим ҳукмдор кўнглига йўл топа олгани учун ҳам тез орада маликаи киромга айланган бўлиб, султондан икки ўғил кўрган эди.

– Ассалому алайкум, давлатпаноҳ ҳазратлари!

Ҳусайн Мирзо алиқ олиб, икки қўли билан маликанинг юзидан тутиб, пешанасидан ўпиб қўйди-да, энди куллар эмас, зийнатланган жориялар очиб турган эшикдан ўтиб, ашрафхонага ўтди. Бу ерда Ҳўтан оҳуси киндигидан олинадиган нофа мушкининг ёқимли иси анқирди. Зукко Хадича бегим султоннинг тўшакка ўтиришни ёқтиришини билиб, янги тўшакларни қават-қават солдириб, юмалоқ болишларни қўйдирган, унинг қаршисида малика учун солинган тўртбурчак қирмизи гиламча ёнидаги худди шундай қирмизи болиш устида уд чолғуси турарди.

Хадичабегим уд созида тенги йўқ маҳорат эгаси эди. Унинг нозик сеҳргар бармоқлари кўз илғамас ҳаракатлар билан соз торларидан шундай ажойиб садолар чиқарардики, тинглаган киши ҳуши бошидан учиб, наво афсунига ғарқ бўларди. Зийраклик билан султон кайфиятидаги сезилар-сезилмас ўзгаришни илғаб олар, куй ёки қўшиқни шунга қараб, шўхчану шодонини ёки дарду ҳасратлисини танларди. Мусиқа султон раъйига мос тушгани тақдирда, уни бошқа созлар жўрлигида давом эттириш учун ён хонадаги созанда ва раққоса канизлар нафас чиқармай, маликанинг ишоратини кутишарди.

Султон Ҳусайн тўрга чордана қуриб ўтирди.

Хадича бегим ҳам одоб билан гиламчага чўккалаб, қўл ковуштириб турди. У султоннинг оқ ва яшил тусларни ёктиришини билар, шу тусли қабо кийиб, бошига ҳам яшил ва оқ аралаш рўмол солган, устидан султон Ҳусайн Биржанддан келтирган мовий марваридни ва турли зийнатларни ярашиғлиқ қилиб қадаб олган эди.

Султон Ҳусайн Мирзо дуо қилиб юзига фотиҳа тортгач, Хадича бегим эшик олдида кўзача кўтариб турган жорияни изига қайтарди-да, узукли қўллари билан шарбатни ўзи куйиб, ҳукмдорга узатди.

– Кўнглимиз сизнинг чехрангизни ва шахзодаларни кўрмоқни тилади, – деди Султон Ҳусайн, шарбат учун миннатдорлик билдириб. – Бир қанча вақтдан бери дийдорлашмағаймиз.

– Мен бечора чўрингизга назар қилмасангиз ҳам, валиахдлар қиблагоҳни кўзлари тўрт бўлиб кутишди, султоним, – деди Хадича бегим ноз ва ишва билан.

Ҳусайн Мирзо маликанинг муддаосини дарҳол англади.

– Валиахд Мўмин Мирзодир, – деди. – Шохғарибимизга ва Музаффар Мирзомизга энг фаровон кентларни ҳадя этгаймиз, қолдики, баҳодир бўлиб улғайсалар бас.

Бу гапдан Хадича бегимнинг юраги шув этиб кетди. У бир маҳаллар худди арслон каби, босган изидану айтган сўзидан қайтмайдиган жўмард султоннинг кексая бошлаган чоғида кўнгилчан бўлиб қолганини аллақачон пайқаб олган эди. Ичидан ўтганини сездирмай, султон ҳузурида қарс ургани истиҳола қилиб, узр сўраб ўрнидан кўзғалди. Ён эшиклардан бирини очган эди, икки шахзода бирин-кетин кириб келишди.

Аслида болалар ота кучоғига отилиши керак эмасми? Лекин сарой одоби бунга йўл қўймас эди. Шахзодалар тўрда тоғдай бўлиб ўтирган султон қаршисида тўхташди-да, кўнғироқ овозда бурро қилиб салом беришди.

Султон алик олиб:

– Келингиз ёнимга, – дегач, улар қиблагоҳнинг икки ёнига чўккалашди. Ҳусайн Мирзо фарзандларининг ёноғидан бир-бир ўпиб, суфрадаги анвойи неъматларни кўрсатиб, сўради:

– Қуробия ермисиз, ҳалвоми?

Хадича бегим юз-кўзига султон чехраси нақшланган болаларига кўрсатилаётган илтифотдан шод ўтирарди.

– Шохғариб Мирзомизга қоп-қора бир тўбчоқ ҳадямиз бор, – деди Ҳусайн Мирзо, кичик шахзодага. – Унга Марвада кўзим тушиб эди, сиз учун атай айириб келтирдим. Осмонга учгудек шиддатли, ёши ҳам сиз билан тенг. Баробар ўсиб-улғайгайсизлар. Музаффар Мирзомизга эса Дамашқ қиличи ҳадя қилдик.

– Шахзодаларнинг волидаси ҳам илтифотингизга интизордир, – деди Хадича бегим жилмайиб.

– Маҳди улё маликамиз не тиладики, биз адо этмадик? – деб сўради Ҳусайн Мирзо. – Истагингиз тилга келмасидан буруноқ яхши ҳадялар келтирдик. Бирини амир Алишер Навоӣ сиз учун Астрободдан келтирибдилар, эҳтиром ила мендан ўтиндилар. Иккинчиси эса Румдан олиб келинди, қошларингиз гўзаллигини иншооллох беркитиб тургайдир.

Султон қўйнидан иккита қизил халтача олиб, Хадича бегимга узатди. Хадича бегим ўзини боса олмай, дарҳол очиб кўрди. Халтачаларнинг бирида ёнғоқ катталигидаги тенги йўқ дур, иккинчисида эса қизил ва сариқ тилладан ишланиб, марваридлар қадалган тиллақош бор экан.

– Султоним! – деди маликаи киром ҳаяжондан юзи қизариб. – Давлатпаноҳимизга жонимиз фидо бўлсин! Жўмардлингизга жоним фидо бўлсин!

Султоннинг одати шундай, қачонки ҳарамда қолмоқ истаса, ҳадя ила келарди. Хусайн Мирзо бироз вақт болалар билан суҳбатлашиб ўтирди, от миниш, қилич чопишдаги маҳоратлари, мактабдаги сабоқлари ҳақида сўрагач, бу гал одатига ҳилоф тарзда ўрнидан турди, ўғилларининг юзидан яна ўпиб, кўшкка қайтди. Хадича бегим бугун оқшом Боғи Жаҳонорода чоғир базми тузалишидан хабардор эди. Ғозий султон аҳли аёл ва фарзандлар суҳбатидан ҳам кўра, чоғир базмини хушлагани уни хомушлантирди, бироқ бир нима дея олмади. Ёстик устидаги удга хомуш қараб қўйиб, меҳмонхонадан чиқди.

Ҳа, Султон Хусайн қартайиб бормоқда. Шу ёшида валиаҳд тайинламоғи албатта шарт. Гоҳ Ироқда, гоҳ Ҳисорда бот-бот уруш олови алангаланиб турибди, султон ҳар гал ўлимни бўйнига олиб чопқинга жўнамоқда. Жангу жадал навкар қисматидир, тирик қайтмоғининг ўзи бир бахт, бироқ шаҳид кетиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Ўз-ўзидан маълумки, Музаффар Мирзо маликаи киромнинг тўнғич ўғли бўлгани учун тахтга лойиқ. Аммо Султон Хусайн Хадича бегимнинг сўзларини тингламайди, Бадиуззамон Мирзонинг ўғли Мўмин Мирзони валиаҳд қилиб тайинлашни истайди. Фалакнинг ишларига ҳайрон қолмай иложинг йўқ, ахир, ўғил турганида набирага не ҳожат?

Булар қалбни тутундай ачиштирувчи ўйлар эди. Салтанатнинг оқила маликалари келажак тадорикларини кўрмоқлари лозимки, авлоди хор бўлмасин, шахзодалар олам завқлари аро фароғатли ҳаёт кечирсинлар. Вақти келиб улар улғайиб, мулку тахт талошига киргайлар. Маликанинг ўткир ақли Хуросон салтанати валиаҳдларнинг ўзaro низолари оқибатида парчаланиб кетишини пайқаб турарди. Келажакда Шероз ҳукмдорларининг қудрати ошса ошадики, сира камаймайди. Бироқ у кунлар етиб келгунга қадар ҳукмдорни чучук сўзлар билан авраб, тахтни Музаффар Мирзога мерос қолдиришига кўндирмоқ лозим. Лекин қандай қилиб?

Хадича бегим Ғут лақабли ишончли қулига ҳарам оғоси орқали вазир Низомулмулкни чорлашини айтиб, ўзи машваратхонага кирди. Машваратхонада курсиларгина бўлиб, хонтахта, идиш-оёқ қўйилмаган эди. Хадича бегим у ёқдан-бу ёққа юриб, қулини кута бошлади. Қул бир оздан сўнг қайтиб келди-да, вазир Низомулмулк Сабзаворда эканини, Ҳирийга келганида хабар берилишини айтгач, ҳийлагар малика сўз демай ортига, ўз оромгоҳига қайтди.

МУЗАФФАР БАРЛОС

Музаффар барлос ҳеч ким чорламаса ҳам саройда нима гаплар бўляпти экан деб, суйканиб келаберадиган киши эди. Аввалги шон-шухратига ишонган бу кишидан энди жасурлигу мардоналик кетган, ҳо-ю ҳашамга

мукка тушиб, базми жамшидларда бир жўра бода ичар-ичмас, эски қахрамонликларини айтиб мақтанадиган қилиқ чиқарган, сурбетлиги шунчалар эдики, чорланмаган жойга ҳам бетакаллуф кириб бораверарди. Андишасизликлари сабабли саройдан ҳам, қудратли барлослар тўпидан ҳам анча узоқлашган, шундай бўлса-да, Султон Ҳусайн эски хизматлари боис унга марҳамат кўрсатишда давом этарди.

Бугун жума, бозор ғужғон. Кобул дарвозаси тарафда янги расталар қурилганини эшитиб, ўзича кўр-савлат тўкиб у ерларни айланган бўлди. Навоий қурдирган мадрасаларга атай разм солиб узоқ тикилди, ич-ичида тан олиб, “Нима бўлганида ҳам кўркли, муносиб иморат бўлибди”, деб кўйди. Сўнг Ҳавзи Моҳиён ёнидан ўтиб кўшкка кирганида, ҳарам томондан пешанасини тириштириб ўйланиб келаётган вазир Низомулмулкни кўриб:

– Муни ҳарамда не иши бор? – деб ўйлади.

Ҳарам қаттиқ қўриқланар, энг хос кишиларгина унинг ташқи қисмига кира оларди. Аркони давлатдаги энг яқин кишилар ҳам ўз ихтиёри билан эмас, балки Султон Ҳусайн рухсати ёки маликалар чорлови билангина кириши мумкин бўлиб, малика агар бирон гап айтмоқчи бўлса, бошқа хонада туриб, номаҳрам киши овозини эшитмаслиги учун ишончли қул ёрдамида сўзлаша оларди. Ҳатто табиблар ҳам ичкарига киритилмасди. Музаффарнинг ёдига табиб Абдулҳай айтиб берган воқеа келди. Султоннинг канизларидан бирининг оёғи чиқиб қолганида, не қилишни билмай барчанинг боши қотади. Киритай деса – номаҳрам. Кирмасин деса, оғриқ азоб бермоқда. Хотун табиб ҳеч ерда йўқ... Ниҳоят, табиб Абдулҳай бир усул ўйлаб топади: канизни отга миндириб, икки оёғини унинг қорнига боғлашни, сўнг отни ҳўл беда ва сув билан боқишни буюради. Беда еб, сув ичган отнинг қорни шишгани сайин, бир маҳал чиққан оёқ қарс этиб жойига тушади... Ҳатто дарду иллат илашгани маҳал табиб ҳам кира олмайдиган маъвога Низомулмулк киргани ажаб эди.

Бу маҳалда султон Боғи Жаҳонорода Самарқанддан келган аъёнлар билан зиёфатда машғул, Музаффар истаса ҳам у йиғинга киролмасди. Низомулмулкни кўргани заҳоти уни Хадича бегим чорлатганини билди. Чунки ундан бошқа ҳеч ким вазири аъзамни чорлаёлмасди.

Низомулмулк ҳам уни кўрди. Четланиб ёки ўзини шошаётгандай кўрсатмоқчи эди, бир нима эсига тушиб, Музаффар барлоснинг қаршисига юрди.

– Нечук шаштингиз паст? – деб сўради саломдан сўнг. – Тундсиз?

– Неча ойки, Мирзомизнинг марҳаматидан олисдаман, мен тунд бўлмай, ким тунд бўлсин? – деб жавоб қилди Музаффар барлос. – Эски дўстларни ёдга олмайдилар, ҳол-хотир сўрамайдилар. Бир айб қилдимми, деб тун-кун ўйланаман, айбим ёдимга келмайди.

Низомулмулк мажлислар чоғидаги ажаб сурликлари учун султон Ҳусайн бу кишини хос давралардан узоқлаштирганидан, Музаффар барлос ушбу муаммоли вазиятни ўнглашнинг йўлини тополмай юрганидан хабардор эди.

– Сизнинг иззатингиз кўпчилик наздида жуда юксак. Анча вақтдан бери ҳамфикр эканимизнинг ҳурмати, сизга бир йўл кўрсатай, орзулаган марҳаматингизга эга чиққайсиз, иншооллоҳ.

– Шошманг, шошманг, – деб унинг ортидан эргашди Музаффар барлос. – Айтсангиз-чи, ахир, не юмуш бор менга?

– Муҳим, жуда муҳим, – деди Низомулмулк. – Чопмасангиз-чи ортимдан? Сал четга ўтайлик, ахир.

Музаффар барлос Низомулмулкка эргашиб, сарвлар остигача борди, бу ерда, кичик мураббаъ ҳовузда қизил моҳбалиқлар оҳиста сузар эди. Низомулмулкнинг юзи шу моҳбалиқлар каби тарам-тарам эканини кўриб “Э тавба... Чоғирданми, ажабо?” деб қўйди.

– Билишимча, султон ичкичиларидан бири сизнинг жиянингиз эмиш? – деб сўради Низомулмулк.

– Шундай, – деб тасдиклади Музаффар барлос. – Оти Иклимиддин, менинг кичик оғачамнинг...

– Пухталиқ ила ёнида ун қилиб янчилган хашхош олиб юрсин, – деди Низомулмулк. – Бировнинг кўзи тушмасин.

– Э тавба, хашхош нечун? – тушунолмади Музаффар.

– Вақти келганида биласиз, – деб кўзини ола-кула қилди Низомулмулк. – Катта ишлар юз бергайдир. Ҳа, жуда катта ишлар бўлгайдир. Хуросоннинг энг ҳурматли кишиларидан бўлгасиз!

Шундай деб, терс бурилди-да, “Изимдан келманг”, деб кета бошлади.

Музаффар унинг ортидан қараб қолди. Қанақа катта ишни назарда тутди Низомулмулк? Бу сирни баҳам кўрганига қараганда, Низомулмулк Музаффар барлосни ўз ёнида кўришни истайди. Тўсатдан барлоснинг эти увишиб кетди. Йўқ-йўқ, вазири аъзам жуда катта бир сирни айтди. Шундай сирки, ундан фақат Султон Ҳусайннинг яқин кишиларигина хабардор. Низомулмулк эса ўша яқинлар сафига Музаффарни ҳам қўшмоқчи!

Низомулмулк Султон Ҳусайн наздида иззатли аъёнлардан. Бир қанча вақт аввал саройда киборлар билан суҳбат маҳалида “юррак лаъл” ҳақида сўз кетди. У қўй юраги катталигида бўлиб, ҳали дунёда ҳеч ким ундай катта лаълни кўрмаган, сиртига ўн саккиз ҳукмдор ўз номини ёздирган экан. Лекин уни Мирзо Бобур Қаландар ўғирда туйдириб, ўз одамларига маъжун қилиб ичириб юборганмиш. Суҳбатда шу каби сўзлар айтилар экан, Ҳусайн Мирзо деди: “Менинг хазинамда шундай бир лаъл бор, биронта подшо хазинасида бўлмаган!” Аъёнлар ҳайрон қолишиб сўрашди: “Шоҳим, биз ҳеч эшитмаган эдик-ку? У лаълнинг вазни қанча?” Султон Ҳусайн жавоб қилди: “Хуросон тоши билан олтмиш ман¹ келади”. Барча ҳайратда қолган бир маҳалда ичкарига Низомулмулк кириб келди. Шунда Султон Ҳусайн қулиб дедики: “Мен тилга олган лаъл мана шу бўлади”.

Султон ардоғига сазовор киши билан дўстлик ришталарини қаттиқ боғламоқ лозим, албатта. Шу оқшом унга эҳтиром юзасидан совғасаломлар юборишни кўнглига тугиб, саройга кирмасдан ортига йўналди.

ЯНА БИР ФИТНА

Султон Ҳусайн Мирзонинг завжалари-ю канизларидан ўн тўрт ўғли ва ўн бир қизи бор эди. Тўнғичи Бадиуззамон Мирзо ўз амакиси, Марв ҳокими Султон Санжарнинг қизи Бека Робиябегимдан бўлиб, таомилга кўра валиахд ҳисобланса-да, гўзал ва доғули Хадича бегим ҳар хил

¹ Оғирлик ўлчов бирлиги, бир Хуросон мани – 2.35 кг.

гапларни гапиравериб султонни бошқа фарзандларидан совитиб, кўнглини ўз ўғли Музаффар Мирзога мойил қилишга уринарди.

Кейинги йилнинг баҳорида¹ султон Абусаид Мирзонинг ўғли Маҳмуд Мирзо Султон Ҳусайнга қарши юриш бошлади. Ҳусайн Мирзо кексайганига қарамай кўшинга ўзи бош бўлиб, Ҳисор сари юрди. Астробод амири Бадиуззамон ўз ўрнига ўн бир яшар ўғли Мўмин Мирзони қолдириб, кўшини билан ота лашкарига келиб қўшилди.

Ҳусайн Мирзонинг жангу жадаллардаги тadbирлилиги бу ерда ҳам овоза бўлган эди. Кўшин бўлажак чопқинни муҳокама қилар экан, султон ғалаба қозонмоқ учун қай усулни танлар экан, деб қизиқишарди. Ҳар қандай жангда кутилмаган бир чора қўллаш усули Султон Ҳусайнга Амир Темурдан мерос экани айтиларди. Масалан, кўшиннинг таъминот бўлуқлари ҳар доим ортда, черикдан бир-икки йиғоч масофада туради. Ҳусайн Мирзо бир урушда жанговар дасталардан бирига майдонни айланиб ўтишни ва ёвнинг таъминот бўлуқларини босишни тайинлади. Икки кўшин ёйлоқда сафга тизилар экан, илғор даста таъминот бўлуғини яксон қилгани ҳақидаги хабар ёвни эсанкиратиб қўйгани учун жангни осон яқунлагани маълуму машҳур бўлди. Нарра қалъасини олишдаги усули ҳам диққатга сазовор. Тепаликда жойлашган у қалъа деворлари қалинлиги боис яқинлашиш имкони йўқ эди. Султон Ҳусайн қалъага кирадиган ирмоқларни тўсишни ўйлади, аммо Нарра ичида суви олти ойга етарлик ҳовузлар борлигини билгач, бу фикридан қайтди. Шундан сўнг усти ёпиқ аравалар курдирди, икки юз ўкчи араваларда қалъа теграсини айланиб, шинакдагиларни уриб олаверишди. Тепадагиларнинг отган ўқлари арава томига санчилиб қолар, аравадагилар эса истаган маҳал бош чиқариб, талафотсиз ўк узишарди. Бу иш бир ойча давом этди. Ниҳоят, Нарра амири чидаёлмай дарбозаларни очди, сабр-тоқати қолмаган қалъа аскарлари Ҳусайн Мирзо чериги томон елар экан, орт тарафдаги ўкчилар ҳам етиб келишгач, Нарра аскарлари икки ўт орасида қолди. Бор-йўғи ярим соатлик жанг Нарра амирининг бутунлай таслим бўлиши билан тугади.

Аммо бу сафар урушга кирилмади. Ҳисор ғалаёни сулҳ билан яқун топди. Бу натижадан қониққан Султон Ҳусайн Бадиуззамон Мирзони Балхга, Музаффар Мирзони эса Астрободга ҳоким қилиб тайинлади.

Фитна мана шу ердан бошланди.

Султон фармонидан воқиф бўлган Бадиуззамон Мирзо ажабланиб:

– Ахир, Астрободда Мўминим ўтирибди-ку? – деди. – Шахзоданинг юз-хотири йўқми? Қиблагонинг ўзлари суннат тўйида Астрободни тўёна қилган эдилар-ку?

Қадри топталганидан алами келиб, Мўмин Мирзога Астробод дарбозаларини ёпиб олиш ва Музаффар Мирзони шаҳарга киритмаслик ҳақида буйруқ юборди.

Султон бу пайтда Ҳисордан эндиgina қайтган эди. Шом намозидан сўнг Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийни чорлаётгани билдирилди. Икки дўст ҳовуз ёқасида, хазон сайли вақтида кўришдилар. Хазон асру хўб тушган, куз наққоши ҳар япроққа бетакрор ва гўзал нақшларини чизган эди.

– Чорламоқдан мурод Бадиуззамондир, – деди Султон Ҳусайн ғазабини яширмай. – Саркашлик қилгай, ҳукмимиздан бўйин товлагай. Муни ҳар

¹ Милодий 1497.

қандай бек ё амир қилса, ҳеч иккиланмай дорга торттирардим. Аммо пуштикамаримиздир... Сиздан Бадиуззамон ила сўзлашмоғингизни ўтинсам, не дерсиз?

Навоий султонга чин дилдан ҳамдард эди. Шаҳзодалар ўзларига берилган мулкни тўла бошқаришга интилишар, бу ишнинг нозик нуқтаси шу эдики, Мўмин Мирзо тахтда экан, унинг ўрнига Хадича бегимнинг ўғли Музаффар Мирзонинг ҳоким этиб тайинланиши Бадиуззамоннинг ғурурига текканини пайкаса бўларди. Султон Ҳусайн не учун бу қарорга келганини баён қилмади, Навоий ҳам сўрашнинг мавриди эмас деб билди.

– Бадиуззамон Мирзо оқилу фаросатли йигит, амрингиз беҳуда эмаслигини, не тадбирлар кўзлаганингизни фаҳмлагандир, – деди Навоий. – Истагингиз қошу кўз устига, жону дилим ила адо этгайман!

Шу тариқа Алишер Навоий Балхга йўл олди. Бу сафар Боло Мурғоб йўлидан юрилди. Яшил санавбарлар ўсган кўҳсорлар оралаб Балхга етилди.

Бадиуззамон ила суҳбат чоғида Навоий куйиниб деди:

– Салтанатда кимки бор, султон амрини дарҳол ўринлатгайдир. Қолдики, сиз зиммангиздагини икки, йўқ, уч ҳисса ўринлатгайсиз, чунки ҳам фуқаро, ҳам ўғил, ҳам валиаҳдсиз.

Бадиуззамон Мирзо устозининг ташрифидан шод эди. Унинг айтганларини тўла адо этишга ваъда бергач, кечга томон Балх уламоси-ю фузалосини йиғиб, катта зиёфат тузди. Зиёфатдан сўнг ҳам алламаҳалгача шеър ва илм суҳбати қурилди.

Бу иш битганидан қониқиш ҳосил қилган Навоий Ҳирийга қайтиш ниятида эканини айтса ҳам, Бадиуззамон кўнмай туриб олди. Бироқ Навоийнинг Балхда қолиш нияти йўқ эди, ниҳоят шаҳзодани кўндириб, йўлга чиқилди.

Балхдан хийла олислашилганида:

– Ҳазратим, ортда чанг кўринди, – деди ҳамроҳ мулозимлардан Хожа Дурбек. – Бир нима бўлганми дейман, ортимиздан киши юборилибди?

Ҳақиқатан ҳам ортда, икки-уч йиғоч масофада бир қанча киши от елдириб келар эдилар.

Тўхташга буйруқ берилди.

Чопарлар етиб келишиб, бир ғалати иш рўй берганини, Бадиуззамон Мирзо қайта чорлаётганини билдиришгач, чор-ночор ортга қайтишга мажбур бўлинди.

Бадиуззамоннинг юзи қаҳру ғазабдан қорайиб кетган, яраланган шер мисол у ёқдан-бу ёққа юрарди.

– Ҳошо! – дея асосига таяниб унинг истиқболига юрди Навоий. – Не иш рўй берди, ўғлим?

– Шуми вафо? Шуми оталик! – дея тўлғанар эди Бадуззамон. – Пирим, сизнинг сўзингиз кўзу қош устига, аммо падари бузрук...

Шундай деб, кўлидаги ёрликни Навоийга узатди.

Ёрликда Бадиуззамон Мирзони кишанга солиб, Ҳирийга келтириб зиндонбанд этишга амр берилган эди.

– Ҳай Аллоҳ! – деди Навоий ҳам ҳанг-манг бўлиб. – Мен бу ишнинг не эканини англаёлмадим!

– Энди не қилай? Мундан қутулмоққа чора борми? Кишан урмоққа келса, бўйнимни эгиб чиқайми? Не ўгит берурсиз, пирим?

Навоийнинг ҳам дарду дунёси зулматга бурканган эди.

– Бир нима демоғим мушкул, болам, – деди у. – Такдир не ёзмиш эса, у бўлғай.

Бадиуззамон бир нима демади. Навоий ҳам на Ҳирийга қайтишни, на Балхда қолишни билмай тараддудда турарди.

– Сиз Ҳирий қайтаберинг, – деди Бадиуззамон куйиб-ёниб. – Вазифангизни адо этдингиз. Қолгани такдирга ҳавола.

Навоий саройдан чикди. Барчанинг кайфияти ёмон, бунинг устига тўсатдан Балх изғирини эсиб, самога қора булутларни уйиб тўпламоқда, куз қамчиси ила булутларни ура-ура таъзир бермоқда эди. Бу таъзир боисидан булутлар бағридаги ёмғирларини ёғдиргач, йўллару яйловлар куз ёмғири остида пилч-пилч лой бўлди.

Шу лой-балчиқ аро кичик карвон Ҳирийга қайтди.

* * *

Султон Ҳусайнга Бадуззамон Мирзонинг тутуми маълум қилинган, дарғазаб бўлганидан кўз олди тиниб кетди. Соқолини тутамлаб, чодирини гир-гир кезди. Сўнг кўшинни Балхга бурди. Унга Булдуруқ баҳодирни бош қилди, аммо ўзи қўшилмади. Черик энди жазо кўшинига айланди.

Бадиуззамон Мирзо ҳам ота юборган кўшинга қарши ўзи бош бўлиб чиқишга ботина олмади. Бекларидан бирини бош қилиб қарши қўйди.

Бу маҳалда такдир ўзининг шу ўйинларига Хадича бегимнинг фарзанди Музаффар Мирзони қўшмаса не бўларди? Айнан шу шахзода тарих чархпалагини тескари айлантириб юборди. Бадиуззамон бу мусибатангиз воқеалар не билан нихоя топишини кутар экан, Музаффар Мирзо Астробод қалъасига кириб, Мўмин Мирзони асирга олди.

Мўмин Мирзони шундай таърифлашарди: қуюқ сочлари бир оз жингалак, қошлари тўғри ва текис, юзи оқ, ёноғи қирмизи, кўзларида жасурлик ўти чакнаган, хуш хулқли, заковатли ўсмир!

Отасини беҳад севарди. Сабаби, узун кечаларда ота севимли ўғлини ёнига олиб, турли ривоятлар айтар, ўгитлар берарди.

Ҳайбатли, шафқатсиз навкарлар Мўмин Мирзони икки қўлидан тутиб туришарди. Шиддат ва кибр ила кириб келган амаки ва жиян ўртасида бундай гап-сўз бўлиб ўтди:

- Ассалому алайкум, амаки.
- Салом бермагайсен, кўрнамак.
- Салом бермасликка ҳаддим сиғмайди. Аммо саволга рухсат сўрайман.
- Не дейсан?
- Нима учун мени тутукка олдингиз?
- Султон амрига итоатсизлик қилиб кўрнамаклик қилмадингми?
- Ота амрига бўйсундим-ку?
- Ота улуғми, бобоми?
- Ҳар иккиси ҳам улуғдир.
- Амаки-чи?
- Аввал ота, сўнг амакидир.

– Мана шу сабадан ҳибсга олиндинг!

– Амаки, ахир, сизга қарши қўшин тортмадим-ку? Келмоғингиз отам наздида ноўрин бўлибдики, қалъани беркитмоғимни истади. Қиблагох билан маслаҳатлашсангиз бас, саройнинг тўри сизники бўларди.

– Мана бу шеърни сен битдингми? – деб, Музаффар Мирзо чирмалган қоғозни унинг олдида ташлади. – Ана энди ҳибсда шеърингни битиб ётабергайсан.

Дарҳақиқат, бўлиб ўтган жангда енгилган Мўмин Мирзо бир қоғозга:

*Тигим билан завол топди ўрмонда қанча газанфар,
Аё дўстлар, Худо ёрдам бермай, бўлди ёв Музаффар, –*

деб битган, битик қай йўсиндадир Музаффар Мирзо қўлига етиб борган экан.

Бу ростгўй, жасур ва соф ўсмир Ҳирийга олиб келиниб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйилди. Хадича бегим қўшинда, султон билан бирга эди. Мўмин Мирзо бу ихтилофни отаси донолик ва зукколик ила бартараф этишига қатъий ишониб, зиндонда шижоати ичига сиғмай у ёқдан-бу ёққа юраркан, айни пайтда Мурғоб дарёси бўйида катта зиёфат бўлмоқда, маликаи киром Низомулмулк билан бирга султоннинг маст бўлишини пойламоқда эди.

Тун жодугари вақт хуфтондан ўтганидан сўнг, макр-ҳийла тўрини ёйди. Султон чодирни ёнидаги оқ кигизли чодирда базму жамшид авжида эди. Надимлар кулгили воқеаларни айтиб даврани қиздирар, чоғир косалари пайдар-пай айлантирилиб, раққослару масхаралар бор маҳоратларини кўрсатар, бу лаззат кайфияти ақлларни ўтмаслаштириб, мастлик ороми ҳаммани ўз домига тортарди. Султон Ҳусайн қават-қават болишларга ёнбошлаб олган, теваракда унинг шаънига “Султони Мансур”, “Ғозийи зафарбардор” каби мақтовлар пайдар-пай ёғиларди. Хонкийик, булдуржин, қўзи гўштлири кетма-кет тортилиб, ҳар кишининг олдида тоғдай қилиб уйиб қўйилди, таомилга кўра, бир одам буларни еёлмас, ўзи билан олиб кетиши мумкин эди. Айни маҳалда айлантириб турилган бода ичига солинган хашхош тарёкиси ўз ишини қилиб бўлди. Оби ангурнинг ажойиблигини бир неча бор таъкидлаб, ҳаммага яна тарқатилишини мастона овоз ила буюргани маҳал Низомулмулк юришлар сабабли бир неча кундирки, фармону нишонлар муҳр босилмасдан қолаётганини айтди. “Тонг-ла кўргаймиз” деган жавобга эса, кечиктириб бўлмайдиган ишлар бор эканини шипшиди.

Султон Ҳусайн тили зўрға айланиб “Келтирингиз” дегач, Низомулмулк буйруғи билан мунший бир қанча фармон келтирди. Султон уларга қарамасдан, ўнг қўлининг ўрта бармоғидаги узукдаги муҳрини босгач, Низомулмулк тиззалари дир-дир қалтираб чодирдан чикди. Тун қоронғи, юлдузлар кўринмас, машъалалар теваракни ёритмаётгандай туюларди. Девдай уч киши Низомулмулкка хўмрайиб қараб туришарди. Улар – вазирнинг ишончли навкарлари Ёрали Баҳши ва Муҳаммад ясовул бўлиб, учинчиси – эски таниши Қора Мўғул эди.

– Муни дарҳол Ихтиёриддин қалъасига еткуринг! – деди Низомулмулк. – Тилингизни маҳкам тишланг, биров хабар топса жасадингизни итларга егизаман!

Қора Мўғулнинг нигоҳида одамни сескантирадиган хунук ёлқин йилт эди. Низомулмулк бунни пайқади, эти бир жимирлаб “Кейинчалик бу хосиятсиздан ҳам кутулиш керак... Тавба, кутурган бўри каби!” деб ўйлади.

Қора Мўғул сакраб отига минди-ю, ортидан шерикларини эргаштириб, Ихтиёриддин қалъаси сари йўл олди.

Шундан сўнг тун янада қуюқлашди. Мастлик булутлари зехн ойини тугал беркитди. Султон чодирдаги кулгилар тина бошлади. Низомулмулк султоннинг бояги ҳолатини кўз олдига келтириб, боши эгилиб-эгилиб кетаётганини хотирлаб, “Тавба... Ғалати иш бўлди-я”, деб ўйлади. Чодирга қайтиб киргани юраги бетламай, оёқлари беихтиёр уни орқа тарафдаги ҳарам чодирга томон сургади.

Бу ерда уни букри қул кутиб турарди

– Маликаи киромга айт, ой булутлар орасига кирди. Балки сираям чиқмас! – деди Низомулмулк тўнғиллаб.

Букри қулнинг туруми ҳам ғалати, қаршисида худди иблис турганга ўхшарди. Низомулмулкнинг маст ақли, бу қул ўгирилганида яхшилаб қараш керак, балки думи ҳам бордир, деган ўйга етаклади, кейин хаёлига бирдан Алишер Навоий келди. Нега бундай бўлганига ўзиям тушунолмаб, лекин бу ўйига хулоса ясаши кераклиги учун, “Яхшиям Машҳадда экан... Бу ерда бўлганида иш расвойи жаҳон бўларди”, деб ўйлади. Шу он ерга тикилиб, кўрганига ақли бовар қилмай серрайиб қолди. Чунки шундок оёғи остида улкан бир соя қимир этмай турарди.

– Ё тавба, бу не? – дея ортига ўгирилганида, Чопу барлоснинг юмилмайдиган қағир нигоҳига дуч келди.

Низомулмулк Чопу барлосдан ўлгудай қўрқарди. Тиззалари қалтираб: “Ҳа, Чопу, бунақа ғалати қараб турибсиз?” демоқчи бўлди, лекин бўғзидан:

– Ҳа... Чоп... – деган сас чиқди, холос.

Чопу барлос индамади, бу махфий ишларга идроки етмай, бурилиб кета бошлади. Низомулмулк бирданига уни тўхтатиб, яхши гаплар айтиб аврагиси келди, аммо Чопу барлос – баттолларнинг баттоли, ўлгудай терсфеъл киши, лутфни тушунармиди? Бирданига ўзини Чопу барлос каби ҳайбат касб этгандай, Азроилга айлангандай ҳис қилиб, “Ўзинг ким бўлибсан?” деб тўнғиллади-да, чодирга томон кетди.

(Давоми келгуси сонда)



Мавлоно Жалолiddин РУМИЙ

“МАЪНАВИЙ МАСНАВИЙ”ДАН ҲИКОЯТЛАР

*Форс тилидан
Одил ИКРОМ
таржимаси*

БОҒБОННИНГ СЎФИЙ, ФАҚИХ¹ ВА АЛАВИЙ²НИ БИР-БИРИДАН АЖРАТГАНИ

*Кўрди боғбон боққа кирган чоғида,
Ўғридай уч кимса кезмиш боғида.*

*Битта сўфий, бир шарифу бир фақиҳ,
Эрди бебош ҳар бири, хулқи қабиҳ.*

*Деди: “Юзта зид далилим бўлса ҳам,
Лек улар кўп, кўпчилик – куч ҳар қадам.*

*Уч нафарга бир ўзим чиқсам – хато,
Бир-бириндан ажратай мен аввало.*

*Ҳар бирин мен ажратарман тўдадин,
Якка қолгач, сўнг юларман мўйлабин”.*

*Макр этиб, сўфийни четга йўлламиш,
Қайрасин деб дўсту ёрлар унга тиш.*

*Деди ул сўфийга: “Бор ҳовлимга тез,
Дўсту ёрларга гилам келтир бу кез”.*

*Кетди сўфий. Иккисига қилди панд:
“Сен фақиҳсан, бул – шариф, номи баланд.*

*Нон егаймиз ҳукму амринг бирла шод,
Бўлди илминг биз учун улкан қанот.*

¹ **Фақиҳ** – шариат ҳукмларини мукаммал билган, фиқҳ фани билан шуғулланувчи одам.

² **Алавий** – Ислоҳ оламининг тўртинчи халифаси ва шиаларнинг илк имоми Али ибн Абу Толибнинг авлодларидан.

*Бул эса – ҳам шоҳу султон, бизга нур,
Мустафо авлодидан, саййид эрур.*

*Ким ўзи сўфийки, бир мечкай, хасис,
Сиз каби шоҳлар аро бўлгай азиз?*

*Келса гар, дарҳол уни ҳайдаб тепинг,
Боғу рогим ичра ойлаб айи этинг.*

*Садқа бўлсин бог тугул жоним букун,
Ўнг кўзимдек сиз яқинсиз мен учун!”*

*Йўлдан ургач, айлабон богбон ҳунар,
Дўстидан, оҳ, беҳуда тонмиш улар!*

*Кетди сўфий ҳайдалиб, ёвдай у чоқ,
Чопди богбон ортидан, қўлда таёқ.*

*Деди: “Сўфийлик шуми, эй ит, мараз,
Боққа кирмоқ бостириб, айлаб гараз?*

*Раҳнамойинг Боязид¹ми ё Жунайд²?
Бул ҳунарни қайси пир ўргатди, айт?!”*

*Туйди ҳўп сўфийни, якка қолдириб,
Ўлгудай дўппослади, бошин ёриб.*

*Деди сўфий: “Бўлганим бўлди бу чоқ,
Ошнолар, сиз очинг кўзни бироқ!*

*Ёт биларсиз мени, қолманг беҳадик,
Ёт эмасдим сизга бул аблаҳчалик!*

*Неки кўрдим, сизга ҳам этгай насиб,
Бул шаробдан ҳар палид кўргай татиб.*

*Бул жаҳон тоғдек, гапирсанг гар надир
Акс овоз янглиғ ўзингга қайтадир”.*

*Айлагач сўфийни гумдон богбон,
Бошқа важ топди шунингдек шул замон.*

*Деди: “Боргил, эй шарифим, уй томон,
Ёнганим нонуштага – бор юпқа нон.*

¹ “Султон-ул-орифин”, “Бурҳон-ул-муҳаққиқин” лақаби билан шуҳрат топган, тасаввуфдаги тайфурия оқимиға асос солган Абуязид Тайфур Исо ўғли.

² “Тож-ал-орифин”, “Султон-ал-муҳаққиқин”, “Устод-ал-тариқат” номи билан машҳур бўлган Жунайд Наҳовандий (Бағдодий).

*Хона эшигинда хизматкорга айт,
Тезда келтирсин у нон, гозни бу пайт”.*

*Деди сўнг йўллаб шарифни: “Эй азиз!
Сен фақиҳдирсан, аён бул, шубҳасиз.*

*Ул шарифман деб мудом даъво қилар,
Онаси ким бирла ётган, ким билар?*

*Сиз улуглайсиз аёл ҳам қилмишин,
Ақли ноқисга ишонч ўлгайми чин?*

*Ул Набий бирлан Алига ҳар нафас
Ўзни бозлар, даҳр аро кўп ақли паст”.*

*Ким зинодан ҳам зинокордир чунон,
Айлагай Ҳақ аҳлидан шундай гумон.*

*Айланишдан айланар ким боши гар,
Ўзи янглиз айланар уй деб билар.*

*Неки деб вайсарди бозбон тумтароқ,
Унга хос, ундан Расул насли йироқ.*

*Туғма муртад бўлмаса гар ул лаъин,
Дермиди авлод ҳақинда шул гапин?*

*Деди ёлгонлар, эшитди ул фақиҳ,
Сўнг шариф олдиға бормиш ул қабиҳ.*

*Деди: “Эй эшиак, чақирмиш ким бу пайт?
Ўзрилиқ меросми пайғамбардан, айт?*

*Шерга шербачча бўлар ўхшаш, ахир,
Сенда пайғамбарга хос не бор? Гапир!”*

*Сўнг шариф-ла этди бул – ёр ваҳмига,
Хорижий¹ не этса Ёсин² аҳлига.*

*Бир-бирига деу³ гул⁴дай эрди зид,
Ҳақ Расулин аҳли-ю Шамру Язид.⁵*

¹ **Хорижий** – ташқаридаги. Али (р.а.)нинг халифалигини инкор қилиб, унга қарши фитна қўзғаган тўда. Али (р.а.)ни ўлдирган ҳам (661 й.) хорижийлардан бири эди.

² **Ёсин** – Муҳаммад (с.а.в.)нинг лақабларидан бири.

³ **Дев** – баҳайбат, қўрқинчли шаклда тасаввур этиладиган мавҳум бир махлуқ.

⁴ **Гул** – ўз шовқин-сурони билан одамларни эсанкиратиб, йўлдан уриб, сўнг уларга хужум қилгувчи афсонавий афсунгар дев.

⁵ **Язид ибн Муавия** – уммавийлар қабиласи халифаларидан. Муҳаммад (с.а.в.)нинг невараси Хусайн Ибн Али Язид юборган ва Шамр бошчилик қилган қўшин билан кечган жангда ўлдирилган.

Зулмидан бўлгач шариф ҳоли хароб,
Сўнг фақиҳга деди: “Ғарқ ўлдик шу тоб!

Энди ёлғизсан, чида, ҳолинг чатоқ,
Ер ногора сингари қорнинг таёқ.

Гарчи мен на сенга ёрман, на шариф,
Лек эмасман айнаи дам сендан заиф.

Айладинг битта гаразғўй деб гараз,
Сендаги нодонлик ул “биъса-л-иваз”.¹

Келди ундан фориг ўлгач: “Эй фақиҳ!
Сен фақиҳми? Омисан орсиз, қабих!

Эй кесикқўл, шулми фатво – сенга эн?
Сен кириб, сўрдингми рухсат борми, деб?

Ё “Васит”²да бир ижозат борми, айт?
Ё “Муҳит”³да бир ишорат борми, айт?”

Деди: “Ҳақсан, мағлуб этдинг, қил сазо,
Дўстидан айрилса ким, шулдир жазо”.⁴

(Иккинчи китоб, 2167–2211-байтлар)

ЗАРГАР ИШНИНГ ОҚИБАТИНИ КЎРГАНИ ВА УНДАН ТАРОЗИ СЎРАГАН КИШИГА ОҚИБАТ ТАРЗИНИ ТУШУНТИРГАНИ

Келди заргар олдига бир кекса эр,
Деди: “Зар ўлчай, тарози-тошни бер”.

Деди: “Ғалвир йўқ, овора бўлмагин”,
Деди: “Бер менга тарози, қулмагин!”

Деди: “Дўконда супургим йўқ, қара”,
Деди: “Бас, қўй энди, қилма масхара!”

Мен тарози айладим сендан талаб,
Солма карликка ўзингни, берма чап!”

¹ “Биъса-л-иваз” – “Ёмон эваз” (ушбу байт Қўниё нусхасининг ҳошиясида келтирилган).

² “Васит” – “Восита”, Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий томонидан тузилган ҳуқуқ илмига доир китоб номи.

³ “Муҳит” – “Ал-Муҳит”, (“Қамровчи”), ҳуқуқ илмига доир бир неча рисоаларни ўз ичига олган китоб номи.

⁴ “Ва Оллоҳ ҳамда Унинг Пайғамбарига итоат қилингиз ва (ўзаро) талашиб-тортишмангизки, у ҳолда сустлашиб, куч-қувватингиз кетур. Сабр-тоқат қилингиз! Албатта, Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир” (“Анфол” сураси, 46-оят).

Деди: “Кармасман, гапинг менга аён,
Сўзлагай бемаъни, деб этма гумон!

Англадим, лек кекса бўлдинг бул замон,
Қўлларинг титрар, танинг ҳам нотавон.

Сендаги зарлар йирикмас, майда зар,
Қўлларинг титраб, тўкилгай зарралар.

Сўнгра дейсан: “Бер супурги, хожса, тез,
Зарни тупроқ ичра излай то бу кез!”

Сен супургайсан, йиғиб тупроқни ҳам,
Сўнгра “бер галвирни” дейсан, эй хўжам!

Бошидан охирни кўрдим мен тамом,
Кет бу ердан, бошқа жой топ, вассалом!”

(Учинчи китоб, 1624–1633-байтлар)

ИСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ АҲМОҚЛАРДАН БЕЗИБ, ТОҒ ЧЎҚҚИСИГА ҚОЧГАНИ

Қочди Ийсо Марям ўғли тоғ томон,
Қонга ташина шер уни қувгансимон.

Чопди кимдир ортидан, сўнг сўрди ҳол:
“Қувмас ҳеч ким, нега қочдинг қуш мисол?”

Лек югурмиш ул тагин айлаб шитоб,
Шошгани-чун бермади унга жавоб.

Ортидан бир-икки майдон тез юриб,
Сўнг Исога қотди сўз қатъий туриб:

“Сўйла, Ҳақ ҳаққи, олиб бир лаҳза тин,
Билмайин лолман бу қочмоқ боисин.

Бул тараф кимдан қочарсан, эй карим?
Ортада на шер, на хатар бор, на ганим”.

Деди: “Аҳмоқдан қочарман, четга тур,
Мени озод эт ўзингдан, говни сур”.

Деди: “Сенмасми Масиҳ, ул бебаҳо,
Кўру кар дардига бергувчи даво?”

Деди: “Тўғри”. Деди: “Сенмасми у шоҳ,
Барча ғайб асрори-чун манзил, паноҳ?

Ўқисанг афсун ўликка, ҳар сафар,
Ўлжа тутгич шер мисоли қўзғалар”.

Деди: “Ҳа, менман ўшал”, – “Эй нурнигор!
Сенми лойдан айлагувчи қушни бор?”¹

Деди: “Ҳа”, – “Эй покиза руҳ, йўлдасан,
Ихтиёринг ўзда, кимдан қўрқасан?

Шунча исбот бирла ким олам аро
Бандалик қилмайди сенга доимо?”

Деди Ийсо: “Пок, улуғ Зотга қасам,
Жисму жонларни яратмиш муҳтарам.

Пок сифоту Зотин айлаб эҳтиром,
Наздида юлмиш яқо осмон мудом.”²

Ул фусун, ул исми Аъзамки, агар
Ўқисам, топгай шифо ҳар кўру кар.

Ўқисам гар, тоғу тошни парчалар,
Ҳирқасин юлмиш улар киндик қадар.

Ўқисам – мурда тирилмиш бирма-бир,
Ҳеч вақога ўқисам, бўлмиш надир.

Ўқисам аҳмоқ дилига доимо,
Минг уринмай, топмади ҳеч бир даво.

Тошдайин қотмиш, ўшандоқ бенаво,
Бўлди қум, унмайди унда ҳеч вақо”.

Деди: “Не ҳикмат бу, Ҳақ исми агар
Унга кор қилмиш, бу қолмиш бесамар?

Унда бор иллатга бул ҳам мубтало,
Нега унга малҳаму бул бедаво?”

¹ “Мен сизларга Парвардигорингиздан (ўзимнинг Ҳақ пайғамбар эканлигимни тасдиқловчи) оят-далил келтирдим: Мен сизларга лойдан куш тимсолини ясайман, сўнг унга пуфласам, у Оллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий куш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Оллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман...” (“**Ол-и-Имрон**” сураси, 49-оят).

² “Кофир бўлган кимсалар осмонлар ҳам, ер ҳам (аввалда) тўсиқ (яъни, осмонлардан ёгин эмас, ердан эса бирор гиёҳ унмас) бўлганини, бас, Биз уларни очиб юборганимизни (яъни, осмондан ёгин ёғдириб, ердан гиёҳ ундирганимизни) ва сувдан барча жонли мавжудотни (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?!” (“**Анбиё**” сураси, 30-оят).

Деди: “Аҳмоқ иллати Ҳақ қаҳри, бас,
Кўру карлик – бир синов, Ҳақ қаҳримас.

Ҳар синов, дард ортидан раҳми келур,
Эрса ранж аҳмоқлик, орти захм эрур.

Улки муҳрин босди, йўқдир ўзга йўл,
Унга чора топмагай ҳеч қайси қўл”.¹

Қочгин аҳмоқдан, Исо қочгансимон,
Тўкилар аҳмоқ билан суҳбатда қон.

Сувни кам-кам сўргани янглиғ ҳаво,
Сендан аҳмоқ динни элтар доимо.

Совутар тафтингни ул олган сайин,
Худди ул остингга қўйган тошдайин.

Қочмади қўрқувдан Ийсо бунда, боқ,
Ул хатардан холидир, бул бир сабоқ.

Қаҳратон офоқни қоплаб олса ҳам,
Ҳеч ёруғ, порлоқ қуёш чеккайми ғам?

(Учинчи китоб, 2570–299-байтлар)

БИР КИШИ МУСО АЛАЙҲИССАЛОМГА ҚУШЛАР ВА ҲАЙВОНЛАР ТИЛИНИ ЎРГАТГИН, ДЕБ ЯЛИНГАНИ

Бир йигит Мусога деди бир куни:
“Менга ўргат жониворлар нутқини.

Махлуқу ҳайвон сасиндан кеча-кун,
Токи бир ибрат олай дийним учун.

Чунки одам наслининг сўз-тиллари
Шону шавкат, нону сув излар бари.

Балки, ҳайвон дарди ўзга бўлгуси,
Ўзга оламга тадорик кўргуси”.

Деди Мусо: “Бул ҳавасдан кеч тамом,
Орқа-олдингдан хатар келгай мудом.

Ибрату бедорлик Ундан излагин,
На китоб, на нутқу ҳарфу қиссадин”.

¹ “Оллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб қўйган. Кўзларини эса парда қоплаб олган...” (“Бақара” сураси, 7-оят).

*Иштиёқи ортди, деган сори, бас,
Орттирар одамда ҳар тақиқ ҳавас.*

*“Эй Мусо, гар нур таратсанг бирма-бир,
Неки бор сенда, олингайдир надир.*

*Мақсадимга айламогинг эътироз,
Эй азиз, келмас сенинг лутфингга мос!*

*Ҳаққа ноиб сен ўзингсан бул замон,
Тақиқ этсанг, бўлгуси ҳолим ёмон”.*

*Дер Мусо: “Ё Рабб, эди мўмин бу зот,
Лаънати Дев урдими йўлдан, наҳот?*

*Ўргатар бўлсам, топар буткул зарар,
Ранжигай, ўргатмасам унга агар”.*

*Ҳақ деди: “Ўргатгин унга, эй Мусо,
Этмадик рад, этса ким гар илтижо”.*

*Деди: “Ё Рабб, сўнг пушаймон айлагай,
Ўзни буткул ёқавайрон айлагай.*

*Барчага қудрат равомас кеча-кун,
Нотавонликдир асос тақво учун.*

*Шул сабаб бўлди фақирлик фахру йўл,
Чўзди ожизлар мудом тақвога қўл.*

*Бойлиги боис қувилмиш бой, бироқ
Қурби борлар сабридан бўлмиш йироқ.*

*Одамийни нотавонлик асрамиш,
Ҳар бало ҳам нафсу ғамдан сақламиш.*

*Келтирар хом орзулар ғам ҳар нафас,
Сўнгра гуллар ўлжасин айлар ҳавас.*

*Жалб этар лой орзуси лойхўр кишин,
Ҳазм этолмас шўрлик ул гул шиннисин”.*

**ҲАҚ ТАОЛОДАН МУСОГА: “СЎРАГАНИН
ЁХУД УНИНГ АЙРИМЛАРИНИ УНГА ЎРГАТГИН”,
ДЕБ ВАҲИЙ КЕЛГАНИ**

*Деди Яздон: “Истагин сен айла бор,
Бер қўлига, неки этса ихтиёр”.*

*Ихтиёр бўлмиш ибодатнинг тузи,
Йўқса, ночор бул фалак айлангуси.*

Айланишининг на азоб, на ажри бор,
Бир амалдай Сўнгги Кун топгай қарор.

Барча олам Ҳаққа тасбеҳ қайтарар,¹
Йўқ эрур жаброна тасбеҳдан самар.

Илкига тиз бер ва кучга тўлсин ул,
Ёки ғозий, ё қароқчи бўлсин ул.

Токи “каррамно”² одамга майлу шон,
Ярми бўлди болари, ярми илон.

Бўлди мўмин – мисли занбур болга кон,
Кофир оғу конидир, мисли илон.

Ер ғиёҳлар афзалин иймонли зот,
Оридек, унга сўлак бўлгай ҳаёт.

Ичди кофирлар йирингли сув³ фақат,
Луқмаси ичра заҳарлар қатма-қат.

Ҳақ элин илҳомидир “айнулҳаёт”,⁴
Нафс адаштирганга ул – “самму-л-мамот”.⁵

Даҳр аро не мадҳу мақтовлар келур,
Ихтиёр огоҳлигин ҳифзи эрур.

Барча айш аҳли туриб зиндон аро
Бўлғуси диндору зоҳид, раҳнамо.

Кетса қудрат, беривож қолгай амал,
Боқки, то сармоя олмасдин азал!

Қудратинг сармоя келтиргай, самар,
Қувватинг вақтини асра ҳар сафар!

Одамий “каррамно” отинда учар,
Ихтиёри тизгинин идрок тутар”.

Панду ўғит айламиш унга Мусо:
“Истагинг айлайди тинчингдан жудо.

¹ “Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот (Оллоҳни) поклар. Мавжуд бўлган барча нарса (Оллоҳга) ҳамду сано айтиш билан У Зотни поклар. Лекин сизлар (эй инсонлар), уларнинг тасбеҳ айтишларини – поклашларини англамасизлар...” (“Ал-Исро” сураси, 44-оят).

² “Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик...” (“Ал-Исро” сураси, 70-оят). “Каррамно” – “Мукаррам қилдик”.

³ “Унинг (яъни, ҳар бир кофир бўлган кимсанинг) олдида жаҳаннам бордир. (Жаҳаннамда) унга йирингли сувдан берилганида, уни ютмоқчи бўлади-ю, (томоғидан) ўтказолмайди, унга ҳар томондан ўлим келади-ю, у ўлолмайди. Унинг ортида (бундан-да) оғир азоб бордир” (“Иброҳим” сураси, 16–17-оятлар).

⁴ “Айнулҳаёт” – “Ҳаёт чашмаси”.

⁵ “Самму-л-мамот” – “Ўлим оғуси”.

*Сен Худодан қўрқ, у ўйдан бўл йироқ!
Сенга Дев ўз макридан бермиш сабоқ”.*

УЛ ТАЛАБГОР КИМСАНИНГ ХОНАКИ ТОВУҚ ВА ИТЛАР ТИЛИНИ ЎРГАНИШ БИЛАН ҚАНОАТЛАНГАНИ ВА МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ УНИНГ ТИЛАГИНИ ИЖОБАТ ЭТГАНИ

*Деди: “Ўргат унда соқчи ит тилин,
Воқиф эт уй қушлари алфозидин!”*

*Деди Мусо: “Бор, мана, бундан буён
Иккисин нутқи эрур сенга аён”.*

*Сўнг синаб кўрмоқни этмиш ихтиёр,
Тонгда ул остона узра интизор.*

*Қоқди хизматкори суфра шул замон,
Нон ушоғи тушди ерга ногаҳон.*

*Сўнг хўроз элтди ушоқни бунда тез,
Деди ит: “Зулм айладинг бизга бу кез!”*

*Сенга бугдой дони доим луқмадир,
Дон емоққа мен эса ожиз ахир!*

*Арпа-ю бугдой ва донлар – неки бор,
Сен егайсан, мен емам, эй нобакор!*

*Нон-ушоқ, бул – ризқимиздир кеча-кун,
Сен эса ит ризқин элтарсан нечун?”*

ХЎРОЗНИНГ ИТГА ЖАВОБИ

*Сўнг хўроз деди: “Тийил, чекма жафо,
Ўрнига Ҳақ айлар ўзга ризқ ато.*

*Хожанинг оти ўлар ҳолатда, бил,
Сен тўярсан эртага, қайғурмагил.*

*Ўлса от, байрам қилар итлар атай,
Луқма топгай жсон койитмай бир талай”.*

*Булни тинглаб, отни сотди хожса тез,
Муттаҳам бўлди хўроз итга бу кез.*

Эрта кун олмиш хўроз нонни тагин,
Қилди таъна сўнг хўрозга ит, ҳазин:

“Эй хўроз, токай бу найранг, бул риё?
Золиму каззоб эрурсан, беҳаё!

Сен ўлар деб айтганинг ул от қани?
Кўру фолбинсан, ҳақиқатдан нари!”

Деди ҳар недан хабардор шул заҳот:
“Ўлди-ю, лек бошқа жойда ўлди от.

Отни сотди, ул зарардан мосуво,
Бул зиённи ўзгага кўрмиш раво.

Эртага, лек теvasи ўлгай ҳаром,
Ёғилар итларга ноз-неъмат, таом”.

Тевасин ҳам сотди ул очкўз бироқ,
Айлабон ўзни зарар, гамдан йироқ.

Эртаси кун ит хўрозга деди: “Боқ,
Эйки каззобларга пир, ногора қоқ!”

Деди: “Сотди тевасин тез нобакор,
Эртага бўлгай қули гамга дучор.

Ногаҳон ўлса қули, қўп ошу нон
Бор гадо, итларга теккай бегумон”.

Қулни ҳам сотди, топиб бундан хабар,
Бўлди гамлардан халос, кўрмай зарар.

Айламиш шукроналар шодлик аро,
Деб: “Уч офатдан халос этмиш Худо!

Англабон ит ва хўрознинг сўзларин,
Боғладим машъум Қазонинг кўзларин”.

Эртаси кун дер эди ит – ризқи оз:
“Қайда жуфту тоқ, сўзи пуч, эй хўроз?”

УЧТА ВАЪДАСИ ЁЛҒОНГА ЧИҚҚАН ХЎРОЗНИНГ ИТ ОЛДИДА ХИЖОЛАТ БЎЛГАНИ

“Макру ёлгонинг қачон бўлгай тамом?
Қилмагай парвоз инингдан чин калом!”

Деди: “Мену жинсимиз пок, безубор,
Макру ёлгонга эмасмиз биз дучор.

Биз хўрозлар сўфидек ҳақ сўзлимиз,
Ҳам қуёшга соқчи, фурсат кўзлимиз.

Посбондирмиз қуёшга ҳар сафар,
Тўнтарилса устимиздан тос агар”.

Офтобга посбондир авлиё,
Ҳақ сиридан воқиф одамлик аро.

“Ҳар намоз чорлови-чун бизни Худо
Кеманинг аҳли учун билмиш раво.

Гар хато ўтса азонда бемаҳал,
Қатлимизнинг боиси бўлгай азал.

Бемаҳал чорловки “ҳай яала-л-фалоҳ”,¹
Қонимизни айлагай хору раво”.

Улки маъсумдир, гуноҳдан мосуво,
Ул ваҳий жонин хўрози доимо.

Қул харидор олдида ўлмиш агар,
Кўрди бундан ул харидор кўп зарар.

Қилди соқит бошидан молин, бироқ
Тўкди ўз қонин, билиб қўй яхшироқ!

Кўп зарарни даф этарди бир зарар,
Жисму мол жонларга қурбон ҳар сафар!

Қўлласа шоҳлар жазо гар сенга зид,
Мол бериб, шунда қиларсан жон харид.

Буткул аҳмоқсан, агар ҳукм ичра лол,
Қозидан гар асрагайсан мулку мол.

ХЎРОЗНИНГ ХОЖА ЎЛИМИДАН ХАБАР БЕРГАНИ

“Эртага хожа берар жон, шубҳасиз,
Вориси мотам учун сўйгай ҳўкиз.

Ўлгуси уй эгаси, буткул кетар,
Эрта кун сенга талай луқма етар.

¹ “Халос бўлишга шошилинг!”

Бурда нонлар, сарқиту турфа таом,
Топди кўча ора ҳар хосу авом.

Бунда қурбонлик эти ҳам юпқа нон
Бор гадо, итга ёғилгай бегумон”.

Тўсмиш от, қул, тевага етган ажсал,
Бул димоғдор кўр Қазосин у маҳал.

То бўлай деб ҳар зарар, ғамдан йироқ,
Мулки ошди, тўкди ўз қонин, бироқ.

Не учун дарвиш азобга ошно?
Танни қийнаб, жонга бахш айлар бақо.

Топмаса боқийлигин солиқ агар,
Етказар танга нечук хорлик, хатар?

Ул сира айларми инъому амал,
Билмаса жонин балоларга бадал?

Улки, наф қутмай улашгай доимо,
Ул Худодир, ул Худодир, ул Худо!

Ё валийдир, Ҳаққа хулқи хос эрур,
Топди мутлақ нур, ўзи ҳам мисли нур.

Чунки ул – бой, ўзгалар қашишоқ ахир,
“Ол!” – дегай олмай иваз қайси фақир?

Олмани кўрмай гўдаклар ногаҳон,
Кечмагай сассиқ пиёздан ҳеч қачон.

Бул ҳама бозорда бор бир муддао,
Бир эваз деб ўлтирар дўкон аро.

Кўрсатарлар унга юз хилда мато,
Ўзича эвазни ўйлар доимо.

Тингламайсан бир салом, эй хушсифат,
Тутмаса енгингдан охир-оқибат.

Таъма қилмай бермагайдир хосу ом
Бир саломни, эй биродар! Вассалом!

Ҳақ саломи ўзгадир. Топ, айла ўй,
Уйма-уй, манзилма-манзил, кўйма-кўй.

Одамийким, хушинафас, ундан тамом
Тингладим Ҳақдан хабарлар ҳам салом.

Хуш саломлар атридан мен, шубҳасиз,
Айлагайман хуш ҳаётин тезда ҳис.

Ул саломи, шул сабаб, Ҳақдан салом,
Токи ўзлик кулбасин ёқмиш тамом.

Ўзи-чун ўлгай, тирилгай Ҳақ учун,
Ул сириндан сўйлагай Ҳақ кеча-кун.

Тан азобда ўлса, жон қолгай тирик,
Тан азоби руҳ учундир мангулик.

Ул разил пойлаб турарди жилмайин,
То хўроз сўйлар экан ул қиссасин.

УЛ КИМСА ХЎРОЗДАН ЎЗ ЎЛИМИ ХАБАРИНИ ЭШИТГАЧ, ПАНОҲ ИСТАБ МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ҲУЗУРИГА ЮГУРГАНИ

Барчасин тинглаб у кимса шул замон
Чопди тез Мусо Калимуллоҳ¹ томон.

Кўрқув ичра ишқамиш ер узра бет:
“Эй Калим, тезда маним додимга ет!”

Деди Мусо: “Чора ахтар, ўзни сот!
Уста эрсанг, чиқ у чоҳдан шул заҳот!”

Неча мўминга зарарлар келтириб,
Чўнтагу ҳамённи ол қаппайтириб!

Кўзгуда сенга аён бўлган Қазо
Менга равшан бўлгуси хом гишт аро.

Бошда кўргай охири оқил киши,
Охири кўргай фақат зофил киши”.

Йиғламиш зор: “Эй хушатвор, муҳтарам,
Бетга солма, урмагин бошимга ҳам!”

Неки қилдим, эрди менга нораво,
Номувофиққа мувофиқ бер жазо!”

¹ Калимуллоҳ – Худо билан сўзлашган. Мусо пайғамбарнинг лақаби.

Деди: “Учди ўқ камондан, эй ўғил!
Йўқ илож ортига қайтармоққа, бил.

Лек сўрайман, токи Қози Муҳтарам
Раҳм этиб, иймон-ла кетгин сўнгги дам.

Қилсанг иймон, сен тириксан, пойдор,
Кетсанг иймон бирла, сенсан устувор”.

Хожа ҳоли ўзгариб қолмиш бироз,
Кўнгли айниб, келтиришди унга тос.

Бул ажал қусқисидир, жўн қусқимас,
Қусқи наф бергайми, эй бадбахту наст?

Хонасига тўрт одам элтиди шу дам,
Чалмашиб икки оёғи ҳар қадам.¹

Сен Мусонинг пандидан юзни буриб,
Ўзни шамиш тийғига олдинг уриб.

Тиг уялмайди, олиб жонинг нуқул,
Сендан ул иснод, биродар, сендан ул.

МУСО УЛ КИМСАНИНГ ДУНЁДАН ИЙМОН БИЛАН КЕТИШИНИ ТИЛАБ, ДУО ҚИЛГАНИ

Тонгда Ҳаққа илтижо қилмиш Мусо:
“Қилмагин бу зотни иймондин жудо!

Айбидан кеч, Ўзга хос меҳринг тошиб,
Янглишиб, этмиш хато, ҳаддан ошиб.

Мен дедим: “Бул сенга лойиқ илм эмас!”
Этди рад, англаб сўзимни арзимас.

Аждаҳога қўл чўзар ул, то асо
Ким қўлинда бўлгуси гар аждаҳо.²

Гайбни билмоққа ул лойиқ эрур,
Ким лаби суҳбат аро ёпиқ эрур.

Сув қуши бергай, фақат, денгизга тоб,
Анлагил! “Валлоҳу аълам би-с-савоб”.³

¹ “... оёқ оёққа чалмашиб қолган бир вақтда...” (“Қиёмат” сураси, 29-оят).

² Мусо (а.с.) ҳассаси назарда тутилган.

³ “Валлоҳу аълам би-с-садо!” – “Ростини Оллоҳ яхшироқ билгувчидир!”

*Сув қушимас, лек у дарё ичрадир,
Гарқ ўлиб кетмоқда, қўлла, Бору Бир!”*

ҲАҚ ТАОЛО МУСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ДУОСИНИ ИЖОБАТ ЭТГАНИ

*Деди: “Унга этдим иймон армугон!
Истасанг, бахш айлағум жисмига жон.*

*Ердаги барча ўликка шул заҳот
Сен учун бахш айлағайдирман ҳаёт!”*

*Деди Мусо: “Бир ўликзор – бул жаҳон,
Ул жаҳонни бер, ёруғдир ул макон.*

*Бул – ўтар дунё, қолар дунё эмас,
Бермагай наф бунда қолмоқ бир нафас.*

*Раҳматинг ёғдир уларга сен буқун,
Ушбу овлоқда “...ладайно муҳзарун”¹!*

*Токи бил, тан-молга етса ҳар зарар,
Жон учун фойда, азобдан қутқарар.*

*Бас, риёзат келмасин сенга малол,
Танни хизматга буюргин, жонни ол.*

*Гар риёзат келса дуч беихтиёр,
Бош эгиб, шукрона эт, эй бахтиёр.*

*Берса Ҳақ сенга риёзат, қил шукур,
Сен эмас, берган У “Қун!”² амри эрур.*

(Учинчи китоб, 3266–3398-байтлар)

¹ “Ҳеч шак-шубҳасиз, (уларнинг) барчалари (Қиёмат кунда) Бизнинг даргоҳимизда ҳозир қилингувчидирлар” (**“Ёсин” сураси, 32-оят**).

“... Ладайно муҳзарун” – “Даргоҳимизда ҳозир қилингувчидирлар”.

² “(У) Еру осмонларни Пайдо қилгувчидир. Бирор ишни ҳукм қилса унга фақатгина “Бўл”, дейди, холос. Бас, у иш бўлади” (**“Бақара” сураси, 117-оят**).

“Қун!” – “Бўл!”

**ОҲУ БОЛАСИНИНГ ЭШАКЛАР ОҒИЛИГА ҚАМАЛГАНИ,
ЭШАКЛАР ГОҲ ҚИЙНАБ, ГОҲ УСТИДАН КУЛИБ, УНГА
ТАЪНА ЁҒДИРГАНИ ВА У УНГА ОЗИҚ БЎЛМАГАН ҚУРУҚ
ПОХОЛНИ ЕЙИШГА МАЖБУР БЎЛГАНИ. БУ ҲОЛАТ –
ХУДОНИНГ ХОС БАНДАСИ ДУНЁ ВА ШАҲВАТ АҲЛИ ОРАСИГА
ТУШИБ ҚОЛГАНИГА ЎХШАШЛИГИ, ЧУНКИ: “АЛ-ИСЛОМУ
БАДАЪА ҒАРИБАН ВА САЯЪУДУ ҒАРИБАН ФАТУБО
ЛИ-Л-ҒУРАБОЪИ САДДАҚА РАСУЛУЛЛОҲ”¹**

*Битта овчи овламиш бир оҳуни,
Тиқди сўнг оғилга раҳм этмай уни.*

*Могу эишак кўп эди оғил аро,
Тутқун этди оҳуни, айлаб жафо.*

*Оҳу қўрқувдан қочарди ҳар томон,
Тунда эишакларга солди у сомон.*

*Оч эшак, моллар сомонни ерди, лек
Худдики, сомон шакардан тотлидек.*

*Оҳу ул ён, гоҳ бу ён урмиш ўзин,
Гоҳ сомоннинг чангидан бурмиш юзин.*

*Зидди бирлан битта жойда бўлса ким,
Бул азоб унга – мисоли бир ўлим.*

*То Сулаймон ҳам демиш: “Худҳуд агар
Сўрмаса зойиблик узрин бу сафар,*

*Ўлдирарман, ё берарман мен азоб,
Шунчалар қаттиқ азобки, беҳисоб!”²*

*Бул азоб не, жинси ёт-ла, эй жаноб,
Бир қафас ичра қолишими бул азоб?*

*Тан сабаб, умринг азобда, эй башар,
Рух қушинг ёт жинс ила тутқун агар.*

*Қарғалар – борлиқ ва лочин – рух эрур,
Қарға, бойқуш зулмидан мажруҳ эрур.*

¹ “Ал-ислому бадаъа ғарибан ва саяъуду ғарибан фатубо ли-л-ғурабоъи саддақа расулуллоҳ” – (Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Ислом ғариб ҳолатда бошланди ва тез кунларда қандай ғариб бўлиб бошланган бўлса, ўша ғариблик ҳолатига қайтади. (Ўшандаги) ғарибларга мунча ҳам яхши”, дедилар. Расулуллоҳ рост айтган!

² “У қушларни кўздан кечириб (уларнинг орасида худҳудга кўзи тушмагач) “Нега мен худҳудни кўрмаймман, балки у (мендан беизн) ғойиб бўлгучилардандир?! Албатта мен уни қаттиқ азоб билан азобларман ё сўйиб борурман ёки у менга (ўз узрини баён қилиб) очиқ ҳужжат келтирур”, деди” (“Намл” сураси, 20–21-оятлар).

*Мангу зор қолмиш арода бесурур,
Сабззор шахриндаги Бул Бакр эрур.*

(Бешинчи китоб, 833–844-байтлар)

ЭШАКЛАР ОҒИЛИДА ҚОЛГАН ОҲУ ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ

*Мушкифор оҳу неча кун ҳолхароб,
Чекди эшшак оғили ичра азоб.*

*Эрди қирғоқда балиқдек дарди чўнг,
Бир қути ичра мисоли мушку гўнг.*

*Бир эшак дер: “Бул ўзи ёввойи, лек
Хулқи – шоҳона, туринг бир лаҳза тек!”*

*Бошқаси кулди: “У денгиздан нуқул
Овламиш гавҳар, берарми арзон ул?”*

*Бошқаси дер: “Нозик эрсанг шунчалар,
Бор, ўтир шоҳ тахти узра ҳар сафар!”*

*Бир эшак бўкмиш, емоқдан олди тин,
Оҳуни чорларди даъват расмидин.*

*Оҳу бош чайқаб деди: “Йўқ, эй фалон,
Иштаҳам йўқдир, эрурман нотавон”.*

*Деди: “Мен билдим, қиларсан бунда ноз,
Асраб орингни, этарсан эътироз”.*

*Ўзига дерди: “Бу сенга луқмадир,
Ундан аъзойи танингдир муқтадир.*

*Еб-ичардим мен чаманзор шарбатин,
Ҳис этиб бог ва зилол сув лаззатин.*

*Гар Қазо қийноққа солгай эрта-кеч,
Мен у хуш дамни унутгайманми ҳеч?*

*Гар гадо бўлсам, гадоюзманми, кир?
Янгиман, гарчи либосим эскидир!*

*Лола, сунбул, хушбўй ўтни ҳар замон
Ер эдим минг нозу нафрат айлабон”.*

Деди эшишак: “Лоф урарсан, майли, ур,
Бул ғариблик ичра лоф мумкин эрур!”

Деди оҳу: “Киндигим – бунда далил,
Қиймати амбар ва уд янглиғ асил.

Ким эшитгай? Улки атр англар мудом,
Гўнғараст эшишак учун бул ҳид ҳаром.

Йўлда эшишак сийдигин ҳидлар эшак,
Мушк-ифор таклифи унга не керак?”

Шул сабабдан ул Набий, масъул ҳабиб
Деди: “Ал-ислому фий-д-дунё ғариб”,¹

Чунки қондошлар уни айлайди тарк,
Зотига ҳамдам эрур гарчи малак.

Сувратин кўргай улар шак-шубҳасиз,
Ул ифор-атрин сира этмайди ҳис.

Ул сигирнинг шаклин олган шерсимон,
Боқ узоқдан, излама ундан нишон!

Изласанг, молтанлигинга бўлма ёр,
Пора айлар, чунки ул шер хулқи бор.

Сени моллик майлидан айлар халос,
Ўзга ҳайвондан олар, не унга хос.

Сен сигир, шерсан у бирлан ҳар сафар,
Излама шерлик, сигирлик ёқса гар.

(Бешинчи китоб, 908–910-байтлар)



¹ “Ал-ислому фий-д-дунё ғариб” – “Ислом бу дунёда ғариб”.

Александр ДЮМА

(1802–1870)

ЖАЛЛОД ЧАНГАЛИДАГИ ОШИҚЛАР

Роман¹

*Рус тилидан
Рустамжон УММАТОВ
таржимаси*

XXXIV. КОНСЬЕРЖЕРИ

Шанж кўприги ва Флер соҳилбўйи кўчаси муюлишида Авлиё Людовик номидаги кўҳна қасрнинг сақланиб қолган қисми кўр тўкиб турибди. Рим ҳамиша шаҳар атаб келингани каби, бу даргоҳ ҳам ҳамон қаср деб улуғланади. Ваҳоланки, ичкарида судьялар ва шўрлик жафокашлардан ўзга ҳеч ким йўқ.

Маҳобатли адолат қасри тунд ва машъум сиёқи билан кўнгилда эҳтирому, ихлос эмас, ваҳимали ҳислар уйғотарди. Шу кафтдеккина худуд бағрида интиқому, жазонинг барча усуллари, унсурлари мужассам. Пойгакдаги хоналар судланувчилар ва уларнинг соқчилари учун, ундан ўтгач, судлов зали, залдан кейин маҳкумлар сақланувчи камералар жойлашган. Дарвоза тарафда иккита майдон: бирида маҳбуслар баданига кип-қизил чўғли пўлат “муҳр” билан иснод ва лаънат тамғаси урилади. Эллиқ қадам наридаги иккинчи сайхонликнинг номи Гревск, бу майдонни катлгоҳ дейдилар: суд залида тузилган ёзма “режа” жаллод томонидан ана шу ерда адо этилади.

Хуллас, ушбу даргоҳда қозилик тош-тарозиси тўлиқ муҳайё.

Хўмрайгану, бўзарган, бири-бирига туташ, дарчалари панжарали бу иморатлар мажмуасининг номи – Консьержери.

Турманинг зиндони чуқурлиги боис, Сена суви унинг устида оқади. Зиндондан дарё ёқасига олиб чиқувчи махфий лаҳимлар мавжуд: мабодо, кимнингдир манфаати қайсидир маҳбуснинг гумдон бўлишини тақозо этса, уни ана шу ерости йўлларида “сайр қилдиргач”, кейин Сенага чўктирадилар.

Қонсираган эшафотни керагидан ортиқ миқдордаги қурбонлар билан ҳормай-толмай таъминловчи Консьержери 1793 йили маҳбусларга тўлиб-

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

тошганди. Шўрликлар бир соатда маҳкумларга, салдан сўнг бошсиз мурдаларга айланардилар. Авлиё Людовик турмасини асроилнинг карвонсаройи деса бўлаверарди.

Кечалари дарвозанинг ташки равокида панжараси бўялган фонус лопиллайди – гўё кушхонанинг мудҳиш пешлавҳаси!..

Учала қаҳрамонимиз нонушта дастурхони атрофида қолишгани китобхоннинг эсидадир. Биз ҳозир ҳикоя қиладиган воқеа ўша нонуштадан бир кун аввал бўлиб ўтувди.

...Тош йўли ва қамоқхона дарчалари ғилдираклар тарақа-туруғидан зириллади. Извош тўхтаб, тун қўйнига лаҳзалик сукунат чўкди. Жан-дармлар қилич тутқаси билан тақиллатгач, дарвоза очилиб, карета ҳовлига кирди. Залворли ошиқ-мошиқлар яна ғижирлаб, пўлат зулфинлар жойига сурилди.

Машғала ёритган извошдан бир аёл тушди, уни дарров эшикчадан ичкарига олишди.

Яна мўралаган кимларнингдир шарпаси кўриниб, аввал қаҳқаҳа, сўнгра хайр-хўш сўзлари эшитилди-ю, бу номаълум кимсаларни зулмат юхоси ютиб юборди.

Извошда келган жувонни дастлабки хужрадан наригисига олиб ўтишлари керак эди. Аммо у остонадан ҳатлагач, бошни эгиб, оёқни кўтариш лозимлигини билмасди. (Негаки, қуйида зина, юқорида эса пастга эгилган тўсин бор.) Хуллас, аёл бош букмай ўтиб, пешанасини темир тўсинга уриб олди.

– Жароҳатландингизми, фуқаро? – сўради жандармлардан бири.

– Йўқ! – у сир бой бермади, оғриқдан инграгани ҳам йўқ, ҳолбуки, қиррали тўсин зарбидан қошлари узра қонталаш чизик тортилганди.

Улар ҳеч қанча юрмасларидан ясовулнинг ўриндиғи кўринди. Бу ернинг соҳиби ичкаридаги тутқунлар учун муҳтарам арбоб: у ҳибсдагиларга мурувват ва илтифот қилиши мумкин, ёки аксинча йўл тутиши ҳам ҳеч гапмас.

Оромкурсида ястанган Ришар ўз кадр-қимматини яхши билади, ғилдираклар шовқини, дарвозанинг очилиб-ёпилгани эшитилса-да, пинагини бузгани йўқ, ўрнидан турмади. У ўтирган жойида калин рўйхат дафтарини очиб, асирага бир сидра назар солди-ю, тамакисини ҳидлаб олди. Аммо ёзай деса, юқи қуриб-қотган тахта сиёҳдон тубида қуйқумгина қолувди.

Фуқаро! – мурожаат қилди маҳбусани келтирган қўриқчи. – Топширганимизни тасдиқлаб, тезроқ бармоқ бос, биз қайтамиз, Коммунадагилар қараб қолишади.

– Мен ҳам ўйнаб ўтирганим йўқ, – деди ясовулбоши ва стакан тубидаги бир неча қатра шаробни сиёҳдонга томизди. – Бу ишни кампир шафтоли егунча дўндираман.

У ёзишга киришаркан, оромкурси ортидаги аёли – Ришар ғамзада, аммо ранг-рўйи тиниқ ва мағрур маҳбусага ҳам ҳайрат, ҳам эҳтиром билан разм соларди.

Ясовул сўроқни бошлади:

– Фуқаро заифа, исм-шарифингизни айтинг.

– Мария-Антуанетта-Жанна-Жозефа Лотарингская, Австрия эрцгерцогиняси ва Франция қироличаси бўламан, – жавоб қайтарди асира.

– Франция қироличаси! – ясовул ўзини тутолмай ўрнидан сапчиб турди.

Маҳбуса хотиржам қиёфада такрорлади:

– Франция қироличаси!

– Яна бир номи – бева Капет, – гапга суқилди қўриқчи.

– Хўп, айтинглар, мен қай бирини ёзай? – сўради ясовул.

– Нима деб ёзсанг ҳам, тезроқ бўл, – бетоқатланди қўриқчи.

Зиндонбон сал-пал ўзини босиб, жойига ўтирди-да, асира айтган гапларни қоғозга туширди.

(Архивда абадий сақланувчи ўша рўйхат дафтарининг энг муҳим саҳифаларини республика турмасининг каламушлари кемириб ташлаган. Вақт ҳам қоғозга ўз мухрини уриб, сиёҳнинг рангини қизартириб юборган. Аммо французлар маликаси ҳақида битилган сатрларни ҳозир ҳам бемалол ўқиш мумкин.)

Ришарнинг хотини эри ўтирган оромкурси ортида тик турар, у такводор аёл эди: ўзидай бир банда ва диндоши бўлмиш олиймақом бекага жони ачиб, ҳамдардлик билан эзгин боқарди.

– Ёшингизни айтинг-чи, – сўради ясовул.

– Ўттиз етти йилу, тўққиз ой.

Ришар бу жумлани ёзгач, дафтарга собиқ зоти олияларининг қиёфаси хусусида ҳам бир-икки жумла илова қилди ва расмийлаштириш тартибини одатий сўзлар билан якунлади.

– Бўлди, иш битди, – деди зиндонбон ўрнидан қўзғалиб.

– Хўп, қаёққа олиб кирайлик? – сўради қўриқчи.

Ришар тамакисини ҳидлаб, хотинига саволомуз тикилди.

– Бизни огоҳлантиришмаган эди, – деди аёл, – хайронман, бошим котиб қолди. Аммо кенгаш тасарруфидаги хона бўм-бўш.

– У хона жудаям катта-ку, – бош чайқади Ришар.

– Шуниси яхши, соқчиям ичкарига жойлашаверади.

– Бўпти, ўша хонани берамиз, – деди Ришар, – фақат кўрпа-тўшак йўқ-да.

– Гапинг рост, мен бу ёғини ўйламовдим, – бош қашлади зиндонбоннинг хотини.

– Ҳечқиси йўқ, – деди жандармлардан бири, – ўзи тонг отиб қолди, кўрпа-тўшак кундузи хал қилинаверади.

– Айтганча, фуқаро маҳбуса бир кечага бизнинг хонада ёта қолса-чи? – эрига боқди аёл.

Зиндонбоннинг қошлари чимирилди.

– Биз-чи?

– Жандарм айтгандай, ҳадемай тонг отади, кейин бир гап бўлар.

– Майли, – бош эгди Ришар, – маҳбус аёлни ўша ёққа олиб кираверинглар.

– Унгача қабул тилхатини ёзиб қўясизми?

– Ҳа, қайтишингизга тайёр бўлади.

Ришарнинг хотини столдаги шамни олиб, йўл бошлади, қиролича ортидан эргашди. Зиндонбон буюрган икки соқчи маҳбусадан кўз узмай

кузатиб борарди. Ришарнинг хотини янги ёстикжилд ва чойшаб бергач, хона кулфланди. Соқчилар куролларини шайлаб, эшик ортида сергак туришарди.

Қиролича тунни қандай ўтказгани бизга қоронғи. Чунки уни ҳеч ким кўрмади, у билан сўзлашадиган бирор кимса йўқ. Мария борлигини Худога топшириб, Яратганга тавалло қилди.

Уни эртасига кенгаш тасарруфидаги узундан-узоқ хонага кўчиришди: бу ер иккига бўлиниб, ўртасидан баланд ва енгил ғов билан тўсилган эди. Ҳар икки бўлманинг деразалари темир панжарали, бири – қироличага, бошқаси – қоровулларга берилди. Ўрта эшик ўрнидаги парда икки тарафни ажратиб турарди. Асосий эшик Консьержери даҳлизига очилади. Оёқ остига ғишт терилган, девордаги рамкаларга тилла суви сурилган, сувоқ устидан ёпиштирилган нилуфар гулли пардоз қоғози кўчиб, осилиб ётибди. Жиҳозлар эса қиролича ётадиган дераза рўпарасидаги диван ва бир жуфт курсидан иборат.

– Илтимос, китобларим билан ип-игнамни берсангиз, – ўтинди маҳбуса.

Соқчи кашта анжомлари билан бир жуфт китоб олиб кирди: “Англияда инқилоб” ва “Навқирон Анаршарсиснинг саёҳати”. Қиролича биринчи асарни Тамплда ўқий бошлаганди...

Баён этганимиздек, қироличага қўшни хужрада икки жандарм пойлоқчилик қилишарди. Уларнинг исмини тарих авлодлар учун сақлаб қолганига, тасанно дейсиз: ҳа, қисмати буюк силсилаларга уйқаш қаланғи-қасанғиларни ҳам мозий унутмайди, ундайларнинг аксарияти зулмат хизматида бўлиб, фақат нурни ўғирлаш учун яшаганини солномалар эслатиб туради.

Билиб қўйинг, жандармлардан бири – Дюшен, иккинчиси – Жильбер эди.

Коммуна уларни катта ишонч билан саралаб олган. Иккови энг ашаддий, ҳатто ўта мутаассиб ватанпарвар ҳисобланар, то суд Мария-Антуанетта устидан ҳукм чиқаргунча, муттасил пойлоқчиликда туришлари белгиланган эди. Навбатчининг тез-тез янгиланавериши деярли ҳар сафар бир можаро кўзғардики, коммуна доимий соқчилик билан шунақа талотўпларнинг олдини олишни кўзлаган, албатта.

Қиролича бу янгиликдан шу икковлоннинг суҳбати орқали илк куниёқ хабардор бўлувди. Жандармлар асирани назар-писанд қилмасдилар, агар овозни пастлатишни муҳим бир зарурат ё эҳтиёж тақозо этмаса, иккови беандишалик билан валақлашаверарди. Қиролича ўзига нисбатан бунақа тартибни икки хил қабул қилди – ҳам ёмон, ҳам яхши. Ёмонлиги шундаки, энг ишончли аскар, инқилоб ва республикага содиқ жандармлардан қироличага рўшнолик йўқ. Аммо қироличанинг умиди – ҳар куни, ҳатто кунига икки бор алмашинаверувчи ўнлаб соқчилардан кўра, доимо шу ердаги қоровул билан тил топишиш осон. Фақат бунга озодликдаги дўстлар ҳаракат қилиши даркор.

Илк кечада жандармлардан бири уйкусини кочириш учун трубка тутатди ва тамаки дуди тўсиқдан ошиб, қўшни бўлмага ҳам ўтди. Бошига тушган адоғсиз кулфатлар нозиктаъб қироличанинг таъсирчанлигини

сусайтирмас, аксинча, сезгилари яна ҳам кучайганди. Қўланса тутун хидидан кўнгли айниб, чаккаларида санчиқ турди. Лекин нечоғли азобланса-да, зорланишдан ор қилди, метиндай иродаси “қийналдим” дейишга йўл бермади.

Азиятга тўла сокин тунда мижжа қоқмаган киролича сукунатга безовталаниб кулоқ солди, чунки олисдан бир нола, аянчли, эзгин ингроқ эшитилгандай бўлувди. Аввалига уни шамолнинг жонсарак рақсига, хувиллаган дахлиздаги елвизак хуружига ўхшатди. Аммо сал ўтиб, товушнинг қаердан келаётганини англаб, алам билан титраб-қақшаб олди: бу – Блэк, соҳибасини соғинган ит Сена бўйида ув тортарди. Қиролича ўкинди, негаки Тамплдан кўчиришгандан буён шундоқ вафодори ҳақида лоақал бирор бор эсламовди... Ҳа, бу чиндан ҳам Блэк, садоқатли ит! Аммо, барибир беақл ҳайвон ноўрин зийраклиги билан ҳам бекасига жабр қилди, ҳам олийҳиммат соҳибасидан жудо бўлди... У жандармлар кироличани извошга олиб чиқишганини кўриб, каретанинг изидан чопаверди, йиқилган дамларида яна ўзини ўнглаб олға талпинди. Фақат Консьержери бўсағасидагина тўхтаб, ўзини четга олди. Агарда ичкарига қадам босса, асира ортидан ёпилаётган залворли пўлат дарвозанинг кирраси муштдайгина танасини икки нимта қилиши муқаррар эди. Бироқ Блэк олислаб кетгани йўқ, зийрак махлуқ бекаси шу ваҳимали кўрғонда эканини унутмади: инграниб увлаб-увлаб ўзидан белги бераркан, суйган соҳибасининг ҳалим овозини эшитишга, ипакдай қўллари билан силаб-сийпалашига зор-интизор эди.

Қиролича эзилиб, тўлғаниб оҳ чека олди, холос. Буни юпқа тўсиқ ортидаги жандармлар эшитиб, икковининг вужуди кулоққа айланди. Ҳайтовур, Мария-Антуанетта томонда бўлак шовқин-сурон эшитилгани йўқ ва соқчилар тагин хотиржам мудрай бошладилар...

Тонг отди. Дераза олдида китобга термилиб хаёлга чўмган кироличанинг озғин қўлларига офтоб тушиб турибди. Орадаги эшик ўрнига тутилган пардани жандармлар очишди, асиранинг офтобга боққан юз-кўзи соқчиларга бемалол кўринарди.

Жильбер имлагач, Дюшен яқинроқ келди.

– Қарагин, – пичирлади Жильбер, – рангида-ранг қолмабди-я, аҳволи аянчли, кўзлари кип-қизил. Қиёфасидан соғ эмас, йиғлагангаям ўхшайди.

– Биласан-ку, бева Капет сира йиғламайди, кўзёши тўкиб, ўз қадрини ерга уришдан номус қилади, – бош чайқади Дюшен.

– Демак, тоби қочган, – шивирлади Жильбер ва овозини кўтарди: – Фукаро Капет, бирон жойинг оғримаяптими?

Қиролича бошини кўтариб, жандармларга чакноқ кўзлари билан синовчан назар солди: у саволдаги ачинишу, ҳамдардлик оҳангидан ҳайрон эди.

– Жаноблар, менга гапирдингизми?

– Сенга-да, фукаро заифа, – давом этди Жильбер. – Касал бўлиб қолганинг йўқми?

– Нега сўраяпсиз?

– Чунки кўзларинг қизарган.

– Яна жудаям рангпарсан, – гап қўшди Дюшен.

– Икковингизга ташаккур, тақсирлар, Худога шукур, соппа-соғман. Фақат шу кеча қийналиброқ тонг оттирдим, холос.

– Ғам-ғуссалар хуружга келиб...

– Йўқ, жаноблар, хуруж қилса-қилмаса, ғам-аламим ўша-ўша, қолаверса, ҳеч бир кишидан умидим йўқ, Худодан ўзга мададкор тополмайман... Касалмасман, аммо кечаси кўз юмолмай, дилхаста бўлдим.

Дюшен маъкуллаб бош ирғади:

– Албатта, бу ёққа кўчиш, янги жой, унга кўникиш...

– Устига-устак, ётоқхонаям зўрмас, – қўшимча қилди Жильбер.

– Унақамас, жой яхшими-ёмонми, мен танлаб ўтирмайман, бунақа имтиёзим ҳам йўқ.

– Хўш, унда нима гап ўзи?

– Нима гап? Ўша гапни айтишим керакми?

– Ҳа.

– Бўпти, аммо хафа бўлиш йўқ: мени тамаки ҳиди безовта қилди... Ана, ҳозир ҳам бу жаноб чекиб турибди.

Дарҳақиқат, Жильбернинг оғзидан мўркон мисоли дуд бурқсиётганди.

– Мана иллат кимда! – қироличанинг минг хижолатда гапириши Жильберни изза қилди. – Айб менда экан-ку. Бир оғиз айтса бўларди-ку, фуқаро?

– Чекиш одатингиз бўлгач, сизга буни тақиқлашга менинг ҳаққим йўқ.

– Шу гапинг кифоя! Энди тамаки ҳиди сени безовта қилмайди! Бу ваъдамнинг вафосига лоақал ўзим учун кафиллик қўлимдан келади, – деди Жильбер ва трубкасини ғиштин полга шундай урдик, парча-реза бўлиб сочилди. – Тамом, шу савилни чекмаганим бўлсин!..

Жандармлар пардани тортиб, қироличани холи қўйдилар ва ўзаро пичирлашишга киришдилар.

– Бечорани қатл этсалар керак, бу миллатнинг ихтиёрида, – дерди Жильбер. – Аммо унгача аёл кишини азоблайвериш нега керак? Сен ва мен аскарлармиз, Симон каби жаллод эмасмиз, ахир.

Дюшен бошини сарак-сарак қилиб, танбеҳ берди:

– Бу гапингдан жиндайгина латта ҳиди келяпти, ўртоқ, бойваччаларга ўхшаб фикрладинг-да.

– Бойвачча деганда қандай одамни назарда тутасан, қани шуни айт-чи?

– Миллатга зид иш қилиб, ёвларга мойил бўлганларнинг барини мен бойвачча деб биламан.

– Бундан чиқди, агар мен бева Капетни азоблашни истамасам, сенин-ча, гўё миллатнинг зарарига иш қилган бўламанми? Қўйсанг-чи, ошна, – куюнди Жильбер. – Хизматга киришда қасамёд қилганман, ҳар бир сўзи тилимнинг учуда шай турибди: “Онт ичаман: хизмат жойимда ўлсам-ўламанки, асиранинг қочиб кетишига йўл қўймайман, ёнига ҳеч кимни киритмай, унинг биров билан сўзлашмаслигига ҳаётим ҳаққи кафолат бераман!” Ваъдам шу эди, бунга асло хиёнат қилмайман!

– Сенга ёмон ниятда бундай деганим йўқ, Жильбер. Аммо қулга бало йўқ – ўзига тилаб олади, деган гап бор, эҳтиёт бўлганинг яхши, ошна.

Жильбер лабига бармоғини босди.

– Секин... Кимдир бу ёққа келяпти.

Икковлон шивирлаб гапиришсаям, киролича ҳаммасини эшитганди.

Шу пайт эшик очилиб, икки муниципал, швейцар ва турма ясовуллари кириб келишди.

– Асира қани?

– Шу ерда, – жавоб қайтаришди жандармлар.

– Қайси хонада?

– Марҳамат, ичкарига.

Жильбер шундай деб, ўрта эшик ўрнидаги пардани сурди.

– Нима гап? – сўради киролича.

– Фуқаро Капет, Коммуна юборган вакиллар келишди, – деди Жильбер.

Мария-Антуанеттанинг кўнглидан ўтди: “Афтидан яхши одамга ўхшайди, қошки, дўстларим уни топиб...”

– Бўпти, бўпти, – муниципаллар Жильберни четга суриб, киролича хузурига бостириб киришди. – Намунча Капетга мурувват қияпсиз?

Киролича бошини кўтаргани йўқ: парвойи фалак ўтиришига қараганда, атрофидагиларни кўрмасдиям, эшитмасдиям. Гўёбу ғурбат домида бир ўзи танҳо, ўзга ҳеч зот йўқ. Коммуна вакиллари ҳибсхонанинг бурчакларини, мебелларни, кўрпа-тўшакдан то деразанинг пўлат панжарасигача – барини синчковлик билан кўздан кечиргач, жандармларга танбеҳомуз тайинлашди:

– Асирадан бирор лаҳза кўз узилмайди, кеча-ю кундуз хушёр, сергак турасанлар!

Муниципаллар Мария-Антуанеттага бир оғиз сўз қотмай чиқиб кетишди. Лекин у ҳам “итмисан-эшакмисан” дегани йўқ, уларнинг на келганига, на кетганига пинак бузмади.

XXXV. СИРЛИ АКС САДОЛАР ЗАЛИ

Худди ўша куни кечга яқин қуюқ сочлари қоп-қора қандайдир синчков шахс судлов залининг бир хонасида намоишкорона айланиб юрибди. Хона файласуфона номда – сирли акс садолар зали¹ аталиб, ҳалиги киши эгнига кулранг карманьолка, бошига жундор чўққайма кийган. (Инқилобий даврнинг энг оташин ватанпарварлари авомдан айнан ана шунақа уст-боши билан фарқланарди.) У ушбу даргоҳда кундашунда ҳисобланмиш жамоатнинг ҳар бир аъзосини, ҳар бир киргану, чиққанни диққат билан кузатмоқда – гўё борлиғи кўз-қулоқдан иборат. Ваҳоланки, бу жамоат XVIII аср ниҳоясида урчиб-болалаб кетган. Энди суд мажлисларининг сон-саноғи йўқ, улар ҳаётнинг кундалик меъёрига айланиб, минбар тўла адвокатлар ўз бошларини жаллод болтасидан ҳамда Фукье Тенвилнинг² ҳукмидан асраб қолиш учунгина сафсата сўқишган. Ахир эшафотлардаги қонга ташна кундалар Фукье Тенвилнинг имзоси билан “мойланарди-да”.

Кўзлари заҳар сочаётган синчков қахрамонимизнинг бўйи пастаккина бўлиб, иркит қўлидаги сўйилни дам-бадам таҳдид билан ўқталиб

¹ *Сирли акс садолар зали* – Париж судлов палатасига қарашли залларнинг бири, ғайритабиий акс садолар туфайли ана шундай номланарди.

² *Фукье Тенвиль Антуан-Кантэн* – инқилобий трибуналнинг жамоат айбловчиси, террор даврида гильотиналарнинг ашадий “таъминотчиси” сифатида даҳшат солган ва 1795 йили ўзининг ҳам боши кесилган.

кўярди. Ваҳимали яроқ тутган бу қўллар унга қарши зўравонликка чоғланувчи кимгадир нимжонгина туюлиши мумкин. (Сўйил соҳиби ўзи атрофидагиларга нисбатан зўравонлик қасдида эди.) Аммо илондай совуқ турки энг бераҳм жаллоднинг устозини эслатувчи бу мудҳиш махлуқни кўргандаёқ, ҳарчанд шерюрак баҳодир ҳам, қуёндек заифга айланмоғи турган гап.

Дарҳақиқат, гавронли нотаниш конторкалардаги¹ анча-мунча котибларнинг (улар эл аро маҳкама каламушлари номи билан маълум ва машхур) юрагини увиштириб бўлганди. Бу тоифанинг зиммасидаги жамоат хизмати шундоқки, бажарадиган ишлари баттардан-бешбаттарга ҳам, ёки яхшидан-аълога ҳам айланиши мумкин. Фақат бу натижа хизмат вазифасига эскича (анъанавий) ёхуд янгича (инқилобий) нуқтаи назардан ёндашишга чамбарчас боғлиқ... Хуллас, котиблар бегонанинг сим-сиёҳ тусдаги бир қарич соқолига, тикондай бароқ қошлари остидаги кўкимтир кўзларига ер тагидан ҳадиксираб боқадилар, тинимсиз юраётган илонбашара ёнларига келса, титраб қоладилар. Бадқовоқ киши кўлидаги қуроли билан кошинкор полни дўқиллатса, оёқ остида гох бўғиқ, гох аниқ акс садо чиқиб, бундан котибларни тағин ваҳима босарди.

Кўрқаётганлар фақат котиблармас, сирли акс садолар залига кирувчиларнинг бари сўйил ўқталганнинг ёнидан жадаллаб ўтар ва имкон қадар ундан олислашга уринишарди. Турки совуқ барчага бирдай беписанд, залнинг аввалидан-охиригача қайта-қайта бориб-келишда давом этарди.

Ҳамманинг ўтақаси ёрилган бўлса-да, зийракроқ кишилар бизнинг ватанпарвар айрим жойларда тўхтаб, оёқ остига зеҳн солишини пайқашлари мумкин эди. Хусусан, ўртадаги ва ўнг тараф деворига яқин кошинлар гаврон зарбига жавобан тиниқ, жарангдор товуш берарди, бу текширувчининг диққатини тортаётганди.

Ахийри унинг қаҳрли нигоҳи залнинг марказидаги плиталарга ўқдай қадалди-ю, таққа тўхтаб, хаёлан қандайдир масофани чамалагандай ўйга чўмди. Бироқ бу тафаккур онлари ва кўзларидаги қувонч чакмоғи дарров йўқолиб, афт-ангори дарҳол зардали тус олди.

Шунинг устига яна бир ватанпарвар (у пайтлари ҳар кимнинг аъмоли пешанасига ё уст-бошига битилган бўларди) айвон тарафдан кириб келди. Аммо аввалги меҳмон зал аҳлида уйғотган саросимали кайфият бу янги меҳмонга заррача таъсир этмади. У ҳам биринчи ватанпарварга ўхшаб юрарди, икков хонанинг ўртасида учрашдилар.

Аввалгисидан фарқи, бунисининг белига қилич тақилган. Биринчи бўлиб кирган ватанпарвар бундан ҳам сўхтаси совуқ, ўта бедаво, ҳазаргагина лойиқ хунук кимса эди. Афтидан иккови бир тоифага мансуб маслакдош кўринса-да, олдинги жумлада таъкидланган тафовутлар жамоатни хавотирга солиб қўйганди. Чунки иккала меҳмон шу кетишида бири-бирига қараб тўғри қадам босмайди (улар бир чизикдан юришмаганди), лекин яқин келгач, орадаги муомала қандай кечиши

¹ **Конторка** – маҳкамаларда ҳам ўтириб, ҳам тик ҳолда ишлашга, ёзишга, ходимларни назорат қилишга ўнғай, ярим ихоталанган алоҳида бўлма, хужра. Конторка йирик савдо шохобчаларига, цехларга, хизмат залларига мос: иш жараёнини назорат қилиш, ҳужжат ҳозирлаш, мижозларни қабул қилиш ва кузатиш учун зарур.

ноаён. Сал ўтиб хавотирлар беҳуда экани маълум бўлди: икки ватанпарвар кўз уриштириш билан кифояландилар. Бироқ ҳатто шунинг ўзиданок пакана меҳмоннинг ранги пахтадай оқариб кетди. Шундай десак ҳам, лаблари беихтиёр қимтилди-ю, ундаги бу ўзгариш кўрқувдан эмас, жирканиш экани сезилди.

Икков зални кўздан кечириб, орқага қайтишди. Негадир бу гал биринчи ватанпарварнинг юзида кулги ё шунга ўхшаш ифода пайдо бўлди, унда иккинчи ватанпарварга ёкиш истаги туғилди чоғи. Ҳатто йўлни сал сўлроққа солиб, кейинги меҳмонни тўхтатишни ният қилди. Унинг бу муроди ҳосил бўлди.

– Ие-ие, фуқаро Симон-ку! – деди биринчи келган ватанпарвар.

– Фуқаро Симон билан нима ишинг бор? Аввал шуни айт: ўзинг кимсан?

– Ёпирай, ўзини танимаганга олади-я!

– Албатта танимайман-да... Сени умримда кўрган эмасман.

– Ана, холос! – бўш келмади биринчи ватанпарвар. – Ламбалнинг кесилган бошини найзага санчиш шарафига ноил бўлган кишини наҳотки танимайсан, а?

Жазава хуружига йўғрилган бу сўзлар илонбашаранинг оғзидан аланга мисоли отилиб, Симон куйган одамдай сапчиб тушди.

– Сен? Наҳотки, сен?! – сўради у.

– Нега ҳайрон бўласан? Сен энг содиқ маслакдошларингни фарқлай оласан деб ўйловдим-да, фуқаро! Аммо афсуски...

– Ўша ишни қилибсан, бунинг учун сенга тасанно! – деди Симон. – Лекин барибир танимай турибман.

– Бундан кўра тирранча Капетга соқчилик сен учун шарафли-да, ҳар ҳолда шундай дейишяпти... Сени танийман, ҳурмат қиламан.

– Миннатдорман, катта раҳмат.

– Арзимаиди... Хўш, нима қилиб юрувдинг?

– Бировни кутиб... Ўзинг-чи?

– Менгаям бир киши керак.

– Исминг нима? Клубдагиларга сен ҳақингда гапириб бермоқчиман.

– Мени Теодор дейишади...

– Келадиган ким эди, фуқаро Теодор?

– Шеригим. Унга хуфия хабарим бор.

– Шунақами?.. Мен-чи, билсам бўладими? – унинг оғзига умидвор тикилди Симон.

– Яна зодагонлар бош кўтармоқчи!

– Ким ўзи? Номи нима?

– Йўқ, буни шеригимдан ўзга ҳеч кимга ошкор қилолмайман, – бош чайқади Теодор.

– Бу гапинг чакки... Ие, ана, мен кутган одам келяпти... Дангал гапни айтсам, жанжалу, уйдирма бобида бундан ўтадиган устомонни тополмайсан. Хуфия хабарингни айтиб кўргин. Бу йўқни йўндирворади...

– Топдим! – ҳовлиқди биринчи ватанпарвар. – Фукье Тенвиль! Тўғрими?

– Тўппа-тўғри!

– Буниси жуда соз бўлди!

– Соз ҳам гапми! – тасдиқлади иккинчи ватанпарвар. – Саломатмисан, фуқаро Фукье?

– Салом, Симон, – деди қўлтиғида алламбало қоғозлар билан ён эшикдан кириб келган Тенвиль. – Янгиликлар борми?

– Керагича топилади. Фуқаро Теодор муҳим бир чақув билан келибди, аввал шуни эшитиб кўрсанг. Ўзи танишишга арзигулик инқилобчилардан: Ламбалнинг кесилган калласини кўтариб юришдай шараф соҳиби.

Фукье тикондай нигоҳини қадаркан, қаршисидаги кимсанинг кўзларидаги даҳшатдан юраги увишиб кетди.

– Теодор дедингми? Ким экан ўзи?

– Мен, – жавоб берди илонбашара.

– Ламбалнинг қонли бошини сен сазойи қилувдингми, а? – сўради жамоат қораловчиси ошкора ишончсизлик билан.

– Ҳа, Сент-Антуан кўчаси бўйлаб...

– Мен шу қахрамонликка даъвогар яна бир одамни биламан, – деди Фукье.

– Бир одамни? – унга тик бокди фуқаро Теодор. – Ўзим эса унақаларнинг ўнтасини танийман. Бироқ улар бу хизматлари эвазига тамагирлик қилишади, лекин мен ҳеч нима сўрамаганим учун доим каминани шарафлайдилар.

Бу жавоб Симонни кулдириб юборди, Фукье эса пешанасидаги ажинларини сийпалаб қўйди.

– Тўғри айтасан, – деди у, – мабодо ўша ишни қилмаган бўлсанг ҳам, қўлингдан келарди. Ҳозир бизни бироз холи кўясан: фуқаро Симонга икки оғиз гапим бор.

Жамоат айбловчисининг беилтифот муомаласидан оғринмаган Теодор нарироқ кета бошлади.

– Тўхта! – деди Симон. – Фуқаро Фукье, аввал бу одамнинг хуфия чақувини эшитиб кўргин...

– Хўш, нима гапинг бор? – сўради Тенвиль.

– Шевалье де Мезон Руж ҳамтовоқлари билан юрибди.

Фукье бир сесканиб олди, Симон кулочини керди.

– Ҳозир у қаерда?

– Грюандри кўчасида ўз кўзларим билан кўрдим, – деди Теодор.

– Бўлиши мумкинмас! – бош чайқади Фукье Тенвиль. – Уни камида юзта изқувар кидириб юрибди-ю, кўчага чиқармиди? Бекор гап!

– Ўша, худди ўзи эди! – оёқ тиради чақимчи ватанпарвар. – Новча, чорпахил, соқол қўйган.

Фукье энсаси қотиб, афтини бужмайтирди.

– Яна сохта хабар... Ахир, Мезон Руж пастак, чувак одам-ку, соқолиям йўқ.

Ватанпарварнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, сўлжайиб қолди.

– Ҳечкиси йўқ, – унга далда берди Фукье, – ниятинг яхши, шунинг ўзиям эътиборга лойиқ... Энди эса, Симон, бу ёққа қара, тезроқ гаплашиб олайлик, вақтим зиқ. Мени маҳкамадагилар кутиб қолмасин, аравалар ҳализамон жўнаши керак¹. Гапингни айта қол.

¹ **Аравалар ҳализамон жўнаши керак** – инқилобий террор йилларида Париж қатлгоҳларига жўнатиловчи машъум “ароба”лар кўзда тутилмоқда. Бунақа “ароба”лар махсус саройда сақланиб, суд ва турманинг буюртмаси билан келарди-да, маҳкумларни эшафот пойигача олиб борарди.

– Бола соппа-соғ, бошқа янгилик йўқ.

Биринчи ватанпарвар уларга бетамиз кўринмаслик учун ортига бурилди:

– Хайр, мен кетдим.

– Хайр, – деди Симон. – Дарвоқе, янглишганингни дўстингга айтиб қўйгин.

– Хўп, айтаман.

Теодор нарироқ бориб тўхтади-ю, сўйилига таяниб олди.

– Бола соғ-саломатлигини айтдинг, – қизикди Фуқье, – аммо феъли-чи, йўлга юрадим-йўқми?

– Хамир-ку: қўлимдаги зувала, хоҳлаганимча ийлайман.

– Демак, тилга киритдингми?

– Булбулдай сайратаман, – кеккайди Симон.

– Антуанеттанинг судида гувоҳлик берса ёмон бўлмасди, ўйлашимча.

– Мен эса ўйламайман, бунга ишончим комил.

Теодорнинг кўзлари эшикда бўлса-да, жундор қалпоқ остидаги кулоқлари динг: эҳтимол, ҳеч нимани кўрмагандир, лекин анча-мунча гапни эшитгани аниқ.

– Обдан ўйлаб кўргин, – огоҳлантирди Фуқье, – аҳмоқлик қилиб юрма. Айт-чи, ўша зумрашанг судда гувоҳ бўлиши аниқми?

– Албатта, мен нимани буюрсам, шуни айтади.

– Ҳазилакам ишмас-да, Симон, ўғлининг кўрсатмаси онасини ўлдиради-я!

– Худди шундай бўлиши керак-да!

– Бунақасини Нероннинг Наргисга иқроридан буён тарих кўрганмас, – уқтирди Фуқье. – Шу боис тагин бир ўйла, Симон.

– Нуқул бир гапни такрорлайсан, фуқаро, афтидан мени ақлсиз эшак деб ўйлайсан чоғи. Энди сенга битта мисол айтай, кулоқ сол: чарм сувга ивигилса юмшайдими-йўқми?

– Мен... бунга билмайман.

– Юмшайди. Тирранча Капет ҳам қўлимдаги энг майин чарм. Ўз усулим билан эришдим бунга.

– Яхши... Мен кетдим.

– Тўхта, яна бир хуфия чақув бор.

– Чакувинг тугамасканда-а? Ўзи ишим бошимдан ошиб ётибди, ахир.

– Ватан шуни талаб этмоқда биздан.

Фуқье у узатган хуфияномани ўқиб, пешанаси тиришди:

– Фуқаро Лоренда нима қасдинг бор ўзи? Ахийри, шунинг бошига етмасанг гўргайди.

– У қонунни сира менсимайди. Кечаги оқшомда деразадан қараб турсам, Лорен бир аёлга таъзим қилиб, “хоним” дегани қулоғимга чалинди... Яна бир шубҳали унсур ҳақида хабар берай: Морис “қизил чиннигул” воқеаси чоғи Тампль турмасида муниципал эди.

– Мужмал гап бу, – деди Фуқье мийиғида кулиб, сўнгра хайрлашиш учун қўл чўзиб, терс ўгирилди, аммо бу косибга малол келди.

– Нимаси мужмал? Гуноҳи ундан енгилроқ одамларниям боши кесилепти-ку!

– Ошиқаверма! – деди Фуке бамайлихотир. – Ҳаммаси фурсати ва навбати билан бўлади.

У шундай деди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди. Симон эса Теодорни ахтарар, лоақал унга дардини айтиб, юрагини бўшатмоқчи эди. Симон кунботар томондаги панжарадан ўтган дамда идорага Теодор кириб келди, ёнида котиб ҳам бор эди.

– Панжаралар қачон беркилади? – сўради Теодор.

– Соат бешда.

– Кейин залда кимдир қоладими?

– Йўқ, – бош чайқади котиб.

– Қоровул, соқчи?..

– Ҳамма конторкаларнинг калити бор, кулфлаб кетамиз, жаноб.

“Жаноб”ни эшитган Теодор бир чимирилиб, атрофига хавотир аралаш қараб олди.

– Мисранг ва тўппонча қаерда? – сўради у.

– Ичкаридаги гилам остида.

– Дарвоқе, трибуналнинг хонасиниям кўрсатасан, деразаси Дофин майдонига очилади-ку...

– У хона чап тарафдаги устунлар ўртасида, тепасига фонус осиглиқ.

– Бўпти, боравер, аммо отлар тайинланган ерда турсин, эсингда тут.

– Менга ишонаверинг, жаноб, сизга омад ёр бўлсин.

– Ҳозир айна пайти экан... Ҳеч ким бу ёққа қарамаяпти. Оч эшикни!..

Котиб эшикни очди: фуқаро Теодор сирғалиб кўздан ғойиб бўлди.

Котиб қоғозларини кўлтиғига қисиб, хужрасини кулфлади-да, бошқа хизматчилар билан бирга катта залдан чиқди. Соат бешга жом чалгач, иш вақти тугагани боис, ҳамма бу даргоҳни бўшатиб қўйиши лозим эди.

XXXVI. ФУҚАРО ТЕОДОР

Залга зулмат чойшаби ёпилди. Ҳар жой-ҳар жойда қаққайган оппоқ устунлар “кўриқлаётган” сукунат маконида тахта-ю, қоғозларни кемиришга киришган каламушлар сас чиқаради, холос. Ҳа-я, онда-сонда кўча тарафдан аравалар шовқини ҳам эшитилиб қоларди.

Лекин қабристондай сокин залда нимадир сирли шитирлаб, котибнинг хужрасида эшик ғийиллади: тундан ҳам қорароқ шарпа залга ўтди. У ўзини Теодор деб атаган китобхонга таниш оташин ватанпарвар бўлиб, полга тўшоғлиқ кошинларни оёғининг учи билан босиб олға бораверди. У ўзи билан гаплашиб кетарди:

– Хужрадан бу ёғида ўн иккита санаганман, мана охиргиси, уланган жойи ажралиб турибди – шу дарздан кўчириб, ўн иккинчи кошинни бу ёққа олсам, пастга йўл очилади... Буёғи таваккал: етарли тайёргарлик қилдимми-йўқми, мендаги куч, аёлдаги матонат қанчалик – буни ҳаёт кўрсатади... Аммо у баҳодир йигитлардай саботли эканини аниқ биламан. Эй, Парвардигор, унинг кўлини кўлимга олиб: “Ҳазрати олиялари, сиз озодсиз!” деган сўзни қачон айтаман?

Бу орзу шунчалар залворли эдики, ҳатто тили ҳам бир зум айланмай қолди ва салдан сўнг яна давом этди:

– Бу ишимни беҳуда, аҳмоқлик дегувчилар кўп. Аммо уларда бунақа хатарли йўлга етакловчи олий мақсади йўқ: ахир, мен нафақат кироличани, балки бир мушфиқ онани халос этмоқчиман. Ҳамма гап ишни уддалашимда қолди, эплосам – кифоя, ундан сўнг Худо подшо... Менимча, хатарнинг зўри плитани кўтаришдамас, лаҳимга тушувчи зинани очиқ қолдириш – ҳамма хавф ана шунда. Ахир, соқчилар келиб қолса-чи!? Йўқ, бу ёққа ярим тунда ким ҳам кирарди? Қолаверса, бировларда айнан шунақа гумон туғилиши ақлга сиғмайди, чунки менинг шерикларим йўқ, ҳаммасини якка ўзим қилдим. Бунинг устига ҳеч қанча вақт кетмайди: уч дақиқада у ётган хонанинг тагига етаман, камин ўчоғидаги ғиштни олишимга – беш дақиқа кифоя. У эшитиб, хушёр тортади, бу аёлнинг юрагига гап йўқ... Менимча, кўрқиб кетмаса керак, аксинча, озодлик яқинлигини, халоскори ишга тушганини пайқайди. Унга иккита соқчи тайинлашган, улар ҳам сезгудай бўлса... қараб турмайди... Нима бўпти! Бор-йўғи икки киши, холос! Қўлимдаги пўлатни икки марта силтасам ёки тўппончанинг тепкисини боссам – масала ҳал... Бечора икковлон!.. Лекин улардан бегуноҳроқ одамлар ҳам ўлмоқда... йўқ, ўлдирилмоқда... Майли, бошладик...

Фуқаро Теодор қўлидаги пўлат таёқнинг ўткир учини икки кошн орасига сукди.

Худди шу дамда чакмоқдай нур плиталар сиртини сийпалаб ўтди-ю, қадам товушлари акс садо бериб, ваҳимали шовқин кўтарилди. Тунги фитнагар дарҳол ўша ёққа ўгирилди-да, сакраб, бояги хужрасига яширинди.

Теодор астойдил кулоқ солди, аммо орадаги масофа ва ҳайҳотдай хонанинг тунги салобати туфайли оҳиста сўзлаётган одамларнинг овози яхши эшитилмасди.

Теодор конторка эшигидаги тирқишдан кўз ташлади: ҳарбий мундирли киши, белидаги катта қиличнинг қини ерга тегиб, жаранглаяпти. Яшил фрак кийган йигитнинг қўлида ўлчов-газ, қўлтиғида қандайдир қоғоз; эғнига аскарча камзул, бошига мўйна телпак кийган, ва ниҳоят, карманьолка ва кавушли тўртинчи “меҳмон” ҳам бор.

Улардан учтаси Теодорга таниш: узун қилич тақиб, ҳарбий мундир кийган – генерал Сантерр; аскарча камзулдаги – зиндонбон Ришар; оёғида кавуши бори... у ҳам турмада ишларди, шекилли, фақат қўлида ўлчагичу, қоғоз тутган шахс нотаниш эди.

Ярим кечада уларга нима керак, бу ерга не муддаода келишган? Фуқаро Теодор бироз нафас ростлаб, бир тиззасини ерга қўйди, сўнг хужрага қалтис отилган чоғи қийшайган қалпоғини чап қўли билан тўғрилаб, ўнг қўлидаги тўппончани маҳкам ушлади.

Ўн қадамгина наридаги Сантеррнинг сўзлари дона-дона бўлиб, Теодор яширинган жойда яққол эшитиларди.

– Мана, фуқаро архитектор, сирли акс садолар залигаям кирдик, – деди генерал. – Қани, бизни олға бошла, аммо хабаринг ғирт уйдирма бўлиб чикмаса гўрғайди... Зеро, инқилоб ўзига қарши имкониятларнинг барига чек қўйган, биз аллақандай ерости йўли ҳақидаги чўпчакка ишонмаймиз. Тўғрим, фуқаро Ришар, сен нима дейсан?

– Консьержери қамоқхонаси тубида лаҳим борлигини мен ҳеч қачон тилга олган эмасман, – жавоб қайтарди Ришар. – Ёнимдаги Гракх ўзи айта қолсин: ўн йилдан бери шу ерда ясовул бўлиб ишлайди. Консьержерини ўз уйидан ҳам яхшироқ билади, лекин ерости йўли тўғрисида ҳеч эшитмаган... Шундай десак-да, фуқаро Жиро – архитектор, шаҳар харитаси қўлида, демак, масала биздан кўра унга аён.

Охирги жумла Теодорни ларзага солди, аммо ўзига тасалли бериб пичирлаб қўйди:

– Хайрият, зал катта, ҳовлидай майдонда дўппидай нуқтани топиш осон бўптими? Камида икки кун қидирасанлар!..

Шаҳар меъмори қўлидаги ўрама қоғозни ёзиб, кўзойнак тақди ва тиз чўкиб, Гракх тутган шам ёруғида харитадан шартли белгини қидира бошлади.

Сантерр уни мазахлаб, кулгига олди:

– Ўша лаҳим фуқаро Жиронинг тушига кирдимикан, а?

– Тушимми ё ўнгимми – буни ҳозироқ кўрасан, генерал, фақат шошмай тур!

– Шошмаймиз, – мийиғида илжайди Сантерр. – Шошиб қаёққаям борардик?

– Тасанно! – кесатди меъмор ва бармоқларини букиб, ўзича ниманингдир ҳисобини олди: – Ўн иккига тўрт қўшилса – ўн олти, саккиз билан – йигирма тўрт... Йиғиндини олтига бўламиз – тўрт... Тенг ярми. Шундай, худди шундай. Бу аниқ... Шунчалар аниқки, лоақал бир футга адашсам, тамом, мени кип-қизил жинни деяверасизлар.

Архитекторнинг сўзларидаги қатъий ишонч фуқаро Теодорни батамом музлатиб ташлади.

Сантерр харитага жиддий назар соларкан, ўзининг бу қоғоздан ҳеч нимани тушунолмаслигига ҳам иқрор, ҳам ҳайрон эди.

– Мен нима десам, сизлар қараб борасизлар.

– Қаёққа қараб борамиз? – меъморга анқайди генерал.

– Ие, харитага-да, бу режани ўз қўлим билан чизганман. Манави ерни кўринг: керакли қопқоқ-қошин девордан уч фут масофада турибди. Унга мен “А” шартли белгисини қўйдим. Ўқий олдингизми?

– Жудаям ўқидим-да: ана ўша “А”, – мижғовланди Сантерр. – Ўзингча мени саводсиз деб ўйлайсан чоғи?

Меъмор пинак бузмай давом этди:

– Манави плита остида эса пиллапоя бор, “В” ҳарфи қўйилган... кўряпсизми?

– Қоғозингда “В” турибди, аммо зинапоя қани, йўқ-ку? – генерал ўзича аския қилган бўлди ва хоҳолаб кулиб юборди.

Архитектор изоҳ берди:

– Ўша қошинни кўтариб, зинапоядан тушгач, ҳар бири уч футдан эллик кадам юрасиз-да, тепага қарайсиз: қироличанинг хонасидан ўтиб, турманинг идораси остига етган бўласиз.

– Қиролича? – қошини чимирди Сантерр. – Бева Капетни назарда тутдингми?

– Албатта.

– Аммо “қиролича” девординг-ку?

– Одат бўлиб қолган...

– Демак, маҳкама остида, шунақами? – сўради Ришар.

– Сенга бунигина эмас, ҳатто ўша хонанинг айнан қай бурчига тўғри келишиниям айтаман: лаҳим печканинг тагида тугайди.

– Ие, мана гап қаерда экан! – ўзини тутолмай қолди Гракх. – Нега ҳар гал ўтин ташласам, ғалати овоз чиқади десам, гап бу ёқда экан-да.

Меъмор газчўпни қўлига олиб, синчковлик билан шошилмасдан ўлчади ва аниқ хулосага келгач, мўлжалидаги қирқма кошинни бир-икки тепиб қўйди.

Ё, тавба! Бу кундузи Теодор хаёлан белгилаган плитанинг ўзгинаси эди.

– Мана шу ерда! – деди меъмор.

– Ишончинг комилми, фуқаро? – сўради генерал.

Конторкада яшириниб ўтирган ватанпарвар азбаройи ғазабланганидан, бўғиқ овозда инграб, тугилган муштини сонига урарди.

– Шак-шубҳа йўқ, генерал, – деди Жиро. – Сиз ва манави холислар кўриб чиққач, мен Конвентга маълумотнома ёзаман, сизлар янглишмаганимни тасдиқлайсизлар. Кошин-қопқоқни очиб, мен билан лаҳимга тушасиз: бева Капетни икки, ҳатто бир киши ҳам ҳеч кимга сездирмай қутқара олишини исботлайман.

Меъморнинг ҳамроҳлари таажжубда: уларнинг шивир-шивири акс садо билан ҳавони кезиб, ҳайкалга айланиб бўлган фуқаро Теодорнинг кулоқларига ўқдай санчилди.

– Билсангиз, шу топда мудҳиш бир таҳдид, балки тажовузнинг пайини қирқамиз, – деди Жиро. – Ерости йўлининг ўртасига панжара ўрнатсам, ватанни бу хавфдан қутқараман, албатта.

Сантерр маъқуллаб бош ирғади:

– Гап йўқ, фуқаро, ақлингга беш.

Хужрадаги ватанпарварнинг эса мушти тугилди:

– Жин урсин сени, тўнка!

– Кел, манави плитани кўтар-чи! – буюрди Жиро шамдон ва темир таёқ тутган Гракхга.

Фуқаро Гракх чироқни бериб, ишга киришди ва биргина лаҳзада қопқоқ очилди: димикқан ҳаво ғувуллаб юқорига отилгач, чуқурдаги зиналар яққол кўзга ташланди.

– Яна бир уриниш барбод бўлди! – чуқур хўрсинди фуқаро Теодор. – Ёки қироличанинг озод бўлиши Худога хуш келмаяптими, а?..

XXXVII. ФУҚАРО ГРАКХ

Энди меъморнинг кўчасида байрам, у ҳатто генералнинг устидан ҳам ғалаба қозонди, ақлига, даҳосига гап йўқ. Жиро Сантеррга ғолибона бокди:

– Қалай, у-бу демайсизми?

– Ҳа-ҳа, ерости йўли мутлақо бегумон, – маъқуллади генерал. – Қайгача боришини билсак бўлди энди.

- Бу сираям қийинмас, тушасану, биласан!
- Менимча, осон йўли бундай, – деди Ришар, – биз учовлон – генерал, сен ва мен Консьержерига қайтиб, камин ўтхонасидаги плитани олсак, тамом, иш битади-қўяди.
- Мана бу окилона таклиф! – деди Сантерр.
- Ие, бу ердаги қопқоқ очик қолаверадими? – кўнмади меъмор. – Фалокат босиб, биров тушиб олса-чи?
- Ярим кечада кимнинг боши қоронғи? – қўл силтади генерал. – Залда одамзод бўлмаса-да, майли, Гракхни пойлоқчиликка қолдирайлик. Бўптими?
- Бемалол, – бош ирғади Гракх. – Бора қолинглар.
- Биз лаҳимнинг у ёғидан кириб, сенинг олдиндан чиқамиз. Ҳа, куролинг борми, Гракх?
- Қилич билан темир таёқ-да, генерал.
- Шулар етиб ортади. Аммо ҳушёр тургин! Ўн дақиқада ер тагидан чиқамиз.
- Учовлон панжарали эшикни қулфлаб, айвонга ўтишди.
- Уларнинг ортидан қараб қолган зиндонбон фонусни ерга қўйиб, лаҳимнинг оғзига оёғини осилтирган қўйи ўтириб олди ва орзу-ҳаваслар оғушига чўмди. Рост, ҳибсхона пойлоқчиларига ҳам тотли хаёллар бегона эмас, лекин улар нималарни орзу қилишгани номаълум, чунки илм аҳли ҳали бу борада тадқиқот олиб боргани йўқ.
- Афсуски, зиндонбоннинг хаёллари энг ширин жойига етганда, қўқ-қисдан елкасига кўрғошиндай бир қўл ташланди. Фуқаро Гракх дархол ортига ўгирилиб, дод солишга чоғланганида, орзуларини тўзғитган бегона манглайига тўппонча тиради. Зиндонбоннинг дами ичига тушиб, қўллари шалвираб қолди, кўзлари шафқат умиди-ю, жон қайғусида мўлтайди.
- Оғзингни очсанг – ўлдим деявер! – нотаниш кишининг турқидан ҳазиллашмаслиги аён эди.
- Сизга нима керак, муҳтарам жаноб? – сўради Гракх гуноҳкор киёфада.
- Китобхонга жиндай изох бериб ўтамиз. Демак, 1793 йили ҳам ўзаро муомалада “сен”мас – “сиз”ни ва “фуқаро”мас – “жаноб”ни қўллайдиган дақиқалар бўлиб турарди.
- Мен пастга тушишим керак, сен эса йўлимдан қоч! – буюрди Теодор.
- Нега энди?
- Ишинг бўлмасин!
- Зиндонбон ҳайратдан чақчайган кўзлари билан буйруқ берувчига термилгач, ногаҳоний суҳбатдош у билан тил топишиш мумкинлигини пайқади.
- Кимдир сенга катта бойликни нақд узатса оласанми-йўқми?
- Билмасам. Ҳозиргача бирор киши бунақа таклиф билан йўлиққан эмас.
- Биринчи бўлиб йўликадиган одам ўзимман.
- Демак, бойликни сиз берасизми? – жавдиради Гракх.
- Ҳа.
- Хўп, ўша бойлик қанча ўзи?

– Олтин ҳисобида эллик минг ливр.
– Лаҳимга йўлни очиб қўйсам, шунча пул меники бўладими?
– Албатта. Фақат арзимас шарти – ўрага бирга тушиб, менга кўмаклашасан.

– Бунга улгуролмаймиз, – бош чайқади Гракх.
– Нега?
– Чунки беш дақиқада лаҳим ҳарбийларга тўлиб, икковимизни қўлга олишади.

Гракхнинг эътирози аччиқ ҳақиқат эди, чорасиз Теодор оғиз очолмай қолди.

– Аскарларни ер остига туширмай турсанг-чи?
– Шу топда тоғни урса толқон қилувчи паҳлавон бўлсам ҳам, бу иш қўлимдан келмасди.

Зиндонбон бор заковатини ишга солиб, ваъда қилинган эллик минг ливрни киссага уриш илинжида фикрлаётгани сезилиб турарди.

– Эртага-чи? – сўради фуқаро Теодор. – Эртага кира олаимизми?
– Кирса бўларди-ю, аммо бугун ё эртага лаҳим кўндаланг панжара билан тўсилади: у яхлит ва мустаҳкам бўлиб, ўтишга эшик ўрнатилмайди.

– У ҳолда нимадир ўйлаб топиш керак экан.
– Ҳа, – тасдиқлади зиндонбон, – бир нимани ўйламаса бўлмайди.

Ана шу жумла Гракхнинг рози эканидан далолат эди.

– Сен Консьержерида нима иш қиласан ўзи?

– Ясовулман.

– Аниқроқ гапир, вазифанг нима?

– Эшикбон, дарвозани очаман ё ёпаман.

– Ўша ерда тунаб ҳам қоласанми?

– Ҳа...

– Бўш вақтингда нималар билан шуғулланасан?

– “Нух чашмаси” деган тамаддихона соҳибасининг товукхонасини қуряпман. Ваъдасига кўра, сармоям бир минг икки юз франкка етса, менга турмушга чиқади.

– Ўша тамаддихона қаерда? – сўради Теодор.

– Виель-Драпри кўчасида, – Гракх бармоғини лабига босди: – Жим...
Пастда қадам товушлари эшитилляпти.

– Демак, шерикларинг қайтибди-да?

– Ҳа. Кўрдингизми, лаҳимга тушсак, чиқишга улгуролмасдик.

– Яхши йигит экансан, бир куни бойиб кетасан.

– Худо хоҳласа...

– Ишонавер, – фуқаро Теодор ана шундай деб, зиндонбоннинг кафтига ўн луидорлик тангани босди.

Олтинни кўрган Гракхнинг кўзлари яшнаб, тилидан бол тома кетди:

– Ёпирай! Сиз жиддий одам экансиз-ку.

– Бўлмаса-чи!

– Хўш, менга нима хизмат буюрадилар?

– Эртага “Нух чашмаси” тамаддихонасига келсанг, ўша ерда гаплашамиз. Отинг нимаиди?

– Гракх.

– Гап бундай, фуқаро Гракх, швейцариялик Ришар сени ҳайдаши учун бирор иш қилишинг керак.

– Ҳайдаса, ишсиз қоламан-ку!

– Каллангни ишлатсанг-чи, ошна, эллик минг тилланг бўла туриб, камоқхонада эшик пойлаб ётармидинг?

– Ҳозирча бир пулга зор йўқсилман, мендақаларни жаллодга топширишлари оппа-осон.

– Оғзингдан ел олсин, фуқаро, эртага пулни берай, қандингни ур, беканг билан даврингни сур...

– Бўпти, – Гракхнинг чехраси ёришди, – қачон кўришамиз?

– Кечки пайт соат олтида.

– Ие, тезроқ қочинг. Ана улар, ўрада ёруғлик кўринди...

Теодор дераза тарафга ўқдай отилди ва бир равогини очиб, кўчага сакради. Унинг қораси ўчар-ўчмас пиллапояда чироқ тутган кўл пайдо бўлди.

– Меъмор Жиро айна ҳақиқатни айтибди, – дерди Ришар. – Лаҳим бева Капет қамалган хонанинг остида экан. Бир фалокатимиз ариди ўзиям.

– Фуқаро меъмор, ишчиларинг қачон келади? – сўради пастдан чиқаётган Сантерр.

– Эрталаб келиб, дарҳол панжарани жойига ўрнатишади, – ичкаридаги Жиронинг овози гўё хумдан эшитилаётганга ўхшарди.

– Энди сен ватан халоскорига айланар экансан-да, – генералнинг гапи ярим киноя, ярим чин эди.

Гракх кўнглидан ўтказди:

– Қанчалик рост гапни айтиб қўйганингни ўзинг ҳам билсайдинг, фуқаро Сантерр.

XXXVIII. ҚИРОЛЗОДА

Бева Капет устидан тергов бошланганини олдинги боблардан китобхон билади, албатта. Қирол қатл этилгач ҳам қаҳри қайнаган халқ қасосга тўймади: айниқса, парижликлар зоти олияларининг қонга бўялган бошини кўрмоққа зор-интизор эди. Шўрлик асирани жаллод кўлига топшириш учун пухта тараддуд кўрилди: айбномалар, гувоҳлар устида роса тер тўкишди. Шундай бўлса-да, қанийди ўғли ҳам ўз онасининг жиноятини фош этиб, судда гувоҳлик берса, деб режа туздилар. Айниқса, жамоат қораловчиси ана шундай орзу билан ёнар, чақимчи Симон фуқаро Тенвилга бажонидил кўмаклашмоқчи эди.

Қироличани Консьержерига кўчиришган, малика Елизавета икки қиролзода билан Тамплда ётишибди. Фукье ва Симон сирли акс садолар залида учрашган куннинг эртасига Тампль минорасидаги туткунларнинг тинчи бузилди: қуролли инқилобчиларга хибсадаги болакай керак эди. Бу норасида бешикда ётган дамлари ҳамма таъзим бажо қилиб, “ҳазрати олийлари” дерди. Ҳозир эса унинг номи “тирранча Капет”.

Бу йигитчани биз Симоннинг ваҳшиёна зулмидан қочиб бораётган чоғи кўрувдик. У дамлар шахзода ҳали ҳаётга ташна ва малъун Симонга қарши курашга ярарди, у югурар, йиғлаб, дод солар, қалбининг тўрида умиду, изтиробга ҳам жой топиларди.

Энди эса жажжи Людовик бир бурдагина рамақижон вужуд: деворларини ис босган, каттакон, шип-шийдам хонанинг ўртасидаги ғарибона тўшакда мунғайиб ўтирибди. Умид ҳам, кўркув ҳам уни тарк этган, ғам-ғусса кўнглининг тубига чўккан, ҳарчанд эзилса-да, кушандаларига сездирмайди, жаллодларга оғиз очганмас... У ҳузурига бостириб кирган бир гала комиссарга лоақал қарагани ҳам йўқ, пинак бузмай ўтираверди.

Адолат пешволари унинг олдида қанчалар бетакаллуф кирган бўлсалар, шунчалар сурбетлик билан ўтириб олишди. Қораловчи боланинг бош тарафига, котиб дераза рўпарасидаги курсига чўкди. Хонанинг офтобга тескари тарафига поручик бошлиқ миллий гвардиячилар жойлашиб, Симон эса Людовик ва Фукьеге яқин жойда қоққан қозикдай серрайди.

Хонада ҳозир бўлганларнинг асир болакайга ачиниб қараганини тасдиқлай олмасак ҳам, унга синчковлик билан зеҳн солаётганларини айтишимиз мумкин. Бинобарин, улар маҳбуснинг ранги синикқанини, баданида ҳам, қийшиқ ўса бошлаган қўл-оёқ бўғинларида ҳам анчагина шиш борлигини пайқашди, албатта.

– Болакай дард тортиб қопти-ку, – деди поручик.

У шу биргина жумлани жиддий оҳангда айтгани боис, сўроққа бамайлихотир оғиз жуфтлаган Фукье Тенвиль ўгирилиб қарашга мажбур бўлди.

Шаҳзода бошини кўтариб, мовий кўзлари билан ўзига жони ачиган йигитни қидириб топди ва Симоннинг таъғидан қутқарган халоскорини таниди. Боланинг қароғида миннатдорлик учқунлари чакнади-ю, кейин ундаги жонланиш дарров сўниб, яна қунишиб олди.

Поручикнинг лукмаси тили қичиб турган Симонга айнаи муддао эди, шубҳа остидаги Мориснинг бу саркаш дўстини Фукье Тенвилга бажонидил таништиришга ошиқди:

– Ҳа-а, бу киши – фуқаро Лорен.

– Ўзимман, фуқаро Симон, худди ўзим! – тап тортмай, ҳар сўзига урғу берди Лорен.

Ҳамиша ўзига бир бало орттириб юрувчи Лорен бунақа дардисарларга муайян бир мақсадда бош қўшарди. У фурсатдан фойдаланиб, Фукье Тенвилга таъзим билан салом берди, жамоат айбловчиси ҳам эҳтиром билан жавоб қайтарди. Сўнгра сўради:

– Болани касалга чиқардинг, фуқаро, хўш, айт-чи, табибмисан?

– Табиб бўлмасам-да, тиббиётдан оз-моз таҳсил олганман.

– Болада хасталик аломати борми?

– Бор.

– Аниқроқ айта оласанми?

– Айта оламан. Қўллари қоқ суяк ва заъфарон, қоғоғи, ёноғи, бўғинлари шишган. Агар томир уришини санасак, бир дақиқада саксон беш-саксон олтитта чиқади.

Ўзгалар айтаётган ўз дардини болакай шуурсиз, парвойи фалак киёфада тингларди.

– Сен ўқиган тиббиёт илми бундай асоратлар сабаби хусусида нима дейди? – суриштиришда давом этди қораловчи.

Лорен беихтиёр қулоғини сийпалади.

– Очиғини айтсам, фуқаро, Капет қай тартибда ушлаб турилганини билмайман, аниқ бир нарса дейишим қийин...

Симоннинг кулоқлари динг, Лореннинг гапидан умиди катта: бу ашаддий душмани оғзидан гуллаб, ўз бошини ўзи еса ажаб эмас!

– Ўйлашимча, – давом этди Лорен, – бола ўта камҳаракатликдан касалланган.

– Мен ҳам шу фикрдаман, – деди Симон. – Ҳа, шунақа! Юришга, кадам қўйишга сира унамайди.

Йигитча косибнинг сўзларига парво қилмади.

Фукье Тенвиль ўрнидан турди-да, Лореннинг ёнига бориб, кулоғига пичирлади.

– Йўғ-ей! – доводирази поручик. – Наҳотки, шу гапга ишондинг-а, фуқаро? Даҳшат: она деган зотнинг шундай қилиши...

– Ҳар ҳолда терговда аниқлашга уриниб кўрамиз, – деди Фукье. – Симоннинг айтишича, буни боланинг ўз оғзидан эшитибди, энди судда иқрор бўлишга мажбурламоқчи.

– Агарда бу рост бўлса, қабоҳатдан бўлак нарса эмас! – таъкидлади Лорен. – Аммо шундай бўлиши ҳам мумкин, чунки ўша австриялик хотинни бегуноҳ дейиш қийин... Ҳақми-ноҳақми, аслида менга иссиқ-совуғи йўқ, аммо унинг бошига Мессалинанинг¹ куни солинди... Билмадим... Энди бу билан қоникмай, аёлни Агриппинага² айлантиришга уриниш... Бу ёғи ўзингизга ҳавола-ю, жуда ошиб кетади.

Фукье ўзиникини маъқуллади:

– Тўғри, лекин Симон шунақа деяпти-да.

– Бу Симоннинг қўлидан келишига шубҳам йўқ... Энг мудҳиш, ҳайвоний иллатларни одамга чаплаб, истаганича чақимчилик қилувчи кимсалар бор, албатта. Лекин, – Лорен Фукьенинг кўзларига қаттиқ тикилди. – Лекин сен ҳалол, ақлли, метин иродали инсонсан-ку: битта чақимчи айтган гапнинг тафсилотини норасида боладан сўраш ҳақорат эмасми?

Фуқаро айбловчи киприк қоқмай, киссасидан бир парча қоғоз олиб, Лоренга кўрсатди:

– Конвент зиммамга ушбу жинойт иши юзасидан тергов олиб боришни юклаган, сен айтган шубҳаларни тафтиш қилиш ваколатимга кирмайди.

– Бу гапинг тўғри, – маъқуллади Лорен, – буни тан олмаслик мумкин эмас. Фақат бола ўзи иқрор бўлса...

– Бундан ташқари, – деди Фукье, – биз Симонгагина эмас, ахборот воситаларига ҳам таяниб иш кўрамиз.

Фукье яна бир ҳужжатни орага солди. У Эбер муҳаррирлигида чоп этилувчи “Le Pere Duchesne” газетаси бўлиб, қироличага қарши айблов шунчакимас, авра-астари ағдарилган ҳолда баён қилинувди.

¹ **Мессалина** – Рим императори Клавдийнинг кўз очиб кўрган рафиқаси, ўзининг ишратпарастлиги, маиший бузуқлиги билан маълуму машҳур эди. У Британика ва Октавиянинг онаси бўлиб, 48 ёшида қатл этилган.

² **Агриппина** – Нероннинг волидаси, номи ҳокимиятпарастлик ва макр-ҳийла тимсолига айланган тарихий шахс. У иккинчи эридан ажрагач, ўз амакиси император Клавдийнинг никоҳига кириб, уни ўғли Неронни фарзандликка олишга мажбурлаган. Сўнгра Неронни тахтга ўтқизиш ғаразиди Клавдийни заҳарлаб ўлдирган. Бироқ Нерон ҳокимият тепасига келибқ онасининг пайига тушган: дастлаб уни сувга чўктирмоқчи бўлади, кейин центурионга қатл қилишни буюради. Шунда Агриппина “Қорнимга ур, қорнимни жазола” деганмиш, яъни шундай модаркуш ўғилни туғишида қорни айбдор бўлганидан армон қиларди. (Центурион – қадимги Рим қўшинида алоҳида бўлинма қўмондони.)

– Ёзилган... ҳатто матбуотда босилган бўлсаям, – деди Лорен кескирлик билан, – ихтиёрий, эмин-эркин ва ҳеч бир зуғумсиз... бола ўзи...

– Хўш-хўш?

– ... ўз оғзи билан тукқан онасига қарши гувоҳлик бермас экан, асло ишонмайман, сен ўзинг ҳам ишонмасдинг, албатта.

Симон мунозаранинг якунини сабрсизлик билан кутар, лекин бу разил кимса издиҳом орасида айтилган жўяли эътироз ақлли кишига таъсир қила олишини билмасди. Фукье Лореннинг сўзларидаги кучни ҳис этди ва шу йигитда ёмон таассурот қолдирмасликни кўнглига тугди.

– Сўроқни бошлаймиз! – эълон қилди у.

Болакай бу сахнада бош қаҳрамон бўлса-да, ҳали бир оғиз ҳам гапиргани йўқ. Генерал Анрио ҳам индамай турувди, биринчи марта тилга кириб, ҳаммани тартибга чақирди:

– Жимлик сақлансин, фуқаро Фукье Тенвиль ҳибсдаги болакайни сўроқ қилади.

– Капет! – деди жамоат қораловчиси. – Онанг билан ораларингда нима рўй берувди?

Собиқ шахзоданинг рангпар юзи дувва қизарди, аммо индагани йўқ.

– Саволимни эшитдингми? – сўради Фукье.

– Эшитади, жудаям эшитиб турибди, – орага суқилди Симон, – аммо, билсангиз, бу маймун на сўзлашни, на ишлашни хоҳлайди...

– Жавоб бер, Капет, – гапга қўшилди Анрио, – сендан Конвентнинг расмий вакили сўраяпти, қонунга бўйсунинишнинг керак.

Симон унга қараб мушт дўлайтирди:

– Гапирасанми-йўқми, урғочи бўрининг тукқани?

– Оғзингни юм, Симон! – танбех берди Фукье Тенвиль. – Сенга гапириш навбати теккани йўқ!

– Эшитиб қўй, Симон, сенга оғзингни юмиш буюрилди, – таъкидлади Лорен. – Сенга нисбатан шу танбехни иккинчи марта эшитиб туришим. Биринчиси ҳам шу ерда бўлган: ўшанда сен Тизоннинг қизини айбситган ва ахийри бошини егандинг.

Симон тилини тишлади.

– Онанг сени яхши кўрармиди? – сўради Фукье.

– Мен сизларга айтдим-ку, онаси уни ҳаддан ташқари яхши кўраркан, бола ўзи менга иқроор бўлди...

– Менга қара, Симон, – қизишди Лорен, – кичкина Капет яқка ўзингга гўё булбул бўлиб сайрашидан, одамлар орасида миқ этмаслигидан хижолат чекмайсанми, а?

– Кошкийди, ҳозир у билан ёлғиз қолсам!..

– Хайрият, ёлғиз эмассан. Унақада шўрлик гўдакни обдан калтаклаб, роса хумордан чиқардинг! Яхшиям, бу ерда атрофинг тўла одам, тозадил кишилар туришибди, улар ота-буваларимиз каби ғарибу, заифларга раҳм қиладилар. Шукур, бу ерда бир ўзинг эмассан, ор-номусинг йўқ сенинг: жимжилоқдай болани азоблаб ҳузур қиларкансан, инсон деган ном ҳайф сенга!

– Эҳ-х! – ғижинди Симон.

– Капет, – давом этди Фукье, – Симонга иқроор бўлганинг ростми?.. Онанг тўғрисида...

Йигитчанинг кўзларида намоён бўлган таънали ифода тасвирига сўз ожиз.

– Жавоб бер! – қичқирди Анрио. – Ҳами, йўқми?

Симон кўлидаги қамчини жон-жаҳди билан ўқталди, ингичка қайиш ҳавода қарсиллади.

– “Ҳа” дегин, ҳароми, “ҳа”!

Бола сесканди, аммо зарбдан сакланиш учун чекингани йўқ.

Хонадагиларнинг бари армонли оҳ чекди, ҳамма Симондан нафратланарди. Лорен сира лоқайд бўлган эмас: олға отилиб, зўравоннинг кўлини ушлаб қолди, қамчи-дазгил тутқуннинг бошига тушмади.

– Қўйвор! – ириллади кутурган Симон.

– Кулоқ сол, – терговни давом эттирди Фукье, – она ўз фарзандини севса, бунинг сираям ёмон ери йўқ, Капет. Бизга шуни аниқ айтгин, онанг сени қандай эркаларди? Ахир, жавобинг унга наф келтириши мумкин.

Норасида маҳбус онасига фойда келтира олишидан жонланиб кетди.

– Ойим мени ҳамма она ўғлини қандай севса, худди ўшандай севарди.

– Ҳой илоннинг боласи, менга нима дегандинг-а? Эсингдан чиқиб қолдимми? – тутатди Симон.

– Тушингда кўргансан! – мазахлади Лорен.

– Лорен! – муштини тугди Симон тишлари ғичирлаб.

– Ҳа, Лоренман! Нима демоқчисан? Лореннинг оёғига болта уриш осонмас, у сендақа аблахларнинг суягини уқалаб ташлайди! Лореннинг устидан чақимчилигинг ўтмайди. Ахир, у генерал Анрио ва фуқаро Фукье Тенвилнинг кўз ўнгида зулмга чоғланган қўлингни ушлаб қолди, бу ишимни улар маъқуллашади, албатта! Сен умрига зомин бўлган шўрлик Элоиза Тизон эмасман, гильотинада бошимни кестириш қўлингдан келмайди... Шунга кутуриб, акилласанг, овора бўласан, бадбахт Симон!

Чақимчи косиб урғочи шоқолдай ув тортди:

– Қараб тур! Кўрсатиб қўяман ҳали сенга...

– Шунақа, биродарим Симон. Аммо олий хилқатнинг иродаси ҳаққи, қўлимдаги қилич билан бир карра қорнингни ёрмасам, юрган эканман. Қани, четроқ тур, йўлимни тўсма, палид!

– Сен қароқчисан!

– Унингни ўчир! Эшитгани қўясанми-йўқми?

Симон хонадагилар наздида ерпарчин бўлиб, нафратдан ўзга эътиборга арзимасди. Унинг мушти тугилиб, кир-чир бармоқлари кафтини тешаёзди – шундан бўлак ҳеч нима кўлидан келмасди.

– Анави тирранча гап бошлади-ку, сўра, сўрай қол, фуқаро Фукье, – тезлади Анрио.

– Хўш, гапирасанми, Капет?

Бола айбловчига индамай қараб қўйди.

Гўдакнинг киборларча мағрурлиги Анриога ёқмади:

– Эшакдай қайсар экан!

– Бечорани зада қилишган! – деди Лорен.

– Ким... зада қилади? – кизикди генерал.

– Анави-да.

– Ҳа-а!.. – жириллади Симон. – Мени айблаяпсанми? Чақимчилик қилмоқчимисан?.. Зўрсан-ку!

Фуқье муомаласини ўзгартирмоқчи бўлди:

– Яхши гап билан илон инидан чиқади... Бу қанақаси, ширин йигит? Керак гапларни айтишдан бош тортиб, ўзингизга қийин қилаверманг, миллий ҳайъатнинг саволларига жавоб қайтаринг. Ахир, волидангиз сизни қандай яхши кўришини, оналик меҳрини қай тарзда намоён этганини фуқаро Симонга айтган экансиз-ку...

Людовик ҳаммага бир кўр назар солди-да, Симонга нафрат билан сўзсиз тикилиб қолди.

– Оқиқ айтаверинг, ҳозирги ҳолингиз сизга малол келаётгани йўқми? – яна майин-майин сўзлай бошлади жамоат қораловчиси. – Манави хона, озиқ-овқат ёки муомала ёқмаса, унияма айтинг. Балки эркинроқ кўйишларини, бошқа жойга ўтишни, соқчи янгиланишини хоҳларсиз? Отда сайр қилишга, тенгқурларингиз билан ўйин-кулгиларга ҳам рухсат берамиз...

Онаизорининг ҳимояси учунгина икки оғиз гапирган жажжи Людовик батамом сукутга чўмганди. Болаларча қатъият ва беғубор идрокка энди ҳеч бир восита дахл қилолмасди.

Ҳалитдан бери қаламини шайлаб ўтирган котибнинг боши қотди:

– Тергов баённомасига нима деб ёзай?

– Буни Симонга ҳавола этинг, у ёзишни бошлайди, қоғоз-қаламниям кераги йўқ, кўли-ю, қамчиси билан “баённома” ясайверади.

Симон жавобга чора тополмай, жажжи Людовикка мушт ўқталди. Лорен буни кўриб, кулиб юборди.

– Шошмай тур, Лорен! Бошингга қоп кийдиришса, кулишингни ўшанда кўраман!

– Ўша “тантана”га мен олдин бораманми ёки сени аввал кузатиб кўяманми – буни ҳозирча билмайман. Аммо ишончим комил, жаллод бошингни кесган куни кулиб-қувнайдиғанлар жуда кўпчилик бўлиши аниқ. Худога солдим, ҳа, эшитиб қўй, сени Худога солдим, Симон, ўша куни ифлос мурдангдан энг жирканч одамлар ҳам ҳазар қилсин!

Қаҳри қайнаган Лорен шундай деб, аччиқ табассум билан ўрнидан кўзгалди.

Лореннинг гапларидан борлиғи титраб, юрагига муз чўккан жамоат ҳам йўлга тушди.

Кушандалари зуғумидан қутулган кичкина шахзода марҳум падари суйган дардли ва мунгли бир қўшиқни йиғлаб хиргойи қиларди.

XXXIX. БИНАФШАДАГИ ТОЛА СОЧ

Субҳидам офтоби ҳар бир остонага кулиб боқмоғи ҳам, фурсат етиб, кун ботмоғи ҳам муқаррар бўлганидек, бир кулбадаги Женестьева билан Мориснинг бахтли дамлари ҳам омонат эди. Қутурган бўрон азим дарахтга ҳамла қилса, нозик новдалар бағридаги кабутар уясини аяб ўтирармиди? Аслида Женестьева ҳеч беғалва турганмас: Мезон Руждан кўнгли тинчигани билан Мориснинг ғамига фарқ бўлди-қолди. Эри яширина олган бўлса, қутулгани шу, лекин аёл боши билан ўзининг ҳоли не кечади? Ёнидаги суйган йигитни кажрафтор замон эзиб адо қилаёзган,

унга ҳасрат дафтарини очолмайди, ўз ёғига ўзи қовурилаверади. Ўша ҳасрат муҳри босилган кўзлари қизарган, лабларининг қони қочган...

Лекин сезгир Морисга ҳаммаси аён: Женевьеванинг қалби шаффоф ва мусаффо биллурдек эди, дардлари ҳам, орзу-армонлари ҳам йигит кўзига яққол кўриниб турарди. У хонанинг ўртасида чуқур ўйга ботган кўнгли синик аёлнинг юрагига қўл солди:

– Биладан, энди Францияни севолмайсиз, иқрор бўлинг, ҳатто ватан ҳавосидан нафас олгингиз йўқ, унинг юзига деразадан қарашни ҳам хоҳламайсиз.

– Афсуски, шундай! Сиздан яширишим қийин, кўнглимдагини тўғри топдингиз. Морис, гапингиз ҳақ... Бу даргоҳда ортиқ қололмайман. Морис, азроилга айланишим, сизни эшафотга мубтало қилишим мумкинмас, кетишим шарт!

– Қаёққа, Женевьева, қайга борасиз?

– Қайга бораман?.. Ўз устимдан чақимчилик қилиб, юмалоқ хат ёзаман, валинеъмат оғамни ғаламис деб, сиздай азаматимни хоин сифатида қатлгоҳга ҳайдашларига тоқатим етмайди.

– Женевьева! – ҳайкириб юборди Морис.

Аёлнинг боши ҳам бўлди, шу топда у гап кўтаролмасди.

– Сезиб турибман, сиз ҳам мен каби виждон азобидан қийналаяпсиз, – давом этди Женевьева. – Мен нима қилаётганимни англолмай, ақлим қарахт ҳолда ўзимни сизга топширдим, сиз эса бу кўчага киришга ҳаққи йўқ аёлни оғушингизга олдингиз...

– Бас! – деди Морис. – Етар энди!

Унинг пешанаси тиришиб, самимий нигоҳида ўт чакнади.

– Женевьева, ёруғ оламда фақат сизни севишимни ва шу ишқ йўлида мен қурбон қилолмайдиган ҳеч нарса йўқлигини ҳозироқ исботлаганим бўлсин! Бўпти – сиз Францияни ортиқ яхши кўрмайсиз! Тамом, кетамиз Франциядан!

Ойимқиз қўлларини қовуштириб, Морисга бокди, у чексиз ҳайратда эди.

– Алдаётганингиз йўқми?

– Мен сизни қачон алдовдим? – сўради Морис. – Висолингиз иштиёкида сотқину, хоинлар сафига қўшилган кунимдами?

Женевьева унинг бўйнига осилди.

– Гапинг рост, дўстим, – деди у, – аслида мен ўзимни алдадим. Виждон азобиданмас, сени йўқотишдан қўрққандим. Кетдик бу ердан, мени олисларга олиб кет, қувганлар етолмасин, излаганлар тополмасин.

– Раҳмат! – Морис терисига сиғмасди.

– Аммо қайга қочамиз? – Женевьева титраб кетди. – Иккинчи сентябрь ва йигирма биринчи январь куни ҳаммаёқни қонга бўяган жаллод болтаси ва қотил қиличи ҳамон тобида, ундан қутулиш осонмас!

– Худога осон, Худо меҳрибон, Женевьева. Яхшилик – мукофотсиз, хизмат – ҳадясиз қолмаслигига мана ҳозир ўзинг иқрор бўласан. Хуллас, ўша иккинчи сентябрь куни эди, бир рухонийни кутқармоқчи бўлдим, бирга ўқигандик, битта партада ўтирганмиз. Мен Дантонга айтувдим, у жамоат ҳавфсизлик кўмитасидан илтимос қилди. Имзо чекилган,

муҳр босилган паспорт шўрлик руҳоний ва унинг синглиси номига расмийлаштирилиб, Дантон уни менинг қўлимга берди. Келишувимизга кўра руҳоний менга учраши керак эди, аммо у янглишиб, қўлга тушди-ю, Кармга қамалди, ахийри ўша турмада ўлиб кетди.

Женевьева ўрнидан туриб олди:

– Ўша паспорт ҳозир қаерда, Морис?

– Ўзимда. Энди унинг баҳоси миллионга тенг, ёки ундан ҳам қиммат, Женевьева, у ҳозир одамнинг хунига, бутун бир бахтга, саодатга тенг.

– Ўзингга шукур, минг шукур, ё Қодир Эгам! – қўлларини кўкка чўзди аёл.

– Сенга айтувдим-ку, отамерос ерларимга кекса хизматкор қараб, экиб-тикиб турарди, оиламизнинг содиқ дўсти, асл ватанпарвар, юраги тоза киши. Унга бемалол ишона оламиз, қаерда бўлмайин, даромадни менга етказди, албатта. Йўл-йўлакай олдига кириб ўтамыз.

– Уйи қаерда?

– Аббевиллда.

– Қачон жўнаймиз, Морис?

– Бир соатдан кейин.

– Ҳеч ким сезмаслиги керак.

– Албатта. Мен Лореннинг олдига тез бориб келаман: унинг извоши бор, оти йўқ, менда от бор, аммо извош йўқ. Хуллас, Лорен келиши биланоқ йўлга чиқамиз. Сен эса бу ерда сафар анжомларини ҳозирлаб турасан. Бизга ортиқча дардисар юк керакмас, Англияда ҳаммасини топса бўлади. Мен Сцеволани бирор баҳона билан қайгадир жўнатаман. Унга ҳамма гапни кечқурун Лорен ётиғи билан тушунтиради. Биз эса, азизам Женевьева, кечга қадар олисларга кетиб бўламиз.

– Ишқилиб, йўлда ушлаб қолишмасмикан?

– Ие, паспортимиз бор-ку! Тўғри Гюберникига борамиз, бошқарувчимнинг исми шунақа. У Аббевилль муниципалитетида ишлайди, бизни Булонгача кузатиб қўяди. Соҳилда Англияга элтувчи кичикроқ кема сотиб олиб, ёллаб қўя қоламиз. Қолаверса, идорамга кириб, Аббевиллга хизмат сафарини расмийлаштириб олсам бўларди... Йўқ, қалтис таваккалнинг хожати йўқ. Тўғрими, Женевьева, ундан кўра, бахтимиз йўлида хайрли таваккал қилаверайлик.

– Албатта, азизим, ниятимизга етамиз... Ие, намуноча хушбўйсан, ё атир сепдингми? – деди аёл ва йигитнинг кўксидаги ифдордан баҳра олишга интилди.

– Эгалитэ саройидан сенга деб гулдаста олувдим – ҳаммаси бинафша. Бу ерга келсам, сен ғамга ботиб ўтирибсан, кайфиятинг менга юкиб, гул эсимдан чиқибди.

– Менга олувдингми?

– Сенга-да.

– Бер, бера қол! – Женевьева гул деса ўзини томдан ташларди, ҳозир ҳам сархуш ҳолга тушиб, бинафшаларни бағрига босди-да, кўзлари жикқа ёшга тўлди:

– Жувонмарг Элоиза!

– Начора, Женевьева!.. Майли, мен кетдим.

– Тез қайтгин-да.

– Узоғи билан ярим соатда келаман.

– Лорен уйида бўлмаса-чи?

– Фарқи йўқ, хизматкори мени яхши танийди, қолаверса, у йўғидаям уйидан хоҳлаган нарсамни оламан, бу ерга келса, у ҳам шунақа қилади... Сен унғача тайёргарлигингни кўр, айтганимдек, энг зарур нарсаларнигина ол. Ишқилиб, сафаримиз кўчиб кетишга ўхшамасин.

– Айтганингдай қиламан, кўнглинг тўқ бўлсин.

Женевьева агар Франциядан чиқиб кетса, бўйнидаги гуноҳи енгиллашиб, бегона тупрокдаги ёлғиз ҳаётида Морисдан бўлак яна бир одам борлигини хотирасидан қувиб солишига умидвор эди.

Икковнинг режаси шундок: Англиядан паноҳ топгач, шаҳардан олис, бегоналар назаридан холи, осойишта манзилдан уй сотиб олишади. Сўнгра исмларини ўзгартириб, ягона оилавий фамилияга ўтишади-ю, эр-хотиннинг ўтмишидан буткул беҳабар иккита хизматкор ёллаб, хотиржам яшайверишади. Морис ҳам, Женевьева ҳам бемалол инглизча гаплаша оларди. Аммо ёшларнинг онаси – айна дамда ўғайлик қилаётган эса-да, она Франция ортида қолмоқда эди, шундан ўксинардилар.

Женевьева сафарга, аниқроғи, қочиб кетишга ҳозирланаркан, энг аввало, Морисга ёқувчи буюмларни, ярашадиган кийимларни ва у суйган китобларни олди. Стуллар, диванлар ва фортепианонинг усти тугун-тахламларга тўлиб кетганди. Шу пайт ташқи эшикнинг қулф-калити тикирлаб қолди, Женевьева келган киши Сцевола деб ўйлади ва ишини давом эттираверди. Йўлакда қадам товушлари эшитилгач, у чақириб овоз берди:

– Сцевола! Бемалол кираверинг.

– Бажонидил кираман.

Женевьева овозни танигандай бўлиб, шоша-пиша ортига ўгирилди-ю, ваҳиманинг зўридан чинқириб юборди:

– Диксмер!

– Худди ўзлари-да!

Стулда тик турган Женевьева жавондан ниманидир ахтараётганди: ҳеч қутилмаган вазиятдан боши айлана бошлади ва қулоч ёзиб, беҳуш йиқиларкан, ортида тубсиз жар бўлишини, парчаланиб ўлишни истарди.

Аммо Диксмер уни тутиб қолди-да, икки кишилик диванга ётқизиб, ёнига ўтирди.

– Ие, хотинжон, сизга нима қилди? Наҳотки, ташрифимдан шунчалар беҳузур ва беҳуш бўлсангиз?

– Энди ўламан! – ингради Женевьева, рўпарасидаги даҳшатни кўрмаслик учун кафти билан юз-кўзини яшираркан.

– Наҳотки мени ўлдига чиқариб қўйгандингиз-а? Демак, сизга арвоҳ бўлиб кўриндимми?

Диксмернинг мулойим сўзлари замирида таҳдид яширин экани аёлга аён эди. У атрофига жавдираб тикилди, беқарор кўзлари Мориснинг портретини топди: шартта дивандан сирғалиб тушди-да, тиз чўкиб, қулочини очди, гўё у қоғоздаги жилмайган жонсиз сиймодан нажот тиларди.

– Ҳа, азизам, ҳали ўлганим йўқ, – салмоқлаб давом этаверди кўнчи. – Менимча, сиз каминани олисларда деб ўйлагансиз. Йўқ, Парижда эдим. Уйдан чиқиб кетганим эсингизда, эртасига қайтиб келиб, бир уюм кулнигина кўрдим. Сизни роса сўроқладим, аммо ҳеч дарагингиз чикмади. Бу даргохдан топишни ўйламовдим, лекин кўнглимга оралаган шубҳани эсладим-да, шу ёққа келавердим... Майли, энг муҳими, икковимиз топишдик... Ҳа-я, Морис қалай, соғ-саломатми?.. Сизга жоним ачийди, ишонаман, қаттиқ изтироб чеккансиз: ашаддий роялист бўлганингиз ҳолда кип-қизил республикачи билан бир том остида яшаш осон эмас-да.

– Ёлвораман, бас қилинг, мени бунчалар доғлайверманг!

Диксмер парвойи фалак, Женевьеванинг юрагини тиглашга яна ҳам астойдил киришди:

– Дарвоқе, – таъкидлади хонага бир сидра назар солган Диксмер, – қувғин кунлари ортиқ азоб чекмабсиз, шунисидан кўнглим таскин топди, маъқул бошпана топганингизга шукур. Мен эса уйим куйиб, топган-тутганимнинг бари кулга айлангач, ташландиқ ертўлада, кемаларнинг трюмида, ахлат ўралар қувурида кун кечирдим.

Женевьева сўзлашга чоғланиб, оғиз жуфтлади, бироқ у гал бермади:

– Дастурхонингизда тотли меваларнинг сараси, каминанинг насибаси... умуман, насибам йўқ эди, тушликда оч қолиб, бир нималарни кавшаб...

Женевьева ҳўнграб йиғларкан, юзини яширди.

– Аммо бу пулсизлигимдан эмасди. Худога шукур, олтин ҳисобида ўттиз минг франкни қора кунимга асраб қўйибман, бу ҳозирда ярим миллион франк дегани. Бироқ бир парча пишлоқ ё ҳасип олувчи кўмирчи, лахтакфуруш ёки балиқчи киссасидан тилла танга чиқаролмайди-ку... Ҳа, хоним, ўша кунлари ана шу уч касб-кордаги авом сиёқида ниқобланиб тирикчилик қилдим. Эндиликда янаям яхшироқ ниқобланиб, замонавий киёфагада кирдим: энг сара ватанпарвар, яъни марселлик жангари ролини ўйнаб юрибман. Ўшаларга ўхшаб чучук тилда гапириб, сўқинишниям боппайман. Бошқа иложим йўқ! Нимага десангиз, қувғинди юриш гўзал хонимдан кўра эр кишига мушкул экан. Боз устига мени оғушига олиб, бошпана берувчи танишларим орасида бирортаям республикачи аёл йўқ денг...

– Худо ҳаққи, гапирманг, илтимос, бунақада ўлиб қоламан, раҳмингиз келсин! – ўтинди Женевьева.

– Тушуниб турибман, мендан хавотир олиб, ғуссага ботгансиз. Ортиқ йиғламанг, ахир ёнингиздаман, энди сира айрилмаймиз, хотинжон.

Женевьева сабр косаси тўлиб, бақариб юборди:

– Ҳозир мени ўлдириб қутуласиз!

– Покдомон аёлнинг қотили бўламанми?! – Диксмернинг юзига жаллодга хос мудҳиш табассум ёйилди. – Нима деганингизни билияпсизми, хоним? Мен учун ғам чекавериб, ақлингиз шикастланибди чоғи.

– Марҳаматли тақсирим! – Женевьева овозини баралла қўйди. – Мени бунчалар таҳқирлаш ўрнига шартта сўйиб ташланг! Йўқ, мен покдомон эмасман, гуноҳга ботдим, яшашга ҳақким йўқ! Ўлдилинг!

– Ҳаққим йўқ, дейсиз... демак, ўлимга маҳкумлигингизга ўзингиз иқрормисиз?

– Ҳа, ҳа!

– Ундай бўлса, менга номаълум аллақандай гуноҳдан покланиш учун ўз ихтиёрингиз билан ўлиб кетаверасизми, кейин армон қилмайсизми?

– Шундай! Жонимни олсангиз ҳам “дод” демайман. Чопинг мени, қилич тутган қўлингизни дуо қиламан, асло қарғамайман!

– Йўқ, хоним, мен буни хоҳламайман. Лекин барибир ўласиз деган эҳтимол бор: фақат бу ажал ўзингиз ўйлагандек шармандалик эмас, аксинча, энг шарафли ўлим бўлади. Каминага раҳматлар айтинг, сизни ана шу мангу барҳаёт интиҳо билан сийлайман.

– Хўш, нима қилмоқчисиз ўзи?

– Биз олий бир мақсад сари интилардик, йўлимизга ғов солишди, тўхтадик. Сиз ўша мақсадга эришасиз ва ҳамманинг манфаати учун жон берасиз...

– Бунақада ақлдан озишим турган гап. Қайга олиб борасиз мени, ниятингиз нима?

– Ажалга, ажалга элтаман!

– Бўпти, ибодат қилиб олсам майлими?

– Ибодат? Дуо қиласизми?

– Ҳа.

– Кимни дуо қиласиз?

– Нима ишингиз бор? Ўлдирсангиз – қарзимдан қутуламан, қарзим қолмас экан, сизниям менда заррача ҳаққингиз қолмайди!

– Тўппа-тўғри, – таъкидлади Диксмер, – мен сизни ташқарида кутиб тураман.

У чиқиб кетгач, Женестьева портрет қаршисида тиз чўкиб, қўлини кўксига босди.

– Морис, – пичирлади аёл лаблари, – мен ожизани афв эт!.. Менинг пешанамга бахт битилмаган, лекин сени бахтли қилсам девдим. Морис, сен учун ҳаёт бўлган ўша бахтингни юлиб кетмоқдаман, ўлимим билан норози қилганим учун кечир, азизим, кечир, севгилим, ошиғим, жоним!..

У сунбул зулфининг паришон бир толасини кесиб, боягина Морис ҳадя этган гулдастага чирмади-да, портрет пойига қўйди. Суратдаги йигитнинг кўзларида гўё видолашув ҳасрати сўниқ йилтирагандай бўлди. Ёки мангу ҳижронга чоғланган маъшуқанинг назарида шундай туюлди.

– Қани, хоним, тайёرمىсиз? – сўради Диксмер.

– Шошяпсизми?

– Асло, шошаётганим йўқ, сизниям қистамайман. Аксинча, Морис қайта қолса, сизга кўрсатган ҳиммату муруввати учун миннатдорлик билдирсам деган илинжим бор.

Женестьеванинг қути ўчди, иккови асло учрашмаслиги керак! У дарҳол ўрнидан кўзгалди:

– Мен тайёрман, албатта.

Диксмер йўл бошлади, Женестьева ортидан эргашди. Улар кўчада кутиб турган извошга ўтиришгач, аравакаш отга қамчи босди.

XL. “НУХ ЧАШМАСИ”

Сирли акс садолар залидаги бесаранжом туннинг эртаси куни, кечки соат етти. Виелль-Драпри кўчаси муюлишидаги “Нух чашмаси” емакхонасига бошига айиқ-мўйна телпак, эгнига карманьолка кийган хўранда кириб келди. У китобхонга таниш: ўша зални тажанг қиёфада кезаверган, генерал Сантерр бошлиқ коммунарлар лаҳимни фош этгач, қопқани қўриқловчи ясовул билан музокара қилган оташин ватанпарвар эди. Тағин шуни ҳам эслатайлик, ўзининг фахрланиб айтишича, малика Ламбаль қатл этилгач, унинг қонли бошини найзага илиб, кўчаларда элга сазойи қилган содиқ фуқаро экан.

У тамаки ва шамлар дуди қорайтирган хонанинг олис бурчагига – майфуруш хонимнинг қоқ рўпарасига жойлашди. Олдида кир-чир мол ёғида ковурилган қандайдир балик: ҳар замонда чимитқилаб қўяди, аммо афтини бужмайтиришига қараганда, таъби тортмаётгани аниқ. Икки-уч кишигина ўтирган ошхонада соат саккиздан чорак ўтгач, содиқ фуқародан бўлак ҳеч ким қолмади.

У тўраларча ғўддайиб балиқни нари сураккан, ҳатто бир бўлагини мўлтираб турган кучукка ташлади ва чўнтагидан испан шоколадини олиб, ҳузур билан кавшай бошлади. Лекин иккала кўзи гулдор парда тортилган ойнаванд эшикда, бу ватанпарвар кимнидир интизорлик билан кутаётгани кўриниб турарди. Демак, чайналиб ўтириш шунчаки баҳона, холос. У мазали шоколаду, жавдар нонни тишлари орасида курсиллатиб, безовта ва жонсарақ кайфиятда эшикка бетиним қараб-қараб қўярди.

Ёлғиз қолган хўранда бинойидай йигит эди ва майфуруш бека унинг ўйноқи нигоҳини ўзига тегишли билиб, юраги дукурлай кетди. Нимага десангиз, хонимнинг ҳужраси шундоққина кираверишда бўлиб, эшикка тикилган одамнинг кўзи тўғри унга қадаларди. Бинобарин, аёлнинг кўнгли ширин энтиккан бўлса, бунинг сира айби йўқ.

Бироқ китобхонни айна “қисса”нинг ишқий давомидан умидвор қилолмаймиз: қўнғироқча жаранглаб, катак гулли парда тортилган эшик очилди. Кириб келган кишининг уст-боши ҳам кутаётган ватанпарварнинг кийимига ўхшар, фақат у айиқ-мўйна телпак эмас, қизил қалпоқ кийганди. Камарига бир шода калит ва пийёда аскарлар қиличини тақиб олибди, яроқнинг ўткир тиғи ҳам, мис туткичи ҳам шам нурида йилтирайди.

У бармоқларини қалпоғига тегизиб, бекага салом берган бўлди-да, ҳорғин уҳ тортиб, бизнинг ватанпарвар ёнига ўтирди ва буюртма берди:

– Шўрва билан ароқнинг тозасидан келтиринг!

Майфуруш хоним янги меҳмоннинг иззати учун ўрнидан кўз-ғалиб, айтилган нарсалар ижроси билан шахсан ўзи шуғуллангани пишириқхонага ўтиб кетди.

– Салом, – деди бекани нигоҳи билан кузатиб қолган биринчи ватанпарвар.

– Саломатмилар, тақсир? – жавоб қайтарди янги меҳмон.

– Нима гап? – сўради ватанпарвар ясама бепарволик билан. – Ишлар қалай?

- Тамом!
- Нима... тамом?
- Икковлон келишганимиздек, Ришарга кўзим хира, кулоғим оғир эканини айтдим... Маъмурлар ҳаммаси ўша ерда эди, дардим хуруж қилгандай, ҳушдан кетиб, шартта тупроққа тўнтарилдим.
- Зўр-ку! Кейин-чи?
- Кейин Ришар хотинини чақирди: у чаккамга сирка суртгач, гўё ўзимга келдим.
- Янаям зўр. Ҳа-а, айтавер.
- Мен хушнуд-хандон одамман, бунақанги ҳаво етишмайдиган иш шароитида кўзим тобора хиралашаверади, деб айтдим. Консьержерида ҳозир тўрт юз маҳбус ётибди, уларга хизмат кўрсатишда давом этаверсам, ажалимдан беш кун олдин ўламан, девордим.
- Ажаб айтибсан-да. Хўш?..
- Заифа Ришарнинг роса раҳми келди...
- Ришар-чи, ўзи нима деди?
- У мени ҳайдаб, кўчага чиқариб юбормоқчи бўлди.
- Бироқ бу билан иш битмайди-да...
- Шошмай тулинг... Хуллас, Ришарнинг хотини, ниҳоятда ҳалим кампир эрига дакки бериб, бу одамгарчиликданмас, ахир оиласи, тирикчилиги бор-ку деб, орага тушди.
- Эри нима деди?
- Ришар хотинига гапинг тўғри, аммо зиндонбон лавозимидаги киши турмада яшаши шарт, деди. Республика сиёсати ҳазил-пазилни билмайди, хизмат вақтида беҳуш сулаядиганларнинг калласини узиб ташлайди, деб таъкидлади.
- Ёпирай! – бош чайқади ватанпарвар.
- Ришарнинг гапи тўғри, айниқса, анави австриялик хотин келтирилгандан буён зиндонбонлик дўзахдан баттар бўлиб қолди.
- Ватанпарвар балиқ еб, мазахўрак бўлган итнинг олдида ликопчани кўювди, у ялай бошлади.
- Хўп, ахийри нима бўлди?
- Хотини инсофга чақиргач, Ришар юмшаб, шундай деди: “Гап бундай, фуқаро Гракх, ошна-оғайнилариңдан бирортасини топ, маошидан бир улушини сенга беришга кўнсин. Кейин уни ёнимга бошлаб кел, ваъда бераман, у сенинг ўрнингга ишга олинади”.
- Хўп, сен кимнидир кўндиролдингми, азизим?
- Шунинг устига бека қайтди, кўлида фуқаро Гракхнинг буюртмаси: шиша ва шўрва. Бироқ у гапнинг белига тепди, бу суҳбатдошларга хуш келмади албатта.
- Фуқаро заифа, – мурожаат қилди зиндонбон, – бугун бошлиғим Ришардан мукофот олдим, белим бакуват. Ипни узиб, зиёфат қилишга, чўчка котлети, бургунд шароби-ю, бодринг газакка етарли пулим бор... Оксочингни колбасафурушга жўнатиб, ўзинг омборингга тушиб чиқасан.
- Бека дарҳол бир қизни ишга солди-да, ўзи ертўла томонга йўрғалади.
- Тасанно! – маъқуллади ватанпарвар. – Жуда уддабурон йигит экансан-ку.

– Ҳа-а, шунақа... аммо сиз ваъдани ҳарчанд қуюқ қилсангиз ҳам, юрагим пўкиллаяпти. Худо кўрсатмасин, ҳидимиз чиқиб қолса, жамоат хавфсизлиги қўмитаси нима қилади, биласизми?

– Биламан, албатта.

– Калламиз кетади-я!

– Менинг ташвишимни қилмай қўявер.

– Тўғри, сизнинг ғамингиз менга нима?

– Демак, фақат ўз бошингни ўйлаяпсанми?

– Ҳа-да.

– Шу каллангнинг нархини икки ҳисса тўласам-чи?

– Ие, бош деган аъзо жудаям қиммат-ку!

– Тўғри, қиммат, лекин фақат сеники эмас.

– Наҳотки? Нега меники арзон бўларкан?

– Дейлик, мен ўша сен айтган хавфсизлик қўмитаси жосусиман, тамом, елкангдаги думалоқ нарса пиёзнинг пўстигаям арзимади. Эртагаёқ... йўқ, шу бугуннинг ўзида бу бош жаллод кундасидан думалаб тушади.

Зиндонбоннинг ранги ўчиб, ўтакаси ёрилди-ю, қалтис ўгирилиб, чўчиган кучук ақиллай бошлади.

– Ўзингни бос, ҳадеб гезараверма, ундан кўра чуқур-чуқур нафас олиб, овқатингни е. Қўрқма, ҳеч қанақа жосус-посус эмасман. Эртага мени Консьержерига бошлаб кириб, ўрнингга жойлаб қўй, қалитларни кўлимга топшир – эртанинг ўзидаёқ эллик минг ливр олтин танга киссанга тушади.

– Шу гап аниқми?

– Шунчалар аниқлигидан кафолати одамнинг ақлига сиғмайди: гаровга калламни тикаман!

Гракх ўйланиб қолди.

– Бехуда ўй суришни қўй, ошна. Айтайлик, ўз бурчинга содиқ қолиб, мени ушлаб бердинг, лекин республика ғазнасидан бу садоқатинг эвазига бир дона қора тангаям ололмайсан. Аксинча, таклифимга қўниб, бурчинга хиёнат қилсанг, мукофот – нақд эллик минг ливр!

– Шак-шубҳам йўқ, илтимосингизни бажарсам – фойданинг тагида қоламан, бироқ чувимиз чиққудай бўлса...

– Нега чувимиз чиқсин? Мен сени икки дунёдаям сотмайман.

– Албатта.

– Мен ишга киришгач, эртасига Консьержерида шунчаки айланиб юрган бўласан: йигирма беш даста пул бераман – ҳар бирида икки минг ливр бор. Бунча пул бойликкина эмас, Франциядан чиқиб кетишинга хужжат бўлишгаям ярайди. Ундан сўнг қаерда яшасанг ҳам, бой бўлмасанг-да, ҳар ҳолда, бировга зорикмайсан.

– Бўпти, бу ёғи гардкам! Камбағал одамман, менга сиёсатни ким қўйибди? Франция туғилгунимча менсиз яшарди, бундан кейин ҳам бир кунини кўрар...

– Аммо мени Ришарга қачон рўпара қиласан?

– Хоҳлаганингизда, мана шу оқшомдаёқ, маъқулми?

– Жудаям маъқул. Сенга ким бўламан, исимим?..

– Исмингиз – Мардош, холамнинг ўғли.

- Касб-корим-чи?
- Чарм шимлар савдогари.
- Ана, холос, ўз хунаримга бир қадам экан.
- Сиз кўнчимисиз?
- Кўлимдан келади... Соат нечани мўлжаллаймиз?
- Масалан, ярим соатдан кейин.
- Аникроғи тўққизда кира қолайлик.
- Пулни-чи? – чайналди Гракх.
- Эртага.
- Демак, жудаям бадавлатсиз.
- Ҳа, бировга мухтож эмасман.
- Собик бойлардан бўлсангиз керак, тўғрими?
- Бунинг сенга дахли йўқ.
- Таажжуб ҳол: беҳисоб пулни хатар йўлида сочаяпсиз!.. Ихтиёр ўзингизда, лекин собиқларнинг бари бефаросат.
- Начора. Ҳамма ақл санкюлотларга ўтиб, бошқаларга ҳеч вақо қолгани йўқ.
- Секин!.. Буюртмамизни олиб келишяпти.
- Хайр, – ўрнидан кўзгалди ватанпарвар. – Консьержерида учрашгунча. У чиқиб кетаркан, пулни тўлади ва овози гулдуради:
- Бўлақол, фуқаро! Оғам жуда оч, котлет ва бодрингни тезроқ узат!
- Жуда танти йигит экан-да, – деди вино ҳўплаётган зиндонбон, ичкилик қуяётган беканинг меҳмонга бокқан кўзлари сузилди.

XLI. ҲАРБИЙ ВАЗИРЛИК ВАКИЛИ

Ватанпарвар ташқарига чиқди-ю, ҳеч қаёққа кетмади. У ис босган дераза тирқишидан ичкарини анчагача кузатиб турди: зиндонбон республика полициясининг битта-яримта жосуси билан сўзлашадими-йўқми? У пайтлари француз полицияси шоҳидамас, баргида юрар, қарама-қарши кутбга айрилган миллатнинг ўзи икки изкувар жамоага айланган, бири бошқасини муттасил таъқиб қилиб, ҳар қандай чақувни уюштираверарди. Бу “ёзувчилик” ёш республиканинг шон-шарафига ярашмаса-да, муаллиф-чақимчиларнинг омонат бошини сақлашга аскотиб қоларди...

Ҳайтовур, ватанпарвар хавфсираган кори ҳол рўй бергани йўқ. Соат тўққизга саноқли дақиқалар қолганда, зиндонбон ёлғиз ўзи еб-ичиб бўлди-да, ўрнидан турди. Ташқарига йўл оларкан, ошхона бегойимини эркалаб, бақбақасини сийпалашни унутмади.

Ватанпарвар у билан Консьержерининг соҳилбўйи тарафида учрашди ва иккови ҳибсхонага кириб кетишди. Келишув амалга ошиб, Гракх ишдан бўшагач, Мардош зиндонбон вазифасига тайинланди.

Мазкур тайинловдан икки соат бурун турманинг нариги тарафида бир воқеа бўлиб ўтувди. Зоҳиран, китобхонга қизиқ туюлмаса-да, бу ҳодиса асар қаҳрамонларининг кейинги тақдирида муҳим аҳамиятга эга.

Консьержери котибиятининг мудир кун бўйи чарчаган ва иш вақти тугаб, кетишга чоғланганида, хужрасида нотаниш кимса пайдо бўлди, уни заифа Ришар бошлаб кирганди.

– Фуқаро мудир, – таништирди у, – меҳмон ҳарбий вазирликдан келган ҳамкасбингиз, шахсан вазирнинг ўзи ҳарбий жиноятчиларнинг ҳужжатларини текшириш учун жўнатибди.

– Иш вақтим тугади, фуқаро, – деди котибият мудир. – Хат-ҳужжатларни йиғиштириб, пўлат сандикқа жойлаб бўлдим.

– Мухтарам касбдош, – сўз бошлади вазирнинг вакили, – маъзур тутадилар, аммо бизнинг иш вақтимиз бошқачароқ, тўғрироғи, бунақа юмушларни фақат бўш пайтларда қила оламиз. Ҳамма кечки хўракка ўтирган ё уйқуга ётган дамлардагина кўлимиз бўшайди.

– Ҳурматли ўртоқ, унда илдамроқ ҳаракат қиласиз, чунки қорним итдай оч, овқатланмасам бўлмайди. Ҳужжатингиз борми?

– Албатта.

– Эрим икковимиз кўрувдик, – орага тушди Ришарнинг хотини, – гувоҳномаси бор экан.

– Хизматчилик-да, барибир кўриб қўйишга мажбурман, – деди котиб ва қорни оч, шошаётган бўлса-да, эринмай танишгач, сўради: – Неча кишининг қоғозлари керак сизга?

– Юзга яқин.

– Ие, бир кунда улгуролмайсиз-ку, фуқаро?

– Шу боис ҳам, қадрли ўртоқ, идорангиздан бирор хонани олсам, сиз ижозат этсангиз, албатта.

– Тушунмадим.

– Тушунтираман, фақат дастурхон устида... Ҳозир қорним оч деганга ўхшовдиларми?

– Шундай.

– Хўп, бундай қилайлик: сизни рафикам билан таништириб қўяман, ажойиб пазанда аёл, сўнгра ўзим билан ҳам танишиб оласиз – ёмон йигит эмасман.

– Кўриниб турибди, аммо ҳурматли ўртоқ...

– Илтимос, хижолат чекманг. Йўл-йўлакай Шатль майдонидан мазали моллюска ва қассобдан мойли жўжа олайн-да, аёлим Дюран хоним икки-уч хил таом пишириб берсин.

– Зўр-ку-я, мухтарам биродар, мени жуда талтайтириб, иштаҳамни очиб... – чайналди камоқхона котиби. Зеро, меҳмон бутун бошли зиёфатнинг дарагини айтаётганди, атиги ўн ливр қоғоз пул маош олувчи хизматчи унақа дастурхонни икки дунёда кўрмаган.

– Боргингиз келмаяптими?

– Нега энди?

– Унақа бўлса, ишни эртага қолдираман, бугун бир улфатлашайлик...

– Бир дақиқа: австриялик хотинни кўриқлаётган жандармларга айтиб қўяй, кейин кетаверамиз, – деди Консьержери котиби.

– Нега энди айтиб қўйишингиз керак?

– Чунки улар менинг кетганимни билиб, остона ортидаги “тиқ” этган товушга хушёр туришлари зарур...

Мудир тақиллатгач, эшик очилиб, ичкаридан савол эшитилди:

– Ким бу?

– Мен – котибият мудир, кетяпман. Хайр, фуқаро Жильбер.

– Хайр, фуқаро котиб, – ва эшик ёпилди.

Лекин ана шу қисқа муддат ҳарбий вазирлик котибига кифоя қилди, хонага разм солишга ва қироличага бор-йўғи икки киши пойлоқчилик қилаётганини аниқлашга улгурди.

Консьержеридан чиқаверишда улар фуқаро Гракх ва унинг холаваччаси Мардошга рўпара бўлиб, негадир ҳарбий вазир вакили билан Мардош ўзаро имо-ишора қилиб ўтишди...

Янги улфатлар Шанж кўприги тарафга бурилдилар. Вазирлик котиби ваъдасига биноан Шатль майдонида бир саватчада моллюска ва жўжа сотиб олди. Унинг уч хонали шинам хонадони Гревск майдонида бўлиб, иккинчи қаватда жойлашганди.

Вакилнинг парирухсор аёли турма котибининг жигаридан урди дея оламиз. Чиндан ҳам у беҳад сулув эди, маҳзун ва маъсума чиройи билан исталган йигитни бир кўришда мафтун этарди. Тўғри-да, маъсумалик гўзал бегойимлар учун шундай ярашиқли фазилат, бу хислат ҳаммани, ҳатто ҳибсхона котибини ҳам ишқу муҳаббат гулистонига имлайди.

Янги танишлар тотли таомларни иштаҳа билан тановул қилдилар, фақат Дюран хонимгина туз тотгани йўқ. Суҳбат қизигандан-қизиди. Ҳарб ишлари маҳкамасининг котиби ўз ҳамкасбининг хизмати юзасидан мана буларни суриштирди: замона тақозосига айланган ва ҳар куни содир бўлаётган қатл фожиалари, судлар муҳокамасидаги ишлар, уларнинг ечими, ҳибсдагилар устидан назорат тартиби... Қамокхона котиби сўзларига бунчалар эътибор берган шеригидан рози-миннатдор эди, мамнуният билан жавоб қайтарди. Чунончи, зиндонбонларнинг феъл-атвори, қилиғу, одатлари, қораловчи Фукье Тенвиль, қатлгоҳда ҳар куни “ўйналувчи томоша”нинг бош ижрочиси фуқаро Сансон ҳақидаги ўзига маълум ахборотларнинг бирортасини ҳам яширгани йўқ. Сўнгра ўз навбатида котиб улфатига мурожаат қилиб, ҳарбий вазирликдаги ишлар хусусида қизиқаётганини изҳор этди.

– Эҳ-ҳе, сиз осмонсиз, мен ерман, ўртоқ, – деди Дюран армон билан. – Камина сизга ўхшаш кўли узун амалдор эмасман, шу боис вазирлигимдаги муҳим маълумотлардан бохабар бўлолмайман. Сиз котибият мудирисиз, мен эса бор-йўғи шўъба котибига ёрдамчиман, холос, айнаи дамда етакчи котибнинг вазифасини зиммамга юклаб қўйишган. Шунчалар лаллайганимдан ишни мен қиламану, хузурини бошқалар кўради. Франциядаги идораларда шу иллат бор...

– Сизга ёрдамим тегиб қолса, ажабмас, – деб юборди котибият мудир, у мезбоннинг самимияти ва айниқса, беканинг мастона, соҳир нигоҳидан ийиб кетганидан.

Илтифотли лўкма ёқиб тушган вакил миннатдорлик изҳорига ошиқди:

– Ҳай-ҳай, сизга олам-жаҳон ташаккур. Зеро, мендай камтарин хизматчига иш жойи ёхуд касб-корини янгиламоқ ҳам бир ташвиш: бу ердаги вазифам ижроси ҳар қанча чўзилса ҳам, хузурингизда янада узокроқ қолиб, сиздан айрилмасам дегандим... Қанийди, уйда зерикиб ўтирадиган Дюран хоним ҳам ёнимда бўлса, кошкийди, ҳар оқшом ўша жойда кўнгли ёзилса...

– Марҳамат, бажонидил, гап бўлиши мумкинмас! – котибият мудир илтимоснинг мазмунини ўзича англаб, бўлгуси ишқий истиқболидан умидланди.

– Аёлим қоғозларни варақлаб, мазмунини айтиб турарди, мен ёзиб борардим. Охирида, ишни якунлагач, мабодо, ҳозирги таомлар сизга ёккан бўлса, ҳар замонда ташриф этсангиз, боримизни баҳам кўрардик... Нима дединг, азизам?

Дюран хоним бошини кўтариб, эрига маҳзун боқди:

– Сизга маъқул бўлса, менгайм маъқул.

Қамоқхона котиби соат ўн бирга жом чалгач, ўрнидан кўзгалди.

– Раҳмат, дўстларим, – деди у. – Сиз билан танишганимдан, меҳмондўст чехраларингиздан мамнунман, зиёфат учун ташаккур.

Фукаро Дюран ҳамкасбини пиллапоягача кузатиб, бегойимга ижозат берди:

– Кеч бўп қолди, Женевьева, боринг, дам олаверинг.

Аёл индагани йўқ. Қўлида чироқ билан ўнгдаги эшик сари йўл олди.

Дюран, тўғрироғи Диксмер унинг ортидан ўйчан қиёфада бир зум қараб тургач, қаршидаги хонага – ўз ётоғига кириб кетди.

XLII. ПИНХОНИЙ МАКТУБЛАР

Ҳарбий вазирлик котиби ўша кундан эътиборан ҳар оқшом мунтазам равишда турмага қатнайверди. У ҳамкасбининг хужрасига жойлашганди, хотини қоғозларни тайёрлаб берар, ўзи эса кўчириб ёзарди. Дюран зохиран ана шу машғулот билангина банддай кўринса-да, турмани ипидан-игнасигача кузатарди. У Ришар ва хотини кечки соат ўнда егулик саватини олиб келиб, қиролича қамалган камеранинг остонасига қўйиб кетишини билиб олди. Котибият мудир хайрлашган дамда эшик очилиб, икки жандармдан бири саватни Мария-Антуанеттага олиб киради ва чорак соатдан сўнг бўш идишни ташқарига қўяди.

Октябрнинг бошлари эди, кузатувнинг тўртинчи куни, турма котиби кетгач, эр-хотин холи қолишди. Дюран-Диксмер атрофга обдан аланглаб, вужуди кўз-қулоққа айланди ва хавфсизликка ишонч ҳосил қилди: қаламини қўйиб, мушукдай чапдасту, товушсиз қадамлар билан саватчага етиб борди-да, сочиқ остидаги юмшоқ ноннинг орасига ниманидир беркитди. У қайтиб келгач, қалтироғи ҳеч босилмасди, ранги қув ўчган, ҳарсиллайди, бир қўлини кўксига, бошқасини манглайига босди. Женевьева эрининг қилган хатарли ишини ва аҳволини кўриб турса-да, оғзини очгани йўқ. У Диксмер Мориснинг уйидан судраб чиққандан буён ўзича гапирмас, эри сўрасагина жавоб қайтарарди. Бироқ айна дамда ўша “анъанаси”ни бузди:

– Демак, шу кеча амалга ошадими?

– Йўқ, эртага тунда, – жавоб берди Диксмер.

У атрофга диққат билан қулоқ солгач, ўрнидан турди ва қоғозларини тахлаб, камера эшигини тақиллатди.

– Нима гап? – бу Жильбернинг овози эди.

– Мен кетаяпман, фукаро.

– Яхши боринг.

– Хайр, фукаро Жильбер.

Дюран темир эшик зулфини шарақлаганини эшитгач, хотини билан йўлга тушди.

Дахлизда у мўйна телпак кийиб, бир даста оғир калитни кўтариб олган зиндонбонга туртиниб кетди. Диксмернинг юраги пўкилларди: негаки, бу ҳам бошқа ясовуллар сингари кўполлик билан ёнига чақириб, ҳақоратлаши, ҳатто таниб қолиши мумкин эди. Дюран-Диксмер калпоғини кўзига тушираркан, Женевьева юзини мантилья остига яширди. Бирок Диксмер янглишган экан, туртинишда зиндонбон айбсиз бўлса-да, кечирим сўради:

– Маъзур тутадилар!

Бу овоз!.. Иккови ёқимли, таниш товуш соҳиби ҳақида ўйлагунча, зиндонбон дахлиз тўрида кўздан ғойиб бўлди. Хотинини етаклаб олға бораётган Диксмер ўзини тутолмади:

– Қизик!

Женевьева пичирлади:

– Жудаям қизик!

Ташқарига чиқиб, қамоқхонанинг совуқ деворларига бокқан аёл азиз оғасининг арвоҳини яна бир бор кўргандай бўлиб, кўнглининг тубидаги эзгин, аммо лазиз хотиралар уйғонди. Эр-хотин Гревск майдонига етиб қолишганди...

Бу пайт жандарм Жильбер ҳибсхона эшигини очиб, остонадаги саватни оларкан, у дахлсиз эканига, биров кўл теккизолмаслигига ишончи комил эди. Орадаги пардани суриб, мева-чева, жўжақовурдоқ, бир шиша мусаллас, тоза сув ва яримта нон солинган саватни узатди.

– Сизга овқат келтиришди, фукаро заифа.

Мария-Антуанетта нонни синдириши билан бармоқлари қаттиқ бир нимага тегиб, дарров фаҳмлади: демак, бу ерда бир гап бор, фақат биров кўриб қолмаса бўлгани. У атрофига аланглади, хайтовур жандарм Ришар шеригининг ёнига чиқиб кетувди.

Собиқ қиролича яна бир зум сабр қилди-да, кейин оқ нон орасидаги кумуш ғилофчани тортиб олди, унинг ичидаги хуфиянома мазмуни куйидагича эди:

“Эртанги окшомда, айни мана шу пайтда, яъни қўлингизга ушбу қоғоз теккан маҳали ҳозирланасиз ва сергак турасиз. Негаки, худди шу соатдақиқада камерага бир аёл яширинча киради. У сизнинг уст-бошингизни кийиб, ўзиникини сизга беради: содиқ дўстлардан бири йўл бошлайди ва бошқа либосда Консьержери дарвозасидан чиқиб кетасиз.

Кираверишдаги хонадан шовқин-сурон, бақирик, дод-вой эшитилгудай бўлса ҳам, зоти олиялари, асло парво қилманг, сизнинг ўрнингизда қолувчи жувоннинг кўйлаги ва мантильясини тезроқ кийишга ошиқинг”.

– Эй Парвардигор, марҳаматингга ва садоқатни яратганингга шукур! – шивирлади қиролича. – Демак, ҳали ҳам мени яхши кўрувчилар бор экан.

Шоша-пиша яна бир карра ўқиб чиққан асира хатдаги сўнгги жумла устида ўйланиб қолди.

– Дод-вой эшитилса ҳам асло парво қилманг... Ё, тавба, бундан чиқди, ясовулларнинг боши кетади... Ахир, иккала шўрлик кўнглимга қараган бўлса, уларнинг ғамхўрлиги... Йўқ-йўқ, ҳеч қачон!

У қоғознинг очик қолган қисмини йиртиб олди, лекин қалами йўқ, жавобни нимада ёзади? Топди: қиролича ёқасидаги тўғноғични олиб, харфларни ўйиб-ўйиб, шундай деб ёзди:

“Менинг ҳаётимни сақлаш эвазига ўзга ҳеч бир инсоннинг қурбон бўлишини маъкуллай олмайман ва бундай бадални қабул қилишим мумкин ҳам эмас! М.А.”

Қиролича жавоб хуфияномасини ноннинг ярмига жойлаб, саватга қўйганида, соат ўнга жом чалинди. Ана шу дамда хонанинг аёллар ҳовлисига қараган деразасидан худди олмосда ойна кесилаётгандай бир овоз эшитилди. Яқиндан келаётган бу шириллаш ортидан ойнани кимдир тўкиллатиб, бегона кулоқ пайқамаслиги учун устма-уст йўталиб ҳам қўйди. Ҳеч кутилмаганда дераза бурчагида жажжи ўрама қоғоз пайдо бўлиб, ичкарига думалаб тушди... Ҳайрат билан кузатаётган қиролича аниқ эшитди: кимнингдир калитлари жиринглаб, йўлакдаги қадам товушлари узоқлашиб борарди.

Дераза четидан ойнатешар пармада тиркиш очилган, киритилган қоғозда қандайдир сирли ёзув бўлиши эҳтимолдан холимас. Асира пойлоқчилар тарафга кулоқ тутди, ҳайтовур, улар ўзаро суҳбат билан андармон ва қироличани безовта қилиш хавфи йўқ. Мария-Антуанетта юрак ютиб, дераза томонга борди-да, полда ётган қоғозни олди.

Қоғоз орасидан ниҳоятда нафис, ўткиргина жажжи арра чиқди: у билан энг камқувват, нимжон қўл ҳам йўғон темир таёқни чорак соатда кесмоғи мумкин.

“Эртага кечки соат тўққиз яримда аёллар ҳовлиси тарафдаги деразага бир киши келиб, жандармларингиз билан гаплашади. Ана шу пайтда, ҳазрати олиялари, дарчанинг темир панжарасидан ўнгаги учинчисини арраланг... Уни қуйисидан қирқасиз, бунга ўн беш дақиқа етиб ортади. Сўнгра деразадан чиқишга шайланиб турасиз... Сизга ушбу таклиф билан энг содиқ ва ишончли фуқароларингиздан бири мурожаат этмоқда, *зоти олиялари, у ўз умрини буюк маликасининг хизматига бағишлаган, вали-неъмат бегойими* учун қурбон бўлмоқни эса мангу саодат деб билади”.

– Ўзинг асра, Худойим, – деди қиролича, – менга тузоқ қўйган бўлсалар-чи? Лекин дастхат Тамплда мен кўрган пинҳоний хатларга ўхшайди... Буни шевалье де Мезон Руж ёзган... Тангрим ўзи озодлик йўлини очмоқда.

XLIII. ДИКСМЕРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

Тонг отди. Қонли кун бошланди десак, муболаға бўлмайди. Ўша йили ва худди ўша мавсумда ҳатто куёшнинг доғи ҳам қизариб, қон сачраганга ўхшарди.

Қиролича безовталаниб, кўз юмиб-юммади: киприклари илинди дегунча, тушида қон селдай тошиб, дод-фарёд сурони эшитилаверди... Тонгга қадар жимитдай аррани қўлидан қўйгани йўқ. Кундузи бутун вақти ибодат билан ўтди: аммо соқчилар унинг дуо ўқиётганини кўп бора кўрганлари боис бунга эътибор беришгани йўқ.

Ҳар замонда аррачага зимдан қараб-қараб қўяди. Тасодифни кўринг: дарча панжаралари пастки тарафидангина пайвандланиб, юқоридаги учи

ёғоч саррофга қоқиб қўйилибди. Демак, темирнинг куйиси арралангач, тепадаги учини суғуриб олиш мумкин. Қироличанинг тайсаллаши эса осон ё қийин деган монелик устида эмас, арралаш қўлидан келади, албатта. Бироқ айнан ана шу имконият унинг наздида умидларини қонли ёнғинга айлантириб, йўлини такқа тўсиб турарди. Ахир халоскорлари унинг олдида кириш учун жандармларни ўлдирадими? Иккала соқчи инсоний муомала-муносабати билан дардли дилига оз бўлса-да, малҳам қўювди, энди кўз олдида уларнинг қатл этилишига қиролича икки дунёда розилик беролмасди.

Айни чоғда, панжарани арралаб, икки мурдани хатлаб ўтса, уни бир эмас, учта мужда кутиб турибди: ҳаёт, эрк ва интиқом. Тўғри, юрагининг тубида тобора алангаланаётган қасос гулхани, яъни ўч олишдай гуноҳи азим учун ҳамиша тазарру қилиб, Тангридан афв сўрайди. Аёл наздида жандармлар тайёрланаётган фитнадан беҳабар, агар билсайди, қиролича уларнинг хатти-ҳаракатидан сезарди, албатта.

Унинг ишончи комил, ташқаридан тузоқ қўйилган эмас ва қўлга тушиб шармисорлик тамғасини орттириш маломати ҳам йўқ. Энди фақат ўзига ёмонлик қилмаган инсонларнинг қони тўкилишидан қўрқарди.

– Ажаб қисмат, таажжуб ҳангома, – кўнглидан кечирди собиқ зоти олиялари. – Қироличани, тўғрироғи, шўрлик асирани қутқариш учун икки ёқлама уриниш бир вақтга мўлжалланса-я! Ваҳоланки, халоскорларни на йўлдан уриш ва на рағбатлантиришга заррача қодир эмасман... Истасам бас, қутулиб кетишим мумкин, бироқ ўрнимга бошқа бир аёл қатл этилади!.. Унга қадар ҳам яна икки қурбон!.. Йўқ, бу қонлар учун мени Худоям, келажак ҳам кечирмайди! Иложи йўқ, бунинг асло иложи йўқ!

Ана шу дамда Мария-Антуанеттанинг тафаккурини мозий машғали ёритиб юборди: ахир, салтанат удумида илоҳий ва абадий анъана бор эди-ку! Ривоятларда авомнинг ҳукмдорга чексиз садоқати, тож-тахт соҳибларининг эса ўз фуқаролари жонига ҳақдор экани айтилган эмасмиди?

– Агарда менинг ўрнимда ҳозир Анна Австрийская бўлса, тождорлар ҳаётининг дахлсизлигига оид ушбу улугвор, кўхна удумни иккиланишлардан устун қўйган бўларди, – фикрлай бошлади Мария-Антуанетта. – Анна Австрийская менга ҳам қондош, ҳам кулфатдош... Франция қироличаси бўлиш ва ўша марҳуманинг фожиона қисматиға ворислик қилиш телбалик эди! Бироқ мен ўз ихтиёрим билан келмадим. Икки юртнинг эгалари битишган-қўйган: “Шундоқ қудалашайликки, ҳеч қачон кўришмаган, ўзаро аҳду паймон қилмаган ва балки бундан кейин ҳам бир-бирини севмайдиган бўлса-да, бир меҳроб тўрида икки қиролзода фарзандларимиз тақдири туташсин ва куни битса, ягона кундага бош қўйсин!” Хўп, мен ўлдим-кетдим, бироқ менинг қатлим бечора боламниям бошига етади-ку! Ахир у дўстларимиз наздида Франциянинг расмий қироли саналмайдими?.. Отаси каби ўғлим ҳам ўлдирилса, икковнинг руҳи мендан мангу норози бўлади! Чунки калтабинлик қилиб, авомга мансуб икки кишининг қонини аяганман-да, Авлиё Людовикдан мерос муқаддас тахтни ўз қонимга бўяб, кейинги кулфатларга гўё йўл очганман...

Ана шундай қарама-қарши ҳаёллару, изтироблар қийноғидаги киролича кунни кеч қилди. Соқчилари ҳар дамгидан ҳам илтифотли. Лекин зулмат қўйнида турманинг ваҳшатли қиёфаси янада яққол намоён бўлиб, халоскорлар тайинлаган муҳлат яқинлашгани сайин Мария-Антуанеттамас, муштипар асира, унинг аёлларга хос умиди уйғонди.

– Озодлик! Озодлик! – хитоб қиларди унинг зада бўлган, қонга тўлган юраги. – Кетаман! Кетганим бўлсин! Улар келади, деразадан жандармлар билан сўзлашаётганда, мен панжарани қирқавераман... Кейин халоскорларим нима деса – ўша! У ёғига Худо подшо... Мен лоақал болаларим учун ҳам ўзимни асрашга мажбурман! Уларни қатл этолмайдилар, агар ўлдирсалар... Мен озод бўлсам... ҳар қалай...

Қиролича у ёғини айтилмади, бунга тили бормасди. Уйқу ғолиб келиб... Тушлари фақат даҳшат, тез орада панжара-ю, ғовлар барҳам топди. Кўзи юмилган қиролича ўзини беаёв ва қудратли кўшиннинг бошида кўрди. Фармон берармиш: ҳаммаёқни ёндиринг, қиличлар қинда қолмасин. Мана энди французлардан ўч олади...

Биринчи бўлмадаги Жильбер ва Дюшен қизғин суҳбатлашиб, кечки тамаддига тараддуд кўришарди.

Диксмер ва Женестьева эса ҳар кунгидай Консьержери котибининг хужрасидан жой олишди. Турманинг котибият мудирини улар келгач, бир соат ишлади-да, хайрлашиб, икковини холи қолдирди.

Унинг ортидан эшик ёпилиши биланок Диксмер остонага қайтариб қўйилган саватга интилди. Синдирилган яримта нон орасидаги жавобни ўқиб, ранги ўчди, қоғозни майдалаб, ловиллаётган каминга ташлади-ю, хотинига юзланди:

– Женестьева, сизга айтадиган гапим бор.

Тошдай ҳиссиз аёл итоаткорона маъсумалик билан эрининг қошига келди.

– Айта қолинг.

– Интиқомим туфайли шармисорликда ўлгандан кўра аллақанча одамлар дуо қилиб, йиғлаб қоладиган ажални маъқул кўрасиз-а?

– Ҳа.

– Сизни ўйнашингизнинг уйида сўйиб ташласам бўларди. Бироқ ҳаётимни пок ва муқаддас бир ишга бахшида этганман, ўзимнинг бахтсизлигим ҳам ана шу улуғвор мақсадга наф келтириши зарур. Шунинг учун қалбимдаги адолат ҳукмини ижро қилганим йўқ, сизгайм, ўша жазманингизгайм шафқат юзасидан...

Женестьева мийиғида кулгандай бўлди, йўқ, бу кулги эмас, таҳдид эди чоғи.

– Энди ўйнашингиз масаласида... феълимни биласиз, хонаси келади, ўшанда ўзим биламан.

– Мен тайёрман, – деди Женестьева бетоқат оҳангда. – Нега гапни чўзаясиз?

– Ҳа-а, сиз тайёرمىсиз?

– Албатта. Сиз мени ўлдираркансиз, гуноҳқорман, бунга ҳаққингиз бор. Қўлингиздаги ажалимни кутиб турибман.

Диксмер хотинига қараб, юраги қалқиб кетди: муҳаббатдан масрур Женестьева шу туришида ниҳоятда гўзал эди.

– Қироличани огоҳлантирувдим, лекин саркашлик қилиши мумкин, сиз эса уни кўндирасиз.

– Буюринг – бажараман!

– Ҳозир эшикни тақиллатаман, ясовуллардан бири очади, манави ханжар билан, – Диксмер фракнинг ўнгарини очиб, дудамани қинидан ярим суғурди, – уни дарҳол бўғизлайман.

Женевьеванинг ранги ўчиб, лаби титрай бошлади, Диксмер қўли билан ишора қилди: “жим!”

– Мен уни тинчитгач, сиз ичкаридаги қироличанинг хонасига отиласиз. Ўртада эшик йўқ, парда бор, холос: иккинчи жандармнинг масаласини ҳал қилгунимча, сиз қиролича билан уст-бошингизни алмаштирасиз. Сўнгра қироличанинг қўлидан тутиб, бу ердан олиб чиқиб кетаман.

– Жуда соз, – деди Женевьева совуққина.

– Зоти олиялари эгнингиздаги мантильяга чулғаниб, гўё сизга айлансин. Бунга ўзингиз уддалашингиз зарур. Тушунарлими?

– Худди айтганингиздай қиламан.

– Демак, видолашиш қопти, холос: алвидо, сизни кечирдим ва раҳматлар айтаман.

– Мухтарам жаноб, – деди Женевьева ҳиссиз табассум билан қўлларини кўкка чўзиб. – Мен на кечиримингизга, на раҳматингизга зор эмасман, даркори йўқ. Ҳозирги хизматим ҳар қандай жиноятни ювишга қодир эканига ишонаман. Ваҳоланки, менинг гуноҳим жиноятмас, иродасизлик эди ва мана энди обдан эслаб кўринг-чи: шу иродасизлигимга ўзингиз йўл очганингиз йўқмиди? Мен ундан ўзимни тортардим, сиз эса унинг бағрига итаришни қўймадингиз, бинобарин, шу тобда бир ўзингиз учта ролни ижро этмоқчисиз: ҳам жиноятга йўлловчи ғаламис, ҳам ҳақиқатни юзага чиқарувчи кози, ҳам ҳукми ижро этувчи жаллод. Офарин сизга, тақсирим! Алқисса, сизмас, мен кечиришим, қоним ёқангиздан тутмаслигини тилашим керак. Энди раҳматларингизга келсак, у ҳам ўзингизга сийлов: жонимни олаётганингиз учун сизга минг-минг ташаккур. Негаки, жонимдан ортиқ суйган маҳбубим билан ҳижронда яшар эканман, бу ҳаёт менга керакмас, ўлдирганингиз афзал... Ёвуз интиқомингизни рўқач қилиб, мени у билан туташтирган ришталарнинг барини узиб ташлаган экансиз, яшамайман, яшолмайман!..

Бу таъналар Диксмерни ёндириб юборди, ўзини қаёққа уришни билмай, жавоб айтишга тили лол эди. У бир амаллаб ўзини қўлга олди:

– Вақт кутиб турмайди, ҳозир ҳар сония ғанимат. Хўш, тайёрмисиз?

– Айтдим-ку, амрингизга мунтазирман, – Женевьева жаллод измидаги маҳкумадай бепарво эди, энди унга икки дунё бир қадам!

Диксмер хат-хутларини йиғиштирди ва эшикни тортиб кўриб, яхши беркилганига, биров ҳужрага кира олмаслигига ишонч ҳосил қилгач, Женевьевага тағин жаврай кетди.

– Оғзингизни чарчатаверманг! – шартта кесди жонидан тўйган жувон. – Яхши биламан, ҳамма гапингиз қулоғимда.

– Ундай бўлса, видолашамиз.

Диксмернинг наздида олий мақсад йўлида қурбон бўлмоқ шарафига чоғланган сўнгги лаҳзаларда таъна-ю адоватларга гўё ўрин йўқ: у хотинига қўл чўзди, Женевьева эса титроқ бармоқларининг учинигина тегизди.

– Ёнимда туринг, – буюрди Диксмер. – Тақиллатаман ва эшик очилган ондаёқ ичкари хонага отиласиз.

– Мен тайёрман.

Диксмер белидаги дудам ханжарнинг сопидан тутиб, камера эшигини тақиллатиш учун қўл кўтарди...

XLIV. ШЕВАЛЬЕ ДЕ МЕЗОН РУЖНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

Қиролича қамалган хонанинг остонасидаги бу тараддуд чоғи, хибсхонанинг қарши тарафидаги аёллар ҳовлисида бўлак бир тадорик бошланди.

Қоронғиликдан икки итни эргаштириб, кимдир чиқиб келди. У ўша кунлари оғизга тушган “Са іга” қўшиғини хиргойи қиларкан, қироличанинг деразаси олдидан ўтаётиб, қўлидаги калитлар билан темир панжарани енгил сидириб қўйди.

Асира зоти олиялари сапчиб турди, юраги ҳаприкиб, ҳовлидаги киши халоскори эканини фаҳмлади. У тезда деразани очиб, ишга киришди: бегойимга темир арралаш нотаниш эмасди. Мархум эри гоҳо чилангарликка саъй қилар, Мария-Антуанетта ҳам баъзан устахонага кириб қоларди. Ўшанда нозик қўллари бунақа асбобларни тутган ва шу топда жажжи арра билан ўз озодлигига йўл топа олади, албатта. Қиролича ҳозирланганини пайкаган ҳовлидаги киши дархол жандармлар хонасидаги деразани чертди.

– Ҳа-а, ўзларими, фуқаро Мардош? – деди ичкаридан ташқарига боққан Жильбер. – Қалай, кўнглингиз тўлдими, ҳар ҳолда ухлаб ётмаган эканмизми?

– Албатта, – мақтов оҳангида таъкидлади Мардош. – Алалхусус, бу кеча сергак турмасак бўлмайди-да.

– Нима гап? Тинчликми ўзи? – хушёр тортди Дюшен.

– Деразани очинглар, гап бор.

Жильбер деразани очиб, ҳовли тарафдаги зиндонбонга қўл узатиб сўрашди ва қизикди:

– Қани, янгиликлардан эшитайлик-чи, фуқаро Мардош.

– Ие, ҳали ўқиганларинг йўқми? Конвентнинг йиғилишида жуда калтис масалалар кўрилипти. Фуқаро Эбер аниқлаган кори ҳол баридан хатарлироқ экан.

– Хўш-хўш?

– Аллақачон ўлдига чиқарилган ғаламислар соппа-соғ, ўйнаб-кулиб юрганмиш.

– Делессар ва Тьеррими? – сўради Жильбер. – Иккови Англияга кочворган дейишарди...

– Шевалье де Мезон Ружни-чи? – Мардош қироличага эшиттириш учун атай овозини кўтарди.

– У ҳам Англияга кетувдими?

– Ҳеч-да, Франциядан бир қадам жилганмас, – янаям қаттиқроқ гапирди Мардош.

– Қайтиб келгандир-да, – бу Жильбер эди.

Мардош:

– Айтдим-ку, Париждан чиққан эмас...

Айни шу дамда қироличанинг арраси кучлироқ ғириллади: ташқаридаги зиндонбон оёқларига суйканаётган итни бор кучи билан тепган эди, унинг ангиллаши арранинг товушини босиб кетди. Кўнгли ўрнига тушган Мардош итга пўписа қилди:

– Оғзингни юм, лаънати Жирондист!

– Ие, итингнинг оти Жирондистми, фуқаро Мардош?

– Шунақа, бир хаёлимга келиб, шу лақабни қўйибман... Ҳа-я, Эбер австриялик хотинни яна Тамплга қайтариш таклифи билан чиқибди.

– Сабаби нима?

– Чунки Эбернинг гумон қилишича, асирани Коммунанинг назоратидан олислатиш учунгина бу ёққа кўчирилган эмиш.

– Аммо аксинча, Мезон Ружнинг ғаламислигидан сақланиш учун бўлса-чи? – деди Жильбер эътироз оҳангида. – Ахир ерости йўли шунга далил-ку?

– Генерал Анрио ҳам худди шу гапни айтди. Бироқ фуқаро Эбернинг фикрича, етарли эҳтиёт чоралари кўрилган, ортиқча хавфсирашнинг ҳожати йўқ: бинобарин, Мария-Антуанеттани Тамплда кўриқлаш осонроқ. Менимчаям, Эбер ҳақ бўлса керак.

– Қанийди, асирани Тамплга олиб кета қолсалар, – деди Жильбер.

– Дарвоқе, сизларгаям қийин-да, а?

– Йўқ, тўғриси, шу аёлга кўп ачинаман.

Мезон Руж каттиқ йўталиб олди, темир таёққа чуқурроқ ботган арра яна ғирчиллади.

– Хуллас, баҳсда бир тўхтамга келишдими? – деди Дюшен ҳамкасбининг йўтали босилгач.

– Ҳозирча уни кўчирмайдилар, судни тезлаштиришмоқчи.

– Бечора аёл, – деб қўйди Жильбер.

Чамаси, Дюшеннинг қулоғи дингрок бўлиб, ниманидир пайқагандай сергакланди ва бунга кўзи тушган Мардош уни чалғитиш учун янада қизишиб, каттиқ-каттиқ гапира кетди:

– Ўзинггаям аён, фуқаро Дюшен, бундан кейин аксилинқилобий унсурларнинг талвасаси хуружга келаверади, ўз ғарази йўлида ҳеч нимадан тап тортмайди. Икки-уч хисса сергак турмасак, жандарм жаноблари, энди иложи йўқ. Улар ҳатто Консьержерига куч билан ёриб кириши мумкин, қироличанинг... яъни бева Капетнинг йўлини тўсадиган ҳеч кимни аямайди, отади, сўяди...

– Албатта, бизлар ҳам бўш келмаймиз! – деди Жильбер.

Дюшен уни қувватлади:

– Керак бўлса, хизмат ўрнимизда асл республикачи сифатида жон фидо қиламиз!

“Яқин орада арралаб бўлади”, – кўнглидан кечирди Мардош манг-лайидаги муздай томчиларни сидириб. Соат тўққизга бонг уриб, жандармларнинг эшиги тақиллади. Жильбер унга парво қилмай, Мардошга юзланди:

– Сизлар ҳам каттиқ туришингиз керак. Айтганингиздай, бир гап бўлса, пешанангизни силашмайди, ахир.

– Албатта, – бош ирғади Мардош. – Ўшанинг учун ҳам тунлари тентирайвераман: сизлар икки кишисиз, навбат билан ухлаб оласиз. Менга уйку қаёқда?

Эшик яна тақиллади. Мардош қотиб қолди, арзимаган нарса унинг режасини чиппакка чиқариши мумкин-ку! Тили зўрға айланиб, ўз кўнглини тинчлантирмоқчи бўлди:

– Қаранг-чи, нима гап?

– Ҳеч гап йўқ, – жавоб берди Жильбер. – Қамокхона қотиби кетаётганини бизга билдириб қўймоқчи.

Бироқ қотиб тақиллатишини қўймасди.

– Эшитдим, фуқаро қотиб, – деди Жильбер дераза олдида турган ҳолича. – Яхши боринг! Хайр!

Эшик ортидан овоз келди:

– Фуқаро жандарм, бир дақиқага қараворгин, гапим бор.

Овоз Мезон Ружга таниш туюлиб, ҳушёр тортди.

– Нима дейсан, фуқаро Дюран? – сўради Жильбер.

– Икки оғиз, холос.

– Эртага айтарсан.

– Жудаям зарур.

Мардош шошиб қолди. “Диксмернинг овози-ку! Бирор гап бўлдимикан?” – деган ўй келди ҳаёлига.

– Начора, – қулочини керди Жильбер, – шунчалар зарур экан, эшикни очамиз, илож йўқ.

Жандармларнинг ҳаёли бўлиниб, Жильбер эшикка қараб юргач, Мардош кутилмаган имкониятдан фойдаланиб, кўшни деразага ошиқди.

– Бўлдими? – ҳовлиқди у.

– Ярмини кесдим, – деди қиролича.

– Худо ҳаққи! Шошилинг! – шивирлади Мезон Руж.

У ёқдан Дюшен чақириб қолди:

– Қайга кетиб қолдинг, фуқаро Мардош?

– Рўпарангда турибман-ку! – ўқдай изига қайтди қироличанинг ҳалоскори.

Аммо у жандармлар деразасига етган чоғда ичкаридан даҳшатли чинқириқ ва қинидан суғурилган қиличнинг жаранглаши эшитилди.

– Қароқчи! Аблах! – ҳайқирди Жильбер.

Даҳлизда жанг бошланди. Шу пайт эшик очилди-ю, Мардош остонада икки кишини кўрди: улар бир-бирига ёпишган эди, Дюшенни туртишдида, қандайдир аёл парда ортидаги қироличанинг хонасига отилди.

Дюшен шеригига ёрдам бергани интилди.

Ташқаридаги зиндонбон – Мезон Руж асиранинг деразасига ўтиб, панжара орасидан ичкарига мўралади. Ҳалиги аёл қироличанинг пойига тиз чўкиб ёлворарди:

– Зоти олиялари, менинг уст-бошимни кийинг, ўтинаман, эгнингиздагини менга беринг!

Мардош-Мезон Руж уни яхшироқ кўриш учун энкайди-ю, аламли ох урди:

– Женестьева! Женестьева, ахир...

Қиролича аррани қўлидан тушириб юборди, унинг пахтадай оқарган юзида тириклик аломати йўқ эди: яна бир уриниш барбод бўлди, энди ҳаммаси тамом!

Сохта зиндонбон иккала қўли билан панжарага ёпишиб, жонининг борича силкитди, бироқ пўлат таёқ чала кесилгани боис ўрнидан қўчгани йўқ.

Шу талотўпда Диксмер-Дюран жандарм Жильберни ичкарига суриб ташлаган эса-да, ўзи қиролмасди, негаки, Дюшен бутун гавдаси билан эшикни итариб турарди. Диксмер бир амаллаб интилиб, қия эшикдан қўлини сукди: бармоқлари маҳкам қисган ханжар камарнинг мис тўқаси ёнидан ўтиб, жандармнинг кўксига санчилди. Лекин у Дюшеннинг мундиринигина кесиб, биқинини енгил тирнади, холос.

Хийла ўзини тутган иккала жандарм энди яқдиллик билан эшикни суриб, тинмай кичқирарди:

– Ёрдам! Ёрдам беринглар!

Диксмернинг билагини синдиришлари аниқ: у эшикни елкаси билан қаттиқ туртди ва мажақланаёзган қўлини тортиб олди. Ўша ондаёқ эшик қарсиллаб ёпилгач, Дюшен лўкидонни сурди-ю, Жильбер калитни буради.

Парда ортидаги хонада эса шовқин зўрайди – зиндонбон қиёфасидаги киши панжаранинг темир таёғини қўпориб олувди. Яшиндай ичкарига кирган Жильбер бир аёл қиролича қошида тиз чўкиб, кийим алмаштиришни илтимос қилаётганини кўрди.

Дюшен карабин ўқталиб, деразага ташланди ва панжара орасидаги тирқишдан кирмоққа талпинаётган одамни нишонга олди.

– Ўлдир мени! – деди жонфидоликка чоғланган йигит ва кўксини тутиб берди. – От! Отавер!

– Шевалье! – дод солди қиролича. – Шевалье! Хоки пойингиз бўлай, шевалье, бундай қилманг, яшанг! Мен ўламан, сиз яшанг!

Мария-Антуанеттанинг оху зорига жавобан Мезон Руж шуурсиз ҳолда тиз чўкди ва шу ҳаракати унинг ҳаётини сақлаб қолди: Дюшен тепкини босувди, ўқ унинг бошини четлаб ўтди.

Дераза ортида Мезон Руж кўринмай қолгач, Женестьева дўстини ўлди деб ўйлаб, беҳуш ағдарилди.

Ўн дақиқадан сўнг икки комиссар бошчилигидаги ўттиз аскар етиб келиб, Консьержери авахтаҳонасини роса титкилашди, аммо шубҳали бировни тополганлари йўқ.

Ҳарбий вазирлик котиби дарвозага хотиржам келди ва оромкурсида ястанган Ришарнинг олдидан кулганча ўтиб, турмадан чиқиб кетди.

Сохта зиндонбон эса айюҳаннос билан йўлакда пайдо бўлди:

– Ёрдам! Ёрдамга! Соқчилар!

Ясовул олдини тўсмоққа найза ўқталиши билан итлар орага олиб, кекирдагига ёпишди.

Балога қолиб, ҳибсга олинган биргина Женестьева эди.

(Давоми келгуси сонда)



Хорхе Луис БОРХЕС

(1899–1986)

БОҶИЙ ОДАМ

*Рус тилидан
Маҳкам МАҲМУДОВ
таржимаси*

Лондонда, 1929 йилнинг июнь ойида смирналик антикварь Жозеф Картафил княгиня Люсенжга Поп (Александр Поп) “Илиада”сининг олти жилдлигини таклиф этди. Княгиня китобларни харид қила туриб, антикварь билан икки оғиз суҳбатлашган. Княгинянинг айтишича, ўша одам хорғин, тақир ердай курукшаган, кўзлари қорамтир, хуллас, бировнинг назарига тушмайдиган, эсда қолмайдиган киши экан. У бир қанча тилда осон гаплашар, лекин сўзлари равон эмас экан; у инглиз тилида гапира туриб, тез французчага, сўнг Салоникида қўлланиладиган испанчага, ундан кейин Макаода ишлатиладиган португалча сўзлашга ўтибди. Октябрь ойида княгиня “Зевс”да келган бир кишидан саёҳат вақтида Картафил ўлганлигини ва уни Иас оролида кўмганларини эшитибди. “Илиада”нинг охириги томида мана бу қўлёзма бор экан.

Қўлёзманинг асли инглизчада, лотинча сўзлар аралаштириб ёзилган. Ҳозир сизларга шу қўлёзманинг тўлиқ таржимасини ҳавола этамиз.

* * *

Ёдимда, бу воқеалар Юз дарвозали Фива шахрида, Гекатомфилос боғларидан бирида, Дисклетиан императорлик қилган кунлари бошланган эди. Миср урушларида қатнашиб, шуҳрат топмаган, Қизил денгиз ёқасидаги Беренкиза жойлашган легионда трибунлик қилаётган пайтларим эди. Шамширга зўр бериш иштиёқида ёнган кўпчилик сафдошларим сариқ безгакка ва сеҳр-жодуга учраб, адо бўлишди. Мавританияликлар тор-мор келтирилди; исён кўтарган шахарлар жойлашган ерлар абадулбад Плутон мулкига айланди; мағлуб Искандария беҳудага Цезардан ёрдам сўрарди. Легионлар ғалаба қозониши учун ярим йилдан камроқ вақт кетди, мен бўлсам Марс юзига ҳали дурустроқ қараганим ҳам йўқ. Уруш маъбуди мени сийламади, зафар бермади, шунинг аламига бўлса керак, мен дахшатли, адоксиз саҳролар орасига яширинган боқийлар шахрини кидиришга тушиб қолдим.

Боя айтганимдай, ҳаммаси Фивада, боғда юз берди. Тонгда уйғондим; кулларим уйкуда, теваракдаги сарғимтир қумларга монанд ой сарғиш нур таратар эди. Шарқ томонда ҳорғин, ҳолдан тойган ва қонга беланган бир суворий яқинлашиб келарди. У менинг ёнимга бир неча қадам қолганда отдан ағдарилиб, йиқилди. У лотин тилида, заиф, лекин ташна товуш билан шаҳар деворларини ювиб чайқалаётган дарёнинг номи нима, деб сўради. Мен унга бу Миср дарёси, у ёмғир сувларидан кўпаяди, деб жавоб бердим. “Мен бошқа дарёни излаяпман”, – маъюс гапирди мусофир, “яширин, ғайб дарёсини излаяпман. Унинг кўксида қора қони жилғадай оқарди”.

Мусофир ўзининг Ганг дарёси ортидаги тоғлар орасида туғилганлигини айтди, у ёкдагилар мағрибга қараб бораверилса, ер тамом бўлган жойда одамларни ўлимдан халос этувчи дарё борлигига ишонар эканлар. У яна айтдики, ернинг охирида бошдан-оёқ миноралар, томоша майдонлари, эҳромлардан иборат “Боқийлар шаҳри” бор. Мусофирнинг жони узилганида ҳали тонг шафағи таралмаганди ва мен ўша дарёни ва ўша шаҳарни излаб топишга аҳд қилдим. Асир маврларнинг баъзилари жаллод қийноғи остида мархум мусофирнинг ҳикоясини тасдиқловчи аллақандай гапларни эсладилар. Аллаким, оламнинг охирида Елисей водийси борлигини, у ердагилар бениҳоя узок яшашини айтди. Кимдир – Поктол дарёси бошланадиган чўққиларда юз йил яшайдиган одамлар борлигини айтди. Римда мен шундай файласуфларни топиб гаплашдимки, улар одам умрини узайтириш – унинг ажал талвасасини узайтириш ва одамни қайта-қайта ўлдиришдир, деб ҳисоблар эдилар. Ўшанда “Боқийлар шаҳри” борлигига бирор лаҳза ишондимми, йўқми, билмадим, аммо мазкур шаҳарни топиш хаёлимдан нари кетмас эди.

Биз Арсиноядан чиқиб, оёқ остини куйдирадиган қумликларга келиб қолдик. Сўнг ҳали гапиришни билмайдиган, илон еб тирикчилик қиладиган триглотитлар мамлакатидан ўтдик. Сўнг, гарамантлар юртидан ўтиб, Авгила ерларига етдик. Биз кундузлари йўловчиларнинг жизғанагини чиқарувчи, фақат кечалари юриш мумкин бўлган қорақум чўлларида ўтдик. Баҳри муҳит номи билан аталадиган тоғ чўққиларини кўрдим, ўша тоғ этакларида заҳарнинг кучини қирқувчи молочай ўсади, юқорида эса ваҳший ва кўпол эркаklar яшайди. Бундай махлуқларга она бўлган диёрда биз излаган ажойиб шаҳар бўлишига ақл бовар қилмасди. Йўлимизда давом этдик – ортга қайтиш уят эди. Баъзилар ҳушидан оғиб, ойга қараб ухлашар, безгак уларни адо қилган эди. Бошқалар идишлардаги сасиган сув билан бирга телбалик ва ажал шарбатини ичдилар. Сафимизда қочоқлар кўпайди, исён ўт ола бошлади. Ғалаённи бостириш учун энг аёвсиз чораларни кўришга мажбур бўлдим. Сира иккиланмай, йўлимни давом эттираётганимда посбон жангчилардан бири хабар бердики, исёнчилар хочга тортилган дўстлари қасдини олиш учун мени ўлдиришга аҳд қилишибди. Шундан сўнг бир неча содик жангчиларимни олиб, лагердан қочишимга тўғри келди. Саҳрода, ҳудудсиз қумтепалар, узун кечалар орасида ҳамроҳларимни йўқотиб қўйдим. Критлик бир жангчи отган ўқидан жароҳатландим. Бир неча кун сув тополмай сарсон бўлдим, эҳтимол жазирама иссиқ ва ташналик туфайли бир куним бир

неча кун бўлиб кўрингандир? Отимнинг жиловини бўшатиб, ўз ҳолига ташлаб қўйдим. Тонг ёришганда уфқда эҳром ва миноралар ўрмони пайдо бўлди. Кўзимга шаффоф ва пастак лабиринт ва унинг ўртасида сув тўла кўза кўриниб, мени қийнар, лабиринт йўлаклари шу қадар чалкаш ва маккор эдики, кўзага етишолмай, жоним чиқиши аниқ бўлиб қолди.

Ниҳоят, мен бу даҳшатли босириқдан қутулиб, кўзимни очган эдим, ўзимни тоғнинг ўйдим-чукур ёнбағрида, қабрдан унчалик фарқ қилмайдиган, узун туйнукда ётганимни кўрдим. Туйнукнинг четлари нам тортган ва инсон қўлидан кўра вақт сайқаллагандай силлиқ эди. Юрагим кинидан чиқиб кетгудай типирчилар, ташналикдан ичим ёнар эди. Ташқарига қараб, заифгина қичқириб юбордим. Тоғ этагида лойқа дарё ўзанидаги чўкиндилар ва ахлатлар оралаб, сассиз оқиб ётарди; унинг нариги соҳилида эса ботаётган ёки чиқаётган куёш нурларида ярқираган “Боқийлар шаҳри” кўзга ташланарди, бу худди ўша, мен излаётган шаҳар эканлигига шубҳа йўқ эди. Мен шаҳар деворларини, ариқларини, пештоқлари ва майдонларини кўрдим: шаҳар пойдевордай тош майдон устида қад кўтарган эди. Тоғ ёнбағрида, водийда меникига ўхшаш юзлаб қийшиқ тош туйнуқлари бор эди. Қумликда саёз кудуқлар кўринарди. Ана шу аянчли тешик-туйнуқлардан кулранг баданлари яланғоч ва патак соқолли ғалати одамлар бирин-сирин чиқиб келишарди. Мен уларни танигандай бўлдим: улар Арабистон кўрфази соҳилларига ва ҳабашларнинг ғордай уйларига босқин қилиб турадиган ваҳший ва шафқатсиз троглодитлар қабиласидан эдилар; улар гапиришни билмаслигига ва илон еб тиркичилик қилишига ҳеч ким ажабланмас эди.

Ташналик қийнаб юборганидан вужудимга журъат кирди. Чамалаб кўрдим: кумлоқ соҳил мендан ўттиз фут нарида эди, қўлларимни орқасига қайириб боғлаб, ўзимни пастга, қияликка ташладим. Қонга беланган юзимни лойқа сувга ботирдим. Худди сувлоққа келган ёввойи ҳайвондай, узоқ сув ичдим.

Шундан буён неча кеча-ю, неча кундуз ўтганлигини билмадим. Ғорга қайтишга кучим етмас, бахтсиз ва яланғоч аҳволда номаълум соҳилда ётардим, ой ва куёш қисматимни мазах қилаётганига парвосиз эдим. Ёш болақайлардай гўл ёввойи троглодитлар эса менинг соғайишимга ҳам, ўлишимга ҳам ёрдам беришмасди. Мени ўлдириб қўя қолинлар, деб, уларга беҳуда ялинардим. Бахтим кулган кунлардан бирида ўткир қоя тошга ишқаб, қўлим боғланган арқонни уздим-да, эртасига ўрнимдан турдим.

Ўлмас одамларни тезроқ кўргим, “Боқий шаҳар” девор-тошларига тезроқ қўл теккизиш истаги шундай кучли эдики, кўзимдан уйқу қочди. Худди менинг ниятларимни сезишгандай, ёввойилар ҳам безовталаниб қолишди: аввало шуни сездимки, улар мени зимдан кузатишяпти; сўнг менинг безовталигим уларга кўчганини кўрдим. Ёввойилар манзилгоҳидан ғала-ғовур авж олган пайтда чиқиб кетишга аҳд қилдим. Кун ботиш олдидан ёввойилар барча тешик-ёриқлардан бошини чиқариб куёшнинг сўнгги нурларига кўзлари қамашиб қарар эдилар. Сўнг чўкиндилар тўсиб ётган жилғадан кечиб ўтдим ва шаҳар томон йўл олдим. Икки ё уч эркак бикиниб кетимдан келарди. Улар (қабиланинг барча аъзолари каби) пак-

пакана бўлиб, кўрқувдан кўра жиркантирарди одамни. Кўзимга кўринган шаҳар ва саҳронинг ўзи ҳам шу қадар менга бегона, ёввойи эдики, беихтиёр, орқамдан келаётган ёввойини кўриб, ҳатто қувониб кетдим. Кўзимни чирт юмиб, бедор бўлиб тонгни кута бошладим.

Саҳрода тунлар одатда совуқ бўлади. Аммо ўша тун ўтдай қизиган эди. Тушимда Фессалиядан мен томон дарё оқиб келарди. Ўша дарё мени қутқариш учун оқаётганди. Сарик қумда, қоратош устида ётарканман, дарёнинг яқинлашаётганини эшитдим. Ана шу салқиндан ва ёмғир шитиридан уйғониб кетдим. Тун тугаб борарди; сарғиш, булутлар остида бутун қабила аъзолари худди менга ўхшаб роҳатбахш ёмғир томчиларига баданларини тутиб, яйрашаётган эди.

* * *

Ўша куни ҳаммаси равшан бўлди. Троглодитлар ўлмас одамлар экан: лойқа қум оқими – ўша суворий излаган дарё экан. Ганг соҳилларигача шуҳрати таралган шаҳар эса тўққиз аср илгари вайрон бўлган экан. Унинг вайроналари ва харобалар устида ўтган даврда мен кўрган маъносиз иншоотни тиклашибди, шаҳар бўлиб шаҳармас, оёғи осмондан келган аллақандай тасқара нарса – айни вақтда бу дунёни бошқараётган илоҳлар шаънига тикланган қаср ҳам эди. Бу илоҳлар ҳақида бизнинг бор-йўқ билганимиз шуки, улар одамларга ўхшамайдилар. Мазкур шаҳар Ўлмас одамлар қўл урган охириги маъжозий асар бўлиб, шундан сўнг улар ҳаётида янги давр бошланган: Ўлмас одамлар ҳар қандай фаолият самарасиз эканлигини тушунгач, фақат тафаккур билан, мушоҳада билан чекланиб яшашга қарор қилишибди. Ўзлари бино қилган иншоотларни ҳам эсдан чиқариб, ғорларга кетиб қолишибди.

Шуларнинг ҳаммасини менга Ҳомер худди ёш болага гапиргандай айтиб берди. Ўзининг қаригандаги ҳаётини, охириги саёҳатини гапириб берди. У худди Улиссга (Одиссейга) ўхшаб, денгизни билмайдиган, гўштни тузламайдиган, қайиқ эшкаги нималигини тасаввур қилолмайдиган одамларни излаб йўлга чиқибди. У Бокийлар шаҳрида юз йилча яшабди. Шаҳарни вайрон қилишгач, Ҳомер бошқача шаҳар қуришни таклиф этган экан. Ажабланарли жойи йўқ: у аввал Троя урушларини васф этган, кейин эса каламушлар ва қурбақалар жангини ёзган.

Ўлмайдиган одамнинг ҳаёти зерикарли, инсондан бошқа барча тирик мавжудотлар ўлмасдир, чунки улар ўлим нималигини билишмайди: ўзини Бокий деб ҳис этиш эса ҳам илоҳий, ҳам даҳшатли: ақл бовар қилмайди. Дунёда жуда кўп ва хилма-хил динлар борлигига қарамай, ўлмаслик туйғуси ниҳоятда кам учрайди. Яхудийлар, христианлар ва мусулмонлар боқийликка ишонадилар, аммо улар ўзларининг биринчи, ердаги ҳаётларини қандай ҳурматлашларига қараб, фақат шунисига ишонишади, деб ўйлайман. Чунки, улар эътиқодича, нариги чексиз дунёдаги ҳаётда аввалги ҳаётда қилган савоб ёки гуноҳ ишлари учун мукофотланадилар ёки жазоланадилар. Ҳинд халқи эътиқод қилган баъзи динлар менга оқилона кўринади. Уларнинг ишонишича, инсон ҳаётининг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ. Ҳар бир тирик жон ҳаёти аввалги ҳаётнинг давоми, келажакдаги ҳаётнинг манбаи, ҳомиласидир, улардан бирортаси якка ўзи ҳаёт кечирмайди...

Асрий тажрибалар билан куролланган “Боқийлар диёри” ҳамма нарсага бирдай менсимасдан қараш бобида ниҳоятда такомилга етган. Улар чексиз асрларда ҳар бир одам ҳаётида ҳар қандай воқеа юз бериши мумкинлигини билишади. Ҳар бир одам ўтмишдаги ёхуд келажакдаги фазалатлари учун лутф-марҳаматга сазовор. Худди қимор ўйинларида ютуқлар ва ютқизиклар тенглашиб қолганидай. Боқийлар орасида ҳам истеъдодли ва хашаки одамлар баъзан тенглашиб қолади, бир-бирига қўшилиб йўқолиб кетади. Мен шундай одамларни биламанки, улар қилган ёмон ишлар келгусида яхши ишларга олиб келган ёки аксинча, ёмонлик ўтмишдаги яхши ишларнинг оқибати бўлган... Агар ҳамма нарсага шу тахлитда қаралса, барча ишларимиз ҳам адолатли, айнаи ҳақиқатда адолатсиз бўлиб чиқади. Зотан, бу ишларда на маънавий, на ақлий мезонни топиш мумкин.

Ҳомер “Одиссея”ни ижод этган. Аммо чексиз вақт кенгликларида вазиятларнинг жуда кўп ва чексиз комбинациялари шароитида бошқа бирор шоир “Одиссея”ни яна ёзмайди, деб ким айта олади?

Ҳамма нарса ўрнига тушиб кетади, деган дунёқараш Боқийларга ҳар томонлама таъсир қилган. Аввало, улар ҳамдардлик қобилиятини йўқотган. Дарёнинг нариги ёғида тош конлари борлигини айтган эдим. Боқийлардан бири энг чуқур конга йиқилиб тушибди. У ўлиб ўлолмас, кутулиб кутулолмас, аммо ташналикдан азобланар экан. Бу ёқдагилар унга арқон ташлагунларича етмиш йил ўтибди. Боқийлар ўзларининг қисматига ҳам бефарқ қарашарди. Улар бамисли хонаки ҳайвондай бўлиб қолган, ойига бир-икки соат уйқу, бир неча қултум сув, бир парча ортган гўшт бўлса кифоя эди уларга.

Лекин бизни мутлақ тарки дунё қилган одамлар экан, деб ўйламаганлар. Биз учун энг олий лаззат фикрлаш бўлиб, жон-дилимиз билан мушоҳадага берилардик. Аҳён-аҳёнда бирор фавқулодда ҳодиса ҳаёлимизни бўларди, холос. Чунончи, ўша тонгги ёмғирдан оддий ва энг қадимги лаззатни ҳис этдик. Аммо, бундай ҳаёлдан чалғишлар камдан-кам эди; барча Боқийлар тўла-тўқис хотиржамликни сақларди: шулардан бири, энди эсладим, ҳеч қачон ҳатто ўрнидан турмасди; унинг кўксига қуш уя қуриб олганди.

Дарёда бирор нарса йўқки, уни жойига келтирадиган акси бўлмаса, деган ақида назарий жиҳатдан унчалик қимматга эга эмас. Аммо худди шу ақида туфайли биз X аср бошида, эҳтимол охирида, ер юзига тарқаб кетдик. Биз бундай ҳулосага келдик. Модомики, дунёда боқийлик бахш этувчи дарё бор экан, ана шу боқийликни ювиб ташловчи дарё ҳам бўлиши керак-да. Ер юзидаги дарёлар миқдори чексиз эмас: Боқий одам дунё бўйлаб кезиб, барча дарёларнинг сувини тотиб кўрди. Биз ана шу дарёни топишга аҳд қилдик.

* * *

Сўнг мен янги подшоҳликлар ва салтанатларни айланиб чикдим. Самарқандда, зиндон ҳовлисида кўп марта шахмат ўйнадим. Буканорада мунажжимлик қилдим. Бохемияда ҳам шу иш билан шуғулландим. 1638 йилда Коложварда, сўнг Лейпцигга бўлдим. Обиварда 1714 йилда “Илиада”нинг 6 томига ёзилдим; уни қайта-қайта ўқиб лаззатланганим эсимда. 1729 йилда поэманинг келиб чиқиши ҳақида риторика муалли-

ми бўлган бир профессор билан бахslashдик, далиллари анча ишончли кўринди. 1921 йилнинг 4 октябрда “Патна” кемасида Бомбейга кетаётган эдим. Кема Эрибрея соҳилида тўхтаб ўтарди. Эрта тонгда ана шу соҳилга тушиб келдим: Қизил денгиздаги бошқа тонгларни эсладим. Ўшанда Рим трибуни эдим, жангчиларим безгакдан, жоду-афсундан ва ҳаракатсизликдан тутдай тўкилаётган эди. Шаҳар яқинида бир тиник жилғани кўриб одатим бўйича, унинг сувидан ичдим. Қирғоққа чиқиб олганимда дарахтнинг тиконли шохи кафтимни тилиб юборди. Фавкулодда қаттиқ оғриқ ҳис қилдим. Кўзларимга ишонмай, ғаройиб мўъжизага – кафтимдан аста сизилиб чиққан қон томчисига бахтиёр қараб қолдим. “Яна оддий, бошқаларга ўхшаган одамман”, такрорладим ўзимча. Ўша кечаси эрталабгача ухладим.

Бир йилдан сўнг шу ёзувларни кўздан кечирдим. Ҳаммаси тўғридай эди: аммо биринчи бобда ва бошқа бобларнинг баъзи бандларидаги ёзувлар сохта кўрина бошлади. Эҳтимол бунга ортиқча тафсилотлар сабабчидир. Бундай ҳол шоирларда бўлади, сохталик ҳамма нарсани оғулайди: чунки ортиқча тафсилотлар иш устида кўринади, аммо хотирада эмас... Аммо, менимча, бунинг бошқа чуқурроқ сабаби ҳам бор. Мени хаёлпараст деб ўйласангиз ҳам майли, лекин кўнглимдагини айтаман.

Мен айтиб берган ҳикоя шунинг учун хаёлий, нореал кўряптики, унда бир-бирига ўхшамаган икки кишининг бошидан ўтганлари тасвирланмоқда. Биринчи бобда суворий Фива шахри деворларини юваётган дарё номини билишни истади. Фламиний Руф эса бу шаҳарни аввал Гекатомфилос деб атади, дарёни эса – Миср дейди. Бу иккала ном унга эмас, Ҳомерга тегишлидир. Шоир “Илиада”сида Фивани Гекатомфилос деб атади. “Одиссия”да эса Протей ва Улисс Нилни – Миср дарёси дейишади. Иккинчи бобда римлик саркарда юнон тилида бир неча сўз айтади; бу сўзлар ҳам Ҳомерники, машҳур денгиз кемалари саналган жойдан шу сўзларни топиш мумкин. Сўнг римлик киши ақл бовар қилмас қасрдаги бемаъниликни қоралайди, ҳатто “виждон азобига”га ҳам қолади. Бу сўзлар ҳам бир вақтлар ана шунақа даҳшатли шаҳарни тасвирлаган Ҳомерга тегишли. Мана шунга ўхшаш чалкашликлар мени ташвишга солди. Бошқа ноаниқликлар бадииятга тегишли бўлиб, ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беради. Сўнгги бобда ана шундай ноаниқликлардан менинг Стэмфорд кўпригида жанг қилганим, Булоқда Синдбоб саёҳатларини баён этганим, Абердинда Александр Попнинг “Илиада”сига ёзилганим айтилган. Ўша жойда гап орасида “Буканорда мунажжимлик қилдим, Боҳемияда ҳам шу иш билан шуғулландим”, дейилади. Бу баёнотлардан бирортаси ёлғон эмас; лекин умумий матндан ажралиб туриши қизиқ. Биринчи гувоҳлик, чамаси, ҳарбий одамга тегишли, аммо, кейин маълум бўлишича, уни ҳарбий ишлар эмас, инсон тақдири қизиқтиради. Шундан кейинги фикрлар бундан ҳам қизиқ. Номаълум, лекин оддий бир сабаб билан уларга тўхталиб ўтишга мажбурман, чунки бу гаплар жуда маъноли. Ўша сўзлар римлик Фламиний Руф тилидан эмас. Ҳомер тилидан айтилганида маъноли чиқади. Шуниси ғаройибки, Ҳомер ўн учинчи асрда Синдбод, яъни, бошқа бир Улисснинг саёҳатларини ёзади. Ўзининг “Илиада”сида тасвирланган нарсаларни кўп асрлар ўтиб, варварлар тилида гапиришадиган

Шимолий подшоликда топади. “Буканор” сўзи қўшилган гап эса, кўриниб турибдики, адабиётни яхши билган, ёрқин сўзни яраклатиб ишлатишга ташна одам томонидан айтилиши мумкин.

Умр охирлашган сари хотиралардан қиёфалар ўчиб, фақатгина сўзлар қолади. Ажабланарли жойи йўқ, мен учун бир вақтлар муҳим ва рамзий бўлган сўзлар ҳам вақт ўтиши билан чалкашиб кетиши мумкин. Ўша сўзлар кўп асрлар давомида менга ҳамроҳ бўлган кимсанинг тимсоллари эдилар, холос. Мен Ҳомер эдим, тез орада Улиссга ўхшаб, ҳеч ким бўлиб қоламан: кўп ўтмай ҳаммага айтаман, яъни дунёдан ўтаман.

1950 йил. Юқоридаги ҳикоя эълон қилинганидан сўнг матбуотда пайдо бўлган изоҳлардан энг қизиқарлиси – доктор Наум Кордоверонинг захар-заққум қаламидан тўкилган ва библияча “Қуроқ, чойшаб” деб сарлавҳаланган мақола бўлди. У юз саҳифага яқин бўлиб, юнон муаллифларидан ва сийқа лотинча матнлардан олинган парчалар ҳақида гап боради. Ўз замондошлари асарларини Сенека жумлаларидан таниб олувчи Бен Жонсон Александр Россинг “Вергилий инжили”, Жорж Мур ва Элиот усуллари ва ниҳоят, антикварь Жозеф Картафилга нисбатан берилган қиссаларни эслайди. Мақола муаллифи ҳикоянинг биринчи бобида Плинийдан, иккинчи бобда – Томас де Куинсидан, учинчи бобда – Декортнинг элчи Пьер Шанга мактубидан, тўртинчи боби – Бернард Шоудан олинган кўчирмаларни топади. Муаллиф ана шу кўчирмалар ёки ўғриликларга асосланиб, бутун ҳужжатни (вокеий ҳикояни) куфр деб топади.

Менимча, бу хулоса жоиз эмас. “Умр охирлашган сари, – деб ёзади Картафил, – хотиралардан қиёфалар ўчиб, фақатгина сўзлар қолади”. Ана шунақа. Ўз уяларидан сакраб чиққан, майиб-мажруҳ бегона сўзлар – мана қаҳрамонимизга лаҳзалар ва асрлардан теккан арзимас хайр-садақа.



Абдусaid КЎЧИМОВ

ОРОЛ – ОДАМ

1

Ўзим ҳам таажжубдаман: Орол деса – Ўрозбой Абдурахмон, Ўрозбой Абдурахмон деса – Орол келаверади хаёлимга. Бўлмаса, Оролни умримда атиги бир мартагина кўрганман. Уям бўлса, 1985 йил бўлиши керак, раҳматли домламиз, “Оролни асраш” деган жамғармани ер юзида биринчи марта, биринчи бўлиб ташкил қилган адабиётшунос олим ва жамоат арбоби Пирмат Шермухамедов таклифи билан, “Новый мир” журнали уюштирган экспедиция баҳонасида. Саҳродаги кемалар қабристонни, шап-потдай деразаларини белига довуру кум босган пастак уйлар, сувсизликдан барглари қовжираб ётган бир жуфт гужум... Эсимга тушса, ҳалиям юрак зирқирайди. Ўрозбой оғам билан эса ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бу ёғига ака – жўра мақомидамиз. Аммо, барибир, одам билан денгизнинг бир-бирига ўхшатилиши ўзимга ҳам ғалати туюлади.

Ёзувчилар боғидаги 15-коттежни ижарага олишимнинг бош сабаби ҳам Ўрозбой оғамнинг шу ердалиги бўлувди. Бирга-бирга айланамиз, гурунглашамиз, чойлашамиз, деб орзу қилувдим. Бироқ, келишим билан карантин балоси бошланди-ю, ҳамма уй қамоғига тушиб қолди. Оға билан икки мартами, йўл-йўлакай дуч келдик, аммо иякдан кўзгача ниқоб бўлгани туфайли мундоғ – одамга ўхшаб сўзлашганимиз йўқ.

Дўрмон боғлари мардумлари қул қилиб опкетилган овулдай кимсасиз – ҳувуллайди. Ҳаммаёкда ваҳима, шов-шув: телевизор, радио бетиним жавраб, кўркувингга керосин сепеди, телефонга қараб бўлмайди – қарасанг, лабингга учуқ тошгудай: анов мамлакатда мунча одам касалланди, буни-сида мунча одам ўлди, мунча минг кишининг аҳволи оғир, мунчасиники ўта оғир...

Бегона тугул, ўзингниқилар билан учрашмоқчи бўлсанг, минг андишага борасан. Айниқса, ҳадеб олтишдан ошганлар эҳтиёт бўлсин дейишаверса, жон ширин бўлиб кетаркан. Худдики, эшикдан чиқиш билан аллақандай ёввойи махлуқ томоғингдан ғиппа бўғиб қўядигандай. Боғдаги сукунат ҳали айтганимдай: кулфланган бесўнақай темир дарвозага осиглиқ “КАРАНТИН!” ёзуви қоғиб олгудай хунук. Уч қаватли, бир қаватли “корпус”лар бўм-бўш – дам олувчилар битта қолмай чиқариб юборилган. Ижодкор тугул, қоровул ҳам кўринмайди. Коттежларнинг дарвозалари ҳам туну кун берк – эгаси кўчиб кетгандай. Ниҳоят, кечадан

бошлаб унда-мунда одам кораси кўзга ташлана бошлади. Фарғоналик боғбон Давлатбой сигирини, шоир Кўчқор Норқобилнинг жияни Рафиқ кўйларини етаклаб-ҳайдаб чикди. Мен ҳам нима бўлса бўлар деб, ҳали хўрозлар қичқирмай, аста дарвозани очдим.

Мартда ёкқан қалин қор чамандай очилган гилос гулларини қовжиратиб-қувратиб, ток барглари қорайтириб-сўлжайтириб ташлаганига қарамай, баҳор бокка бор сепини ёйган; атроф ям-яшил, дарахтлар остида, ариқ бўйларида оқ-қизил, мовий-бинафшаранг майса-чечаклар – карантин-парантин билан ишлари йўқ – барқ уриб яшнаб турибди. Олисда оппоқ қорли тоғлар ялтирайди, мовий осмон шу қадар тиниқки, унинг чексизлигини кўриб узоқроқ термилишга кўрқасан. Оч-пушти гулли бир сиқим ўтни юлиб олдим, вей, ҳидини! Бунақасини бошқа ерда топиш қийин. Гулларни ҳидлаб-ҳидлаб Абдулла ака билан Зулфия опамизнинг дала ҳовлисидан ўтиб, Дўрмоннинг асосий “корпус”ига етай деганимда, бурилишдан Ўрозбой Абдурахмон билан Файзулла Салаев кўриниб қолди. Икковиям қорақалпоқнинг узун ва озгин йигитлари эмасми, шамол тебратган кўш теракдай чайқалиб, судралиб келяпти. Ё, тавбангдан! Кўчадан, ҳа, кўчадан келишяпти! Икковининг қўлидаям елим халта, халталаридан баклашкаларнинг “дўппи”си кўриниб турибди. Ўрозбой оғамнинг кўзи менга тушган ҳамоно:

– Ҳов, Абдисайит, аман-совмисиз?! – деб юборди бўш қўлини ўрдакнинг қанотидай силкитиб. – Неча марта эшигингиздан ўтдим, ҳар ўтганда чақирайин, дейману...

– Мен-чи? Уч марта бордим, дарвозангиз тақа-тақ берк.

– Бизни кампир вирус кириб кетади деб, дарвозани қулфлаб юради.

– Сахарлаб “от-от” экан-да! – баклашкаларга ишора қилиб қулдим мен.

– Ҳов, сут бу, сут! – ҳадаҳа жавоб берди Ўрозбой оға. – Свежий. Азанда бормасанг, қуруқ қоласан. Казашка апай бор Арғинда. Уникидай сут дунёда жўк.

– Ҳалигача апайнинг сутини ичиб журуппиз, денг?

– Шундай-шундай... – деди-ю, ҳазилимни энди тушуниб, қиҳ-қиҳлаб қулиб юборди. – “Дежурний” аптекага ям кирдик. Мановни аялиға дари олдик.

Шу тарзда дўхтирлар айтгандай, бир-биримизга суйкалмай, гоҳ ёнма-ён, гоҳ олдинма-кейин эниб кетдик. Табиийки, ҳозир бутун дунё халқларини қаттиқ ўйловга солиб турган “тождор” ёв – Ковид-19 пандемияси суҳбатнинг бош мавзусига айланди.

– Жуда жаман буватир бу пандемия. Энг бақувват давлатлар ҳам қийналватир, – ташвиш билан гап бошлади Ўрозбой оға. – Интернетни титкилаб, ўргандим. Адамзат тарихинда 18 марта коронавирус инфекцияси тарқалган экан. Биринчиси, Юстиниан вабоси дейилган. Вабо XI–XII асрларда пашти бутун ер юзини ўраб олган. Юз миллионгача одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Иккинчиси “қора ўлим” ўлати. Ўлат XIV асрда Хитойда бошланиб, Европага кирган. 34 миллион одам ҳалок бўлган.

Мен қаердадир, 1850, 1918, 1919 йилларда миллионлаб одамларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган, ер юзидаги 550 миллион кишига юққан вабо ва испан гриппи ҳақида ўқувдим. Аммо, Хитой аввал ҳам пандемия уяси бўлганини эшитмаган эканман.

– Сизни билмадим, лекин мен шу тождор ўлатни кўршапалагу илондан тарқалганига ишонмайман.

– Мендаям шубҳа бор, – сўзимга қўшилди Ўрозбой оға. – Тагин Худо билади. Ўлат, ўлат-да. Бир нима деб бўлмайди. Мана, “чўчка гриппи”. Мексикада болалаб, жаҳонни қамраб олган. Ёки 1961 йилдаги вабо. Индонезияда пайдо бўлган ва 1970 йилгача кетмаган. Африкадаги элликдан зиёд мамлакатга азоб берган.

Умунан, XIX асрнинг бошидан то ҳозирги кунгача 7 та вабо пандемияси қайд этилган.

Салаев деярли гапирмади. Унинг ҳаракатлари энди соғайган одамникидай сўлгин кўринди менга. У елимхалта тутган томонига бироз эгилиб, тиканзор оралаб бораётгандай эҳтиёткор қадам босар, Ўрозбой оғанинг сўзларига ҳам эътибор бермаётгандек туюларди. Ўрозбой оға шошилмай, лаънати тождор вируснинг гўрига гишт қалаб бўлганидан сўнг, янги комедия ёзгани, уни Кўчқор Норқобил, Эркин Аъзам ва яна бировлар ўқигани, ҳозир Миллий театрнинг қайсидир режиссёри танишаётганини айтди. Сиз ҳам ўқиб берсангиз дегандим, деди. Хўп, дедим. Кечроқ кўришадиган бўлдик...

2

Дўрмонда бўлганлар билади: ўртада боғ, боғ атрофи битта отарава сиққулик айлана асфальт йўл. Йўлнинг бир тарафида коттежлар; бошқа тарафида уч қаватли бино, Зулфия опа билан Абдулла аканинг дала ҳовлиси ва қуруқ “суяги” қолган эски иссиқхона. Аҳли ижод икки-учтадан бўлволиб, кўпинча шу ерда сайр қилади. Биз ҳам ёзилмаган анъанани давом эттириб, ўйдим-чуқур йўлда секин кетиб боряпмиз. Март ойи тугаб, кунлар анча илиб қолганига қарамай, шом салқини баданни жунжиктиради. Боғда биздан бошқа одам йўқ. Оғиз-бурнимизгача ниқоб. Оғамни кенжа авлод қавмларидан бирови ранжитган, шекилли, учрашган заҳоти нолиб қолди:

– Манов жигитларни тушуниб бўмайди. Ўқиган, дунёдан хабари бор. Бирақ, адап жўқ, одамгарчилик жўқ. Ҳурматни билмайди. Бундай вақтимда катта ёзувчини кўрсам, узоқдан салом бериб, бир четда кутиб ўтирар эдим ўтиб кетишини. Мановлар... Ё, Аллахим, танкага ўхшаб тўғри устингга бостириб келади-я! Салом бермасанг, бурилиб қарашниям эп билмайди ўзига.

– Замон сенга боқмаса...

– Ақсақал (оғам телевизорда ишлаган кунларимиздан буён гоҳ-гоҳ исимим ўрнига “ақсақал”ни қўллаб туради. Биламан, самимий айтади. Мен бўлсам, қариб қолгандай сезавераман ўзимни), ундаймас, – бўғилибгина тўнғиллаб қўйди у. – Заман жайинда. Одам айниди. Очкўз. Беадап. Беоқибат бўп кетди. Срази бойиб кетса, катта амалдор бўп қолса. Айб ўзимизда. Кўп неларни бой бериб қўйдик.

Оғамнинг кайфиятини тузатмоқ учун шунчаки:

– Инсоният пайдо бўлганидан бери энг оғир муаммо бу. Аммо, натижа нўл. Кўнгилни кенг қилайлик, – деб қўйдим.

Ўрозбой оға ер остидан менга саволли қараб олди. Энди бу қарашида бошқа – завқли бир маънолар ҳам зоҳир эди.

– Бугун иккита телефон бўлди, – деди теран овозда. – Икковиям хурсанд қиладиган. Биринчиси, қудам бор, Содик Раҳмонов, тошкентлик. Эрталаб рассомлар академиясига чақириб, народный художникликка тавсия қиламиз, дейишибди. Тўғри бўпти иним, тарозининг икки палласи энди тенг бўлади, ахир, ўзинг ўйлаб кўр, бир қуданг народный писатель бўлса-ю, иккинчиси простой бўлса, тўғри келмайди-да, деб ҳазиллашдим.

– Рассом қудангиз борлигини билмас эканман.

– Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг шогирди. Жуда талантили художник. Аҳмаровга ўғлидай эди. Фарзанди йўқлигиданми, ўз боласидай яхши кўрарди. Кейин туёғимсан деб уйи, устахонаси, китоблари – ҳаммасини бериб кетди мерос қилиб. Аҳмаров миниатюра устаси эди-ку. Қудам ҳозирги вақтда устозининг пропагандисти. Устози тўғрисида китоб ёзди. Художниклар китоб ёзмайди. Қудам ёзди. “Чингиз Аҳмаров маҳобатли рангасвир асосчиси” деган. Суратли китоб. Китобни жўғаридаги танишларга қандай етказамиз, деб менга маслаҳат солди. Карантин бир яқли бўлсин, борамиз, дедим. Қабул қиладима, йўқма, билмайман, аммо энг катта идорагаям бирга борамиз. Ҳеч бўлмаса приёмнийгами, проходнойдаги мелисагами ташлаб келамиз, дедим.

Шу ўринда бир нарсани эсладим. Китобида “Муқаддас оила” деган картина бор, Абдулла ака, Абдулла Ориповнинг оиласи ҳаққида, удивительный картина. Расм, расммас – тирик одамлар. Шу картинасини битириб, телефон қилди, Абдулла аканикига бориб, бирга топширайлик, деб. Нукуса эдим. Ўзинг бор, оға жуда мамнун бўладилар, дедим. Борибди. Абдулла ака операция бўлиб, энди Туркиядан келган экан. Бирам хурсанд бўлди, бирам суюнди, вой вў-ўй, хижолатлар бўп кетдим, дейди бечара қудам. Кейин картинани нега чизганини сўйлаб берди.

Аҳмаровнинг китобларини варақлаб ўтирганида, раҳматли Абдулла аканинг отаси билан онасини сурати чиқиб қолибди. Устозим буларни чизишни ният қилган ёки бошлагану, битиролмаган бўлуви мумкин, энди мен шогирд сифатинда битказиб берайин, депти. Суратни бир кўрсангиз, вай-вўй, классик. Италиянинг Джотто ва Мазаччо деган буюк мусаввирлари асарларидек сеҳрли, монументаль. Мен “Амударё” журналининг муқовасига чиқариб юборганман.

Ўрозбой оғам “Муқаддас оила”ни таърифлаётганида, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг иккинчи қават деворларига ишланган суратлар ҳаёлимда жонлангандек бўлди. Ана, тоғларни тешиб, чўлга сув келтирган жасоратли севгилиси Фарҳоднинг ҳимматини кўришга ошиққан Ширин, канизлари билан ариқ бўйида турибди. Ойнаи жаҳонда кўриб, ғойибона ошиқ бўлиб қолган Фарҳод эса маҳбубасига меҳр ва ҳаяжон билан термилмоқда. Бошқа томонда гўзалликда тенги йўқ Дилоромнинг афсонавий сиймоси; муҳаббат ўтида ёнган ошиқ қалблар – Лайли ва Мажнун изтироблари... Навоий ҳазратларининг шоҳ асари “Хамса” дostonларига ишланган сувратларнинг ҳар бири – бир дoston. Қайсидир рассомнинг ижодий кечасида академик Ҳамид Сулаймоннинг: “Чингиз Аҳмаров “Шарқ Рафаэли”, Бехзоддан сўнг монументаль тасвирий санъат

оламида ҳеч ким эришолмаган чўққини забт этган мусаввир” дегани ҳозир яна бир марта эсимга тушди.

– Яна битта кучли художнигимиз бор эди. Жўлдасбой. Талантли ҳайкалтарош. Миллати қозоқ. Кегайлида туғилган. Скульптураси классик. Табиатни чизади. Оддий нарсадан гўзаллик топади. Ижоди фақат гўзаллик ҳаққинда. Ишлари Осиё, Европа музейларида турипти. “Амударё” деган даҳшатли асари бор. Ҳозир Савицкий номидаги Давлат санъат музейидаги асарларнинг энг зўри. Гўзал аёлнинг ёғоч ҳайкали. Бир кўрганда унча тушунмай, бунингизнинг нимаси Амударё, Жўлдасбой оға, десам, “Сен ўйланиб қара, тушунмасанг, Ибройим оғангни шеъри бор “Ҳайкалтарошга” деган, шуни ўқи”, деди. “Ҳайкалтарошга”ни топиб ўқидим. Кучли, фалсафий шеър. Жўлдасбой оғанинг шу асари таъсирида ёзилган экан. Ўзи яратган ҳайкалга ошиғу беқарор бўлиб қолиб, уйланмай ўтган ҳайкалтарош ҳаққинда. Художник фалсафасини ана шундан кейин англадим.

Жўлдашбой оға ўтиб кетди. Олдин кампири, кейин ўзи. Ўлганда буякда эдим, боролмадим.

– Иккинчи хурсандчилик нима эди?

– Ҳа-ҳа, булми? Бул сенсация! – жавоб берди баланд чўққига байроқ қадаган альпинист ифтихори билан. – Бир йигит бор, Олимжон, авто-электрик. Кашфиёт қилди. Булутларни тўплаб, ёмғир ёғдиратирган. Ўзиям неча ўн йиллар тинмай изланди. Дастлаб ўрислар билан ишлади. 1980 йилги Москва олимпиадасида методи қўлланди. Энди Оролни ўн икки йилда тўлдираман, деб турипти. Сенсация! Мировой сенсация!

Оролдан гап кетганда, Ўрозбой оғамнинг бошқача одамга айланиб кетишини кўп кўрганман. Эсини танигандан буён денгиз тақдирига куйиб-пишишларини яхши биламан. Денгизини деб не-не олиму амалдорлар билан “ёқалаш”гани, ўзига қанча-қанча душманлар орттирганидан ҳам хабарим бор. Денгиз ҳақида илиқ фикрлар эшитса чинордай ўсиб, эшитмаса тупроқдай эзилишлариям менга аён. Ҳозир эса мен ҳеч қачон кўрмаган сеҳрли қувонч оғушида маст эди у.

– Йўғе-е... Қуруқ осмонда булут пайдо қиладими?

– Бундай метод бор. – Изоҳлади оғам. – Хитойда, Исроилда, Лотин Америкасида. Фақат уларники химия. Буники – физика. Физикада, бояғи, ион, ионизация деган нарса бор-ку, Олимжон шу ионлардан фойдаланиб, булут пайдо қилатирган аппарат яратган. Ионизация – атмосферани ионлаштириш орқали булут ҳосил қилади. Ихтиросидан кейин, раҳмат ўрнига, роса сарсон қилишди бечарани. Интернетда кўриб қолиб, срази хат ёздим. Олимжон, сира қайтманг. Мен ҳеч қачон қайтмаганман, ҳаммаёғим тепкидан моматалоқ бўлгандаям қайтмаганман, деб. Фақат менга тушунтириб беринг, менинг қўлимдан қандай ёрдам келиши мумкин сизга? Олимжон ихтиросини олимларга олиб боргани, бири жамиятнинг деса, бошқаси бўлмади дегани, охири Инвестициялар деган министрликка топширгани, министрлик фанлар академиясига жўнатгани кабиларни айтиб берди. “Ҳамма иш академияга бойланиб қолди. Бошим қотиб турибди” деди. Академия президенти Бехзод Йўлдошевни мукофот топшириш маросимида кўрган эдим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев

аввал унга, кейин менга берувди унвонни. Шунда бирров табрикловдим. Менинг танишлигим бор-йўғи шу эди. Гап Орол тўғрисида борганда шу танишликнинг ўзи менга етиб ортади, хатто, сафсем танимасам-да, боратирган эдим. Шартта кириб бордим. Зўр киши экан, дарров қабул қилди, чой ичиб, суҳбатлашишга вақт ажратди. Қувватлаймиз, бундай лойиҳа жуда керак деди, ёрдам берди. Аммо, барибир, масала ҳал бўлмади. Академия қувватлаб турган ишга энди Нукус қарши чиқди. Нидамиш, ёмғир ёғаверса, тўхтатолмай, сув босиб кетармиш ҳаммаёқни.

Яна Бехзод Йўлдошевга хат ёздим, оға, қўллагасангиз бўмайтиган бўп турипти, дедим. Бехзод ака нафақат йирик олим, катта-катта ҳарфлар билан ёзиладиган ИНСОН экан, юзтача олимни йиғиб, мажлис қилиб, бўлади, давай, бошланглар, деган команда берди. Бирақ... – Келинг, шу скамейкада озгинча дам олайик.

Йўл четида, тизза бўйи ўтлар орасида мунғайиб турган тахта скамейкага ўтирдик. Олдинга энгашиброқ ўрнашган Ўрозбой оға чуқур-чуқур нафас олди. Чап кўкрагини оҳиста силади.

– Инфарк юки, кўпроқ юриб қўйсам “ҳовлиқма”, деб бўғади. – Бошини орқа ташлаб, бир дақиқа индамай турди. – Бояғи хурсандчиликнинг сабаби шуки, Инвестициялар вазирлиги 8 миллиардми, 10 миллиардми маблағ ажратадиган бўлибди.

– Ў-ў! Ювиш керак!

– “Қоратов” бор. Отасизми?

– Жон дердиму, дорихўрлик қиялман-да.

– Ичмайман мен ҳам. Хумор қилганда қараб-қараб кўяман, холос.

– Дўхтирлар тақиклаб қўйган кунларнинг бирида раҳматли устозимиз Абдулла ака, Мавлон акадан сўраган экан, Мавлон Бобожонович, пиёлангиздагининг таъми ҳозир ҳам қадимгидайми, деб.

Оғам булкиллаб кулди.

– Менга дўхтирлар ичма, ичсанг ўласан, деган, – деди ҳорғин тортиб.

– Куним носвойга қолди.

У кўйлагининг кўкрак чўнтагидан нос олиб, капалакнинг қанотидай қоғозга ҳафсала билан, шошмай ўради. Бармоқлари орасида авайлаб думалоклади.

– Бизда талантлар кўп, – деди носни оғзига ташлаб. – Олимжон шуларнинг бири. Унга Худойим берган.

– Модели бирон ерда синалганми?

– Синалган. Зоминда, Оролда. Аппаратини қўйса, булутлар тўпланиб ёмғир томчилай бошлайди. Унинг ишига ҳозир дизенфикация қиладиганлар бор-ку – вирусологлар, ўшалар қизиқиб қолишган. Дизенфекция дегани химия – турган битгани заҳар, буники физика, беэиён. Олимжоннинг айтиувича, ҳозир дунёни 37 мамлакатда тожли вируснинг калласини олиш устида илмий иш кетяпти – барисиники химия. У бўлса, вирусни ўраб, димиқтириб ўлдирмоқчи.

Тўғриси айтсам, носкашларнинг суҳбатини ўлгудай ёмон кўраман, Биринчидан, гапига тушуниб бўлмайди; иккинчидан, гапирганда нос-тупук бетингга сачрайди; учинчидан, оғзининг бир бурчагидан оқувчи яшил сўлак кўнглингни айнитади. Ўрозбой оғамда эса, ё тавбангдан, на

ғўлдираш бор, на бошқаси – оғзида куртми, туршакми бордай, холос. Гаплаiriam ўша-ўша – равон, аниқ. Носкашларнинг академигиям бундай маҳорат билан нос чекмаса керак.

– Бу кашфиёт хитойларнинг қулоғига етса борми, эртагаёқ Олимжонни долларга кўмиб ташлайди, бизга сот, деб. Олимжон ватанпарвар, сотмайди, сотилмайди.

– Қойил.

– Ўзи оддий автоэлектрик. Автомобиль аккумулятори бўйича инженер. Ўша институтни тамомлаган. Худо хоҳласа, ҳали чақираман, кўрасиз. Скромний. Нукусда танишганмиз. Анав апаратыни синаш учун чўлга электр олиб бориш керак экан. Нукус ҳукумати рухсат бермабди. Оролнинг кетидан чоғиб юрганмни билиб, мени қидириб топди. Режасини эшитиб, ўзимни йўқотиб қўяй дедим. Бавурум, деб қучоқлаб олдим. Электроцетда мўйноқлик Зийнатдин деган йигит бор эди, Орол бандиси, шунга олиб бордим. Денгизимга нафи тегса, Қозоғистонга десанг ҳам тортиб бераман кабелни, менга қарор-парор керакмас, деб ишга киришиб кетди. Тажриба зўр ўтди. Бийдай чўлнинг қоқ белига апаратыни қўйди. Биз турибмиз бетоқат бўлиб. Бир маҳал, саҳродай ҳувуллаган осмонда сайғоқ тўдасидай булутлар кўринди. Тўдалар бирпасда кўпайиб, катта подага айланди, еру жаҳонни куйдираётган қуёш юзини тўсди ва “тасиратусир” билан ерга тушган катта-катта томчилар неча ўн йиллардан буён ёмғир кўрмай, офтобда чаннаб ётган тупрокни чангитиб юборди. Ишонасизми, Зайнатдин икковимиз аввал ҳайкал бўп қотиб қолдик. Кейин ёш болага ўхшаб диркиллаб ўйнадик, додиллаб йиғладик.

– Эртақ айтмаяпсизми, ишқилиб?

– Эртақдан зўр! Бирақ, вой-вўй, бу олим деганлар жуда чатоқ бўлар экан, – деди бош тебратиб, кафти билан иягини силаб. – Ўнчаси Олимжоннинг бўйнига осилиб олди, мен ҳам автор бўламан, деб.

– Тайёрга айёрлар дунёнинг ҳамма қишлоғида бор. Олимжон-чи? У нима қилди?

– “Иди, вон!”, деди. “Иди!”, бўлса, мана сенга”, деб юз хил баҳона билан йўлини тўсиб ташлашди. Икки оғайни уч марталаб Тошкентга кепкетдик. Бефойда. Янгиликни дизенфекция қиладиганлар эшитиб қопти, улар зўр бўларкан, ўшалар қўллаяпти ҳозир. Алоҳида лаборатория очиб беришган. Вирусни бўғиб ўлдирадиган аппарат яратяпти. Ўрозбой ака, тождор душманни бир ёқлик қилайлик, кейин Оролга қайтамыз, дейди.

– Нукусдагилар нега қарши?

– Э-э! Нафс, нафс! Президент саксовулни кўпайтиринглар деб тоғ-тоғ пул беряпти, улар ўғирлаяпти, талаяпти, кўзбўямачилик қиляпти. Уларнинг самолётда уруғ сепиб, минг-минг гектар янги саксовулзор пайдо қиляпмиз, деганига ишониш қийин. Немислар ўн йиллар давомида какойти 500 гектарда саксовул кўкартирди. Буларники уч ойда 500 минг гектар эмиш?! Физический мумкинмас. Бу рақам немисни қулоғига етса, нима дейди, масхара бўламиз-ку! Немислар менга ўхшамайди, тўғрисини айтади-қўяди.

– Осмондан сочилган уруғ кўкарадимми?

– Кўкаради. Кумга тушса, қор тагида униб чиқади. Кўкариб бўғандан кейин биринчи мавсумда тупроққа намлик керак бўлади. Намлик бўлмаса,

уруғ илдиз отмайди, кейин кум учириб кетади. СССР даф бўлганидан бери самолётлар сафсем тўхтаб қолувди. Шавкат Миромонович бориб келганидан сўнг учди. Орол ўзгаряпти. Анча йиллар аввал “Оролни ким куритди?” деган танқидий мақола ёзувдим. Яқинда, “Оролдан кетиб қолган чағалайлар қайтиб кела бошлади”, деб янгисини ёздим.

– Телевизорда кўряпмиз, Мўйноқда, Орол бўйларида ўзгаришлар катта.

– Худо хоҳласа, ишлар шу тезликда давом этса, узоғи билан уч-тўрт йилдан кейин Орол бўйлари таниб бўлмайди. Олимжоннинг ғайрати билан денгиз сувга тўлғудай бўлса, ана ундан кейин кўрасиз томошанинг султонини! Орол – Ўзбекистон Анталиясига айланади! – деб беихтиёр жойидан туриб кетди. – Сизга бошқа бир ҳақиқатни айтаман, – деди кейин мен томон энгашиб. – Кўплар билмайди. Россияни Саратов деган жойида, Кавказга қараб жуда кучли високовольтний линия ўтади. Ўша линия Европа томондан келадиган ҳавони тўсиб, Оролга ўтказмайди – буриб юборади. Неча йиллардан бери Оролга бир томчи ёмғир тушмаслигининг сабаби шунда. Советлар Оролни махсус режа асосида атайлаб куритган! – Оғам бошини у тарафга буриб, оғзидаги носни нафрат билан тупурди, ғазабдан титраётган лабларини енгига артиб, яна туфлади. – Улар фашист! Фашистдан баттар! – деди тишлари орасидан.

Ўртага оғир жимлик чўкди.

Зимдан ҳамроҳимни кузатдим: каттиқ қизишган эса-да, совуққонликни сақлаб, яна аввалги ҳолатига қайтган, хотиржам эди. Аслида, бир-бирига карама-қарши бундай туйғулар унга мувозанат сақлашга ёрдам берган эди. Бундай хислат иродали кишиларда бўлади. Уларни иккиланишлар, шубҳа-гумонлардан асрайди, ҳар кимга ҳам насиб этмайди бу хил мусаффо бахт.

– Қаранг, бир пайтлар шу ерларда Ҳамид Олимжонлар, Яшинлар, Уйғунлар юрган, – дедим суҳбат давомига баҳона бўлсин учун. – Балки, биз ўтирган жойда гурунглашгандир.

Ҳар қалай, “баҳона” беиз кетмади. Оғамнинг жаҳли қайнаганда янаям қисилиб кетадиган кўзларида илмиқ илжайиш аломатлари кўринди.

– Кругни яна бироз айланамизми? – деди тиззаларига таяниб жойидан тураётганида. – Бояғи, етмишинчи йилларда биринчи марта келувдим. – дея теварак-атрофга қараниб давом этди. – У вақтда янги корпус ҳам, забор ҳам йўқ, теварак дала-боғ, манов томон Тошкентгача очиқ эди. Боққа кирган жойда Абдулла Қаҳҳор яшарди. Абдулла Қаҳҳор деганни жуда пир тутадиган эдик-ку, бизлар. Саид Аҳмад, Рамз Бобожон, Иброҳим Раҳим, Пармузинми деган ўрис ёзувчиниям шу ерда кўрувдим.

– Ҳозир сизу биз яшаётган коттежларда Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Мирмуҳсин турарди. Газетга интервью олишга келардик, – кўшиб қўйдим мен.

– Забор ортинда Ибройим Ғафуров яшайди. Тунов кун телевизирга интервью бераётганида кўриб қолдим, бирақ, гаплашолмадик, – деб бир дақиқа ўйланиб турди-ю, тўсатдан Тоҳир Маликни, сўнгра “Ленин учкуни” (ҳозирги “Тонг юлдузи”)ни эслаб қолди. 1973 йилда талабалик амалиётини ўтаганида Тоҳир Малик раҳбари бўлгани, ўша маҳал газета-

нинг ижодий жамоаси қобилятли журналистлардан иборат бўлганини тўлқинланиб гапирди.

– Икковимиз ҳам “Ленин учкуни” кадримиз, шундайми? – сўради қандайдир ифтихор билан. – Мактаблар бўлиминда Эркин Маликов, адабиётда Султан Жаббор, Хўжаев деган бўларди бизга – қорақалпоққа ўхшаган.

– Эркин ака-да, Эркин Хўжаев, масъул котиб эди. Сафар Барноев, Те-мур Убайдулло, Икром Ўтбосар, – рўйхатни давом эттирдим мен.

– Бердибой Эргашев деган ҳам эсимда. “Светофор” кўрсатувини олиб борарди телевизирда.

– Қаранг, сиз кетибсизу, мен кепман-да.

– “Жеткеншик”да ишлаб турганда, 76-жил бўлуви керак, тажриба ал-машганими яна “Ленин учкуни”га келдим. Шунда сиз билан кўришдик, ишлаёткан экансиз.

– Умр – оқар дарё...

– Қаранг, бирпасда 70 дан ошибмиз, – чуқур хўрсинди. – 70 йиллигим-ни Дўрмонда ўтказдим. Союз аввал катта қилиб ўтказамиз, девди. Кейин нимадир бўлдими, билмадим, ошхонани бермайдиган бўлишди.

– Одам кўп тўпланмасин, дейишгандир. Сизда “ўйнаш” кўп.

– Мумкин-мумкин, – ёйилиб кулди у. – Лекин бирови айтқан шиғар, Ўрозбой “Қаратов”ни жуда дабдаба қиворади, деб. Ҳай, майли, 80 йилли-гингни бошлаб ўтказасан, дедим ўзимга.

Бу пайтда улуғ устозимиз Абдулла Ориповнинг икки қанотига катта зарҳал билан “А” ва “О” ҳарфлари ўрнатилган дарвозаси олдида ўтиб бораётган эдик.

Ўрозбой оға хаёлланиб, тўхтади. Устоз ҳовлиси томон хаёлчан қаради.

– Биласизми, ақсақал, фигуралар-да қолмади, – деди қандайдир армон билан. – Абдулла акаларнинг саяси тушиб турарди. Шахс бўлмаса, фой-да йўқ. Шахс катта ижодкор ҳам бўлуви керак. Икки-учтаси кўп чиқади саҳнага. Халқ тан олмайди. Абдулла ака халқ тан олган шайир. Биз-нинг қарақалпоқда бир ҳикоят бор: Афандисифат киши бозорға бориб, чўнтагидаги йирик пулни майдалатиб олади-да, майда пул тўла халтага қараб, мен бойман, деб мақтанади. Адабият ҳам шундай бўп қолди. Йирик пулни ушатиб, бойиб кетдим деган одамга ўхшаб туриппиз, кийин бўп ту-рипти. Бизни Нукусдаям аҳвол шу – фигура йўқ. Ўнталаб халқ шайири бўп кеткан. Ўзини маҳалласи танимайди. Биздаги вазият панятно. Катта-миз, совет заманида снабженист бўган одам, пақат яшулдиларни, орготделлар-ни нарсаларини ташиб кўтарилган. – Кулимсиб менга бир қараб олди. Ўша табассум билан давом этди: – Бир кун иниларимдан бирови мендан сўради, Ўрозбой ака, сизларни раҳбар китоб ўқийдими, деб. Ўқийди, кўп ўқийди дедим мен, пақат китобнимас, анов пуллардаги язувди яхши ўқийди, инглизча бўсин, японча бўсин ўқийвурди лубойини. Қотиб-қотиб кулади бояғи иним, Ўрозбой ака, қайдан топасиз мундай гапларни, деб.

– Унақаларга бедананинг сайраши билан чигиртканинг чириллаши-ю, пишакнинг миёвлаши бир хил – фарқи йўқ.

– Тағин бир язувчи бар, – деди пешонаси тиришиб. – Уям катталар-нинг тилини топишга мастер. Анекдот айтади, бало қилади. Таниқли шоир ҳаққинда бир балалар жазган. Шуям халқ жазувчиси.

Оғамнинг адолатсизликка чидолмаслигини билганим учун ўзига билдирмай гап абдовини бурдим:

– Салаев ажойиб ҳикоялар ёзарди. Кейинчалик илмий соҳага ўтиб кетди, шекилли?

– Яхши прозайик эди, – жавоб берди ўз-ўзига гапираётган кишига ўхшаб. – Илмга ўралишган одамни ижод билан шуғулланиши қийин. Ҳозир университетда завкафедра. Қарақалпақда ўрни бор олим. Нукусда зўр адабиётшунослар сийрак. Кўпи ўтиб кетди. Биттаси Ташкентда. Профессор Саригул Баҳадирова деган. Кучли фольклоршунос. Жировлар бўйинча мутахассис. Бизни элда жировлар кўп. Бойсун бахшичилари ЮНЕСКОни нематериалний несиға киритилди. Зўр бўлди. Бизнинг жировларниям ўшанга тавсия этса бўлади. Саригул шуни ташвишида юрипти. – Ўйланиб илова қилди. – Бир нарсалар жазған. Лекин босадиған жай тапмаятир.

– Бизга, ЎзАга берсин.

– Бўлама сизларга? – сергакланиб кетди у.

– Сиз Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлигида ишлаяпсизми? – сўраб қолди Салаев.

– Ҳа, Бош директор, – ўрнимга шошилишча жавоб берди Ўрозбой оға. –

Агар ЎзА қўлласса, жамоатчилик ҳам, ҳукумат ҳам қўллар эди, зўр бўларди. – Хурсанд бўлиб кетди: – Жаббор Эшонкулга айтувдим, музей директориға, қўллаб-қувватлаймиз, деди. Ўрисча бир неси бар. Мен икки ярим бетлик тавсия ёзганман, телеграмингизга ташлайман. Апай хурсанд бўп қолади.

Оёқ босиши тобора секинлашиб бораётганидан сездимки, Оғам чарчади, Салаев ҳам чуқур-чуқур нафас оляпти. Бугунга етар. Бизнинг эшик яқинида хайрлашдик: Салаев ўнгга, Ўрозбой оға чапга қараб кетди. Мен улар тун қўйнига сингиб кетгунларича кўчада турдим.

3

Бугун Файзулла Салаев ҳам чиқди. Учовлон сокин ва булутли окшомда чироклар хира ёритиб турган йўлакдан кетиб бораётувдик, қаршимиздан “Дамас”ини вариллатиб Давлатбой келиб қолди. Машинаси тўла кўм-кўк ўт.

– Ҳов, Давлатбой, тўхта! – йўлини тўсди Ўрозбой оға.

Давлатбой машинани четга олиб, сакраб тушди, ҳамма билан самимий саломлашди.

– Сен нима учун Файзуллани ўтларин жеватирсан? – дағдаға билан тергаб кетди Ўрозбой оға. – Кўшқарди қўйлари уяғда, сени малларинг буяғда майсаларни еверса, Файзуллаға ўт комайди-ку, бу нима қилади? Билмайсанми, ахир бу одам вегетерянис-ку!

Ҳеч нимага тушунмаётган Давлатбой анграйиб туриб қолди. Ўрозбой оға билан Файзулла Салаев бўлса бараварига қулиб юборишди. Мен кулгига кейинроқ қўшилдим – Салаевнинг гўшт емаслигини билмасдим-да.

Ҳазилнинг маъносини энг охирида англаган Давлатбой, фарғоналик эмасми, бўш келмади:

– Ҳайвонлар шунинг учун рақ бўлмас экан-да! – деб кула-кула машинасини зингиллатиб ҳайдаб кетди.

– “Сафар” номли эссенгиз бор эди? – деди йўлда кетаётиб Салаев. Овози хумдан чиқаётгандай паст эшитилгани учун саволини аранг англадим.

Шу савол сабаб, раҳматли домламиз Пирмат Шермуҳамедовнинг 70 йиллик юбилеи баҳонасида Қорақалпоғистонга борган кунларни эслашдик. Сафарда таниқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдош, шоир ва журналист Абдухолиқ Абдураззоқ ва бошқа тошкентликлар қаторида Файзулла Салаев билан Ўрозбой Абдурахмон ҳам бошдан адоқ бирга бўлган эдилар. Салаевни ўша сафарда таниган эдим. Тетик, овози чақнаган, чаққон йигит эди. Энди... сўлгин юзларига, туртиб чиққан ёноқларига, пешонасидаги қатор ажинларга, кўзлари устига осилиб тушган оқимтир қошларига қараган киши бу ўша Салаев эканига ишонгиси келмасди.

– Ўқиб, роҳат қилувдим, – давом этди Салаев. – Ҳаммамизнинг портретимизни ўхшатиб кўрсатгансиз. Абдухолиқ билан Ўрозбойнинг сал бўлмаса ёқалашишга айланадиган тортишувлари, Пирмат домланинг майин-мулойим нутқлари. Айтгандай, Қозоқбой ака операция бўптими?

– Қозоқбойингиз ичмай қўйди, “Қаратов” хиёнатни кечирмайди, гирди бало бўлади, – гапни ҳазилга бурди Ўрозбой оға. – Мана, Файзулла, сен ўзинг ҳам ваъдангни бузувдинг, “Қаратов” нима қилди? Ўчини олдим?

– Шундай-шундай, – Ўрозбой оғага қўшилиб илжайди Салаев ва дарс тайёрламай келган боладай бўлиб менга изоҳлади: Касалландим. Рақ бўлдим. Уни ҳар хил тури бўларкан: қонда, суякда. Бир табиб гўшт ема, кўпроқ зелен е, девди. Бир йил бўп қолди”.

– Файзулла ўтдан фойда топди. Худога шукур, ҳозир тузук, – деб чала жиддият ичра қандайдир яйраб керишди. – Ҳадемай каватимизга қайтади. Кейин кадрдони “Қаратов”ни эсидан шиғармайдиган бўлади. Барибир, ҳар қандай уколдан ҳам, мингта янги жўрадан ҳам, битта эски дўст яхши-да.

Ёзувчи зоти яхши билади, Дўрмонда фақат скелети қолган теплица қаршисида катта арча бор. Боғ айланганлар кўпинча шу арча соясидаги скамейкада бир нафас бўлса ҳам дам олмай ўтмайдилар. Биз ҳам “удум”ни бузмадик. Аниғи, улар ўтиришди, мен тик турдим.

– Бояғи, сиз “Шарқ юлдузи”га келдингизу, Абдусаид? – жойлашиб олганидан сўнг сўради Ўрозбой оға. – Шунда мени “Бўсаға”м чикди. Дабдала бўлиб урилган пайтим эди. Повесть журналда шиғайин-шиғайин деб турган жайда суйган оғам, устазим, хат жазип тўхтатқан, антисаветский, деган. Агар Пирмат оға, сизлар бўмағанда, “Жаслик” тугул, унда “Жаслик” барми-жўқми билмайман, аммо Кроснаярскми, уннан наригами кетарим аниқ эди. Саксонинчи жиллар эди-да. Нарбой оға кейин айтиб берди не бўганин. Жазғанинг ўзингга ўхшайди, ундай бўлмаслик керак деб, социалистик реализмдан ярим соат лексия ўқиди. Нарбой оға 70 йиллигига қақирди, келолмай қолдим. Аҳволим Нукусда танг эди.

Файзулла Салаев Ўрозбой оғага қараб бир нималар деди, тик турганим учун яхши эшитмадим. Ўрозбой оға “Телефильм”да ишлаб, “Ахборот” учун лавҳалар тайёрлаганини айта бошлаганда эса телерадиокомпанияда ўтган кунлар ёдимга тушди.

Телевидения тимсоли йўқ даргоҳ – тубсиз ғор – кеча-ю кундуз кўрсатув берилсаям асло тўйдим, демайди. Барча томошабинни рози қилишни эса сира иложи йўқ: минг одам кўрса – минг хил, миллион одам кўрса – миллион хил фикр билдиради. Ўрозбой оға билан анча йил ўша идорада ёнма-ён ишладик. У “Телефильм”нинг қорақалпоқ бўлими раҳбари эди. Ташкилотида неча ходим борлиги эсимда йўқ. Аммо кунда-кунора “Ахборот”га лавҳалар тайёрлаб берар, табиат ҳақидаги этюдларини кўрган одам маза қиларди.

– “Ахборот”ни охирида пашти ҳар куни сюжетим кетади. Директорим Миша Алимов сўкадики, сен ахборотчикмисан ёки бизникими, деб. Жуда қимматбаҳо тасвирлар бор эди. Миша жўқ кип жиберди кўписин. Бургут палапанин олганмиз. Аппаратдан қийналардик. Эски, тўй туширадиган аппарат, “Панасоник – 9” деган. Палапанлар уясида турипти, 250 – 300 метр нарида. Крупний, крупний план, деб бақираман операторга, тортмайди, тортмайди, дейди у.

Ўрозбой оғанинг эсловлари Файзулла Салаевнинг хотирасиниям китиклаб қўйди:

– Сеникига ўхшаган “Красноярск” деган аппаратни Сайди Умиров домла ўз ёнидан 500 сўм бериб, Москвадан опкелтирувди. Бизга, талабаларга тасвирга олишни ўргатувди. Фидойи одам. 500 сўм – у вақтда кичкина пул эмасди.

– Сайди домлани бир армони боракан, Оролни бир кўрсам, деган, – гап кўшди Ўрозбой оға. – Боринг, кўрсатамиз, “Қоратов”дан бошлаб, оқ ўтовда тамомлаймиз, дедим. Бораман, деди Ақсақал, кузда бир не – прес-стур ташкил қилсангиз ажайип бўларди. Сайди домлани олардик. Ёзувчилар уюшмамиз йўлланма беришиям мумкин. Энди бояғидай Довудкўлга не қилалмаймиз – баралмаймиз, Довудкўл строгий бўп кеткан. – Овозида ўкинч пайдо бўлди. – Ҳар қадамда инспектор. Бу инспектор айтқанин, уни си тан алмайди. Биз борганда Нурмуҳаммат оға эди кўл эгаси. Ҳозир кимлигини билиб бўлмайди. Ҳар қадам ўн одамга сатилган. Иссиқ вақтинда чўмилиб қайтатирган адатим бўйинча бордим. Борсам, бир одам чошиб келиб йўлимни тўсаяпти, бу ёққа ўтиш мумкинмас, деб. Нега мумкинмас, мумкин десам, хўжайинга айтаман, деб дўқ қилмоқчи. Ҳей, аттангни! Ундан каттангга айт, деб қайтмадим. Жанжаллашдик. Қарангки, кўлни сотиб олганлар биздаги каттаконнинг қайнағалари экан. Мен тентак, бундан беҳабар, ҳаммасини чангитиб сўкибман, чўмилувга нега қўймайди, балиғини еб қўйманман-ку, деб. Ўзи, раҳбарларга ёқмайин десанг, турли балолар чиқаверади олдиндан. Шундай безбетлик кип турғанингдан кейин қайси амалдор яхши кўради сени? Ҳа, майли бу – майда гап. Бирак, дарёнинг бўйнинда минглаб ҳовуз бор. Сув борадими Оролга? Ҳаммаси привитизироват этилган. Беэга бир кўлмак жўқ. Буларга пул бўлса бас. Орол билан иши жўқ, – дардли хўрсинди.

– Президентимиз шунинг учун ҳам Орол атрофини ўрмон қилайлик, Мўйнокни Сочи, Ялтага айлантирайлик деяпти-да!

– Биламан. Мен “Қуръон”ни қорақалпоқчага таржима қиған одам – ҳар сахарда туриб, дуо қиламан у кишини. Лекин ижрочилар...

– Туринглар! – оғамнинг сўзини бўлдим мен. – Қолган масалаларни юриб гаплашамиз.

Узилиб қолган суҳбатни қайта улаш унча чўзилмади.

– Мусулмончилигимиз бор-ку, ҳукумат ҳаммасини қайтарди. Одамлар қайтмаяпти, – деди икки-уч қадамдан кейин Ўрозбой оға. – Мана, кампирим. Уч келиним бор, не кераги бор рўза кунлари чайимни дамлаб бермаса, деб ўкинади. Бир ўзи не қилмасин деб, рўза тутмасам ҳам саҳарда қаватида ўтираман. Шерик бўлайин, етимга ўхшаб қолмасин, дейман. Лекин кампир баевой, ўзи пиширади, супуриб-сидиради. Уйга одам кирмайдиган ҳозирги вақтдаям икки марта ювиб чиқади полни. Дўхтир менга каша буюрган, сутли. Дўхтирни гапи кампирга қонун – каша пишириб мажбурлайверади есанг ҳам ейсан, емасанг ҳам ейсан, деб. Студентликда стройкада ишлардик. Рабочий столовойда биринчи овқат борш, яъни капуста, салат – капуста, кейин котлет, унияи ичи тўла капуста бўларди. Битта туркман бола бор эди. Бир куни ўша бола сталовойни бошига кўтариб бақиряпти: я штоли казёл, деб. Успокойит этдим. Казёл эмаслигинг кўриниб турибди, не қиласан жанжаллашиб, десам, первый капуста, второй капуста, третий капуста, што такой, деб баттар қизишади бечара бола. Кампирим мени туркман бола аҳволига тушириб қўйди, нукул каша едиради, дея ёйилиб илжайди.

– Казашка апайингиздан тинмай сут ташишингизнинг сабаби бу ёқда экан-да!

– Қурилишдан кўп нарса ўргандим, ҳар хил одамларни кўрдим. – деди ҳазилимдан илҳомланган оға. – Ҳатто, университетдагидан кўпроқ сабақ олдим. Сергей Иванович деган ўрис бор эди, рабочий общежитиеда бирга турардик. Зўр дурадгор уста эди. Учтами, тўртта хотини бор экан. Тўсатдан йўқолиб қолди. Ҳамма мендан сўрайди бирга турасан-ку, ҳамхонанг қани, деб. Ўн кундан кейин ётоқхона коменданти айтиб қолди. У алиментшик экан. Алимент тўламай, қочиб юрган экан. Хотинлар охиринада топволиб, мелисага топширворишибди бечарани. Яхши одам эди. Шу одамдан ўрганувдим устачиликни. Бир не жазувдим алиментшик ҳамхонам ҳаққинда.

– Биринчи асаринг ўшамасми? – қизикди Файзулла Салаев.

– Йў-ўқ, – чўзиб жавоб берди Ўрозбой оға. – “Вьетнамдан кўлингни торт!” деган шеър ёзганман, деворий газетда чиққан.

– И-е, ҳали шоирман, дегин?! – шодон ҳайкириб юборди Салаев.

– Шеърни яхши кўраман. Лекин ёзмайман. Абдулла акани шеърлари... “Дорбоз”, “Митти юлдуз”, “Биринчи муҳаббатим”, “Тилла балиқча” – мана бу поэзия!

Асар деб бўмайди-ю, биринчи мақолам 7-синфдалигимда “Жеткеншик”да чиққан. Куруқ гап, оддий хабар. Лекин ҳаммани ҳаваси келган, обрўли болага ўхшаб қолганман.

– Ёзувчилик ҳам суяк суради, дейишади...

– Ундаймас-ов, – аста Салаевнинг сўзини бўлди оға. – Суяк сурадиган бўлса, мен ўқитувчи ёки полвон бўлувим керак эди. Отам 47 ёшида институтга сиртки ўқишга кирган. Унгача мактабда ўқитувчи, завуч, директор бўлган. Бобом полвон бўлган. Ўтган векнинг 25 йилларида, 25 ёшинда,

Хивага борган. Ўша замонда анов деворларнинг қаеридир қурилвотқанми, тузатилвотқанми экан. Қават дейди бизда пахсани. Тўққизинчи қаватга лой отқан. Ердан бундай баландликка етказиш мумкин бўлмаган. Бобом одамзод хайрон қоладиган даражада бакувват бўлган. Лой отвотқанда бир одам қараб турган экан, вой-вўй, мановини қаранглар, филдай кучи бор, деган. Шундан кейин мазаси қочқан, уйга келиб, вафот этган. Кўз теккан, кўзиккан.

– Барибир кимнингдир таъсири бўлади-ку? Масалан, Пирмат ака бўлмаса, менинг олим бўлувим даргумон эди.

– Оиламизда адабиётчи бўлган эмас. – Салаевнинг саволига хотиржам жавоб бера бошлади Ўрозбой оға. – Адабиёт муаллими бор эди Жиянбой Ережапов деган, овози йўғон. Синфга беш-тўрт кадам қолганда коридорда туриб шеър декламация қилворарди. Биз синфда, йўлига тикилиб ўтирардик. Адабиётга қизиқтирган шу муаллим. Қизиққанлар кўп бўлди-ю, охирида икки киши қолдик, бир синфдошим яхши журналист бўлди, район газетида редактор. Биз томондан шоир, ёзувчи чиқмайди, савдогар, ишчи чиқади. Хўжайли промиштиний городок. 2-синфгача овулда яшаб, кейин келганмиз Хўжайлига. Ўрисчани шаҳарчамизда чала-чулпа ўргандик. Университетга борганда план тўлмай қолгани учун бизни ўзбек группасидан, рус группасига зачислит этишган. Мандатда член КПССлар биринчи, армияга бориб келганлар иккинчи навбатда қабул қилинган, бизга келганда жой тўлиб қолган. Қайтариб юборайин деса балл юқори, аяшиб, беш-олти кишини рус группасига ўтказишган. Иккинчи курсда қарашсаки, русчани дабдала қияпмиз. Кейин яна ўзбек группасига қайтаришган.

– Айвончада бирпас ўтирайлик, – таклиф қилди Салаев.

Ўрозбой оғанинг толиққаниям сезилиб қолган эди. Сув шалдираб оқаётган бетон ариқ ёқасидаги думалоқ айвонга кирдик.

– Президент курган. Хув бош корпус олдидаги билан, мушоиралар ўтадиган баланд айвон, йўл четларидаги беседкалар ҳам у кишининг кўрсатмаси билан қўйилган, – изоҳлади Ўрозбой оға. – Илгари йўқ эди. Мен 15-20 йилдан бери кеп-кетиб тураман, биламан. Корпус билан коттежлар ҳам Шавкат Миромонович Президент бўлганидан кейин ремонт қилинди.

– Президентимиз ёзувчилардан, зиёлилардан ҳеч нимани аямаяптилар. – Айрича ғурур билан оғанинг сўзини давом эттирди Салаев. – Ёзувчилар уюшмаси биносини, “Адиблар хиёбони”ни қаранг, томоша қилиб тўймайди одам.

– Тўғри. Париждаям жўк бунақаси! – деди Салаевникидан ҳам юксакроқ ифтихор ичра Ўрозбой оға. – Дарахтзор-боғ, шаҳарнинг қоқ ўртаси, Навоий ҳазратларидан Мухаммад Юсуфгача турибди. Мақоламда ёздим: “Бердақ бобо, икки иниси – Ибройим Юсупов билан Тўлепберген Қаипбергеновни етаклаб “Адиблар хиёбони”га келди”, деб.

– Газетада чиқибди, ўқидим, яхши ёзибсан, – мақтади Салаев. – Факат Одил Ёкубов билан Пиримқул Қодиров кўринмади? Ёки мен кўрмадимми?

– Хиёбон катта, жой кўп. Аста-аста яна кўп улуғларимизга ҳайкал ўрнатилса керак.

– “Адиблар хиебони”га муносиб азиз зотлар ҳали бор, – фикримга қўшилди Ўрозбой оға. – Мана, Шукур Холмирзаев...

– Менимча-чи, Ҳамзагаям қўйиш керак.

– Айтватирмиз-ку, ҳали кўп, деб. У кун зиёрат қилип журғанда, ўзимгаям жайни мўлжаллаб қўйдим. – Ўз сўздан ўзи завқланиб кетган Ўрозбой оға хохолаб кулиб юборди. – Менга ўхшаган даҳолар Ўзбекистонда озми?

– Арзийсан. Ҳозирдан ишлатиб қўявер хайкалингни, – дўстини олқишлади Салаев.

– Бугун союз берган янги квартирамни кампиримга кўрсатиб келдим. – Ҳазил-хузилни жиддиятга бурди Ўрозбой оға. – Тошкентда ўзимизни уй бўлдима, деб ишанмайди бечара кампирим. Анҳорни бўйи. 110 та ёзувчи-га уй берилибди. Кеча уюшмага ўтган ёш-ёш йигит-қизлар ватанли бўп турипти. Қандай катта воқеа бу! Ёзувчи халқига ҳукумат ҳеч қачон бунча кўп ва чиройли уй берган эмас. Ҳеч қачон! – Шу сўзларни айта туриб бирдан менга юзланди: – Айтмоқчи, Абдусайд, сиз менга уйнинг кераги жўқ деп, ордерингизни топширибсизми?

– Уйга мухтож ижодкорлар кўп экан. Менинг бошпанам бор, Худога шукур.

– Бекар қипсиз. Иккиталаб квартираси, ҳовли-жойи борлар ҳам олишибди-ку? Бирга-бирга айланиб юрардик Анҳор бўйларида.

– Берилган квартираларнинг кўпи чала-ярим эмиш-ку! – кизиқсинди Салаев. – Ўзи, қурувчиларда инсоф йўқ. Қўл учида қилади, усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Мана, мен турган коттеж, ярми тўкилиб бўлган уч йил ўтмай.

– Шундай. Аттанг... – Шу нуқтада Ўрозбой оға нима учундир мавзуни Қорақалпоқ томонларга буриб юборди:

– Сен биласан, – Салаевга юзланди Ўрозбой оға. – Бизни катта ёзувчилар асосан Чимбой томондан чиққан. Аббос Добилов, Жўлмирза Оймирзаев, Ибрайим Юсупов, Тўлепберген Қайипбергенов. Уларга орқа қилиб, айрим тенгқурларимиз бошқаларни унча менсимасди. Нукусга келиб, энди иш бошлаганимда биттаси, мана сарт қарақалпақчани билмайди, қаяқдан келиб турипти деб, анча турткилади. Бўлмаса, у “Амударё” журналинда, мен “Жеткеншик” болалар газетинда ишлайман. Ўзи зўр переводчик – Айтматовни таржима қилган, яхшигина шоир. Дунё айланиб, тўрт йилдан сўнг шу одамга раҳбар бўп қолдим. Кўп неларини тузатдим. Биламан, ўшанда у менинг биронта ҳикоямни ўқимаган, фақат Хўжайлидан эканим ёқмаган. Барисини айтаверсам нокула-ю, аммо энг катта ёзувчиларда ҳам шундай “фазилят” бор эди.

Машхур ёзувчи оғамиз 1985 йили Москвага хат жўнатган Абдураҳмоновнинг “Бўсаға” асари антипартийний, деб. СССР Ёзувчилар уюшмасининг раиси Марковнинг ёрдамчиси бор эди Шорор деган. 1979 йилги ёш ижодкорлар семинарида танишиб, дўстлашиб қолувдик. Шу Москвага чақирди. Романингни ўқидик, реалний ёзипсан, деди. Уголовний дела очиб турибди-ку, мен неқилайин, дедим унга. Ҳеч нима бўлмайди, бора-вер, деди у. Келсам, обком секретари Какимбек Саликов отина Марковдан телеграмма келибди. “Просим, не беспокоит молодого писателя Уразбая Абдурахманова” деган. “Ўрозбой, шу хат келмаганда Облоху акбар, ке-

тардинг Сибирь ўрмонларини кесгани, деб тиржайиб туришибди. Улкан адибимиз ташкиллаштирган бу хатга 19 та коммунист ёзувчи қўл қўйган экан.

4

– Файзулла ёмғирдан кўркди-ёв, бугун чиқмади, – деди Ўрозбой оға. – Гулдурмомо бўлсайди, ҳаво тозариб кетарди.

– Бундай ҳаводаги сайрга нима етсин. Ёмғир бир ёғиб, бир тиниб турганда пиёда юриш бошқача, – дедим, сўнг анча вақтдан буён сўрамоқчи бўлиб юрган саволимни бердим:

– Қаипбергенов билан Ибройим Юсуповнинг муносабатлари тўғрисида турли гап-сўзлар юради...

– Ҳим-м... – ўйланиб қолди. – Нозик...

– Билдим, савол ёқмади. Аммо, жавоб берди:

– Тонкий, – деди-да, нимадир ёдига тушдими, ич-ичидан силкиниб кулди: – Халқ кўзидаги одамлару, мактаб боласига ўхшар эди. Ёш боладай беғубор эдилар. Майда нарсалардан аразлашиб қолишарди. Мана, биттаси, эшитинг: Хўжайлида арақ ичиб тўймайдиган бир полвон бўларди. Шу полвон кунларнинг бирида Хўжайлининг бой одамлари билан Қаипбергеновнинг уйига боради. Уй эгаси китобларини кўрсатиб, ғурурланади, ёзувчи-да, ёзувчи яна нимаси билан мактансин? Шунча китобнинг ҳаммасини қўлда ёздингми, деб сўрайди ширакайф полвон. Ҳа, дейди фахр билан адиб. Сотволди полвон қараб ўтирмайди: ҳай, Тўлак оға, мунча ўзингни қийнаб ёзиб не қиласан, барибир, шунча ёзганинг Ибройим Юсуповни битта шеърча турмайди-ку, деган гапни айтади. Бизда, прамой-ку! Қаипберганов жаҳлдор эмасми, дастурхонни кўтариб, улоқтиради. Меҳмонларни олдига солиб ҳайдайди.

Энди ўзим кўрганимни айтай. Қаипберганов ёзувчиларнинг, Юсупов маънавиятчиларнинг бошлиғи. Мен Ибройим оға билан ишлайман. Ёзувчилар уюшмаси турган бино Маънавият марказининг балансида. Уюшма ижарада-ю, йиллаб ҳақ тўламайди. Юсупов тўлайсан, дейди. Қаипберганов тўламайман, дейди. Ўртада мен сарсон. Мени Жўқори Кенесга чақириб, здания маънавиятники, анов устозингга айт, ҳақини берсин, дейди. Юсуповнинг гапига кирмаган одам, менга кулоқ солармиди, дейман мен. Хуллас, икки ўртадаги “жанжал” тугамайди. Қаипберганов жаҳли тез, сўконғич. Сен, дейди Ибройим оғага, обкомдагиларга хушомад қилиб, маънавиятни олдинг. Бечара Ибрайим оға маданиятли одам, аристократ, э-э, о-в, Тўлек, Тўлек, деб ўтираверади, сўкинолмайди. Буниси бўлса, қўйиб юбораверади.

Иккиси билан ҳам бирга ишладим. Тортишгани, жанжаллашгани билан бир-бирисиз туrolмасди, бир-бирини яхши кўрарди. Бир-биридан улуғ, вesi бор, қорақалпоқ элининг буюк ижодкорлари эдилар.

Ўрозбой оға бироз жим туриб, давом этди:

– Биласизми, аксақол, мен узоқ яшамасам керак. Кўп яшайдиган одам иложи борича ўз зиммасига камроқ ташвиш орттиради, беғам, бепарво бўлади. Мен... жим юролмайман, итоаткорлик қилолмайман. Айниқса,

Орол! Оролни ўйласам, кўксим куйиб кетаверади. Ўйламайин десам – денгиздан кўтарилган туз-кумли тўфон ичимга бостириб кираверади. Боламдай ачинаман унинг аҳволига. Бировга айтсам, ишонмайди. Бирақ, аллақачонлар Орол дардимга, орзу-умидим, ҳаётимнинг мазмунига айланиб кетган. Баъзида, алаҳсираётган одамга ўхшаб: мен Оролми ёки Орол – менми – тушунмай қоламан. Оролсиз яшаш... тубсиз азоб. Ўзингиз ўйланг, Орол куриса, халқ не бўлади? Болалар, неваралар қандай кун кечириди? – Бўғриқиб менга тикилди. Нафас олишлари оғир ва нотекис эди. Ё, қудратингдан! Қаршимда турган Ўрозбой исмли одам, худди қирғоғига сиғмай пишкириб, гулдираб хайкираётган денгизга айланиб бораётгандек эди гўё. Қучоғида томдай-томдай балиқлар сакраб юрган, шиддаткор тўлқинлари тоғдай-тоғдай кемаларни япроқ каби ўйнатаётган қудратли денгиз. Бағрида не-не сиру синоатларни минг йиллар давомида асраб келаётган сеҳрли уммон. Ва... сувсизликдан қуриб, Саҳройи кабрга айланиб бораётган Оролу... яна Ўрозбой Абдурахмон – “Орол Одам...”

* * *

1989 йил. “Ленин учкуни” газетаси бош муҳарририман. Тарихчи олим Мажид Ҳасанов билан Ўрта Осиёнинг Россия томонидан қандай босиб олингани тўғрисида бир саҳифали материал тайёрладик. Савол-жавоб асосидаги бу суҳбат “Ўрта Осиё босиб олинганми ёки кўшиб олинганми?” сарлавҳаси билан газетанинг 5 сентябрь сониди чоп этилди. Орадан тўққиз кун ўтгач, 14 сентябрь куни “Правда” газетасида бир қулоч мақола эълон қилинса, денг. Мақолага “Правда”нинг Ўзбекистондаги муҳбири билан академик Эркин Юсупов имзо қўйган эди. Совет давлатининг “Правда”дек “отахон” газетида болалар учун чиқадиган “пишакнинг қулоғи”дек кичкина газет тўғрисида бундай катта танқид чиқиши фавқулодда кўрқинчли ҳодиса эди. Унда ўзбекларнинг пионер газети ёш авлодни коммунистик партия ишига садоқат руҳида тарбиялаш ўрнига, мурғак қалбларга миллатчилик уруғи сочаётгани кескин қораланган. Мамлакат фирқасининг бош газети танқидидан кейин қутилган мудҳиш жараён бошланди: мақола “Ёш ленинчи” газетасининг 16 сентябрь сониди кўчириб босилди: таҳририятга бир неча кишилиқ махсус комиссия ташланди. Текшир-текшир, тергов...

“Туз”лашни комсомолнинг биринчи котиби Азиз Носиров бошлаб берди. Марказкомнинг мафкура бўйича котиби Жаҳонгир Ҳамидов елкамга “сиёсий кўр”лик тамғасини босди.

Масала партия бюросида кўриладиган бўлди. “Дело” икки ой аввал биринчи котиб бўлиб келган Ислон Каримовга опкирилади. Ислон Абдуғаниевич ҳужжатлар билан танишиб чиққанидан кейин: “Пионер ишлари билан пионерлар шуғуллансин. Сиз ўз ишингизни қилинг”, дейди. Қатъий ва аниқ қилиб айтилган мана шу бир оғиз сўздан кейин ўзимиздагиларнинг ҳам, правдачиларнинг ҳам овози ўчди...

Ўрозбой оға бўлган воқеани қулиб-қулиб айтган эса-да, унга қанчалар оғир бўлганини теран ҳис қилдим.

Бугунги гурунг хорижий сафарлар, сафар хотираларидан бошланди. Мен Хитойга борганда, тил билмай, кўп қийналганимни айтувдим, оғанинг “архиви” очилиб кетди.

– Вой-вўй! – деб юборди бир нималар эсига тушиб. – Бир бахя қолган Покистонда осилиб кетишимга. Японияда Орол бўйинча халқаро конференция бўлуви керак. Менга 9 минутли доклад қўйилган. “Оролқум” тақдимоти ҳам бўлади. Покистон орқали жўнадик.

Уларнинг самолётида йўловчиларга фақат қора чой берар экан. Мен стюардессадан ўрисчалаб пиво сўрадим, тушунмади. Эҳтимол, тушунмасликка олгандир. Вапше бўлмайдиган экан-да уларни самолётида спиртнойлар. Карачи аэрапортида ҳеч кимни ташқарига чиқармади. Қандайдир жанжал бўлаётган экан кўчада. Исломободга келганда, икки марта текширувдан ўтдим. Чамадонимда “Жайхун” деган арақ бор эди. Доклад қилаётганда японларга кўрсатиб, Жайхун дегани – Амударё, Оролни қуритган шу бўлади, катта раҳбарлар “Жайхун”га тўйволиб, пияний решениелар қабул қилган, дейиш учун олганман. Бизнинг заводлар анови, пробкасини чала ёпади-ю кўпинча, биттаси очилиб, ҳиди чиқиб кетибди. Полициячилар чамадондаги иккинчи шишаниям кўриб, хавфли террористни ушлагандай ваҳима кўтаришди. Бир балолар дейди, дўк уради, кўлимдан тортади. Атрофдаги покистонликлар нафрат билан қарайди. Ҳов, баракатопкурлар, мен ёзувчиман, конференцияга кетяпман, дейман бирда ўрисча, бирда қарақалпақчасига. Қани энди тушунишса. Хайриятки, паспортимда Японияни кичкина точкага ўхшаган печати боракан, шуни босқан экан, шуни кўриб қўйворишди. Международний экспертман-ку. Нафасимни ростлайин, деб иккинчи қаватга чиқиб ўтирувдим, самолётда ёнимда ўтириб келган йигит олдимга келди. Лаънати бола, Воронежда ўқийдиган покистонлик студент экан. Балодай биларкан ўрисчани. Анавиларга фикримни тушунтиролмай қийналиб ётганда, нарироқда қараб турганига кўзим тушувди. Ўрисчалаб, кечирасиз, мен сиздан узоқ турганим учун узр сўрайман, деди у. Сиз бу ернинг қонунини билмас экансиз, деб тушунтирди. Унинг неси бўйинча, бир шиша араққа фалон йил, икки шишасига ундан икки баробар кўп кесиб юборар экан. Агар шариат суди дегани бўлиб қолса, тўрт-беш мусулмон келаркану, суд-пуд деб ўтирмай, арқон осилган ёғоч дорга осиб юборишар экан. Буни қаяқдан биламан, дейман ҳушим бошимдан учиб. Барлиғи бўйинча уларнинг осатирган статьясинда турибман-да.

– Ҳали бу жон омонатга қолган, денг?

– Лекин Токиёда қойил бўлди, – шошилишча давом этди у. – Докладни битириб, жойимга келиб энди ўтирувдим, қарақалпоқни сулувидай бир гўзал ялтироқ лалида конверт олиб келди. Переводчикка, бу не десам, ҳозирги докладингиз гонорари, деди. Икки ярим минг доллар. Байрам бўлиб кетди-ку менга. Вапше уяқларда доклад қилиб юрсангиз ҳам, ҳаёт чиройли ўтаркан, деб қўйдим.

Англия парламентида пиво ичиб, нос отганман!

Ўрозбой оғам “нос отганман” деган чоғи менинг телефоним мусиқа чалиб юборди.

– Дадахон ака, ассаломалайкум! – дейишим билан Ўрозбой оға: “Дадахон Нурийми? Ўрозбой “Қоратов”ни қўйибди, денг”, деб шипшиди. Девдим, у томондан Дадахон аканинг ингичка жарангли кулгиси ва: “Устози бўлмаганидан кейин, уям ташлайди-да”, дегани эшитилди.

– Жуда қалинмиз, – жилмайди телефондаги қисқа мулоқотдан сўнг Ўрозбой оға. – Китобини ўқиған чиғарсиз. Ойбекнинг уйинда қандай қилиб узум экканлари, Покистонга, Америкага сафари. Лофчи, лофга қарақалпакча чопон кийдиради. Самолёт ичида бассейн бор деб Саид Аҳмаддай одамни ишонтирган. Жуда катта самолёт бўлгандир-да, дермиш Саид Аҳмад домла.

– Самолётда бассейн? Олади-да.

1988 йил бўлуви керак, бир мақоласи чикди, “Шаҳар ўртасидаги оқ ўрик”ми, деган. Ўшани ўқиб, яхши кўриб қолганман. Бўстонликда қуриладиган ҳарбий заводни тўхтатиш учун Москвага борганларини эшитганимдан сўнг ҳурматим ошди. Иноклашиб кетдик. Дардимиз бир экан – табиатни асраш. Дадахон ака мени Тошкент вилоятининг бир-икки жойига олиб борди, советлар заҳарли отхотларни кўмган жойларга.

– Ватанпарвар. Жудаям куюнчак.

– Ғамхўр. Қўли очик. Инсулт бўлганимдан беҳабар экан. Поликлиникада кўришиб қолганимиздан кейин, Америкадан олиб келган қимматбаҳо, топиш қийин бўлган дорисини менга берди. Кампирим билан олти ой ичиб, тузалдик.

– Носвойдан гапиринг, носвойдан? – узилиб қолган ҳикояни эслатдим оғамга.

– Жуда қизиқ бўлган! – жўшиб давом этди Ўрозбой оға. – 1990 йилнинг ноябрь ойида Англия Парламенти чақирди. Масала ўша – Орол. Докладчилар рўйхатида мен ҳам бор. Одам кўп. Ўзбекистондан, Қозоғистондан. Қорақалпоқдан уч кишимиз: Собир Камолов, Н.Ойимбетов, мен. Москвадаги приставительствамизга бордик, улар Англия элчихонасига юборди. Борсак, менинг ҳужжатим йўқ. Ҳамроҳларим учиб кетишди. Яккамохов бўлиб бир ўзим қолдим Москва кўчаларида. Нима қилишни билмайман. Приставительствамизда Шевченко дегани бор эди. Шунга телефон қилиб, паспортимни қайтариб бер, Ленин мавзолейи олдида бориб ёқаман-да, Нукусга пешком кетаман, дедим. Ахийри, қанча сарсончиликдан кейин, ҳужжат тўғриланди. Командировичний олдим. Кунига 22 доллар. Кўнглим жойига тушди. СССР вақтида 10 сўмлик сўлкавой чет элларда обрўли эканидан хабарим бор – ҳалтамга бир нечтасини солволганман. Самолётда ўтиргандан кейин, менга вино опкелди. Мундай қарасам, олдинда уч-тўрттаси арақ ичиб ўтирибди, коньяк ичаётганлар ҳам бор. Стюардессага, нима учун одамларни айирасан, вино ичиб нима, мен хотинманми, арақ бер манга десам, парво қилмади. Долларни кўрсатиб, опкел, сотиб оламан дедим, кулоқ солмади. Ўн сўмни кўрсатиб, манов пулдан бераман, юз грамм опкел, деб ялиндим. Йўқ. Осмонда магазин бўлса эканки, ғизиллаб бориб, бир шишасини кўтариб келсам. Озгина жанжаллашдик – мен Нукусданман, там Арал висихают, а ти водка не даёш, деб бакирдим. Охирида бир формадаги лётчик келди. Уч кундан бери азобдаман, доклад қилишим керак, куйиб турибман, арақ беринг менга. Винони хотинлар

ичади, дедим унга. Эркак – эркак-да, тушунди. Стюардессага, не берсангда манов ёзувчини оғзини ёп, деб кетди. Шунча айтсам кулоқ солмаган аёл, срази икки стаканда юз граммдан опкелди.

Лондонда иккита мажлис бўлди. Кейин парламентга чақиришди. Кирдик. Парламентда ички юриш қоидалари бор экан. Бир аёл тушунтирди. Масалан, коридордан кетсангиз, борган йўлингиздан орқага қайтмайсиз. Қайси бир томонларни айланиб келасиз. Спикер деганини мен аёл деб ўтирсам, сочи мана мундай, кампирга ўхшаган эркак экан. Маргарет Тэтчер ҳам келиб, жимгина ўтириб кетар экан. Бир пайт Нукусни бозоридан баттар шовкин бўлиб кетди. Парламенти стадионга ўхшаган. Биттаси чикди бу ёқдан, иккинчиси у ёқдан. Ўртада ҳукумат. Икки томонда икки партияси ўтирар экан. Ширин Акинер деган туркиялик киз бизга таржимонлик қилди. Бурун Нукусга келганида танишиб, анча кадрдонлашиб қолган эдикда у билан. Шу киз Ўрозбой, парламентнинг пивоси зўр бўлади деса, денг? Ичугва бўладима, деб сўровдим, бирпасдан кейин сизларни меҳмон қилишади, ўша ерда бўлади, деди. Кўп ўтмай ўша жойга жўнайдиган бўлдик. Инглизчалаб бир нарсалар ёзиб қўйилган эшикларга қараб-қараб, манов не, манов не, деб сўраб боряпман. Биттасига “Миш-мишхона” деб ёзилган экан. Нима қилади бунда десам, депутатлар келади, пиво ичади, сўнгра шу хонага кириб, миш-миш айтади, анекдот айтади, дейди. Ё Аллох, парламентда “Миш-мишхона!” Ҳаммага бир-бир бакалдан пиво қўйилган экан. Собир оға етмишдан ошган, ичмайди. Ул ичмагандан кейин Неғмат вапше оғзига олмайди. Иккаласиникиям бизга қолди. Ўтира туриб, бир вақти носвой отқим кеп кетди. Носвойни оғизга солиб ўтиргандан кейин, туалет керак бўлади. Кетдим қидириб. Бир жойга кириб, енгиллашиб чиқсам, катта кострул кийиб олган аскар турибди. Ўтайин десам, тўсади. Биздагидай “Ж”, “М” деган ёзув йўқ-да уяқда. Бири осмонга, бирови ерга қараган уч бурчак расмни фаҳмламай, аёлларникига кириб кетган эканман. Нарушения бўлган экан. Полиция, билмайман, қаёқдан кўрган, ҳеч ўтказмайди. Бир вақтга бориб Ширин келди, гаплашди, опкетди. Овулинг кўчасида белгиларсиз юрмайсан-ку, бу ерниям тартиби бор, деб енгилгина койиди, ҳам тушунтирди. Бу кўчамас-ку десам, хиринглайди.

– Айтганларингиз тайёр китоб-ку! Нега ёзмайсиз?

– Ёзаётувдим. Туркия, Лондон, Япония учовини бир китоб қилмоқчи эдим. Юз бетча ёздим. Сиёсат ўзгараверганидан кейин настроения бузилди.

– Шукур Холмирзаевни гўзал эсселари бор, жуда зўр.

– Шукур аканинг роман, қисса, пьеса ва эсселарини адабиётимизда жуда катта ўрни бор. Бирақ, ҳикоялари... Мен дунё адабиётидан аз-маз хабардор одамман, Шукур Холмизаевдай ҳикоянавис ёзувчи жаҳонда жўқ. Ҳикоячиликда ҳеч кимникига ўхшамайдиган мактаб яратди. Мактаб яратган адиблар ер юзида санокли. Нобель-нобель дейишади. Адолат бор бўлса, Нобелни аллақачонлар Шукур акага бериш керак эди. Биргина “Чўлоқ турна” ёки “Ёввойи гул” ҳикоялари учун икки марта берса ҳам камлик қилади ўша мукофотни! – деди ва ичидан тошиб келаётган ҳаяжонни босиш учун хиёл тин олди. – Қачон Дўрмонга келсам, албатта, олдига борар эдим, – давом этди босиқлик билан. – Забор ортиндаги

дала ҳовлисида ўзи суядиган кундаси бўларди, ёзибми, ўқибми ўтирарди кўпинча ўша ерда. Мени инисидай якин тутарди. Ўзи билан бирга учрашувларга олиб борарди. Ўқувчилари кўп эди, саволларга кўмиб ташлашарди. Бир жойда ҳўнграб йиғлаганига гувоҳ бўлганман.

– Шукур ака? Йўғ-е...

– Анча бурунги воқеа бу.

Иккинчи қаватда турардим. Шукур ака Чирчиқ томонга опкетди. Учрашувдан кейин болалар билан футбол ўйнаб, оёқни ярадор қилиб олдим. Тўп тепаман деб тошни тепибман. Тирноқ кўчиб кетган. Чўлокланиб келсам, Шукур ака йиғлаб ўтирибди. Дастурхон тўла. Ҳамма жим. Совхоз парткоми, унинг ёнидаги Саримсоқов домла, икковлашиб, “Шукур, Худойимнинг иши бу, илож қанча, бардам бўлинг”, деб юпатишмоқда. Шукур ака бўлса: “Ота! – деб ҳўнграб йиғлайди. – Менга қизини бермоқчи бўлган эди, мана қизим, ол, деган эди! Боришим керак! – дейди. – Ўрозбой! – деди менга кўзи тушиб. – Сен гапир, сени ақлинг борку, ўзинг айт, бормасам бўлмайди-ку!”

Мен футбол тепаётган пайтда радиодан Шукур Бурхон оламдан ўтгани айтилган экан. Бу мудҳиш хабар Шукур Бурхонни отаси каби суядиган Шукур акани эсанкиратиб қўйган эди. Оға, дедим, радиодан бугун айтаётирган бўлса, воқеа қачон бўлганини билмаймиз. Кеча ё олдинги кун бўлган бўлишиям мумкин. Ҳукуматнинг шу одатларини унча тушунмайман, оға. Партком дарров мени қўллади. Бугун эълон қилиндими, демак жаноза аллақачон бўлиб ўтган, деди у. Шукур, ўзингни қўлга ол, сабрдан бошқа илож йўқ, деди Саримсоқов домла. Галалашиб қанча овутмайлик, ҳеч юпанмади. Айрилиқ дардига чидолмай, “қуй, қуй” деявериб, анча ичиб қўйди.

Кеч қайтдик. Хонага кириб, лўқиллаб оғриётган оёқни бойлаб, ухлаёлмай ётувдим, кечаси соат не бўлганда Шукур ака келди. Праванг борма, деб сўради. Бор, лекин Нукусда, дедим. Бизни мошинни ҳайда, уйга бориб келмасак бўлмайди, деди. Майли, деб тапичкани кийиб олдим, туфли сиғмайди. Ҳайдаб кетдим. Шукур ака ёнимда, профессор Саримсоқов орқада. Ҳали катта кўчага чиқмасимиздан Шукур ака мудрай бошлади. Орқадаги профессорам ичкан, ухлаб қолди. Ҳайдаб бораётирман. Оғамнинг уйини билмайман. Қаяққа қараб ҳайдайин десам, тўғри ҳайда, дейди. Уч-тўрт марта сўрадим. Тўғрига, тўғрига ҳайда, деганига амал қилиб, шаҳарга кирдим. “Детский мир”дан ўтиб, “Ўзбекистон” гостиницаси олдидан чапга бурилдим. Олдиндаги олтитами, еттитами паласанинг ҳаммасидан машиналар тўғри менга қараб келяпти, ёнимга қарасам, мен билан келаётган машиналар йўқ. Ҳаммаси тўғримдан светини катта ёқиб келяпти. Довдираб, ҳайрон бўлиб турувдим, орқадан тепасидаги чироғини айлантириб ёқиб мелисани “Жигули”си етиб келди, олдимга ўтиб тўхтатди. Йўл ўртасида тергов бошланиб кетди: Хужжат? Хужжат йўқ. Права Нукусда. Кимнинг мошини? Шукур акани. Ҳайдайдиган одами бўмай қолди, мен ҳайдаб келдим. Шукур ака уйғонмайди, тулинг, десам ҳам.

Бир маҳал, мелисаларнинг каттаси бўлса керак, бориб не қилди – эшикни очиб юборди. Шукур ака, деди. Шукур ака шундай қараб турди-

да, э-э, энангни... деб юборди-ю! Шукур оға, ундай деманг, тамом бўлдик энди, деб зориллай бошловдим, ҳалиги мелиса, ака, сиз ўтиринг, шопир билан ўзимиз келишиб оламиз, деб худди ёш болани алдаб юпатгандай қилиб устозни машинага ўтказди. Сўнг, қаёққа борасизлар, ўзи, деб савол берди. Шукур аканикига, дедим. Шукур акани уйи қаёқда? Худо билади. Билмайман-да. Яхши йигит экан, яна бир “Жигули”ни чақириб, буларни обориб қўй, деган топшириқ берди. Бизни орқамиздан ҳайданг, деди келган машинадагилар. Қаёққа ҳайдагани эсимда йўқ. Бир жойда тўхтатиб, ана шу кўчадан борасилар, деб кўрсатди. Баракатопкур мелисалар бири-бири билан гаплашиб, Шукур аканинг уйини аниқлашган экан. Шукур ака бўлса, ҳеч нима билан иши йўқ, ҳалиям тўғрига ҳайда, дейди.

Боргандан кейин, олимнинг уйи яқин экан, у қолди. Шукур ака билан уйига бордик. Кирдик. Ҳеч ким кўринмади. Ҳамма ухлаб ётган бўлуви керак-да. Шукур ака бир шиша арақ опкелди. Қуйди. Ол, деди. Олдик. Соат тўртлар бўлганда Ўрозбой, энди кетамиз, деди. Қаёққа? Дўрмонга. Ўзи ярим окшомда чикиб, зўрға келдик. Яна кетамизми? Тонг отсин. Йўлни тополмайман, деб бирпаст оёқ тираб турдим. Мелисани айтиб бердим. Эсида йўқ. Кетмасак бўмайди, деди. Шишада қолганиниям тинчитдик. Чиксак, тупик жой экан. Мен назадга унча ҳайдолмайман. Бу ердан қандай чиқараман, урибми, кирибми оламан, десам, сен ҳайда, мен қараб тураман, дейди. Ўзи орқадан қараб турди, у ёққа, бу ёққа, деб. Қийналиб, 50 метрлар ҳайдаб чиқдик. Эрталаб олтиларда Дўрмонга қайтиб келдик. Ўша борган жойни ҳозирам тополмайман. Нега бордигу нега келдик, эртага борсак ҳам бўларди-ку, десам, бир кўриб келишим керак эди, дейди. Ўзиям билмайди. Хонага кириб, яхши бориб келганимиз учун дея халодильникни очиб, яна урдик. Кейин ухлаб қолибман.

Ўрозбой оғанинг ҳикоясини эшитиб, Ўзбекистон радиоси бош режиссёри Раҳмат Жума иккови бир кеча радио уйида ухлаб қолишгани, қоровул мелисалар роса тўполон кўтаришгани хаёлимдан ўтди. Радиода энг фидойи инсонлар “Дарвеш” деб аталар, ана шундай юксак мақомга сазовор бўлган ҳақиқий режиссёр эди Раҳмат Жума. Шукур акаям, Раҳмат Жумаям бугун орамизда йўқ...

Ижодкор зотини тушуниш қийин. Айниқса, улўғ талантларни, уларнинг ҳар бири бир дунё – бир олам сир. Қозоқбой Йўлдош айтган бошқа воқеа ёдимга тушди.

“Шукур ака гоҳида ижодкорларни мактаб, чойхона паловга туширарди, – девди Қозоқбой ака. – Исоқ Ўктамов икки-уч марта Шукур аканинг шу “мукофот”ига сазовор бўлган. Лекин Шукрулло домлага “тиши” ўтмади. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да домланинг бир туркум шеърлари чиққан экан. Шукур акани ошхўрлиги кўзгаб турган эканми, домлани кўриши билан: домла, ўқидим, ў-ў! Бизни Ўзбекистонда битта шоир сиз экансиз, деб макташга тушди.

Домла, аканинг қитмирлигидан бохабарми ёки чиндан ҳам ёнида пули бўлмаганми, хотиржамгина: – Шукур, манда ҳозир пул йўқ, – деди.

– Йў-ўқ, пулингизнинг аҳамияти йўқ, чинакам шоир сиз экансиз! Шунга айтмоқчиман, – бўш келмади Шукур ака. – Сиздай талант – миллатнинг ғурури, ифтихори! “Шукуржон, этвомман-ку, пулим йўқ”, деб, энди бироз тажанглашиб жавоб қилди Шукрулло домла. Шукур ака:

– Биз бекордан-бекорга Ҳамзатову Қўғилтиновларни мактаб юрган эканмиз. Улар... – деб бошқатдан олаётувди, хой, падар лаънат, пулим йўқ девоманман-ку, санга! – дея бақириб юборди Шукрулло домла. Роса қулишганмиз”.

Қозоқбой аканинг ҳикоясини Ўрозбой оғага айтдим.

– Бор эди. Шукур акада шундай эркаликлар бор эди, – деб уям кулди. – Эркалик ярашарди Шукур акага.

Илжайишиб турувдик, судралиб Салаев келди.

– Ўрозбой, эшитдингми, Давлатнинг сигири туғибди! – деди катта хушхабар етказаётгандай қилиб. – Сигиринг туғса, номини ўзим қўйиб бераман, деган экансан?

– Шу ердами ёки роддомда?

– Шу ерда, уйида. Рўза чиқса, юваман, деб турибди.

Ўрозбой оға жиддий муаммони ҳал қилаётган киши сиёқида бир лаҳза чаккасини қашиб турди. Сўнг: – Қиз бўлса Дўрмонгул, ўғил бўлса Дўрмонбой бўлади! – дея эълон қилиб юборди.

Учовлон бараварига хоҳолаб юбордик. Кулгимиз икки томонида дарахтлар ўсиб ётган кўчадан ошиб ўтиб, боққа сингиб кетди.

– Ўтиринглар, яна бир воқеани айттайин, – деди Ўрозбой оға таниш шийпонга кирганимиздан кейин. – Бизнинг чекка овулда бир чол бор эди, тўқсондан ошган, лекин тетик. Уни Қизилқумда қўй боқиб юрганда ҳарбийга олишган. Вагонда бораётиб, уруш кетаётганини билиб қолгану, поезддан ташлаб қочган. Қизилқум чексиз. Келиб қўйини боқиб юраверган.

Военныйлар излаган. Қозоқ ҳарбийлари қидириб келганда, мен Ўзбекистонданман, сизлар билан ишим жўқ деган. Бу томондан излаб боришган, мен қазақистонликман, деган. Шу билан урушга бормаи қолган. Чолнинг боласи совхозда партком эди. Кунларнинг бирида отасининг олдига олиб борди. Чол ўтовда ўтирган экан тепадай бўлиб.

– Болтани олгин-да, анов дарахтни чопиб ташла! – деди ҳали ўтирмасимиздан ўғлига, ўтовдан нарироқдаги биттагина саксовулни кўрсатиб. – Эшик олди тўқай бўп кетди, оржағинда қўйларим кўринмаятир.

Ўғли чопмайлик, турсин, деган эди, ҳай сени, деганча ирғиб туриб болтани олди-ю, эринмасдан бориб, кўз ўнгимизда саксовулни чопиб ташлади. Яхшиямки отам урушга бормаган, деб кулди ўғли, борганда, Россия тугул, дунёда дарахт уруғи қолмай, одамзод соя қидириб юарди.

Шу чолни қозоқлар томонда бир ошнаси бор экан. Чолнинг яқинларидан бири оламдан ўтганида, туя миниб, жанозага келибди. Уч кундан кейин уйига қайтиб бориб, хотин-хотин, дермиш ҳали туядан тушмаёк, тамақ барма? Бор, дебди аёли, нима бало, борган жойингда овқат бермадими? Ўладиган бўлдим, ўзбек ўлмағай, ўлса, қозоқ ўлсин экан”, деб айтиб берибди. Бизда таъзияли хонадонда уч кун ўчоқ ёқилмайди-ку. Қозоқларда аксинча, туями, ҳўкизми сўйиб ташлаб, қуюқ-сууюқ қилиб еяверади.

– Бизнинг одатлар бошқалар учун жуда қизиқ, – гап қўшдим мен. – Мана, корейслар. Киносини қаранг. Аёлларининг таъзим қилиши – ўзи катта санъат, одоб. Биз ҳам киноларимизда ана шу томонларга эътибор қаратишимиз керак.

– Тўғри, – шу заҳоти фикримга қўшилди Ўрозбой оға. – Бир йили халқаро кинофестиваль бўлди. Чингиз Айтматов жюри раиси. Қойил қолганман шунда у инсоннинг нақадар йирик, дунё миқёсидаги фигура эканига. Биринчи ўринни корейс фильмига берди. Хитойга иккинчи, русларнинг “Любит по руски” деган киносига учинчи. Махсус соврин Исамат Эргашевнинг фильмига тегди. Мен Нукусда кинематографчилар уюшмасининг вакили эдим. Обсуждение вақтида ҳайрон қолдим. Чиндан ҳам корейсларнинг айрим одатлари бизларга ўхшар экан. Ўша фильм мазмунини бундай: Катта оила. Оила бошлиғи – ота оламдан ўтган. Дунёга сочилиб кетган фарзандлар жанозага келмокда. Бири Америкадан, бири Австралиядан, бошқа бирови Англиядан. Эркаклар машинадан тушибок овоз чиқариб, йиғлаб киради вой-войлаб. Хотинлар йиғламайди. Уларниям муллasi бор – ўзларининг дуоларини ўқиб ўтиради. Шу жиҳатлари ўзимизга ўхшаш. Қолгани – йўқ. Чўчка сўйиш одати бор экан. Ўғиллардан биттаси чўчқани кувади, чўчка қочади. Ичиб олган ҳалиги ўғил. Марҳумни уч кундан кейин ерга кўядилар. Уч кунгача ўқийтиган нарсаларини ўқийди. Оғайни-танишлар келиб-кедиб туради. Дафнда овоз чиқариш ҳам биздагидай. Лекин топилган шундай нукта бор: жанозанинг ўзида болалар ичида мерос талашиш бошланади. Хотинлар орасида шивир-шивир. Жуда ўйлатадиган кино. Биз жюри аъзоси сифатида киноларнинг ҳаммасини кўришга мажбур эдик. Яна бир кинода, бир одам 5-6 километр жойга тупроқ ташиб, дарахт экиб, кўкартиради. Сувниям орқалаб ташийди. Мен Оролнинг неси бўлганим учун шунга берув керак биринчи ўринни дедим, бирақ мени ҳеч ким тингламади. Евгений Матвеевни икки серияли киноси бор эди, шунга беради-ёв биринчи ўринни, деб турсак, Айтматов кутилмаганда корейсларга берди. Миллий қадриятлар тасвирлангани, муаммолар таҳлил қилингани учун.

– Кўп йиллар миллий урф-одатлар тўғрисида гапириш, миллатчилик ҳисобланди-да. Киночилар ҳам, бошқалар ҳам чўчиди.

– Бошқа ёқни билмадим, бизни Нукус овулларида икки ўрис бўлса, уйингни тўрида ўтириб, сўкарди сени. Менсимасди. Чурка, дерди.

– Қўйиб берсанг, ҳозирам...

– Ҳозир энди камайиб қолди. Кампир-чоллар қолди. Анча имонли. Каззоблари кетди. Лекин шуларидаям бирмунча бор. Мен уюшмада ишлаватирганда, Тахиатошда етмишларга кирган бир ўрис кампир бор экан, қариганда шоирлиги тутибди. Шеърларини машинкада босиб жўнатади. Кўнглини кўтараман, “Вести Каракалпакистана” деган газетга хат ёзиб, илтимос қиламан союз номидан. Оз-моз қўллаб-қувватлаб юрувдим, икки ойлардан кейин иккита юрист келди, сиз манави одамнинг несини бермай, миллатчилик қилаётган экансиз, деб. Мен, не қиламан, қаерда босаман бизда газет бўлмаса десам, китоб қилиб чиқариш керак эди дейишади. Ўзимизни юристлар. Қараб туриб, қаҳрим келди, босадиган жойим бўлмаса, орқангга босайинма, дедим. Ўйлаб қаранг, “Амударё” журнаliga таржима қилишга ярамайди. Шундай десам ҳам юрист болаларнинг тушунгиси йўқ. Аксинча, менга насиҳат қияпти: бу момой ёзишни энди бошляпти, қирқ йил ўқитувчилик қилган бўлсаям ижод оламида ёш, эксперимент шеърлар, ёрдам бериш вазифангиз... Ўша вақти

бизда рус тилида ёзадиганлар камайиб қолувди. Бир-иккитаси бор эди, кўп қотирарди бошимни, ёзаверинг, кўпайса, китоб қилиб чиқарармиз, деб кўнглини кўтарар эдим. Кампиршоям шуни эшитиб келган.

Шийпоннинг тунока томи қитирлаб, ёмғир бошланди. Шамолда терак баргларига шитирлаб урилаётган ёмғир зарралари юз-кўзимизга сачради. Бу дунёда ёмғир навосидан ўзга сас йўқдай. Табиат дардли бир куй чалапти гўё. Чурқ этмай тинглаб ўтирибмиз.

– Бугун не иш қилдинг? – анчадан кейин сўради Салаев.

– Бир нарсани озғинтой ишладим. “Сардоба сирлари”. Секин ишлайдиган бўп қолганман, – жавоб берди Ўрозбой оға. – Табиий ва техноген офатлар ҳақида. Кўп йиллар бурун Мўйноқ яқинида даҳшатли ўпирилишни кўрганман. Сардоба-ку, ҳар қалай, уч йил турган. У ерда дарёдан тошиб келган сув бугун битган платинани, эртаси куни гидроузел-мидроузели, бетон-сетони билан суриб кетди. Гиниятулин деган бор эди. Тожиев бизнинг министрлар советининг раиси, иккаласи лентасини кесди. Меҳрибон деган қиз билан съёмка қилдик. Қаипбергеновни мен олиб борганман. Қаипбергенов фотиҳа берди. Платина “Междуречий” деб аталарди. Мўйноққа яқин. Ўша ерда оҳақли тоғ бор, бўр олинади доскага ёзадиган. Тўғон кум устига солинган. Орол фонди маблағидан қурилган. Гиниятулин шундан кейин Орол кўмитаси раислигидан кетди. Ўша ерда, ўпирилишдан бир кун аввал, мен тост айтганман, “Я не доверяю вашим водникам”, деб. Хуллас, бугун лента қирқилди, арақ урилди, Мўйноқ раҳбари ҳўкизни сўйди, эртасига эрталаб платина жўқ-да.

Навоийнинг бир сўзи бор “Маҳбуб ул-қулуб”да. Ҳазрат саховат ҳақида гапириб, “Денгизга ёққан ёмғир саховат эмас”, деган.

Мен Навоийнинг шу сўзини “Сардоба сирлари”га киритмоқчиман. Сирдарёга бориб келдим, кўзим билан кўрдим. Чўлпон бекорга халқ тўлқиндир, демаган. – Мен Сирдарёда кўрганларимни қисқача айтиб бердим. – Омборлар тўлиб кетган, қўйишга жой йўқ. Мамлакатнинг ҳамма томонидан қаторлашиб келаётган машиналарнинг кети кўринмайди. Нималар йўқ: кўрпа-тўшак, қозон-товоқ, диван-каравотдан велосипедгача бор. Шундай пайтда билинар экан халқнинг кимлиги, кучи, қудрати. Гурурланиб кетаркансан беихтиёр. Саховат нималигини кўрмоқчи, тушунмоқчи бўлганлар Сирдарёга бир бориб келиши керак. Навоий ҳикматига келсак. Ҳазрат – ҳақ: Саховатни кам таъминланганларга, муҳтожларга бер, бойгамас, яъни денгизга ёмғир ёғиши шарт эмас. Навоийнинг шу сўзини эссенгизга эпиграф қилиб олсангиз, худди узукка кўз қўйгандек, жойига тушар экан, – дедим Ўрозбойга.

– Маъқул, – рози бўлди оға.

– Ёмғир тинди. Кетмаймизми? – Салаев атрофга қараниб-қараниб аста жойидан қўзғала бошлади. – Яна бошлаб қолса, шалоббо бўламиз.

– Шошма! – деб айвондан чиққан жойида Салаевни енгидан ушлади Ўрозбой оға. Кетгиси келмай, атайин суҳбатни чўзишни истаётган одамга ўхшар эди шу дақиқаларда у. – Сен Олланиёз оғани танирдинг-а? Ғалати одам эди. 14 гектарлик боғи бор эди. Боғдаги мевалар пишганда шаҳар катталари таъмини татиб кўрсин деган ният билан уларни таклиф қилибди, аммо келишди. “Ҳар кун катта йўлдан у ёқдан, бу ёққа зир-зир

ўтиб қайтади, – деди бир куни менга. Бурилиб кирмайди. Агар шу боғ ичида бир қиз сочиға одеколон сепиб турса, шу жугармаклар қайрилиб келадима...

Ёмғирдан кейинги этни ёқимли жунжиктирувчи намхуш шамол эса бошлади. Осмоннинг қовоғи эса ҳамон солиқ эди. Юлдузларни тўсиб қўйган булутлар тобора қуюклашиб, ҳар лаҳзада шовуллаб ёмғир бошланиб қолиши мумкинлигидан дарак бериб турарди. Ўлнинг ҳар-ҳар жойида чироқ шуъласи ялтиратиб турган қўлмакларга бирда тушиб, бирда айланиб ўтиб, йўрғалаб кетдик. Айна вақтида турган эканмиз, эшикдан киришим билан томни тарақлатиб жала қуйиб юборди.

6

Рўза кунлари, ифторликдан кейин, одам айрича роҳат оғушида бўшаши, қийшайиб, мудрагиси келади. Чап елкага “миниб” олган шайтон “ухла, ухла” деб тўшакка тортаверади. Шайтоннинг аврашига алданиб қолмаслик учун, ўзимни мажбурлаб ташқарига чиқдим. Ўрозбой оға кўринмади. Қўчқор Норқобил дарвозаси қаршисида, тизза бўйи ўт қоплаган бокқа тикилиб, папирос тутатиб турибди. Шом қоронғисида папирос чўғи тиллақуртдай ялтираб-ялтираб кетади.

– Қўчқор ака, хорманг! – дедим якин бориб. – Рўзалар чарчатмаяптими?

– Э-э! Ака, ассаломалайкум! – кўпириб сўрашди у. – Кўрсам, раҳмат айтаман, деб юрувдим. Ака, оиламиз билан сиздан миннатдормиз. Хосиятнинг шеърларидан неччи марта бердингиз. Менинг мақолаларим ҳам тинмай чиқяпти. Қизларингиз дарров русчага таржима қилиб, қўйиб юборишибди.

– Чиқармаса бўлмайдиган қилиб ёзганингиздан кейин, нима қилайлик, Қўчқоржон?

– Ака, ЎзАга, умуман чиқмаганман. Кейинги бир йилда бир неча мақолам чиқиб кетди кетма-кет. Кечагисини Сирожиқдин Сайид ҳам кўрибди. Телефон қилди. Белоруссиядан телефон бўлди. Улар сизлардан олиб, газеталарида чиқаришибди. У ёқдаги элчимизнинг ёрдамчиси айтди.

– Муборак бўлсин.

– Ака, биласиз-ку, Беларусга бориб келдим. Урушнинг биринчи кунларида ўша ерда хизматда бўлган ўзбек аскарларининг жасоратлари тўғрисида “Урушнинг биринчи куни” деган китоб қиялман. Сизнинг қизларингиздан илтимос қилувдим, бирпасда чиройли қилиб русчага ўгириб беришди. Ака, минг раҳмат! Мен ким-кимларга илтимос қилиб, таржима қилдиар эдим, барака топинг. Карантин ўтсин, ош қиламиз, акани чақирасиз, деяпти Хосият синглингиз.

– Раҳмат. Лекин яхши мақола ёзганларга ош – биздан. Бундан кейин ҳам зўр-зўр асарларни бегона қилманг.

Эркин Воҳидовнинг ҳали битмаган дала ҳовлиси ёнида Ўрозбой оға кўринди.

– Қалай, аҳволлар, соғлиқлар яхшими? – сўрашди етиб келиб. – Хорманг. Чекиб турибсиз.

– Кун бўйи чидаймизу, ифтордан кейин хумор қилади, – илжайди Қўчқор. – Акамга миннатдорлик айтиб турибман. ЎзАни чет мамлакатлардаям ўқувчиси кўп экан.

– ЎзА бошқача бўп кетди. Расмийлик билан бирга, эл дардини, халқ фикрини ёзадиган бўлди.

Ишхонанг тўғрисида яхши фикрлар эшитиш ёқимли. Лекин юзингга айтилса, нокулайлиги ҳам йўқ эмас.

– Қўчқор, юринг, бирпас айланамиз.

– Ака, Турсун Али келаман, девди.

– Турсун Алига салом айтинг.

Оғам билан юқорилаб кетдик.

– Дўрмоннинг ўз жуфтликлари бор, – кулимсиради анча узоқлашганимиздан кейин Ўрозбой оға. – Қўчқор – Турсун Али билан, Нурали Қобул – Тоҳир Қаҳҳор билан, Эркин Аъзам – хотини билан, Чоршам Рўзи валасапители билан айланади. Ўнинчи коттежда Беҳзод деган ёш шоир бор, бировга қўшилмайди, ҳамсиянгиз Амир Худойберди уйдан кам чиқади. Тепада Мирза Кенжа бор, кўрган чиқарсиз, уям кам кўринади.

– Дил-дилга тўғри келмаса, тил-тилга тўғри келмайди.

– Бугун сизларни сайтда Есимхоннинг мақоласини кўриб қолдим. Орол остидан тоза сув чиқди, дебди. Бу тўғримас. Есимхонга телефонда айтдим, иним, сенсация излама, табиат қонунларини ўрган, дедим. – Ўрозбой оға бир муддат ўйланиб қолди. Унга савол назари билан қараб турганим учун, вазмин давом этди: – Табиат қонунларини чуқур билмаслик туфайли, телевиденияда, газеталарда кўп ёлғонлар айтилади. Денгиз остидан тоза сув “чиққан”и ҳам навбатдаги шов-шув, холос.

Оғамнинг танқиди, табиийки, мени дарров хушёр торттирди.

– Шунақами? – бу аслида савол эмас, “айтинг-айтинг” деганим эди.

Оғам мени тушунди:

– Қўнғиротдан кейин, Судоче кўли келади. Кўлдан Амударёнинг бир жилғаси денгиз ёқалаб оқади. Кемада кетаверсанг, Оролнинг таги кўринади: дубулғалар, қумғонлар, қиличлар. Шу ерда антиқа манзарага дуч келасиз: бир томонда лойқа, иккинчи томонда тоза сув, ўртада худди бир чизикдай кўринмас девор. 30 километрларга чўзилган “девор” бўйлаб кетаётганда – шўр сувдан чанкаган киши тоза сувдан ичиб кетаверади. Чучук сув, шўр сувга бир ҳафталардан кейин аралашиб кетади. Унга аслича тураверади. Қадимда дарёнинг шу ирмоғи билан Судоче кўли осетра балиғининг макони бўлган, икра кўп бўлган. – Ўрозбой оға чуқур тин олиб, гапини давом эттирди. – Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида учта республика ўртасида сув ресурслари бўлиб олиниб, беаёв таланиши натижасида, сувда сифат қолмади. – Оғам аста, чўзиб-чўзиб гапирарди. – Сариқ касал, бошқа касалликлар кўпайди. Менинг ўзим тиф деган дард билан 21 кун инфекционийда ётдим. Бундай касаллик СССРда 1946 йилдаёқ йўқолиб кетган, дея рапорт берилиб, дунёга жар солинган экан. Дори йўқ, чиқарилмай қўйган-да. Тошкентнинг қаеридандир олти дона пенцилинга ўхшаган дори топиб, шу билан омон қолганман. Шундан сал олдин ўғлимнинг иссиғи чиқиб кетди, ҳеч тушмайди, йиғлайди, эммайди. Докторга, нега бундай десам, ичадиган сувимиз дабдала, деди. Амет деган бош санитар врач таниш эди. Аметнинг ичи тўлиб юрган экан, Ўрозбой, мендан чиққанини биров билмасин, лекин, манов ичиб ўтирган сувимиз қорамолларнинг нормаси. Ўрганиб, мақола ёзсанг-чи, деди у. Ке-

рак бўлса, ёзаман, деб, астойдил ўргандим. Вой-вўй, биз сувмас, захар ичиб ётган эканмиз! Халқ қирилиб кетмаганига шукур қилиш керак. Аниқлаганларимни маржондай тизиб, алам билан катта мақола ёздим. У вақтда цензура кучли, мақолам газетада чиқаётган жойда олиб ташланди. Аммо, цензурачиларнинг “лупа”сидан қандай ўтган, ҳозиргача ақлим етмайди, сал кейинроқ, қорақалпоқча китобда чикди. Сувнинг айниши, экологиянинг бузилиши оқибатида қанча-қанча жониворлар қирилиб кетгани ўшанда билинди. Бадайтўқайда саноклигина Бухоро буғулари қолибди. Улар ҳам тўқайдан чиқолмайди, чиқса – ўлади. Ёнг даҳшатлиси, СССР вақтида, “Возрождение” оролида инсоният бошига қирғин солувчи мудҳиш синовлар ўтказилган. Язва, чума, холера деган касалликларнинг бариси синалган. Ўша пайт НАТО вакиллари оролга келиб кетди. Шунча ҳаракат қилдим, мени кўшишмади.

Жуда хафа бўлдим. Хафа бўлган сайин жаҳлим чиқади, чидолмайман. Тушунаман, улар НАТО гуруҳига мени кўшишса, сирлари очилиб қолади – мен индамай кетмайман, ёзаман. Лекин қачонгача давом этади бундай одамхўрлик? Қачонгача тилимизни тишлаб юрамиз? Менинг курашим ҷумолининг филга қарши турганидай гапдир, барибир, “жанг”ни тўхтатмадим. Ёзавердим ўзимизни, Тошкентни, Москвани газетларига. Мажлисларда гапиравердим тинмай. Хориж радиоларига интервьюлар бериб юбордим. “Ўпкангни бос, ҳой бола!” дейишганда янаям қаттиқроқ айтабердим.

Нукусда химический войска бор эди. Генерал Петров главный командующий, Жўқарғи кенес депутаты. Шу одам бир кун мени чақирди. Вертолётига миндириб, осмонга учириб кетди. Бир жойга қўндик. Бийдай сахро ўртасида, паласалари Нукусникидан икки баробар кўпу, ҳеч бир картада кўрсатилмаган улкан аэропорт. “Ўрозбой Абдурахманович, – деди генерал. – Сен бизларни Орол экологиясини бузиб, захарлавотир, депсан. Мана, кўр”. У шундай деватқанда, энгашиб кўк ўтни юлиб олдида, чайнаб-чайнаб, еб юборди. “Сен ёлғончисан. Мана, мен, генерал, тирикман. Ё, ўлиб қолдимми? Биз ҳеч нарсa қилганимиз йўқ”.

Бир машина келди. Кетдик. Анча юрганимиздан кейин, ўн минг одам яшайдиган городокка кирдик. Тўрт этажли мактаблар, детсадлар, магазинлар – ҳаммаси бор. Шинам кафега кириб, чой ичдик.

– Мана, кўрдинг. Энди тинч ўтир, алжирама! – қатъий огоҳлантирди генерал. – Тўғри ёз.

– Албатта ростини айтаман, ўртоқ генерал, – ваъда бердим мен ва ваъдамни бажардим. Оролдан қайтишимиз билан совминда ўтган катта мажлисда ғожиа илдизларини очиб ташладим. Йиғилишда ўтирганлар мендан бошқа нарсаларни кутган эди.

Хуллас, яна “Ўқиш китоби”даги “Ур, тўқмоқ” эртагидай ҳамма ерда ур калтак, сур калтак...

– Минг йилдан буён Орол-Орол дейсиз, онангиз денгизда туғмаганми сизни ишқилиб?

Бу ҳазилим Оғага маъкул тушди. Оғзини катта очиб, қулиб юборди.

– Мен Оролдан 200 километр берида, Амударёнинг у бетида туғилганман. Ўша, 1949 йили дарё тошиб кетиб, биз туғилган жойлар сув остида қолган. Бизнинг оилани кемада дарёни бу томонига ўтказишган.

Оиламиз катта бўлган – тўрт ўғил, уч қиз. Икки укам, бир синглим эрта кетди. 1976 йилда уйланганимдан сўнг, икки ой ўтиб, отам дунёдан ўтди. Фарзандларнинг каттаси эдим. Оиланинг ҳамма ташвиши елкамга тушди. Энди укаларимни олдинга судрашим, ота ўрнида ота бўлишим керак эди. Шукур қиламан, биттасидан бошқа, укаларимнинг ҳаммаси олий маълумот олди. Оилали бўлди. Ҳозир неваралари бор. Бир укам ирригация институтини тамомлаб, инженер бўлди. Кунларнинг бирида шу укамни райкомга чақириб, партияга оладиган бўлишибди. Биз сизни катта вази-фаларга кўтарамиз. Лекин битта шароитимиз бор, катта аканга айтасан, жим юрсин, дейишибди. Мен айтолмайман, депти укам, акамга жим бўл, десам, дабдаламни чиқаради.

Бу вақтга келиб мен “Оролни асраш” қўмитаси аъзоси, катта-катта ташкилот бошлиқларига ҳам ишласанг ишла, ишламасанг қўй, дейдиган даражада обрўли одамлар қаторида эдим. Айниқса, сув тизимидагилар чўчирди, бу ярамас камчилигимизни айтиб қўяди, деб. Какраз ўша пайтда 80 километр узунликдаги канал қурилиши бошланган. Шуманайдан ўтиб, катта коллекторга қуйиладиган канал проектида ёмон хато бўлган: канал битса, сув олдингамас, орқага қайтиб кетади. Соҳадагилар укамни партияга қабуллаб, менинг оғзимни ёпмоқчи, бир ўқ билан икки қуён овламоқчи бўлишган, ўзларича. Укам шуларни айтиб берганидан кейин, обкомга кириб, жанжал бошладим. Тўполон катта бўлишини сезган трест раҳбари телефон қилди, Ўрозбой, сиз катта одамсиз, шу болани бизга беринг, ўзимиз одам қилайлик, деб. Кейин илтимосга ўтди, ялинди; Нукусдан, Тошкентдан уй, машина ваъда қилди. Сўрасам, вертолёт берадиган шашти бор. Бой ташкилот эди-да. Мендан кўп нарса талаб қилинмасди; билганларимни, билмасликка олиб, улар Оролни, табиатни асраш йўлида жонбозлик қиляпти, деган мазмунда битта мақола ёзсам тамом-вассалом – мендан бадавлат одам бўлмасди бутун қорақалпоқ элида. Ундай қилолмайман, дедим мен, қилсам, ёзганларим ёлғон бўлиб чиқади. Уят бўлади-ку, одамларнинг юзига қандай қарайман? Шундан кейин Тошкентдан Ракитин деган заминистр келиб, трест бошлиқларини ҳайдади. Укамга ҳам каттагина вазифа берди. Укам илмли, тиришқоқ, тоза йигит эди; у ердаги ўйинларга чидолмади, қийналди, кўп ичадиган бўп қолди. Трестдагиларнинг бариси арақхўр бўлиб кетган экан. Вапше, арақхўрлик бизнинг трагедия. Биз Хоразмниям ярмини арақхўр қилдик, пиялани тўлдириб ичасан, деявериб. Трагедиянинг томири эса, афсуски, Орол эди. Орол фожиаси одамларни камбағал-қашшоқ қип қўйди. Эртанги кунига умиди йўқолганлар аламини арақдан оладиган бўп қолди. Мустақилликдан кейин... Ўзгариш бошланганига, икки қўлимни кўкрагимга қўйиб айтаман, тўрт йил бўлди. Худди афсонавий қахрамон Фарход тоғни тешиб, чўлга сув келтиргандек, дашту биёбонларимиз, овулу қишлоқларимиз, қўрғону қўрғончаларимизга яшиллик кирди; одамларнинг чехрасида умид, ризолик, табассум пайдо бўлди. Энди, нима қилиб бўлса ҳам Оролни асраб қолсак, қорақалпоқ халқидек бахтиёр халқ дунёда бўлмайди.

– Шу воқеадан кейин оролшунос бўлиб кетдим, денг?

– Э-э... Сабаб кўп, – деб, яна бир нималарни айтмоққа энди оғиз жуфтлаган эди телефони жиринглаб қолди.

– Неъматилла ака, – деди гаплашиб бўлганидан кейин. – Сизга салом, деди.

– Ажойиб инсон. Зиёлиларнинг чин жўраси.

– “Ақчакўл илҳомлари”ни ташкил қилувди Элликқалъада ҳоким вақтида.

– Кетганидан кейин тугаб кетди. Муҳаммад Юсуф ўшанда ўтиб қолдида. Мен Бадайтўқайда эдим. Бухоро оҳуларини съёмка қилаётувдик. Ёшлар семинарига Абдулла Орипов, Муҳаммаджонлар келганини эшитиб, дарров етиб келдим.

Маданият саройи тўла одам. Абдулла ака, Неъматилла акалар шу ерда. Муҳаммаджон минбарда ёшлар ижоди тўғрисида гапираётган эди. Гапириб туриб бирданига индамай, жим бўлиб қолди. Кейин, мен, ҳозир, деб ташқарига қараб юрди. Қандайдир ички безовталиқ билан мен ҳам орқасидан ҳовлига чиқдим. Ёнига борсам, мана мундай қилиб, кўкрагини силаб турибди.

– Раҳматли, ўлим ҳақида кўп ёзарди.

– Ниятни ҳамиша яхши қилиш керак экан.

– Бир рассомни айтдингиз-ку, ҳамма нарсадан гўзаллик ахтарарди, деб.

– Жўлдасбой оға-да. Ҳумоюн Акбар у ҳақда қисса ёзди. Қўлёмасини ўқидим. Замечанийларимни айтдим. Жўлдасбой оға Голландияга боради, кўргазмада қатнашади. 2000 евро гонорар олади. Тошкентга келиб, метрога кирганида, мелисаларнинг кўлига тушади. 2004 – 2005 йиллар бўлуви керак-да, ҳамма ерда бир сидра каттиқ текширишлар бошланиб кетган пайт. Чамадонини очиб кўришса, чиройли ёғоч хайкалу, бир даста евро. Мен Ўзбекистон халқ рассомиман, чет элдан, кўргазмадан келяпман, деганига қулоқ солмай, ҳамма евросини тортиб олишади. Бировга “ғинг” десанг, “вахобий” деб камоқда чиритамиз, овулингга соғ қайтиб боришни истасанг, тез даф бўл, деб ҳайдаб юборишади.

– Жуда аянчли воқеа.

– Детал – мана шу, ёзувчи учун хомашё. Ҳумоюнга шундай деталлар топишни маслаҳат бердим. Энди бирпас ўтирмасак бўлмайди. Оёқ дам олиш вақти бўлди, деяпти.

Бурилиб, айвончага кирдик. У икки кўлини ўриндиқ суянчигига ёйиб, оёқларини узатиб юборди.

– Яна икки айланишга етадиган куч копти, – деди чукур-чукур нафас олиб. – Авваллари юриб, чарчамасдим.

– Бу гап сизнинг характерга мос эмас.

– Ҳа, энди... бошқатдан йигит бўмаймиз-да, – бошини афсусли тебратди. – Аммо, ажойиб характерли кишилар жуда кўп. Мана, яна биттаси – Турсунбой Тангриберганов. Айтайми?

– Айтинг, айтинг?

– Юрувди битта теплица хўжайини бўлиб. Бир кун менга “Халқ сўзи” газетидан телефон қилиб, шу одам томчилатиб суғоришни жорий қилди, тезда бир мақола ёзиб беринг, дейишди. Ёздим. Чиқди. Яна телефон бўлди: шу мақола учун тепадан газетага раҳмат айтилибди. Турсунбой

ҳам уч-тўрт йигити билан уйга келди икки халта бодринг кўтариб. Ювдик. Икки кундан кейин яна телефон қилди, овози хавотирли, мени Тошкентга чақиряпти, не қиларни билмайман, кўрққанимдан касалхонага ётволдим, деб. Тепа сўраб турғанда, касалхонада беркиниб бўладими? Эртасигаёқ ғизиллатиб опкетишибди. Бориб келганидан кейин эшитсам, Тўрткўлга ҳоким бўлибди. Сухбатга чақиришган экан. Президент Ислоҳ Каримов Исроилга кетаётиб, самолётда мақолани ўқибди. Мен шундай одамни тополмай юрувдим, чақиринглар деса, у бечора касалхонага ётволган.

Тўрткўлда бир йил-икки йил ишладими-йўқми, билмайман, бир замон лип этиб Совминга раис бўлди. Раис бўлди-ю, шу вақтгача мени “оға-оға” деб юрган одам, икки марта бордим – қабулламади. Подшоларни несиндай тартиб ўрнатибди: кўчага чиқар бўлса, икки-уч одам чошиб тушиб, йўлини тозалайди; кирган-чиққанини ҳеч ким кўрмаслиги, ҳеч ким билан саломлашмаслиги керак. Учинчи борғанда помошнигига бор, Ўрозбой кеп турипти, ҳозир қабул қилмаса, фалон қиламан деб сўқиняпти дегин, дедим. Айтолмайман-айтолмайман, деб кетувди, бир вақт ўзи чиқиб келди. Ўрозбой иним (“оға” эдик, “ини” бўлдик), одам кўп келади, ишлатгани қўймайди, фалон-писмадон, деб ичкарига опкириб кетди. Яхшилик қилмоқчи бўлдим, анов-манов керакми, деб сўради. Ҳаммаси зўр, ҳеч нарсаси керакмас, ярим пиёла “Қоратов” қуйсанг бас, дедим. Мана, мана шу ҳам характер. Энди ёзувчи уни бадиий образга айлантириш керак.

– “Қоратов – қоратов” деб ҳамма мактайди. Сабаби нимада?

– Технологияда. Филтрлашда. “Қоратов” уч марта филтрланади. Филтрловчи аппарат 1943 йил – Сталин замонида опкелинган. Ҳалигача тўхтовсиз ишлайди.

7

Кулфимиз бузилиб қолди. Келганимизда ҳам “соғ” эмасди – очилса, ёпилмай, ёпилса, очилмай асабга тегиб юрувди. Энди бутунлай ишдан чиқди: калит айланади-ю, кулфланмайди. Устачиликка эватайим бўлмаса ҳам ўзимча бурама михларни бўшатиб, тутқични суғуриб, кавлаштириб турувдим, қия очик дарвозадан тапичкасини “шап-шап” судраб Ўрозбой оғам кириб келди.

– Вой-вўй! Эшикни дабдала қипсиз-ку, ақсақал! – бошини ҳайрона тебратиб, ёнимга келди: – Бу корейсларнинг кулфи, жуда олипта. Атверкани менга беринг, қани? – деб эшикни тиззалари орасига маҳкам сиқиб олди. Букчайиб, шошилмай кулфга синч солиб тикилди, қимирлатди, калит билан буради, айлантириб кўрди. – Эсингизда бўлса, студентликда курилишда танишган алиментшиқ мастер тўғрисида айтувдим. Кулфбузарликниям, – менга қараб, бир илжайиб қўйди. – Ўша ўргатган.

Кўп уннади. Кулфни суғуриб олди. Қўлида айлантириб, анча текширди. Яна жойига қўйди. Калит тикиб, буради – ўша-ўша.

– Ҳов, бу бошқачами, дейман? – деди хижолат бўлиб. – Ўзимникини баладай тузатувдим.

Бурама михлару митти мурватларни, кулфни яна ечди. Энди кўзойнак тақиб, жиддий қаради. Мен кўлимдан ҳеч нима келмаса ҳам оғамнинг у ёғига, бу ёғига ўтиб турибман. Вақт тушга яқинлашган, кун иссиқ, соя йўқ –

терлаб кетди. Ниҳоят, “олипта” кулф яна жойига тушди. Ва, кўрқиброк калитни буради...

– Лаънати! – деди пешона терини артиб.

– Э-э, қўйинг! Уста чакираман. Бўлмаса, янги кулф оламиз. – Оғам хи-жолат бўлган сари, менинг хижолатим уникидан-да ошиб бораётган эди. – Обед бўп қопти, кетдик, яхшиси, аламига элликта-элликта отамиз.

– Отмасак, бўмайдиған бўлди-ку...

Биз қўл-бетни ювгунча, болаларнинг онаси Зайнаббону гилос сояси-га тўшанчи тўшаб, дастурхон ёзди. Бир-бир пиёлани бўшатиб, иккинчиси... пиёлаларимиз ҳали бир-бирига етиб боргани йўқ эди, ўлай агар, бунақаси ҳаётда минг йилда ё учрайди, ё йўқ; худди шу маҳал, нақ тепа-мизда:

– Ўрозбой! – деган ингичка овоз ёзги момақалдирокдай жаранглаб кет-са бўладими!

Бу овозда қахр билан меҳр, ўпқаланиш билан ўксиниш, алам ва азоб шу қадар аралашиб, қўшилиб кетан эдики, беихтиёр икковимизнинг ҳам кай-фимиз учиб кетди. Мен ҳамиша кулиб, кушдай енгил юрадиган, ширинсўз янгамиз – Бозоргулни биринчи марта кўраётган эдим бундай ғазабли қиёфада. Чечамнинг юпқа лаблари титраган, кўзлари янаям қисилган. Ўзимиз билан овора бўлиб, келганини сезмай қолибмиз. Ўрозбой оғам ўғирлик устида қўлга тушган боладай довдираб қолди. Ранги ўзгарди, қўли қалтиради, пиёласидаги аракнинг ярми дастурхонга тўкилиб кетди.

– Ўразвой! Бу тагин неси?!

Мен:

– Янга... Келинг. Биз... Энди... – деб дудуқланаётувдим, Бозоргул чечам гапимни эшитмагандай, аввалги оҳангда оғамдан кўзини олмай зорланди:

– Дўхтир не деганин унутдингма? Сенга бир гап бўлса, мен не қиламан...

Мен шундан кейин чечамнинг маъсума кўзлари жикқа ёшга тўлгани ва ана-мана ҳўнграб юборишга тайёрлигини кўрдим. Кўрдиму, қаттиқ пу-шаймон бўлдим.

Пушаймон баробарида, ҳавасим ҳам келдики, оғамнинг мана шундай ғамхўри, куюнчак умр йўлдоши бор. Турли бало-қазолардан она шер каби ҳимоя қилишга тайёр суянчи бор. Бир-бирига суяниб, бир-бирини суяб турган чўққилар...

– Бўлди... Мана... бўлди. – Оғам пиёласида қолганини ҳам майсалар устига сочиб юбориб, аёлига мунғайиб қаради.

Зайнаббону чечамизни қўлтиқлаб ичкарига опкириб кетгунича, у ши-шага худди портлаб кетадигандек хавотир билан қараб турди.

Ноқулай сукут чўқди.

Мен шишани кўздан йўқотмоққа шайланувдим:

– Э, ан насини! Қуйинг тўлдириб! – деб юборди Ўрозбой оға.

Қуймадим. Иккиландим. Ўрозбой оға узун қўлини узатиб, шишани олди; аввал ўзиникини, кейин менинг пиёламни лабо-лаб қилиб тўлдирди. Ва:

– Урдиқ! – бир ҳамлада пиёлани бўшатди. Мен ҳам. Бу қурғурнинг дилбар хислатлари кўп-да – зим-зиё осмонимиз бирпасда чарақлаб

ёришди-қўйди. Сухбат ҳам чоҳдан чиққан машинадек ғириллаб кетди. Яна олдик. Оғам ботирланиб кетди. Жуфт бўлсин, деб яна қуйди. Зайнаб-бону райҳонли мастава опкелди. Овқатдан олдин, ўртасида олиб, мундоқ қарасак, шишанинг ранги ўчиб кетибди. Аммо бизнинг рангимиз ҳам, кайфиятимиз ҳам шоҳона эди.

Минг қўйли бойлар каби оёқларни чўзиб, ёнбошладик.

– Ўзи мен сизга бир яхши хабар айтайин, деб кирувдим. – Ўрозбой оға гавдасини ярим ростлади, ёстикни ўмровига босиб давом этди. – Қорақалпоқ тилинда бирданига 30 та ёзувчи-шоирнинг 30 та китоби чиқадиган бўпти. Уч минг тираждан. Беш-олтитаси чиққан экан, Нукус-га опкетипти. Ободон айтди. Менинг ҳикояларимниям бир китоб қипти. Раҳмат айтдим Ободонга. Ободон Орол бўйидаги Қозоқдарё деган қишлоқдан. Ўқувчилик вақтида шеърларини юборди. Иккита сатри менга ёқди. Отаси, Орол қуриб кетса-да, кемаларини мойлаб қўяркан. Шеър шу ҳақда. Қаипбергановга кўрсатиб, мактадим. Тўлак оға, унинг ўша икки сатрини мисол қилиб катта бир йиғиндаги докладида айтиб юборди – Оролнинг бўйинида умид ўлмағай, деб. Шундан у киз тилга тушди. Ўқишга кирди. Журналда шеърлари чикди. Яхши шоира бўлди. 30 та китобнинг чиқишига шу киз – Ободон Турдимуратова масъул бўпти. – Ўрозбой оғам мамнуният билан томоғини енгил қириб қўйиб, давом этди: – Ободонларнинг қишлоғига борганман. Табиати гўзал. Қишлоқ ўртасидан Қозоқдарё ўтади. Венеция, дейсиз. Одамлар соҳилнинг у бетидан, бу бетига магазингами, бошқагами, қайикда ўтиб, қайтади. Қорақалпоқнинг энг олис овулларида. 2000 йилларгача уларнинг телевизори фақат Москвани кўрсатган. Путин Россия Президенти бўлганидан кейин, бизлардаям сайлов бўлди. Шунда Тошкентдан келган бир гуруҳ вакиллар борган, ақсақолларни йикқан. Ёшуллилар, мана, Президентимизни яқинда сайладик, олиб бораётган ишлари қандай, сизларга маъкулми, ўзларингиз не дейсизлар, деб сўраган. Биттаси қўл кўтариб, шу Президент сайлаганимиз кўп яхши бўлди-да, олдинги Президент пияншик эди, ишякмас, ишгаям келмасди. Ёш бола бўлди, чакқон экан, ҳар кун ишга кеп-кетип журупти, энди бу ёғи яхши бўлади, дермиш. Меҳмонлар ҳайрон. Бечара бобой телевизорда Москвани кўрган, Ельциннинг ўрнига Путин бўган, шуни айтиб ўтирган экан. Сизлар Тошкент телевидениясини кўрмайсизми, сўрапти меҳмон. Бизда Нукусниям кўрсатмаса, қаёқдан кўрамиз, депти бошқаси. – Оғам ўша олис дақиқалар ҳақидаги хотиротни эслаб, қувноқ қулди. – Ободон шу овул қизи.

– Қозоқдарёга ўхшаш жойлар кўп бўлган, – деб, террорчилар Сурхондарёнинг Узун ва Сариосиё туманларига бостириб кирган кунларда, Ўзбекистон телевидениясининг мухбирлари Жўракул Турсунов билан Муҳаммаджон Обидов тайёрлаган репортажларнинг бирида, бўй етган қизларнинг лампочкани “ёнар нок”, телевизорни “сўзловчи сандиқ”, дея ҳайратланганларини айтиб бердим. Қишлоқ катта дунёдан узилиб қолган-да. Ўша пайтдаги Ички ишлар вазири Зокиржон Алматовдан яна бир воқеани эшитувдим. Қашқадарёнинг Тожикистон билан чегарадош қишлоқларига боришса, қариялар, болам, дудуқ пошшомиз камнамо,

яхши юрибдиларми, дермиш. Брежнев замонидан бу ёғига телевизор кўрсатмас, радио етиб келмас экан уларга.

Гурунг шира бойлаб турган пайт, ичкаридан аёлларимиз чиқиб келишди.

Бозоргул чечамиз келибоқ ошкора хавотир билан шишага кўз отди. Биз ҳам анойимас: аллақачон шишага яримлатиб сув солиб қўйганмиз. Янгамизнинг кўнгли жойига тушди, юзидаги норозилик излари “дазмолланди”.

– Оғамда айб йўқ, янга, айб бизда, – дедим бояги кўнгилхираликни “текислаб” қўймоқ учун. – Дўхтирлар, спиртли ичимлик каранавирусни ҳайдайди, дегани учун...

– Сиз, оғангиз қандай қийналганини билмайсиз-да... – Гап оҳангида чечамизнинг оғамиз учун қанчалар ичи ачиши, куюниши яққол сезилиб турар эди. – Оғангиз у дунёдан қайтиб келган одам... – У киприкларидан ялтирай бошлаган ёшларини кафтининг орқа томони билан сидириб ташлади-да, жим бўлиб қолди.

– Уйга кетамизми, кампир? – Ўрозбой оғам шундай деди-ю, яна ўзи солдатчасига “есть!”, дея тураётган жойида илкис қалқиб кетди. Ва, шу заҳотиёқ ўзини ўнглаб олди: икки қўлига таяниб, қаддини ростлади.

Кўчага кузатиб чиқдик.

Оғам олдинда, янгам орқада, узун-калта бўлиб, 18-коттеж томон эниб кетдилар. Қараб туриб, бир қирғоғи қақраб, бир соҳили тўлқинланиб-чайқалиб ётган денгиз – Орол жонланиб кетгандай бўлди тўсатдан ҳаёлимда. “Орол – Одам!” – “Одам – Орол!” деган сассиз ҳайқириқ эса қулоқларим остида жаранглаб, акс-садо бераётгандек эди гўё. Ғалати бўлиб кетдим...



РАУФ ПАРФИ ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Рауф Парфининг жаҳон адабиёти намуналари билан танишуви жуда эрта бошланган эди. Бунинг сабабчиларидан бири адабиётдаги илк устози – Абдурахмон Водилий. Шоирнинг “Зулм ва шеърият” мақоласида бу мўътабар зотнинг мумтоз ва замонавий мусулмон халқлари адабиётидан, айти пайтда, араб, форс ва туркий тиллардан қай даражада билимдон эканлиги маълум бўлади: *“Водилий умрларининг охирида Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфга оид рисоласини форсчадан, Муҳаммад Ҳодийнинг “Алвоҳи интибоҳ” асарини озарбайжончадан, Абдурахмон ал-Кавкабийнинг “Зулм” деб аталган китобини арабчадан ўзбекчага ўгирдилар.*

Абдурахмон ал-Кавкабийнинг “Зулм” асарининг ўрисча нашини ёқамни ушлаб ўқирдим... У вақтлар (1963–64 йиллар – О.О.) Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Александр Солженицин, Андрей Сахаров, Виктор Соснора, Абдурахмон Автархон ва бошқаларнинг асарларини излаб ўқирдим”. Маълум бўлаяптики, шоир талабалик йилларидаёқ ўша даврнинг энг янги, ва ҳатто, тақиққа учраган баъзи адабиётлари билан ҳам танишиб борган. Лекин шоир жаҳон адабиёти билан танишишда булар билангина чекланиб қолмади...

Рауф Парфи муҳаббат қўйган жаҳон ижодкорларидан бири Вильям Шекспир эди. Шоир 1965 йилда уч сонетдан иборат “Ҳамлет” шеърини ёзди. Унда шеър муаллифи: *“Замондошим менинг, жафокаш Ҳамлет, О, дўстим, дунёда хунхорларни кўр, Ожиздир бу қалам, ожиз тасаввур”,* дея Шекспир қахрамонига ҳамдард бўлади. Шеърда инглиз классик шоирининг: *“Сўлдирма! Дунёга шафқат қил, қизгон...”* сўзларини эпиграф этиб олинган.

Дунё сонетчилигида иккита йўл бор: бири Петрарка йўли (классик сонет), иккинчиси Шекспир йўли (эркин сонет). Р.Парфи сонетчиликда Шекспир йўлини тутди, ўша йўлда ўзбек сонетчилигини камолот босқичига кўтарди. Умрининг охиригача Шекспирнинг ашаддий мухлисларидан бўлиб қолди. *“Эй ажал, жонимни тез олгил фақат, Ёлгонга қул эмиш, ё Раб, ҳақиқат”* сатрларини яна бир бошқа шеърига эпиграф қилиб олади. Ҳаётининг охириги йилларида (2003) Шекспир сонетлар китобидаги биринчи сонетни таржима қилди. Шоирнинг ўз дастхатида сақланаётган ушбу сонет ҳали эълон этилмагани учун шу ерда тўлиқ келтиришни лозим топдик:

*Асло сўнмасин деб нафосат боғи,
Асл ток зангидан мева кутгаймиз,*

*Гунчалар очилгай, хазон сипоҳи
Гул баргин тўкадир, биз-да ўтгаймиз.
Сен эрса ўзингга ўзинг мафтунсан,
Ул юксак фазилат воз кечар сендан.
Камолот тарк этса – майибсан, хунсан,
Ўзингга ханжарсан, ўзингга сандон.
Сен баҳор элчиси, ўткинчи нашо,
Фаносан, безарсан бу кунинг холос,
Гунча юз очмасдан сўларми, наҳот?!
Исрофу қизгончдан бўлмадинг халос.
Шафқат қил ўзингга, сўлдирма гулинг,
Очилсин гунчалар, гуллосин умринг.*

Рауф Парфига кучли завқ берган ва руҳлантирган шоирлардан яна бири – Жорж Байрондир. Инглиз романтик шеърятининг даҳоси каламига мансуб “Манфред” драматик достони Р.Парфи томонидан таржима қилинган. Адабиётшунос Н.Раҳимжонов бир мақоласида шоир билан бўлган ўзаро суҳбатдан шундай парча келтиради: “*Манфред*” менга жудаям ёқиб қолди. Ҳамма нарсани биласизу, аслида ҳеч нарса йўқ. Унда руҳият жудаям баланд, ўзгача. Руҳимга яқин. Унда шундай озод фикрлар борки, роҳатланиб қотиб қоласиз. Манфред – даҳшатли образ. Манфред – озод одам, ҳеч нарсага бўйсунмайди. Ва ҳеч қандай мутелик кўринишини тан олмайди...”

Рауф Парфининг Байрон шахсияти ва шеърятига руҳий яқинлиги унинг “Байроннинг сўнгги сафари” шеърида ҳам кўринган. Ушбу сафар ўз даврида ҳам жаҳон адабий жамоатчилигининг эътиборини тортган эди. Бу ҳақда В.Скотт ўзининг “Лорд Байрон ўлими”, В.Гюго “Лорд Байрон ҳақида” мақолаларини, А.Пушкин “Денгизга” шеърини, шунингдек, В.Кюхельбекер, К.Рилеев, Д.Веневитинов каби шоирлар ҳам шеърлар ёзишган. Буларнинг барчаси шоир вафот этган – 1824 йилда ёзилган эди. Орадан 152 йил ўтиб (1976 йил), ўзбек шоири Рауф Парфи ҳам ушбу мавзуга мурожаат қилди.

1823 йилда Грецияда миллий озодлик ҳаракати бошланиб кетган эди. Қадимги юнон маданиятининг ашаддий мухлиси бўлган Байрон ушбу курашда иштирок этишни ўзининг ҳам инсоний, ҳам ижодкорлик бурчи деб билди. 1824 йил 19 апрелда ўлими олдидан у шундай деган эди: “*Мен унга (Грецияга – О.О.) вақтимни, мол-мулкимни, соғлигимни бердим – бундан ортигини қилишим мумкинми? Энди эса унга ҳаётимни бераман*”. Рауф Парфи қалбини ўзига ром этган туйғу – бу Байроннинг миллий озодлик ҳаракатида иштирок этиши эди.

Рауф Парфи мурожаат қилган дунё адабиёти вакиллари уч жиҳатдан: ё Озодлик туйғуси билан, ё Ватан қайғуси билан, ё худ эстетик тамойиллари билан шоирга яқин туради. Баъзан уларнинг учаласи ҳам мужассам бўлиб келган. Чилилик шоир Пабло Неруда Рауф Парфига мана шундай ришталарнинг ҳар бири билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам шоиримиз унинг нафақат шеърятини, балки шахсиятига ҳам катта ҳурмат билан қараган эди. Унинг “Пабло Неруда ўлимига” шеъри бунга далил. Шеър-

да Р.Парфи уни “Чилининг оппоқ тонги”, “Озодликнинг сўнгсиз осмони”, ҳатто, Озодлик осмонининг кўёши деган сўзлар билан таърифлайди. Афсус, уни ўлдирдилар: “Уфқнинг бўйнига сиртмоқ – дор ташилаб”, “ўлдирдилар қора машъал тутган қора шайтанат”. Мазкур мудҳиш воқеа ҳақида адибимиз Асқад Мухтор шундай ёзган эди: “Фашист самолётлари Сантьягони ўққа тутган куни у пойтахтдан юз чақиримча узоқда, денгиз соҳилидаги Исла Негра қишлоғидаги ижодхонасида эди. Шоирдан доим кўрқиб-титраб турган хунтага ўша куни бу қўл келди, қишлоқнинг телефонлари, алоқа йўллари дарҳол узилди... Фашизм шоирлардан доим кўрқади. Ҳамма вақт шундай бўлиб келган. Фашизм шоир ҳалок бўлгандан кейин ҳам ундан кўрқади. Ўлим тўшагида ётган Неруданинг остонасига карабинёрлар қўйилди. Дўстлари, яқинлари, ҳатто маъсума Матильда (умр йўлдоши – О.О.) ҳам унинг ёнига киритилмади. Шоирнинг бирон сўзи оламга ёриб чиқишдан кўрқишарди...

Оғир касаллик ва юрт фожиаси бир ҳафтада шоирни ҳаётдан юлиб олиб кетди. Ўша кечасиёқ фашистлар Сантьягода ҳам, Исла Неграда ҳам унинг уйларига бостириб кириб, оташин куйчининг ҳар қандай изини, ижоди, мероси ва кутубхоналарини то охирги вароғи, охирги сўзигача йўқ этишга қасд қилдилар...

Иккинчи куни буюк шоирнинг тобутини уйга қўйиб бўлмади: хоналар сувга тўлдирилган эди. Тобутни кўчага бир неча ғишт устига қўйдилар”.

1973 йилнинг 23-24 сентябрларида юз берган ушбу воқеа Неруда юртидан миллионлаб чақирим узоқликда яшаётган бир ўзбек шоирининг қалбида ҳам акс-садо берди. Рауф Парфи вазиятни шундай баҳолайди:

*Қўлларига қайтадан қора машъал олган
машъум шайтанат –
Зулматликлар Чилининг оппоқ тонгини
Чил-чил синдирдилар.
Қонли санжоқ илдилар, Пабло.
Етим қилмоқ бўлдилар озодликни
Фақат.
Яна ўзларини етим қилдилар, Пабло.*

Рауф Парфи Пабло Неруданинг олти та шеърини таржима қилган эди. Табиати ва туйғуларида муштараклик бўлмаган бир шоир бошқа бир ижодкорнинг адабий оламига кира олмайди. Пабло Неруда Нобель маърузасида: “Шоирлик бурчи менга, нафақат гўзаллик ва уйғунлик, ҳайратли муҳаббат ва чексиз қайғу билан ошно бўлишни амр қилади, балки инсонларга хос қаҳрли ишларни ҳам поэзиянинг бир бўлаги бўлишини талаб этади”, деган эдики, бу сўзлар Рауф Парфи адабий-эстетик қарашларига ҳам бегона эмаслигини қайд этиш лозим.

“Бас, менинг учта пири бор, – дейди Рауф Парфи бир мақоласида, – Яссавий пири, Навоий пири, Тҳакур пири”. Шоир жаҳон адабиёти намояндаларидан бирортасини бу даражада улуғламаган. Яссави-ю Навоийлар, шак-шубҳасиз, миллий-маънавий йўлимизнинг ўзгармас маёқлари.

Тҳакур эса истибдод исканжасидан ўз миллатини олиб чиқиш йўллари
ёритган даҳо ижодкор. У ўзининг нафақат юрту миллатига муҳаббати,
балки шу Ватаннинг миллий озодлиги йўлидаги жасорати билан ҳам
Рауф Парфига устоз.

Робиндранатх Тҳакур шеърларидан бирида: *Оҳ. Ҳиндистон, она-
жон, қўшиқларим сен учун, Юрагимиз сеники – ўзга бизда нима бор, –
деса, Рауф Парфи:*

*Оҳ, она Туркистон, куйлайман ёниб,
Дунё журъатини бердинг қўлимга.
Мен энди англадим Туркий Дунёни,
Мана, мен тайёрман энди ўлимга, –*

деб ёзган эди. Улуғ ҳинд шоири: “Мен шеърларимда бирорта ҳам ёлғон
айтганим йўқ”, – деган бўлса, ўзбек шоири: “Ёлғон – истеъдоднинг ку-
шандаси. Ёлғон ёзган шоирнинг руҳи ўлади”, – деган эди. Демак, Тҳакур
Рауф Парфига ватанпарварликдан тортиб, то ижод тамойилларигача
устоз.

Шоиримизнинг Тҳакур ҳақидаги биринчи шеъри 1973 йилда ёзилган.
“Тҳакур ва срабон ёмғири” деб номланган ушбу шеърдан кейин у яна
“Тҳакурга иқтибос” (1993), “Тҳакурнинг охириги шеъри” (2003) асарла-
рини ҳам ёзди. Умрининг охирида эса “Тҳақурия” туркуми устида ишла-
ётгани ҳақида хабар беради. Буларнинг барчаси Рауф Парфининг “улуғ
ҳинди”га эҳтироми намуналари эди.

Яна бир ҳинд шоири – Муктибодх. Рауф Парфи мухлислари бу ном-
ни шоир шеърларидан бирининг сарлавҳаси сифатида биладилар. Ша-
рачандра Мадҳав Муктибодх (1921–1964) – XX аср ҳинд адибларидан
бири. “Янги кунлар аломати” (1949) шеърий мажмуаси, “Кишпра” (1954)
хикоялар тўплами ва “Сарҳад” (1962) романи босилган. Ҳинд шеърияти-
ни янги шакллар билан бойитган миллатпарвар адиб. Рауф Парфининг
“Муктибодх дуоси” шеъри мазкур ижодкор номи билан боғлиқ. Шоир
шеърдаги:

*Қачон тонг отади менинг юртимда,
Қачон адо бўлар ғамга ботган ғам?!*

сўзларини Муктибодх муножоти орқали айтмаса, совет пичоғи яланғоч
турган 1981 йилда ўз тилидан айта олмасди.

Умуман, Рауф Парфи бу усулдан кўп фойдаланган. Уларнинг аксария-
ти бирор ижодкор номи билан боғлиқ. Энг муҳими, ўша ижодкор билан
шоир орасида туйғудошлик, қисматдошлик ва маслакдошлик бор. Рауф
Парфи бу билан ҳам ўқувчига ўз дардини етказиш йўлини қилган, ҳам
жаҳон адабиётидаги бизга нотаниш бир дарддоши билан таништириб
ўтган...

2013 йилда шоир Берди Раҳмат “Шеърият байрамлари” номи билан
Рауф Парфи ҳақидаги хотира-мақоласини эълон қилди. Мақолада муал-

лиф шоирнинг “Хотирот” китобидаги шеърлар ҳақида тўхталиб, фикрини шундай давом эттиради: “Шулардан бири XX аср япон классик шоири Исикава Такубоку тилидан айтилган. Бор-йўғи беш сатр:

*Ҳасратимнинг
Суюқ тошларидан
Даҳма қурмоқчиман
Ўзимга
Ичида ўз жасадим бўлсин.*

Шу шеър сабаб менда япон шеъриятига қизиқиш уйғонади. Умуман, мен ва менга тенгдош ижодкорларни жаҳон шоирлари ижодига қизиқтирган инсон Рауф Парфи эди”. Дарҳақиқат, шундай. Лекин Рауф Парфи бизни фақат жаҳон шоирлари ва уларнинг асарлари билангина таништирмади, балки жаҳон шеърияти жанрлари билан ҳам ошно этди.

Замонавий ўзбек лирикасида жаҳон адабиётидан кириб келган шундай шеърӣ жанрлар борки, уларнинг миллий шеъриятимиз бағрида қонунийлашуви бевосита Рауф Парфи ижоди билан боғлиқ. Булар рондо (“Хайрлашдик... Ўйнар капалак...”), рондел (“Бу хафа кеча кечар”), танка (бешликлар), хокку (учликлар). Ва сонет ҳам ўзбек шеъриятида Рауф Парфи калами орқали камолот босқичига кўтарилди ҳамда унинг ҳеч кимниқига ўхшамаган классик намуналари яратилди. Шунингдек, шоир ижодида дунё шеъриятига алоқадор бир қатор поэтик усул ва фигуралар яратилдики – бу алоҳида тадқиқот мавзуи.

Рауф Парфи ўзбек ўқувчисини жаҳон адабиёти намояндалари билан икки усулда таништирди: биринчиси, улар ҳақида маълумот бериш воситасида (шеър, мақола ва адабий суҳбатда), иккинчиси, асарларини таржима қилиш орқали. Шоирнинг таржима ғаладонида бир эпопея (Н.Ҳикмат “Инсон манзаралари”), икки дoston (М.Ҳодий “Ҳаёт садолари”, А.Твардовский “Хотира ҳукуки”), бир драматик дoston (Байрон “Манфред”), учта пьеса (Я.Солович “Кумуш сиртлон”, Г.Остер “Маймунжонга саломлар”, У.Сароян “Эй, ким бор?”), иккита ҳикоя (Е.Гуцало “Учрашув”, Т.Миура “Сабр дарёси”), шунингдек, дунё шеъриятидан уч юзга яқин таржимаси борлиги маълум бўлади. (Бу рўйхат яна кенгайтиши мумкин). Уларнинг баъзилари ҳалигача чоп этилмаган. Бу манбалар Рауф Парфи ва жаҳон адабиёти доирасида умумий тасаввур беради, холос. Аслида, камров анча катта. Чунончи, шоир ижоди ва таржимонлик фаолиятини туркий халқлар адабиёти, рус адабиёти, ва ҳатто, Болтиқбўйи халқлари адабиёти билан боғлиқликда ўрганиш алоҳида тадқиқот мавзулари ҳисобланади.

*Олим ОЛТИНБЕК,
филология фанлари номзоди*

Азиз НЕСИН

(1915–1995)

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР

*Рус тилидан
Ҳабиб СИДДИҚ
таржимаси*

ОМАД КЕЛМАГАНДА...

У барча талаб ва таклиф масканларига мурожаат қилди. Газетада “Амалдор керак”, “Ишчи керак” деган эълон кўриб қолса, ўқдай учиб боради. Агар унга “Манзилингизни қолдиринг, ўзимиз хабар қиламиз” дейишса ва манзилни стол тақвимга ёзиб қўйишса, умид йўқ экан, деб тушунади.

Ҳар куни уйга қайтганида хотинининг биринчи саволи шу бўлади:

– Иш топдингми?

У пайтларда иш топиш йўлда кимдир тушириб қўйган пулни топиб олишдан ҳам қийин эди.

– Ҳеч қачон ҳаётда сендек укувсиз, ночор ва ҳақир одамни кўрмаганман!

Хотини одамга алам қиладиган сўзлар билан ҳужум бошларди.

Хотинининг оғзини ёпиш учун у ёлғон гапиришга мажбур бўларди:

– Бир ошнам ваъда қилди, эртага кел, тўғрилаймиз, деди.

– У нимани тўғрилайди?

– Ишни, жонгинам, ишга жойлашишни!

– Қанақа иш?

– Жуда яхши иш, зўр, чиндан ҳам ажойиб иш!

– Тушунарли, аммо айнан қандай иш?

– Бу... оёқ билан ишлаш... аммо бир жойда ўтириб.

– Бир жойда ўтириб оёқ билан ишлаб бўларканми?

– Бўлади, албатта! Пичоқли тикув машинасида ишласам керак.

– Қанча маош тўлашади?

– Уч юз!

Бундай саволлар ва ёлғонлар анча вақт давом этди. Эртаси куни окшомда хотини одатдагидек сўради:

– Ишга киришдингми?

– Мен бордим. Омадим чопмади. Хотини вафот этибди, ишга келмади.

Айтишларича, чоршанба куни келармиш.

Чоршанбалар, пайшанбалар ўтди, ёлғон ва уйдирмаларнинг охири бўлмади.

Бир куни хотини қатъий талаб қўйди:

– Овсар! Сен танбалликка ўрганиб қолдинг. Агар эртагаёқ иш топмасанг, яхшиси, уйга келмай қўявер!

Шу куни у тўрт-беш жойда ўз манзилини қолдирди. Уйга қайтганида эса унга эшикни очишмади.

– Хотинжон, хушхабар! Мен иш топдим, ишга кириб бўлдим, мен иш-лаяпман!

Шу сўзлардан кейингина эшик очилди.

У хотинига ўзининг янги иши ҳақида шундай гапирдики, бунга ўзи ҳам ишониб кетди.

– Ҳа майли, эртароқ ёт, эрталаб ишга кеч қолма!– деди хотини.

Эртасига сахарлаб у эрини ишга кузатди. У бутун кун кўчаларда тентиради, боғларда дайиди, иш топишга қандайдир умид бўлган идора ва масканларга кирди. Оқшомда уйга қайтганида эса ишлайдиган эркаклардек ўзини дағал тутиб, бакир-чакир қилди.

Умидларга тўла бундай ҳаёт йигирма беш кун давом этди. Аммо маош бериладиган кун яқинлашган сари уни кўрқув босди. Ўзига-ўзи “Мен уч юз лира топишим керак!”, деди. Хотини эса бу пулларни қандай сарфласам экан деб орзуларга берилди.

– Болаларни олиб онангникига бор. Биринчи санада, мен маош олган куни келасан!

Хотини итоаткорлик билан болаларини олди-да кетди. У бир қарорга келган – пул ўғирлаши керак эди. Тунда тунайдиган хонадонни ҳам белгилаб бўлган.

Ойнинг сўнгги туни!.. Оқшомдан у ўғриликка тушмоқчи бўлган уй атрофида дайиди. Мана, иккинчи қаватда – у кирмоқчи бўлган хонада чироқ ўчди. Бироз ўтиб ўша қаватда яшовчилар кўринишди. Омади келди – хонадон эгаси кетди. Энди кўркмасдан уйга кирса бўларди. У уй атрофида яна айланди.

Дераза панжарасини ушлаганча сув қувурига тирмашиб юқорига интилди. Балконга кўтарилиш қийин бўлмади. Қандай бахт! Балконнинг эшиги очик эди. Уйга киргач дадиллашди. Чироқни ёкиб атрофни кўздан кечирди. Ўғрилик бунчалик осон ишлигини ўйламаганди.

Идиш-товоқ жавонидаги олтин тагликда қимматбаҳо қадахлар турарди. У кийимилгичда осилиб турган либосга қўл узатди. Костюмнинг чўнтагидан олган қалин ҳамённи очганида кўзлари тиниб кетди: юз, эллик лиралик пуллар... У ётоқхонадаги стол ғаладонини тортди. Эндигина чоп этилгандай яп-янги пул боғламлари. Қаёққа қарама – ҳамма ерда пул!

У ҳамёндан учта юз лираликни олди. Хонага ўтди. Қоғозчага ёзди:

“Ҳурматли жаноб!

Мен уйингизга ўғрилик қилиш учун кирдим. Менга керак бўлган уч юз лирани олдим. Ишонинг, пул топсам, уларни сизга қайтараман. Ҳурмат билан...”

Хатни стол устида қолдирди.

Уйдан хотиржам, қандай йўл билан кирган бўлса, худди шундай чиқди. Яна бир ойга қойиш ва таъна қилишлардан қутулди. Кўп ойлاردан буён биринчи марта хотиржам ухлайди.

У уйининг олдига келди, деразада чироқ кўринди. Демак, хотини келган, ҳозир унинг олдига уч юз лирани ташлайди, пича бақириб-чақириб ўзининг эркакча “мен”ини кўрсатиб қўяди.

У чўнтагидан калитни олди, эшикни очди. Кутилмаганда кўкрагига икки тўппонча қадалди:

– Қўлингни кўтар!

Куролланган одамлардан бири тиржайиб деди:

– Кулоқ сол, виждонсиз одам экансан, сеникида икки соатдан буён оворамиз, олишга арзирли ҳеч вақо йўқ! Ахир одам деганнинг уйига ўғри-пўғри келиб қолса олғудай нарса бўлиши керак-да!

Кейин уни тинтишди, учта янги юз лиралик пулларни олишди-ю, кетишди.

У бўлса қуёш чиққунча ўтириб, хотинига нима дейишни, яна қандай ёлгон тўқишни ўйлади. Эрта тонгда эшик тақиллади. Хотин! У қалтираб эшикни очди ва рўпарасида иккита миршаб ва тунда ундан уч юз лирани тортиб олган икки ўғрини қўлига кишан солинган ҳолда кўрди. Унинг кўзлари қувончдан порлади. Демак, ўғриларни тутишибди.

Миршаблардан бири унга учта янги юз лиралик пулларни кўрсатди:

– Бу пуллар сизникими?

Юраги шув этиб кетди. Анави икки бечорани қутқариш учун у “Йўқ, меники эмас” демоқчи эди. Аммо миршаб уни огоҳлантирди:

– Бу икки ашаддий жиноятчи кеча тунда сизнинг уйингизга киришгани ва бу уч юз лирани сиздан куч билан тортиб олишганини тан олишди!

Ногоҳоний бахтдан тониб бўлмайди!

– Ҳа, меники! – деди у.

Миршаб сўради:

– Уларни қаердан олган эдингиз?

Ранги оқарди. Наҳотки уларга ҳаммаси маълум бўлса?..

– Сиз нега бунга сўраяпсиз? – тўнғиллади у.

– Пуллар қалбаки-ку, шунинг учун сўраяпман, – жавоб берди миршаб.

У гандираклаб кетди.

– Биз билан бўлимга юринг, кетдик, – деди миршаб қатъий.

АРЗОН ГҶШТНИНГ ШҶРВАСИ

Катта корхонанинг хўжайини хонасида ҳузур қилиб қаҳва ичиб ўтирарди. Кутилмаганда эшик очилиб остонада эскирган кийим-бошли одам пайдо бўлди. Ҳамма иш излаганлардай у қўлидаги қалпоғини гижимлаб турарди.

– Афандим, мен иш излаяпман!

Хўжайин унга бошдан-оёқ узоқ разм солгач, сўради:

– Қўлингдан нима иш келади?

– Касб-ҳунар билим юртини битирганман, биринчи тоифали чилангарман.

– Бизга токар керак эди-я, – деди хўжайин қаҳва ҳўплаб.

– Мен беш йил Германияда катта заводда токарлик қилганман. Тавсияномаларим бор.

Хўжайиннинг юзида қизиқишга ўхшаш нимадир йилт этди:

– Ҳмм... бизга асосан андозачилар керак.

– Мен ўзи зўр андозачи устаман, – деди дарров меҳмон.

– Агар сен дурадгор бўлганингда...

– Кечирасиз, жаноб, мен Америкада роппа-роса тўрт йил дурадгорлик устахонасига бошлиқ бўлганман.

Хўжайин ўзича яхши ишчига дуч келдим шекилли, аммо бу нусха катта ҳақ сўрамаса бўлди, деб ўйлади.

– Бу ҳаммаси яхши, оғайни, аммо бизга одам керак эмас.

– Мен ҳар қандай ишга розиман, жаноб.

– Нима ҳам дердик, сен дуруст йигитсан шекилли, фақат сенга очиқ айтиб қўяй: кўп тўлолмайман. Бунинг устига сени мавжуд иш ўринларидан ташқари олаяпман.

– Раҳмат, афандим, қанча берсангиз – шунга розиман.

– Биз энг зўр усталарга беш лира тўлаймиз. Сени иш ўринларига қўшимча олганим учун, кўпи билан... энг кўпи... ҳмм... билмадим... майли кунига икки лира бўлақолсин.

– Шунга ҳам раҳмат, афандим. Икки бўлса икки-да!

Хўжайин қармоққа илинтирганидан хурсанд бўлди.

– Ҳа-а, ҳали айтганим йўқ, – кескин оҳангда деди бошлиқ. – Бизда белгиланган аниқ иш вақти йўқ. Корхонада ҳеч ким ўн бир соатдан кам ишламайди. Кейин минғирлаб юрма. Шунақаси ҳам бўлиб туради, раҳминг келиб яхшилик қиласан, кейин ўзинг қийналиб юрасан.

– Ҳечқиси йўқ, афандим, ўн тўрт соат бўлса ҳам ишлайвераман, қўлим узилиб тушмайди.

Хўжайин кулоқларига ишонмади.

– Кейин огоҳлантирмагандингиз, деб юрмагин. Биноларимиз зах, қоронғи.

– Ҳа, нима қипти?

– Ҳа, эсимдан чиқай дебти. Сенга бирдан иш ҳақи тўламайман, бир ой синов муддатидан кейин, ишингдан хурсанд бўлсам...

– Майли, шундай бўлсин.

– Ҳа, яна бир шарт: яроқсиз маҳсулот чиқарсанг ёки дастгоҳни бузиб қўйсанг, зарарни қоплаш учун иш ҳақингдан йигирма фоиздан чегириб қоламан.

– Албатта, жаноб, сиз ҳақсиз.

– Яна бир нарсани айтиб қўяй. Сенга ажойиб машинани бераман, аммо сенинг қанақа уста эканлигингни билмайман...

– Билмайсиз, жаноб.

– Шунинг учун бай пули қўйишинг керак. Банкка, минг лира. Ҳар эҳтимолга қарши!

– Чин сўзим, афандим, отамдан қолган хароба уйимиз бор, шуни гаровга қўяман ва бай пулини тўлайман.

– Бўлди, агар шундай бўлса, ҳозироқ устахонага ўт, дарҳол ишга кириш.

У чиқиб кетиши билан хўжайиннинг хонасига иккита миршаб кириб келди.

– Афандим, сизнинг корхонангизга жиннихонадан қочган бир дайди югуриб кириб кетганди. Йигит узоқ вақт ишсизликдан азият чекиб ақлдан озган. Биз уни қидиrypмиз.



ГЕНРИХ СЕМИРАДСКИЙ

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, рус тасвирий санъатида катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу фавкулудда ўсиш нафақат рус санъатида, балки дунё тасвирий санъатида ҳам ўчмас изини қолдирди. Шу давр ижодий янгилашнишларига ҳисса қўшган ёрқин намояндалардан бири Генрих Ипполитович Семирадскийдир.

Рассом 1843 йили Украинада, ҳарбийлар оиласида таваллуд топди ва ёшлиги Харьковда ўтди. У классик реализмнинг илк сабоқларини, ўша даврнинг етук рассоми Дмитрий Безперчиядан олиб, кейинроқ, 1866 йили Петербург рассомлик Академиясига ўқишга қабул қилинади. Академияда унга батал жанри устаси Богдан Виллевальде ҳамда Карл Вениглар устозлик қилади. Ўқиш давомида ўз устида жиддий ишлаб, тинимсиз изланади. Кўп вақтини Эрмитажда, Италия Ренессанси намояндаларининг асарларини кузатиш ва уларни ўрганиш билан ўтказди. Рассомни мафтун этган яна бир олам – бу Петербург театрлари эди. У сахнавий декорациялар ва чироқлар эффектига катта қизиқиш билан қарар, сценографик ечимларни ўз асарларида қўллашга ҳаракат қиларди. Бу Семирадскийнинг илк йирик иши “*Македониялик Александрнинг шифокор Филиппга ишончи*” картинасида ўз аксини топди. Мазкур асар билан ёш мусаввир хорижга олти йиллик ўқишни давом эттириш йўлланмасини қўлга киритади.


Семирадскийнинг Петербургда ишлаган асарлари кўпинча танқидга учрарди. Сабаби – ижодининг асосий мавзуси диний ва антик давр сюжетлари билан боғлиқлигида эди. Худди шу даврда Петербург Академиясини ўз хоҳишлари билан ташлаб кетган бошқа ёш рассомлар бундай мавзуда диплом иш тайёрлашдан бош тортган эди. Улар кейинчалик “*передвижникилар*” номини олган. Айтиш керакки, бу даврда рус рассомларининг ижоди гуллаб-яшнашида бевосита рус императорлари ва Павелъ Третьяковнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш керак. Шу даврда яратилган шедеврларнинг асосий қисми мана шу шахслар томонидан қилинган buyurtmalar асосида чизилган ва яхшигина баҳода сотиб олинган. Семи-

радскийда бундай имконият бўлмаган. Маълумотларга қараганда, рассом буюртмалар бўйича ижод қилишни рад этган.

Шу тариқа Россияда “кетмони учмаган” Семирадский 1871 йили Мюнхенга йўл олади ва “*Рим оргияси*” асарини чизиб битиради. Ушбу асар немис танқидчилари ва санъат аҳли томонидан юқори баҳоланади. Рухланган ижодкор шундан сўнг Италияга сафар қилади. Флоренция, Венеция, Верона, Рим каби қадимий шаҳарларда ўзига хос дунёни кўрган рассом ўша ерда қолишга қарор қилади ва умрининг сўнгигача яшаб қолади. Семирадский бир неча йиллик изланишлари билан Европада ўз ўрнини топади. Ижоди бутун қитъада оммалашиб боради, жумладан, Рим, Париж, Берлин, Санкт-Петербург каби шаҳарларда ўтган халқаро кўргазмаларда Семирадский катта шуҳрат қозонади, бир неча давлатлар академияларининг фахрий аъзосига айланади. Сермахсул ижод қилиб, антик даврни янги нигоҳ билан тараннум этган рассом 1902 йили Польшада оламдан ўтган.

Семирадский рассом сифатида академизм йўналишида нафақат ижод қилди, балки ушбу йўналишни бир қатор янгиликлар билан бойитди ҳам. Унинг асарларида воқеалар табиатга кўчирилди, манзара билан боғланди, нур ва соя ўйинларининг жозибадорлиги юқори аниқлик даражасига олиб чиқилди. Унгача ушбу йўналишда ижод қилган аксар рассомлар композициянинг орқа фонини қорайтирар, асосий воқеани картина марказига олиб, сунъий соя ва ёруғлик ёрдамида кўрсатардилар. Баъзи асарларда табиат ҳам ишланарди, аммо табиатнинг фазовий кенглигига, планларига ва деталларига алоҳида урғу берилмас эди. Семирадскийнинг ижоди эса бу жиҳатларга жиддий эътибор қаратилгани билан янги ва оригинал эди. Қадимги Греция ҳаётидан сўзловчи “*Антоний ва Клеопатра*”, “*Қиличлар орасида рақс тушиши*”, “*Парис суди*”, Библия сюжетларидан олинган “*Масиҳ Марфа ва Мария ҳузурида*”, “*Масиҳ болаларни дуо қилади*” каби асарлари бунинг яққол мисолидир.

Семирадский манзара ва портрет жанрларида ҳам самарали ижод қилди. Инсон қиёфасини тасвирлашда унинг гўзаллиги ва пластикаси орқали характери очиқ беришга ҳаракат қилади. Портретларини иш-





лашда ёруғликнинг табиийлигига жуда нозик ёндашган. Яъни, портрет-га тушаётган ёруғлик сунъий тарзда яратилмайди ва бу портрет ишлаш-нинг мураккаб жиҳатларидан биридир. Рассомнинг ҳар бир портретида ёруғлик орқали бадиий ечим топилган, бу эса образлар характери-ни табиий ва тўлиқ очиб берилишини таъминлаган.

Рассомга чинакам шон-шуҳрат олиб келган асарларидан бири “*Нас-роний шамлари, Факела Нерон*” картинасидир. Семирадский бу аса-ри-ни уч йил (1873–1876 йиллар) давомида чизади. Асар жуда маҳобатли бўлиб, мазмуни эрамизнинг 64-йилида қадимги Римда бўлиб ўтган воқеалар билан боғлиқ. Картинада император Нерон томонидан ўлимга ҳукм этилган Рим ёнғини айбдорларининг кўргазмали қатл қилиш маъ-росими тасвирланган. Персонажларнинг ҳолатлари, ҳаракатлари ва ми-микасидаги ёрқинлик ижодкорнинг инсон руҳиятини ҳамда анатомия ил-мини мукаммал эгаллаганини яққол кўрсатади. Мазкур шедевр бугунги кунда Польшанинг Краков миллий музейининг дурдона экспонатларидан ҳисобланади.

*Санъат КЕНЖАЕВ,
Камолиддин Беҳзод номидаги
миллий рассомлик ва дизайн
институтини ўқитувчиси*

●● В этом номере публикуется продолжение романа Исажона Султана “Алишер Навои”. Читатели ознакомятся с главами, в которых описываются самые противоречивые и сложные моменты его жизни и вместе с тем напряженные периоды творчества. Посредством “путешествия” в прошлое, в мир личности и творчества Навои полнее раскрывается гениальность великого мастера.

●● В рубрике “Рассказы века” публикуется рассказ одного из основателей авангардизма латиноамериканской литературы XX века Хорхе Луиса Борхеса “Бессмертный”. Данное произведение, построенное на запутанном сюжете, имеющее сложную композицию и глубокую философскую мысль, переведено на узбекский язык Махкамом Махмудовым.

●● Эссе “Человек – Арал” известного писателя Абдусаида Кучимова посвящено жизни и деятельности Народного писателя Каракалпакстана Оразбая Абдурахмана. Повествование, написанное выразительным языком, использующее нетрадиционные способы изображения, рассказывает истории, связанные с жизнью писателя, создает творческий портрет самоотверженного, трудолюбивого и вместе с тем мужественного человека.

●● В статье литературоведа Алима Тулабаева “Мировая литература и Рауф Парфи” речь идет о влиянии Джорджа Байрона, Рабиндраната Тагора и современных японских поэтов на творчество узбекского автора, а также о его переводах из их поэзии.

●● Рассказы знаменитого турецкого писателя Азиза Несина некоторые рассказы опубликованы в рубрике “Мир смеется”. Писатель, рассказывая занимательные истории, богатые юмором, описывает проблемы общества и разоблачает непросвещенность, невежество и безответственность, властвующие над отдельными людьми. Рассказы переведены на узбекский язык Хабибом Сиддиком.

●● Isajon Sulton's novel "Alisher Navoi" will be continued in this issue. The most difficult period of main character's life and thriving moment of his creativity are described in this part of the novel. Readers can understand much better genius of Navoi and his works in difficult historical period.

●● One of the most mysterious writers of XX century Jorge Luis Borges's story named "An Eternal Man" is published in rubric "Stories of the Century". This work based on difficult plot, complex composition and philosophical ideas was translated into Uzbek by Mahkam Mahmudov.

●● An essay named "Aral Man" by well-known author Abdusaid Kuchimov is about a life path of People's Writer of Karakalpakstan Urozboy Abdurahmon. The author narrates about events around this writer in original manner and describes the portrait of brave and selfless karakalpak author.

●● Popular scientist Olim Tulaboyev in his article "Rauf Parfi and World Literature" writes about Rauf Parfi and sources of his inspiration – George Byron, Rabindranath Tagore, Pablo Neruda and modern Japanese poetry, also about his translations.

●● Well-known Turkish writer Aziz Nesin's several stories are published in rubric "The World Is Laughing". The author exposes problems of society, ignorance, indifference and irresponsibility in interesting humoristic forms. These stories were translated into Uzbek by Habib Siddiq.

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Д.РАЖАБ
Техник муҳаррир: Ғ.ЎНАРОВ
Мусаххих: Д.МАҲМУДОВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 10.05.2021 й. Бичими 70x108 1/16. Оффсет қоғози.

Оффсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 1580 нусха. 17 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб,

“PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани. Ўразбоев кўчаси, 35-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2021 й.